ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

**ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ**

# МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИ ПОЭТИКАСИ

***Монография***

Тошкент
“Nurafshon business”
2021

**821.512.133.09**
**83.3(5Ў)**

**Ё 96** **Ёқубов, Исломжон.**
**Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси** [Матн] : монография / И. Ёқубов. – Тошкент: “Nurafshon business”, 2021. – 336 б.

ISBN 978-9943-6686-8-3 УЎК: 821.512.133.09
КБК: 83.3(5Ў)

*Ушбу монография филология фанлари доктори Исломжон Ёқубовнинг кўп йиллик илмий-ижодий изланишлари натижасида юзага келган бўлиб, унда Мустақиллик даври ўзбек романларидаги поэтик янгиланишлар ва уларнинг юзага келишига таъсир этган омиллар жорий адабий жараён контексти ва жаҳон адабиёти аспектида яхлит назарий қараш ва тасаввурлар ҳосиласи сифатида ойдинлаштирилган, ҳаётий-эстетик асослари кўрсатилган.*

*XX асрнинг кейинги ўн йиллиги ва XXI аср ўзбек романчилиги бадиияти янгиланишига сезиларли таъсир этган романлар поэтикаси ўзбек ва жаҳон адабиётидаги аналоглари билан қиёсланган. Монографияда мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикасида кузатилувчи бадиий синкретизм, семантик қатлам эсселашуви, жанр модификацияси, бадиийлик модуслари, эпик баён йўсинлари, образ яратиш жараёнларининг янгиланиш тамойиллари миллий анъаналар ва жаҳон романчилиги тажрибалари асосида илмий-эстетик жиҳатдан умумлаштирилган.*

*Масъул муҳаррир:* **ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШЕВ,**
*педагогика фанлари доктори, профессор*

*Тақризчилар:* **УМАРАЛИ НОРМАТОВ,**
*филология фанлари доктори, профессор*

**ҲАМИДУЛЛА БОЛТАБОЕВ,**
*филология фанлари доктори, профессор*

Монография Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий-техник кенгашининг 2021 йил 29 январдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-6686-8-3**

© Исломжон Ёқубов, 2021.
© Nurafshon business, 2021.

# КИРИШ

Поэтика, яъни сўз санъати ҳақидаги фанни адабиёт назарияси маъносида тушуниш анъанаси антик даврларда юзага келган. XX аср ўрталарига келиб эса, поэтика жаҳон адабиётшунослигида бадиий асар тили ва ифода тизими ҳақидаги фан сифатида шаклланиб, формал ва социологик мактабларда адабий асарнинг қурилиш усуллари ҳамда уни ташкил этувчи унсурларнинг функциялари, поэтик ифода воситалари системаси ҳақидаги таълимот сифатида талқин қилинган. Чунки тадқиқот объекти қайси жиҳатдан ўрганилиши мақсад қилинса, эътибор қаратиш зарур бўлган масалалар ва ёндашув усуллари ҳам шунга мувофиқ тарзда танланади ҳамда шу нуқтаи назардан дунё адабиётшунослигида *назарий, хусусий ва тарихий поэтика* соҳалари фарқланади.

Бинобарин, *мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси дейилганида, адабий-тарихий жараённинг муайян макон ва замон кесимида нашр қилинган шу жанрга мансуб асарларнинг қурилишига хос умумий хусусиятлар, бадиий усул ва воситалар тизими назарда тутилади*.

Жаҳон илмий назарий тафаккурининг кейинги юз йиллик тараққиётида кузатилган сўз санъати назарияси ҳақидаги қарашларга кўра, поэтикада адабий асарнинг қурилиш усуллари билан боғлиқ кенг кўламли масалалар ўрганилмоқда. Формал мактаб вакиллари поэтикани бадиий асар сюжетининг қурилиш усуллари, тил ва нутқ услубий кўринишлари, шеър композицияси, ритм ва метрика, структура, шеърий синтаксис, поэтик интонация йўсинларида талқин қилган бўлсалар, социологик мактаб назариётчиси М.М.Бахтин уни "Бадиий асар нима? Унинг структураси қандай бўлиши ва қайси унсурлардан ташкил топиши лозим? Бу унсурларнинг функциялари нималардан иборат? Жанр, услуб, сюжет, мав-

зу, мотив, қаҳрамон, вазн, ритм, оҳанг тушунчалари нималарни англатади?" сингари масалалар нуқтаи назаридан тадқиқ этишга диққат қаратди.

Бинобарин, *поэтиканинг предмети адабий асар қурилиши ва ифода воситалари тизимини ҳар томонлама таҳлил ва тадқиқ этишдан иборат* бўлиб, унинг моҳиятини изоҳлашда ҳам кўплаб концептуал ёндашувлар юзага келган.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида азалдан мавжуд илмий анъаналар билан бир қаторда, дунё адабиётшунослигидаги янгича услуб ва ёндашувларни ижодий ўзлаштириш ва тадқиқотларда фаол қўллаш тамойили шаклланди. Чунки, бадиий адабиёт, хусусан, миллий романларда икки қутбли дунё ҳақидаги статик қарашлар янгиланди. Адабий ҳодисаларни сабаб-натижа муносабатларига таяниб изоҳлаш анъанаси ёнига оқибатдан сабабга қараб бориш тамойили қўшилиб, поэтик тасвирда рамзий-мажозийлик салмоғи ортиб, метафориклик чуқурлашди; тасвир предмети ва бадиийлик модуслари янгиланди; бадиий ифодада киноявийлик, трагиклик, сатириклик, драматиклик модусларига эътибор кучайди. Шунингдек, муаллиф ғоявий-эмоционал муносабатига кўра, сатирик модус марказига қўйилган "ниқоб"ланган ижтимоий типлар кескин инкор этилди; қаҳрамонлик модуси трансформацияга учради; жанр модификацияси содир бўлди. Миллий романнинг *роман-эпопея, роман-пенталогия, роман-тетралогия, ривоят-роман, мистик-роман; илмий-фантастик роман, маърифий-биографик роман, эссе-роман, роман-истеҳзо, роман-мушоҳада, роман-публицистика, "мини-роман"* каби ички шакллари юзага келди. Жанр намуналари семантик-структур қатламида эсселашув миқёси кенгайиб, поэтик ифода имкониятлари ортди. Мустақиллик даври ўзбек романшунослигида дунёни образли бадиий қайта гавдалантиришнинг Ғарбда тараққий топган тамойилларини Шарқ-ислом адабий-эстетик анъаналари билан уйғунлаштириш амалиёти юзага келди. Зеро, *"Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида*

*рақобатбардош бўлиши шарт"*лиги[1] адабиётшунослик фани олдига ҳам назарий тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасига юксалтириш мажбуриятини қўяди.

Роман тарихи, назарияси ва поэтикаси бўйича жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Indiana, University of Michigan, University Columbia (*USA*), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (*Turkiye*), Universität Humbold, Universität Bonn, Universität Frie (*Germany*), Ctraenl Asian Studies Instite, Parij University (*France*), Cambridge University (*Greet Britain*), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (*Россия Федерацияси*), Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (*Ўзбекистон*) филологларининг изланишлари характерлидир[2].

Жаҳон адабиётшунослигида роман жанрининг шаклланиш омиллари, тараққиёт тенденциялари ва поэтикаси муаммоси юзасидан қуйидаги илмий натижаларга эришилган: илк романлар юзага келиши XIX аср охири ва XX асрнинг бошлари адабий жараёнларининг умумий белгилари кесимида асосланган (*Cambrige University*); миллий романнинг пайдо бўлиши жадид матбуоти ривожи, араб, татар, бошқирд ва рус адабиётлари таъсири билан боғлиқ экани аниқланган (*Istanbul Üniversitesi, Central Asian Studies Instite, Parij University, Тил, адабиёт ва фольклор институти*); XX асрнинг 70-йилларигача юзага келган романларнинг жанр эволюцияси, мавзуси, ижодий методи, тили, услубий хусусиятлари,

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – №258 (6952).

[2] Монография мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.wisconsinuniversity; www.indiana.edu; www.humbold.edu; www.michigan.uni.edu; https://asiecentrale.revues.org/2919; http://www.dissercat.com; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.amazon.com; www.twipx.com; www.london.ac.uk; www.ox.ac.uk; www.agency-nationallresearch.fr; www.harvard.edu; www.uni-bonn.de ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

ижобий қаҳрамон ва бадиий маҳорат масалалари адабий жараён контекстида асосланган (*Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тил, адабиёт ва фольклор институти*); бадиий замоннинг фалсафий асослари белгиланган ва романда хронотоп масалалари илмий-назарий тадқиқ этилган (*Москва давлат университети, Universität Humbold, Universität Bonn, University California*); ўзбек адибларидан А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов ва У.Ҳамдам романлари этимологик, социологик ва структур-семантик аспектда таҳлил қилинган. Бу типдаги тадқиқотлар соф филологик эмас, балки адабий-сиёсий – социологик йўсинда амалга оширилган (*University of Indiana, University of Michigan, University Columbia*).

Дунё романшунослигида XX асрнинг кейинги ўнйиллиги ва XXI аср романлари поэтикаси бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жанр тараққиёти хусусиятларини аниқлаш; роман сюжет қурилиши ва ифода воситалари тизими моҳиятини концептуал ёндашувлар асосида изоҳлаш; поэтик тасвирда рамзий-мажозийлик ва метафориклик чуқурлашувининг объектив ва субъектив омилларини белгилаш. Демак, жаҳон адабиётшунослигида роман поэтикаси муаммосини адабий жараён контекстида умумлаштирувчи илмий-назарий хулосалар чиқариш эҳтиёжи мавжуд. XX–XXI асрлар романшунослиги илмий-назарий тажрибалари, адабий-эстетик мактаблар ютуқлари миллий романлар поэтикасидаги ижодий концепциялар, тасвир услублари, сюжет-композиция, персонажлар тизими, шакл-услубдаги ўзига хосликларни аниқлаш имконини беради.

Ўзбек романи тарихи ҳамда тадрижи И.Султон, С.Мирвалиев, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, А.Раҳимов, Б.Назаров, А.Каттабеков, Н.Раҳимжонов, Б.Каримов, М.Шарафиддинова сингари адабиётшунослар томонидан тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳамда замонавий ўзбек романларида сюжет ва конфликт

масалалари Омон Мухтор, Эркин Самандар, Муҳаммад Али, Ўткир Ҳошимов романлари мисолида ўрганилган[1]. Насрдаги услуб ранг-баранглиги ва жанрлар типологияси, ижодий услуб ва услубий йўналишлар ёритилган айрим тадқиқотларда 1960–1980-йилларда ёзилган романлар ўрганилган.

Миллий романнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва такомиллашиш жараёни, унинг тараққиётига хос етакчи хусусиятлар, жанр ва услуб турфа хиллиги, сюжет ва конфликт, бадиий нутқ поэтикаси, миллий руҳ ифодаси, поэтик маҳорат муаммолари А.Раҳимов, И.Мирзаев, Д.Тўраев, Ҳ.Каримов, Д.Қуронов, Й.Солижонов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, А. Носиров, Т.Қурбонов, З.Раҳимов, Ш.Исаева, Т.Шермуродов, М.Пирназарова, Б.Холиқов, Б.Тўраеваларнинг диссертацион тадқиқотларида атрофлича ўрганилган[2]. Роман поэтикаси

---

[1] Қаранг: Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Т.: Фан, 1978 – 1979; Мирвалиев С. Роман ва замон. – Т.: Фан, 1983; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Т., 1983; Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари / Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Жилд 1. – Т.: Фан, 1991; Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Т., 1978; Мамажонов С. Услуб жилолари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972; Шу муаллиф. Ғ.Ғулом прозаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987; Каримов Н. Ойбек. – Т.: Ёш гвардия, 1985; Шу муаллиф. Ойбек ва Зарифа. – Т.: Ўзбекистон, 1990; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992; Норматов У. Қодирий боғи. – Т., 1994; Шу муаллиф. “Ўтган кунлар” ҳайрати. – Т., 1997; Шу муаллиф. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ НМАК, 2007; Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Т.: Фан, 2008.

[2] Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт): Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60–80-йиллар): Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1994; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70–80-йиллар): Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1994; Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1998; Солижонов Й. XX асрнинг 80–90-йилларида ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2002; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2003; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва

тадқиқида кейинги йилларда турли авлодга мансуб ўзбек адабиётшунослари бажарган тадқиқотларнинг назарий хулосалари ҳам муҳим қиммат касб этади[1].

Анъанавий реалистик роман назарияси, модерн романчилик ва унинг бадиий-эстетик таҳлили муаммолари хусусида жаҳон файласуф-эстетлари ва рус адабиётшунослари салмоқли тадқиқотларни амалга оширишган[2]. Ғарб романчилиги

---

қаҳрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2012; Қурбонов Т. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1997; Раҳимов З. Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романи поэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2000; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2001; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2002; Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2006.

[1] Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб... – Т.: Маънавият, 1998; Йўлдошев Қ. Модернизм: илдиз, моҳият ва белгилар // Ёшлик, 2014, – №9. – Б.26-33; Содиқов С. Роман ва танқид. – Т.: Фан, 2008; Қуронов Д. Адабий ўйлар. – Т.: Turon zamin ziyo, 2016; Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2016; Улуғов А. Қалб қандили. – Т.: Akademnashr, 2013; Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006; Шу муаллиф. Назарий поэтика масалалари (Муаллиф. Жанр. Хронотоп). – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2015; Ҳамрақулова Х. Адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009; Мирзаева З. XX аср адабиётининг Америкада ўрганилиши. I китоб. – Т.: Фан, 2011; Холиқов Б. Детектив романларда воқеликнинг бадиий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг “Чўқинтирилган ота” (“The codfather”) ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри... дисс. автореф. – Т., 2018; Тўраева Б. Тарихий романларда бадиий замон муаммоси (О.Ёқубов ва П.Қодиров романлари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри... дисс. автореф. – Т., 2018.

[2] Тынянов Ю. Русская проза. – Л.: Академия, 1926; Эйхенбаум Б. О прозе. О поэзии. – М.: Худ. лит., 1986; Бахтин М. Эстетика словесного творчества – М.: Искусство, 1986; Храпченко М.Б. Художественное

йирик назариётчилари, файласуф-адабиётшуносларнинг илмий қарашлари[1] ҳам кейинги йиллар ўзбек адабиётшунослик илмида тегишли баҳосини олмоқда. Адабиётшуносликдаги роман поэтикаси муаммолари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар, илмий-назарий умумлашмалар мустақиллик даври ўзбек романларидаги поэтик янгиланишларни монографик аспектда тадқиқ этишда муайян даражада таянч вазифасини бажаради.

*Ушбу монографиянинг асосий мақсади мустақиллик даври ўзбек романларидаги поэтик янгиланишлар ва уларнинг юзага келишига таъсир этган омилларни жорий адабий жараён контексти ва жаҳон адабиёти аспектида яхлит назарий қараш ва тасаввурлар ҳосиласи сифатида ойдинлаштириш, ҳаётий-эстетик асосларини кўрсатишдан иборат.*

Монографик тадқиқот учун XX асрнинг кейинги ўн йиллиги ва XXI аср ўзбек романчилиги поэтикаси янгиланишига сезиларли таъсир этган "Тангри қудуғи" (Эркин Самандар), "Чўлпон" (Н.Каримов), "Донишманд Сизиф" (Хуршид Дўстмуҳаммад), "Туташ оламлар" (Ҳ.Шайхов), "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти" (Н.Норматов), "Каллахоналик йигитча", "Мусаввир" (Алишер Мирзо), "Гўрўғли" (Назар Эшонқул), "Наъматак" (Улуғбек Ҳамдам), "Озод" (Исажон Султон) романлари объект сифатида танланиб, улар поэтикаси ўзбек ва жаҳон адабиётидаги аналоглари билан қиёсланган. Мавзуни ёритиш ва чоғиштириш асносида комплекс таҳлил ва контекстуал таҳлилнинг социологик, тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ёндашувлари, шунингдек, компаративистик, биографик, психологик, герменевтик, гипотетик

творчество, действительность, человек. – М.: Худ. лит., 1982; Затонский Д. Искусство романа и XX век. – М.: Худ. лит., 1973; Кожинов В.В. Происхождение романа – М.: Сов. писатель, 1963; Борев Ю. Теория литературы. Т.IV (Литературный процесс). – М., 2001.

[1] Ортега-и-Гассет. Эстетика. Философия и культура – М.: Радуга, 1990; Восток и запад: Литературные взаимосвязи в зарубежных исследованиях. – М., 1989; Вульф В. Современная художественная проза / Писатели Англии о литературе – М.: Прогресс, 1982.

методлар ва имманент таҳлилнинг структурал, стилистик метод турларидан фойдаланилган.

Монографияда мустақиллик даври миллий романлари тараққиётининг илгариги босқичлари билан мустақиллик даври романлари анъана ва новаторлик, поэтик тасвир йўсинлари жиҳатидан ўзаро қиёсланиб, макон ва замон концепцияси ифодасидаги янгиланишлар аниқланган. Анъанавий мотивлар қўллаш натижасида шайх-валийлар образини яратишда сезиларли ютуқларга эришилгани, миллий роман эсселашув миқёслари ва поэтик ифода йўсинлари кенгайгани исботланган. Романларда жанр модификацияси содир бўлиб, бадиийлик модуслари янгиланиши натижасида жанрнинг янги шакллари юзага келгани аниқланган ва ҳар бир шаклнинг структурал-семантик хоссалари белгиланган. Миллий романчиликда гибрид асарлар юзага келиши, символик тасвирга эътибор ортиши воқелик тасвирида объектив реаллик билан кечинма уйғунлашувининг натижаси экани асослаб берилган. Поэтик ифодада дунёнинг илғор адиблари асарларида кузатилган ранг-баранг эпик баён йўсинлари миллий асосда ўзлаштирилиши янгича услуб ва усулларни қўллаш орқали турли нуқтаи назарларни муайян роман семантикаси ва композицион маркази теварагида яхлит уйғунлаштириш натижаси экани далилланган. Миллий романларда бадиий тасвир предмети янгиланаётгани жанр тараққиётининг илгариги босқичларида кузатилмаган композиция ва шаклдаги асарлар структурал-семантик табиатини тушуниб, ҳис қилувчи ўқувчилар шаклланиши эҳтиёжини юзага чиқаргани янги парадигма пайдо бўлишининг дастлабки белгилари экани асослаб берилган.

Монографиянинг асосий илмий хулосалари ва муҳим назарий умумлашмаларидан адабиёт назарияси, ўзбек ва жаҳон романчилиги тарихи ҳамда назарияси, хусусий, тарихий ва назарий поэтика, жанр типологияси ва поэтик маҳоратни ўрганишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқотнинг назарий хулосалари замонавий адабий оқим ва йўналишларга хос белги-сифатларни ижодий қайта ўзлаштириш, макон ва

замон, жанр модификацияси, бадиийлик модуслари, адабий монтаж усули, ассоциатив тасвир, эпик баён йўсинлари, композицион яхлитлик каби масалаларга комплекс ёндашувга асосланган тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу монографик тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим тизимида ўқитилаётган адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён ва адабиёт назарияси фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, шунингдек, ихтисослик фанларини ўқитишда, замонавий ўзбек романи поэтикаси, жанр бадиияти, ижодкорлар поэтик маҳоратига оид махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади. Мустақиллик даври ўзбек романлари хронологик кўрсаткичи ишлаб чиқилгани ҳам тадқиқот амалий аҳамиятини белгиловчи муҳим жиҳатдир.

# I БОБ.

# МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ЖАНР МОДИФИКАЦИЯСИ

## *1.1. Роман поэтикаси тушунчасининг замонавий талқинлари*

Маълумки, поэтика: (*гр. poietike techne* – поэтик санъат) бўлиб, адабиётшуносликнинг энг қадимий қоидалари, бадиий асарлар тили ва ифода тизими ҳақидаги фандир[1]. У кенг маънода адабиёт назарияси сўзига тўғри келади. Аммо адабиётшуносликнинг назарий соҳаси сифатида адабий тур ва жанрлар специфкаси, адабий оқим ва йўналишлар, услуб ва методлар, турли ички боғланиш қонуниятлари, барча бадиий воситалараро алоқадорликни ўрганади. Тадқиқот қаратилган аспект ва қамровга кўра, бу тушунча англатган мазмун ўзига хослик касб этади (*романтизм поэтикаси, роман поэтикаси, ижодкор поэтикаси, алоҳида олинган асар поэтикаси* каби).

Фан қамрови ва уни ўрганишнинг методологик тамойиллари ўзгариши билан боғлиқ тарзда поэтика тушунчаси турли даврларда ҳар хил маънода қўлланиб келинди.[2] Қадимги юнон файласуфи, адабиётшунос ва нотиғи Арастунинг умуминсоний нафосат ва санъат қонун-қоидалари баён қилинган “Поэтика” (*“Нафис санъат ҳақида”*) асарида умуман бадиий адабиёт, кенг маънода эса поэтик санъат ҳақидаги фан поэтика термини билан юритилди. Аристотель эстетикаси-

[1] Литературный энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1987. – С.295.

[2] Аверинцев С.С. Древнегреческая поэтика и мировая литература / Поэтика древнегреческой литературы. – М.: 1981; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. – М.: Арсель-Аст, 2003. – С.32–35; Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т.: Mumtoz soʻz, 2015. – Б.444.

да тасвирлаш воситалари, объекти ва усуллари жиҳатидан фарқланувчи уч тур: (*драма, эпос, лирика*)нинг имкониятлари кўрсатилди.[1]

Олим эпосни қаҳрамонлар нутқининг берилиши, эпопеяни эса муҳим воқеалар (*шахслар ва хатти-ҳаракатлар*)ни акс эттиришга интилиши билан изоҳлайди. Эпопеянинг тасвирлаш вақти чегараланмаган, ҳажми улкан, баён услуби ўзига хос бўлиб, унда сўз воситасида жиддий фалсафий мулоҳаза юритилади, тафсилотлар кенг берилади. Бундай умумий кенглик ҳар бир қисмнинг ўзига яраша ҳажмга эга бўлишини таъминлайди. Эпос умумий мақсад орқали боғланган муайян бир воқеа атрофига қурилиши, яхлит ва тугал бўлиши керак.

Аристотелнинг ижод эркинлиги ва санъат имкониятлари ҳақидаги қарашларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

– ҳаётни одамлар жонли турмуши асосида ёки улар онг-шуурида қандай тасаввур қилинса, ўшандай – ишониш мумкин бўлган тарзда тасвирлаш;

– бадиий асар ҳақида ҳукм чиқаришда поэтик матнга таяниб иш кўриш ва ёзувчининг шахси, мақсади, вазият-ҳолат талаби, макон-замон тақозоси каби факторларни инобатга олиш;

– сўзнинг нозик маъно товланишларини англаш, тиниш белгилари ўз ўрнида қўллашга диққат қаратиш;[2]

– сиёсатдаги ҳаққонийлик билан поэзия ва санъатнинг бошқа турларидаги ҳаққонийлик ўртасидаги катта фарқни инобатга олиш.[3]

Поэтика, хусусан, роман поэтикаси ҳақидаги назарий қарашларнинг англаниши ўзбек адабиётшунослигида қандай тараққиёт йўлини босиб ўтди? – деган ҳақли савол туғилади. Албатта, биз бу кўламдор муаммони тўласича ёритиш даъвосидан йироқмиз. Шунга қарамасдан, айни масалани ўзбек тилида нисбатан кам яратилган адабиёт назариясига доир ман-

---

[1] Аристотель. Поэтика. Ахлоқи Кабир. (Маҳкам Маҳмуд ва Уммат Тўйчиев таржима ва шарҳлари). – Т.: Янги аср авлоди, 2004.

[2] Аристотель. Поэтика. Ўша жойда. – Б.58–63.

[3] Аристотель. Поэтика. Ўша жойда. – Б.59.

балар: дарслик ва қўлланмалар ҳамда кейинги йилларда юзага келаётган айрим тадқиқотлар мисолида кузатиш лозим топилди. Зотан, адабиётнинг мазмун-моҳияти, семантик-структур жиҳатлари, тараққиёт йўли, адабий асар спецификаси, адабий-эстетик рецепция (*эстетик ҳодисаларни тушуниш, тушунтириш*) бобида эришилган ютуқларни кўрсатиш уларнинг ўз давридаги аҳамияти ҳамда мустақиллик даври романларини изоҳлашдаги ўрнини белгилаш имконини беради.

Жумладан, ХХ асрнинг биринчи чорагидаёқ Абдурауф Фитрат эпик асар (*эпос*)нинг ўзига хослигини унинг ривоя тарзида мавжудлигига кўра белгилаган эди[1]. Олим поэтик ижод намуналарини лирика, ривоя (эпос) ва томоша тарзида уч турга ажратди. Унинг таъкидлашича, ривоя (роман) воқеликдаги ёхуд ёзувчи хаёлидаги воқеани англатиш йўли билан битилади: *"Ҳаётнинг белгили бир даврини кенг суратда тасвир этиб ёзилғон асарга "рўмон" дейиладир... Рўмонларда асарнинг қаҳрамони, ё қаҳрамонлари қайси замонда, қайси муҳитда, қайси жамиятда яшаған бўлсалар, шуларнинг урф-одат, қонун, тилак, ҳавас, орзу, камчилик, ахлоқ, эътиқодлари ингичка, ҳам кенг суратда тасвир этиладир.*

*Томоша асарларда кўрганимиз "тўлалик, бирлик, тўғрилик" каби шартларнинг рўмон билан ҳикояда ҳам бўлишлари лозимдир. Ривоя асарлари орасида энг муҳим ўрун рўмонларга берилгандир; бироқ адабиётнинг энг оғир, энг қийин шўъбаси ҳам рўмон ёзмоқдир"*[2].

Кўринадики, Фитрат романни реалликдан олиниб ижодкор хаёлида сайқалланган воқелик тасвиридан иборат мураккаб жанр деб билади. Унинг фикрича, роман муайян давр ва муҳитни ишониш мумкин бўлган даражада ҳаққоний ва кўламли тасвирлайди. Инсонни ижтимоий муҳит маънавий-ахлоқий меъёр ва идеаллари билан чамбарчас боғлиқ-

---

[1] Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт ҳавасмандлари ҳам муаллимлари учун қўлланма. – Тошкент–Самарқанд, 1926 / Нашрга тайёрловчи Болтабоев Ҳ. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.20–21; Фитрат А. Танланган асарлар. 4-жилд. – Т.: Манавият, 2006. – Б.11–88.

[2] Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Ўша жойда. – Б.98.

ликда олиб қарайди. Образлар руҳиятининг очилиши, бадиий яхлитлик, табиийлик, ҳаётийликни таъминлайди ҳамда нафосатли ифода этади. Илк қўлланмадаёқ, муаллифнинг Арасту концепциясини тўла ўзлаштирганлигини кўриш мумкин. Ойбек, Б.Дўстқораев, Ҳ.Болтабоев сингари олимлар ҳам "Адабиёт қоидалари"нинг бошланғич маълумот берувчи асар эканини эътироф этишади[1].

Миллатнинг Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон каби илғор зиёлилари ҳаётдан бевақт кўз юмгач юзага келган "Адабиёт назарияси" дарсликлари (Иззат Султон: 1980, 1986, 2005; Ҳ.Умуров: 2002)[2] ва икки томлик "Адабиёт назарияси"[3] китоблари тўласича моддиюнча методология асосига қурилди. Ҳатто, проф. Н.Ф.Каримов томонидан И.Султон асари ислоҳ қилиниб, бир неча бор қайта нашр этилганида ҳам, ижтимоий масалаларга кўпроқ эътибор қаратилгани билан боғлиқ жиҳатлар сақланиб қолди.

*И.Султон ва Ҳ.Умуровлар, асосан, "Поэтика" (Аристотель), "Поэзиянинг жинс ва турларга бўлиниши" (В.Г.Белинский)* асарлари, қисман Г.В.Ф. Гегель, Р.Уэллик, О.Уоррен, Г.Маркевич сингари турли давр назариётчилари қарашларига эргашадилар.[4] Улар кўпинча, ўтган асрнинг 50–60-йилларигача яратилган адабий асарларга таяниб иш кўришган. Бундай назарий дарслик ва қўлланмалар проф. С.Содиқов тўғри таъкидлаганидай: *"Ҳозирги замон адабий-назарий тафаккури тараққиётидан бирмунча орқада қолган"[5].*

---

[1] Ойбек. Адабиёт қоидалари // Қизил Ўзбекистон, 1926 йил, 8 декабрь; Дўстқораев Б. Адабиёт назариясига оид илк асарлар // Ўзбек адабиёти масалалари. – ТошДУ Илмий асарлари, 1986. – Б.47–51; Болтабоев Ҳ. Қатағон қилинган илм. – Т.: Хазина, 1996.

[2] Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Иккинчи нашри. – Т.: Ўқитувчи, 1986; Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – T.: O'qituvchi, 2005.

[3] Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Т.: Фан, 1978–1979.

[4] Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Т.: Ўздавнашр, 1955. – Б.134–135.

[5] Содиқов С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Т.: Шарқ НМАК, 2005. – Б.267.

*Проф. Ҳ.Болтабоев адабиёт назарияси турли аспектлари ва бўлимлари ҳақида тўхталиб: "...унинг асосий аспекти, ўзак-негизи поэтика масалалари бўлиб, замонавий дарслик ва қўлланмаларда назарий ва тарихий поэтика таснифида қаралади"*[1]*, деб ёзади. Ҳ.Болтабоев ва М.Маҳмудовларнинг салкам чорак асрлик ижодий изланишлари самараси ўлароқ, уч жилдга мўлжалланган ва дастлабки икки жилди илмий-адабий жамоатчилик ҳукмига тақдим этилган "Адабий-эстетик тафаккур тарихи"*[2] *тадқиқоти кейинги йилларда яратилган жиддий изланишлардан бири бўлди.*

*Дунё глобаллашган сари ижодий жараёнда реал борлиқни мавҳум қабул қилиш салмоғи ҳам ортди. Илоҳий тасаввурларни ифода қилиш ва ижоднинг мутлақ Яратувчи билан муносабатини англатиш имкони юзага келди. Зотан, сўз санъаткори ижодий тахайюл воситасида оддий кўз билан кўриш мумкин бўлмаган хилқатларни илғабгина қолмай, уни рамзий белгиларда акс эттиришга ҳам эришади. Шу маънода, олмон олими В.Воррингернинг "Абстракция ва ҳис қилиш" (1908), француз олими М.Сейфорнинг "Абстракт санъат, унинг манбалари ва илк усталари" (1949), рус эстети Ю.Боревнинг "Эстетика" (2003), ўзбек адабиётшуноси Ҳ.Болтабоевнинг "Адабиёт энциклопедияси" (2015) китобларида яқин ўтмиш адабиётшунослигида ҳукм сурган "предметсиз санъат", "объектсиз тасаввур" сингари камситишлар инкор этилди. А.Барр (АҚШ), П.Келее (Олмония), Л.Бажанов, В.Турчин, И.А.Елисеев, Л.Г.Поляков (Россия Федерацияси), Т.Караташ (Туркия) сингари олимларнинг қарашлари юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Жумладан, П.Келее: "дунё ваҳшийлашиб борган сари, санъат абстрактлашиб бораверади",* – деган қарашни илгари суради.[3]

---

[1] Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т.: Mumtoz so'z, 2015. – Б.198.

[2] Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи, I жилд: Қадимги давр. – Т.: Mumtoz so'z, 2013; II жилд: Ўрта асрлар. Уйғониш даври (IV–XVI). – Т.: Mumtoz so'z, 2016.

[3] Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т.: Mumtoz so'z, 2015. – Б.99.

У.Жўрақуловнинг “Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп”[1] номли китобида мумтоз достон, роман ва драма жанрлари, хронотоп поэтикаси, сюжет, образ сингари кўплаб назарий адабиётшунослик масалалари, адабий-тарихий жараён муаммолари хусусида атрофлича фикр юритилди.

Шубҳасиз, поэтика ва жанр поэтикаси, роман семантик-структурал белгилари, бадиият олами, образлар дунёси билан боғлиқ илмий-назарий муаммолар тадқиқи шу дарслик ва қўлланмалар доирасидагина ўз изоҳини топмади. Ўзбек романининг туғилиши, шаклланиши, тараққиёт тарихи ва тадрижини айни йўсинда ўрганишда: И.Султон, С.Мирвалиев, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, А.Раҳимов, Б.Назаров, А.Каттабеков, Н.Раҳимжонов, Б.Каримов, М.Шарафиддиновалар амалга оширган кенг кўламли ва хайрли изланишлар муҳим аҳамият касб этади. Уларда А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор асарлари ҳамда замонавий ўзбек насрига хос умидбахш тамойиллар, сюжет ва конфликт масалалари О.Мухтор, Э.Самандар, Муҳаммад Али, Ў.Ҳошимов романлари мисолида ўрганилди. Услуб ранг-баранглиги ва жанр типологияси, ижодий услуб ва услубий йўналишлар ёритилди. Бундай тадқиқотларда, асосан, 1960–1980-йилларда ёзилган асарлар ўрганилди.

Миллий романнинг туғилиши, шаклланиши ва такомиллашиш жараёни, тараққиётига хос етакчи хусусиятлар, жанр ва услуб турфа хиллиги, сюжет ва конфликт, бадиий нутқ поэтикаси, миллий руҳ ифодаси, поэтик маҳорат муаммолари А.Раҳимов, И.Мирзаев, Д.Тўраев, Ҳ.Каримов, Д.Қуронов, Й.Солижонов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, Т.Қурбонов, З.Раҳимов, Ш.Исаева, М.Пирназарова, З.Бекбергенова, Ж.Каниязова, Б.Тўраева, Б.Холиқовларнинг диссертацион тадқиқотларида атрофлича ўрганилди.

Уларда ўзбек ва қорақалпоқ романи ифода имкониятлари тобора бойиб бораётгани ўринли қайд қилинди. Айрим адиб-

[1] Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари (Муаллиф. Жанр. Хронотоп). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.

лар ижодий мероси хусусий поэтика нуқтаи назаридан структуравий таҳлил методлари асосида тадқиқ этилди. Яқин ўтмишда яратилган ўзбек романларининг эпик анъаналар билан муносабати, бадиий тили, тасвирий воситалари тадқиқ этилди. Муайян авлод носирларининг услубий йўналишлари жаҳон адабиётининг илғор тажрибаларидан фойдаланиш даражаси қиёсий таҳлилга тортилди. Аксарият тадқиқотларда ўзбек романининг реалистик ва модернистик ифода тамойиллари, адабий таъсир ҳамда бадиий таассуб моҳияти, роман синкретик стилистикаси сингари муаммоларга муносабат билдирилди[1].

Бадиий асарлар таҳлили тобора ижтимоийликдан халос бўлиб, ғоявий эстетик концепция, характерлар мантиғининг ҳаёт мантиғига мувофиқлиги, образлар оламининг ўзига хослиги, ифода гўзаллиги, услубий тенденцияларни

---

[1] Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт) – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60–80-йиллар). – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1994; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70–80-йиллар). – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1994; Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида). – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1998; Шу муаллиф: Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ НМАК, 2004; Солижонов Й. XX асрнинг 80–90-йилларида ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2002; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2003; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси. – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2012; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон. – Т.: Mumtoz so'z, 2011; Қурбонов Т. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати. – Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1997; Раҳимов З. Одил Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" романи поэтикаси. – Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2000; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. – Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2001; Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида). – Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2006.

кўрсатишга қаратила бошлади. Жумладан, А.Раҳимов монографик тадқиқотида А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Мухтор, Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов романлари поэтикаси сюжет ва конфликт ифодаси нуқтаи назаридан ўрганилди[1]. Академик М.Қўшжоновнинг айрим кузатишларида Муҳаммад Али, О.Мухтор, Э.Самандар романлари таҳлилга тортилди[2]. Проф. У.Норматов ўз изланишларида Муҳаммад Али, О.Мухтор, Э.Самандар, У.Ҳамдам, И.Султон, А.Йўлдош, Зулфия Қуролбой қизи насрида хилма-хил фалсафий заминга асосланган адабий-ижодий тамойиллар амал қилишига эътибор қаратди. У эстетик қимматга молик адабий оқим ва мактабларга эҳтиромли муносабат зарурлигини алоҳида уқтирди.[3] У.Норматов тадқиқотларида Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Муҳаммад Али каби мустақиллик даври романнавислари бадиий маҳорати; адабий жараён муаммолари, адиблар поэтик олами, баъзи асарларнинг ижодий тарихи ва бадиияти, айрим мунаққидлар ижодий принциплари ўз ифодасини топди[4].

Бадиий тил масалалари ва нутқ типларининг поэтик асардаги ўрни, роли ҳамда аҳамиятини тадқиқ этишда Й.Солижонов изланишлари муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этди[5]. З.Пардаева бугунги ўзбек романлари генезиси, роман назарияси тадрижи, анъанавий реалистик ва модернистик роман тамойиллари, адабий тасвир ҳамда бадиий таассуб моҳияти, роман синкретик стилистикаси сингари муаммо-

[1] Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт) – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1993.

[2] Қўшжонов М. Шоир, драматург, романнавис. – Т.: Чўлпон НМИУ, 2005.

[3] Норматов У. Насримиз анъаналари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978; Қодирий боғи. – Т., 1994; Ўтган кунлар ҳайрати. – Т., 1997; Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000; Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ НМАК, 2007.

[4] Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Т.: Mumtoz so‘z, 2008; Шу муаллиф. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ НМАК, 2007.

[5] Солижонов Й. XX асрнинг 80–90-йилларида ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2002.

ларга муносабат билдирди[1]. Олима истиқлол даври ўзбек романлари поэтикасига дунё романчилигига хос тамойиллар таъсирини "Отамдан қолган далалар" (Т.Мурод) ва "Қўрғонланган ой" (Ш.Бўтаев) романлари мисолида кузатди. Ш.Дониёрованинг "Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси" номли монографик изланишида мустақиллик даврида яратилган ўзбек романларида адабий қаҳрамон маънавий-ахлоқий олами, руҳий дунёсида юз берувчи жараёнлар тасвири, образ яратиш усуллари фольклор анъаналари ва миллий қадриятлар негизида тадқиқ этилди. Х.Ҳамрақулова "Адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси"ни ўрганар экан, айни масаланинг XX аср ўзбек адабиётидаги бадиий талқинларини ҳам тадқиқ этди.[2]

Проф. Д.Қуроновнинг "Адабий ўйлар" китобида Т.Мурод ва О.Мухтор романлари тадқиқ этилди. Олим *"Миллий насримизда бадиий тафаккурнинг янгиланиши инқилобий йўл билан эмас, табиий тадрижий ривожланиш тарзида амалга ошган"[3], деган хулосага келди. Проф. Д.Тўраев мустақиллик даври романларидаги умидбахш анъаналарни салкам бир асрлик миллий романчилик тажрибаларини ўзлаштириш билан боғлади.[4]. Проф. М.Холбеков "XX аср модерн адабиёти манзаралари" мақолалар тўпламида[5] Р.Барт, Ц.Тодорова, Ю.Кристева, А.Греймас, М.Фуко ва бошқа олимлар француз тилида битган асарлар мағзини умумлаштирди. Модернизм ва постмодернизм адабиёти намояндалари: М.Пруст, Ж.Жойс, Ф.Кафка, В.Вульф, Т.Элиот, У.Фолькнер, А.Камю, У.Эко ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий очерклар берди. Дунёнинг ўзгариб – алмашиб турувчи кайфиятлари санъату адабиётга кўчиши муаммоси-*

[1] Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2003.

[2] Ҳамрақулова Х. Адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

[3] Қуронов Д. Адабий ўйлар. – Т.: Turon zamin ziyo, 2016. – Б.28.

[4] Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.

[5] Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Т.: Mumtoz so'z, 2014.

*ни ўрганди. Проф. Қ.Йўлдошев "Модернизм: илдиз, моҳият ва белгилар" мақоласида[1] модернизм ҳақидаги манбалар мағзи синтез қилиниб, ўзбек адабиётидаги шу типдаги интилишлар изоҳланди. Адабиётшунос С.Содиқовнинг "Ижоднинг ўттиз лаҳзаси"[2] ҳамда "Роман ва танқид"[3] китобларида: О.Ёқубов, О.Мухтор, Муҳаммад Али, Н.Каримов, А.Дилмурод, У.Назаров, Х.Дўстмуҳаммад, А.Нурмуродов, С.Вафо, Ғ.Ҳотамов, Т.Рустам, Н.Арслон, У.Ҳамдам, А.Сиддиқ, Н.Исмоилов, А.Саид қаламига мансуб романлар таҳлилга тортилди. Адабиётшунос А.Тўйчиев бадиий макон ва замон концепцияси нуқтаи назаридан "Тушда кечган умрлар" асарига муносабат билдирди.[4]*

*Адабиётшунос А.Расулов 1990-йиллар охиридан эътиборан: "Насрнинг назм томон силжиб бориши – руҳият оламини акс эттириши; қиёс, рамзларнинг нозиклашуви; моддий тушунчалар туйғусини енгиб, руҳий-маънавий тасаввурлар оламидан муҳим ўрин эгаллаши"[5] каби етакчи белгиларини кўрсатишга интилди. Б.Каримовнинг "Руҳият алифбоси"[6] китобининг илк фаслида наср муаммоларига тўхталинди. "Ўткан кунлар" (А.Қодирий), "Кеча ва кундуз" (Чўлпон), "Қутлуғ қон" (Ойбек) романларидаги ҳаёт ва ўлим муаммоси тасвирларидаги муштарак жиҳатлар тадқиқ этилди. А.Улуғовнинг "Қалб қандили"[7] китобида М.Бахтиннинг Ф.Достоевский ва Ф.Рабле ижодига бағишланган салмоқли илмий-назарий тадқиқотлари ўрганилди.*

*Адабиётшунос У.Жўрақуловнинг "Ҳудудсиз жилва"[8] кито-*

---

[1] Йўлдошев Қ. Модернизм: илдиз, моҳият ва белгилар // Ёшлик, 2014. – №9. – Б.26–33.

[2] Содиқов С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Т.: Шарқ НМАК Бош таҳририяти, 2005.

[3] Содиқов С. Роман ва танқид. – Т.: Фан, 2008.

[4] Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. – Т.: Mumtoz so'z, 2009.

[5] Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб... – Т.: Маънавият, 1998. – Б.9.

[6] Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016.

[7] Улуғов А. Қалб қандили. – Т.: Akademnashr, 2013.

[8] Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006.

*бида назарий адабиётшунослик: методология, адабий оқимлар, илмий мактаблар, хусусида фикр юритилди. Олимнинг Алишер Навоий "Хамса"сида хронотоп поэтикаси мавзуидаги докторлик диссертациясида Алишер Навоий "Хамса"сидаги жанр, композиция, сюжет, образ муаммолари тарихий жанрлар контекстида хронотоп назариясига кўра асосланди. "Хамса" навоийшуносликнинг олдинги босқичларида тарихий поэтика аспектида яхлит синтетик жанр сифатида кузатилмаган эди. У.Расулованинг "Ҳозирги адабий жараён: наср поэтикасида ритм"[1] номли китобида поэтик асар бадиий унсурлари узвийлиги, ички алоқадорлиги мукаммаллашувида ритмнинг ўрни масаласи ўрганилди.*

*Адабиётшунос М.Қўчқорова "Бадиий сўз ва руҳият манзаралари"[2] монографиясида ҳозирги ўзбек насрида бадиий психологизм муаммосини ўрганди. М.Шералиеванинг "Ҳозирги ўзбек насрида киноя" номли монографиясида[3] Мурод Муҳаммад Дўст ижодида романтик мотивлар трансформацияси масаласи, хусусан, "Лолазор" романига ҳам муносабат билдирилди. Б.Холиқовнинг "Детектив роман поэтикаси"[4] монографиясида детектив жанр генезиси, поэтик моделлари ва бадиий талқинларидаги ўзига хосликлар ҳақида фикр юритилди. АҚШлик адиб Марио Пьюзнинг "The Godfather" ("Чўқинтирилган ота") ва ўзбек адиби Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асарлари қиёсий йўсинда тадқиқ этилди. Филология фанлари доктори З.Мирзаева "XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши" номли китобида[5] "Диёнат" (О.Ёқубов), "Икки*

---

[1] Rasulova U. Hozirgi adabiy jarayon: nasr poetikasida ritm. – T.: Mumtoz so'z, 2012.

[2] Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Т.: Муҳаррир, 2011. – Б.127.

[3] Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. (Ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни). – Т.: Akademnashr, 2016.

[4] Холиқов Б. Детектив роман поэтикаси. – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2016.

[5] Мирзаева З. XX аср адабиётининг Америкада ўрганилиши. I китоб. – Т.: Фан, 2011; Мирзаева З. XX аср адабиётининг Америкада ўрганилиши. II китоб. – Т.: Akademnashr, 2017.

*эшик ораси", "Тушда кечган умрлар" (Ў.Ҳошимов), "Мувозанат" (У.Ҳамдам) романларига хориж олимларининг муносабатини ёритди. Хуллас, замонавий ўзбек насри, хусусан, романчилиги билан боғлиқ долзарб муаммолар ҳамиша адабий танқидчиликнинг диққат марказида бўлиб келмоқда*[1].

*Ижодкор ва ижод психологияси, ижодий индивидуаллик ҳамда бадиий услуб, анъанавий реалистик роман назарияси, модерн романчилик ва унинг бадиий-эстетик таҳлили муаммолари хусусида рус ва жаҳон файласуфлари, адабиётшунослари салмоқли тадқиқотларни амалга оширишган. Арасту, Гегель, А.Н.Афанасьев, М.М.Бахтин, В.Г.Белинский, А.Н.Веселовский, В.В.Виноградов, В.Жирмунский, А.Камю, В.Кожинов, О.В.Лармин, Марио Варгас Льоса, Л.С.Лихачев, Ю.Манн, А.А.Потебня, Н.Д.Тамарченко, В.Е.Хализев, М.Б.Храпченко, Ю.Н.Тынянов, Б.А.Эйхенбаум, В.А.Грифцов, Ю.Борев, Ю.М.Лотман, А.С.Бушмин, В.Е.Хализев, Л.К.Юдкевич, Б.Г.Реизов, А.Н.Семенов, В.И.Тюпа, С.Н.Бройтман бошқаларнинг изланишлари; романчиликнинг йирик назариётчилари Хосе Ортега-и-Гассет, О.Уоррен, Р.Уэллик, В.Вульф, Р.Барт каби олимларнинг илмий қарашлари ҳам роман поэтикаси муаммоларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.*[2]

Поэтика термини моҳиятини англаш, насрнинг назарий муаммоларини ўрганиш турли концепцияларни ҳам юзага чиқарди: *"Социолингвистик поэтика"* (А.Д.Швейцер), *"ижодий талқин поэтикаси"* (А.Зись), *"семантик поэтика"* (М.По-

---

[1] Бадиий наср тили ва давр // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008 йил, 19 декабрь; Шукур Содиқ. Асарнинг жозибаси тилида эмасми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009 йил, 9 январь; Алимбеков А. Тилшунослар, фаоллашинг! // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009 йил, 3 апрель; Истиқлол. Адабиёт. Танқид. Ёзувчи ва адабиётшунос У.Ҳамдам саволлари асосида қурилган суҳбатлар. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.312.

[2] Ортега-и-Гассет. Эстетика. Философия и культура. – М.: Радуга, 1990; Восток и запад: Литературные взаимосвязи в зарубежных исследованиях – Сборник обзоров. – М., 1989; Вульф В. Современная художественная проза / Писатели Англии о литературе. – М.: Прогресс, 1982.

ляков), *“синхрон поэтика”* (М.М.Бахтин), *“формал поэтика”* (Р.Якобсон), *“эстетик илғам поэтикаси”* (А.А.Потебня), *“услубият поэтикаси”* (М.Б.Храпченко), *“генератив поэтика”* (Т.Ван-Дейк), *“поэтик нутқ назарияси”* (В.В.Виноградов) каби ўнлаб концептуал ёндашувлар шулар жумласидандир. Демак, бундай илмий-назарий концептларга таяниб айтиш мумкинки, поэтика термини англатувчи маъно ва роман поэтикаси ҳақидаги тушунчанинг сарҳади кенг, ифода кўлами серқиррадир.

Испан файласуфи ва мунаққиди Хосе Ортега-и-Гассет модерн услубда яратилган романларни бадиий таҳлил этди. Унинг тадқиқотлари бадиий-эстетик тафаккур ва роман жанри поэтикаси ўзаро мутаносиб бўлишига бағишланди. Ортега-и-Гассет назарияси ўзига хослигини ўрганган адабиётшунос Зулфия Пардаева: *“Ортега назариясининг асосини инсон онги ва тафаккурининг таҳлили ташкил этади”*[1], – деб таъкидлайди. Инглиз романнависи ва мунаққиди В.Вульф эса, замонавий бадиий наср хусусиятларини адабий таъсир билан узвий боғлайди[2]. Ролан Бартнинг қарашлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Валери Малларме ва Бартольд Брехтга эргашган бу олим муаллифни матндан “бегоналаштириш” ғоясини илгари суради. Унинг фикрича, асарни мутолаа қилаётган китобхон муаллиф “мен”и билан эмас, бадиий асар меҳваридаги код билан мулоқотга киришади. Шундай экан, муайян асар моҳиятини уни яратган шахс руҳий ҳаёти, диди ва кечинмаларидан, поэтик тил ва субъект (ўқувчи)дан қидириш керак.

Кўринадики, Р.Барт адибни ўзи битган ёзувларга аралаштирмайди. Олим “мен” руҳий назариясини ёзув – нутқий акт вақти билан алмаштиради. Аниқроқ айтганда, ўқувчи “туғилиши” учун муаллифни “ўлдиради.” Чунки асар ёзилган пайтда адиб кечинган туйғулар, ҳаяжонли қарашлар, фикр ва

[1] Пардаева З. Бадиий-эстетик тафаккур ривожи ва ўзбек романчилиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б.93.

[2] Вульф В. Современная художественная проза. 1919 / Писатели Англии о литературе. – М.: Прогресс, 1982. – С.475.

эҳтиросларни аҳамиятсиз деб билади. Демак, айни масалада бир лингвист сифатида фикрлайди. Бу ҳол унинг: *“адабиётнинг моҳияти – сўз. Тил – бутун бир тизим”*, деб ҳисоблашида ҳам кўринади.

Р.Барт учун реалист ёзувчиларнинг холислиги “бемаъни”лик, тадқиқот жараёнида ёзувчи руҳий ҳаётига муайян ишоралар қилиш “бидъат”, матн маъносини англаш йўлидаги уринишлар “тамомила беҳуда” бўлиб туюлади. Ўз назарий қарашларига мос келгани учун Марсел Пруст ижодини ёқтирган олим у муаллиф образини анъанавийликдан йироқлаштириб, замонавий матн эпопеясини яратгани ва бу жараённи холис амалга оширганига астойдил ишонади. Р.Барт бадиий матн кўп ўлчамли ҳудуд эканини таъкидлабгина қолмай, бадиий асар муаллифини минглаб маданий манбаларда илгаридан мавжуд билимларга тақлид қилувчи кимса деб билади. Бинобарин, у поэтик матнни муаллиф юклаган илоҳий мазмундан мосуво қилади. *“У* (яъни, ёзувчи. – Исломжон Ёқубов) *аввал ёзилганларга ва кўп марталаб ёзилганларга тақлид қила олади, унинг ихтиёрида фақат ёзувларнинг биронтасига ҳам таянмай туриб, бир-бирига қориштириш бор, холос”*[1], – деб ёзади. Демак, Р.Барт адабий-эстетик концепцияси моҳияти қуйидаги жиҳатларда ойдинлашади:

1. Олим ёзувчининг кўнгил иқлимида кечган изтиробли фикр-ўйлар, тасаввур ва тахайюл дунёсини тан олмайди. Ҳатто, матннинг маъносини бу тарзда англашга уринишни беҳуда ҳаракат деб ҳисоблайди.

2. Адабий танқиднинг ижтимоий-тарихий моҳиятини инкор қилади.

3. *“Ҳар қандай бадиий матн ҳамиша шу ерда ва ҳозир ёзилади”*[2], – деб ҳисоблайди. Демак, аввал бадиий матн муаллиф томонидан тузилади. Сўнгра китобхон томонидан ўқилади тарзидаги вақт билан боғлиқ анъанавий концепцияни туб-

---

[1] Барт Р. Муаллиф ўлими. Рус тилидан Рисолат Ҳайдарова таржимаси // Шарқ юлдузи, 2015. – №2. – Б.160.

[2] Барт Р. Ўша жойда. – Б.159.

дан ўзгартириб юборади. У ёзувчини нутқий акт вақтида мавжуд миттигина одамча сифатида сақлаб қолади.

4. Р.Барт учун ҳаёт – китобга тақлид, холос. Қизиғи шундаки, ҳатто тақлид қилинаётган китоб ҳам муайян белгилардан тўқилган матндир. Чунки ўша китоб унутилган нимагадир тақлид туфайли юзага келган. Яъни, тақлид жараёни узлуксиз давом этаверади.

5. Ёзув – кўп ўлчамли тузилма. Унинг мазмун оқимини тўхтатиб, тубига етиб бўлмайди. Чунки, эркин мазмун ҳеч қачон тугал эмас.

Бизнингча, "эркинлик" ва "мазмун оқимини тўхтатмаслик" тушунчалари ҳар қанча оҳанжамали бўлмасин, адабиётни ўзининг илоҳий мазмунидан бегоналаштиради. Бутун борлиқ самовий қудрат соҳиби оқилона тартиби асосида бунёд этилгани, илм-фан қонуниятлари ва ижтимоий низомларни ҳам инкор этади. Демак, *Ролан Барт "концепция"си Шарқ адабиёти учун аксилилоҳий моҳият касб этади. Чунки, сўзни асл маншаидан жудо қилиш ҳам, китобхонни тарихий хотира ва руҳдан бегоналаштириш ҳам бидъатдир.*

Шунга қарамасдан, олимнинг бадиий матн – кўп ўлчамли тизилма экани ва унинг тубига етиш мушкуллиги ҳақидаги фикрида муайян асос бор. Зотан, ҳар бир китобхон, жумладан, профессионал мунаққид талқини ҳам субъективдир. Танқидчи маҳорати муаллиф бадиий ҳақиқатига нечоғлик яқинлаша билганида кўринади. Эстетик малакаси етарли, тасаввур дунёси кенг, тахайюл уфқи баланд китобхон моҳият асроридан мислсиз ҳайрат туяди. Чунки, у ўзлигини англаш орқали яратувчисини танишга интилади.

Бадиий воқелик кўз билан кўрилган, кузатилган, ўқиб ўзлаштирилган реаллик эмас. Шубҳасиз, унинг юзага келишида ўқилган китоблар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, тақлид асосида юзага келган битиклардан ҳеч бири асл санъат намунаси саналмаган. Чунки, бадиий оламни яратишда ҳамиша ҳам реал воқелик мантиғи ва қонунларига амал қилинмайди. Зотан, ижод кенгроқ маънодаги замон-макон қоидаларига бўйсунади. Унда ижодий тасаввур ва тахайюл қудрати муҳим

аҳамият касб этади. Қаҳрамонлар қиёфаси эврилувчан хусусият касб этади. Улар лаҳзада замонлар оша кўча олади.

Кўринадики, биз тадқиқот объекти сифатида танлаган ёзувчилар ижодиёти диссертацион тадқиқотлар, айрим монография ва рисолалар, турли тўпламлар, роман жанри атрофидаги баҳс-мунозараларда қисман объект вазифасини бажарган. Поэтика ва роман поэтикаси муаммоларига доир билдирилган фикр-мулоҳазалар, илмий-назарий умумлашмалар мустақиллик даври ўзбек романчилигидаги поэтик изланишларни монографик аспектда ўрганишда назарий асос вазифасини бажаради.

XX асрнинг 70-йилларидаёқ адабий-назарий қарашлар роман амалиётидан бир қадар ортда қолаётганди. Илғор адиблар фольклор, мумтоз эпос ва дунё адабиёти тажрибаларига мурожаат эта бошлашди. Бунинг илк белгилари Асқад Мухторнинг “Чинор” романида намоён бўлди[1]. Адиб ҳикоят ва ривоятлар киритиш орқали эпик жанрни мажозийлаштириш, ҳодисаларни турли ракурслардан тасвирлаш ва баҳолашга интилди. Бу усул орқали романий тафаккур ва поэтик ифода миқёсларини тарихийлик ҳисобига кенгайтирди. А.Мухтор анъана доирасига янги услублар олиб кираркан, халқ ўтмиши, бугуни ва келажагини узвий туташтиришга эришган эди. Сюжет воқеаларини хотира ва таассуротлар воситасида ифода этишдай тасвир услуби кейинчалик янада тараққий қилди. Масалан, XX асрнинг 80-йилларида О.Ёқубов, Саид Аҳмад, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст реалистик романларида анъанавий батафсил тасвирлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий-фалсафий ва психологик талқин теранлиги устуворлик қилди. Бу ҳол халқ ҳаётининг катта даврларини эпик қамраш имконини юзага чиқарди. Ижтимоий тузум иллатлари, маиший турмуш ҳақиқати поэтик таҳлил ва тадқиқ этилди. Давр одамлари фаолияти холис кўрсатилди. Айниқса, “Лолазор” романида бадиий тасвир очиқ-ошкора киноявий тус олиши ва психологик талқин теранлашуви кузатилди.

[1] Асқад Мухтор. Чинор. – Т.: Ўзадабийнашр, 1969.

А.Мухторнинг “Чинор” асари орқали ўзбек романчилигига кириб келган тасвирий тажриба Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида ўзига хос тарзда давом қилдирилди. Муаллиф одам ва олам муаммолари таҳлили орқали теран хулосалар чиқаришга муваффақ бўлди. Ботир фирқа қўли билан экилган ярим асрлик чинорлар адабий қаҳрамон сингари умр бўйи эл-юртга соя-салқин улашади, паноҳ бўлади. Бутун бир хиёбонни яшнатади.

Роман сўнггида арраларнинг қир-қир бориб келиши, болталарнинг тарс-тарс товушидан шохлар қарс-қурс синади, чинорлар қулайди. Ям-яшил боғ ўрнида думалаган кундалар, тўдаланган шохлар, эзилган япроқлар, уюм-уюм тупроқлар, чуқур-чуқур ўралар қолади. Машъум манзарага боққан қаҳрамон руҳий ҳолатини ёзувчи шундай чизади:

*“Ботир фирқа энтикди. Ботир фирқа қизиди. Ботир фирқа лов-лов этди.*

*Қўллари қалт-қалт этди. Юзлари дир-дир этди. Кўзлари пир-пир учди. Кўз олди туман бўлди. Кўз олди зим-зиё бўлди”.*

Салдан кейин ўзини бир қадар ўнглаб олиб, фожианинг миқёсини ҳис этиб, атрофга мўлтираб боқар экан, китобхон унинг ғоятда нотавон ва хокисор бир банда сифатидаги қиёфасини яққол кўради:

*“...дунёни энди кўрмиш одам мисол ўрага мўлтайди. Уйқудан энди уйғонмиш одам мисол чинорга мўлтайди. Мунис-мунис мўлтайди.*

*Мўлтайди-мўлтайди... ҳўнграб йиғлади. Ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Нотавон-нотавон йиғлади. Хокисор-хокисор йиғлади.*

*Ёноқларидан дардлари дув-дув тўкилди.*

*Фавқулодда кулимсиди! Тотли-тотли кулимсиди. Энди... кулимсиб-кулимсиб йиғлади”*[1].

Ботир фирқа чинорларни ўз қўли билан экқан, парваришлаб ўстирган, улар остида яхши-ёмон кунлари ўтган. Умрининг баҳори ҳам, хазони ҳам шу чинорлар билан боғлиқ бўлган қаҳрамоннинг унга жони ачиши, юраги куйиши

---

[1] Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Роман. – Т.: Шарқ НМАК, 2001. – Б.165.

табиий. Айни вақтда, ички бир энтикиш-ла шодланиши, романда инсон фожиаси ва қувончининг лаҳзадаги қоришиқлиги: *"Ботир фирқанинг кўзларида қайғу бўлди. Ботир фирқанинг кўзларида байрам бўлди"* тарзида эстетик таъсирчан, гўзал тарзда моддийлашгани ёзувчи унинг кечинмалар оламини теран туйгани ва китобхонга юқтира олганлигини кўрсатади.

Шарти кетиб-парти қолган чолнинг жасорат билан: *"Мана, мен кимман, мана! Тили бўлса, мана шу чинор айтсин!"*, деган таъкидидан кўринадики, романда тасвирланган "чинор" қаҳрамоннинг бутун умри, эзгу амаллари, кенг маънода эса, яқин ўтмиш тарихимизда халқ даҳоси эришган ютуқлар рамзи даражасига кўтарилган. Шу маънода, Ботир фирқа образи ҳам ўтган асрнинг 30–80-йилларигача бўлган даврда яшаган халқимизнинг умумлашган рамзий сиймоси тарзида чизилган, дейиш мумкин. Адиб уни миллатимизнинг энг яхши фазилатларини мужассамлаштирган мураккаб тақдир эгаси бўлган тип даражасига кўтара олган.

XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан ўзбек романи тараққиётида миллий заминда туриб умуминсонийлик сарҳадларига боқиш кўлами кенгайди, сифат даражаси ортди. Бу ҳол ижод аҳлининг миллий-адабий чашмаларга қайтиши, алоҳида инсоннинг ўзига хос руҳият қатламларини тасвирлашга юз буриши ҳисобига содир бўлди. Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романи бу жараённи бошлаб берган дастлабки асар эди, дейиш мумкин. Чунки, айнан ўша романдан эътиборан, адабий аҳолининг индивидуал қиёфа касб этишига, фикр одами сифатида қабартириб ифодаланишига эътибор ортди.

"Лолазор" романидаги Назар Яхшибоевнинг ҳаёти, ўй-кечинмалари диёнат ва виждон кишиси сифатида ўз-ўзини тафтиш қилиши китобхонда ҳам хайрихоҳлик, ҳам ачиниш уйғотади. Шифохонада ётиб қувончу андуҳларини сарҳисоб қилаётган қаҳрамоннинг қалб изтироблари гоҳ меҳр, гоҳ қаҳр, гоҳида нозик қочирим, ишоравийлик ва истеҳзо билан полифоник оҳангдорликда тадқиқ қилинади. Шунинг учун,

яхшибоевчилик моҳияти, яъни банданинг вужуд ва руҳ интилишлари ўртасида ўртанишлари – кўнгил ғалаёнларини тўлиқ тасаввур қилиш мумкин. Бу миллий замин кишиси ва давр муаммоларини психологик тадқиқ этиш, бошқачароқ айтганда, воқелик ва инсон муносабатларига янгича ёндашув эди.

Демак, *миллий роман ички ижодий тадриж асосида тараққий топган ва 1970–1990-йиллардаёқ мустақиллик даври романлари ривожи учун муайян замин ҳозирланган.* Шунинг учун, истиқлол даврида миллий қадриятларни қайта идрок этиш, воқеликни янгича талқин қилиш поэтик ижоднинг бош йўналишига айланди. Ўзбек романчилиги ички структураси, тасвир усуллари сезиларли даражада янгиланди. Жанрнинг анъанавий шакллари янада тараққий қилиб, поэтик ифода имкониятлари кенгайди. Талай ноанъанавий ички шакллари пайдо бўлди.

Бу ҳол замонавий роман юзага келиши ва тараққиёти қайсидир маънода, бошқа жанрларга (*миф, афсона, ҳикоят, ривоят, латифа, қаҳрамонлик қўшиқлари, эпосга хос мотив ва сюжетлар*) адабий жиҳатдан сайқал бериб қайта идрок этиш ҳамда ижодий синтез қилиш билан боғлиқ нодир ҳодиса эканини кўрсатди. Миллий роман спецификасида ҳам бошқа жанрларни синтез қилиш ҳоллари кузатилди. Кейинги йиллар ўзбек романлари генетик жиҳатдан нафақат фольклор, балки классик эпос билан ҳам чамбарчас алоқадор экани ойдинлашди. Эпик турнинг ҳажман салмоқли ва мураккаб жанри бўлган роман семантик-структурасидаги ўзгаришлар унинг тараққиётини белгилай бошлади. Миллий роман кейинги ривожи доимий поэтик ўзгаришлар оғушида кечди. Бадиий сайқалланиш ва сюжет тармоқланиши, композицион яхлитликка эришиш имкониятлари ортиши, шунингдек, сўз сиқиқлиги, фикр кенглигига интилиш кучайиши шулар жумласидандир. Мустақиллик даври тафаккур уфқлари кенгайиши бир жиҳатдан, роман-эпопеялар юзага келишига, иккинчидан, жанрнинг нисбатан ихчам кўринишларини (мини-роман) пайдо бўлишига олиб келди. Чунки,

*роман одам ва оламни миқёсли англаш, англамларни бадиий ифодага кўчириш эҳтиёжи туфайли юзага келади.* Бу жанр тобора глобаллашаётган, интенсивлашаётган ҳаёт шиддати ва замондошимиз кайфият-ҳолларини акс эттиради. Бинобарин, роман *“кичрайтирилган коинот”* (Салтиков-Шчедрин) ва *“миниатюрадаги олам”*га (В.Г.Белинский) айланди. Унинг учун ҳажм катталиги эмас, балки мазмун қамровининг кенглиги ва теранлиги муҳимдир.

Замонавий ўзбек романларида тарих фалсафаси, ўтмишни қайта идрок этиш, реаллик ва ғайритабиийлик ўзаро уйғунлашмоқда. Замондошимиз қиёфаси турли ракурслардан кузатилмоқда. Тарихни теран англаш асосида яратилган “Улуғ салтанат” (Муҳаммад Али) типидаги роман-эпопеяларнинг дунёга келиши миллий тафаккур эҳтиёжининг самараси. “Улуғ салтанат” сюжет сертармоқлиги, эпик тарихни акс эттириши жиҳатидан халқ қаҳрамонлик эпосларига, буюк тарихий шахслар, кўплаб мамлакат ва халқлар тақдири, ўзаро низоли урушлар тарихи, давр маданий ҳаёти манзараларини марказлашган салтанат бунёд этиш умидида интилган Амир Темур шахсияти орқали гавдалантириши жиҳатидан тарихий-мемуарлар услубига яқин туради. Роман-тетралогия бадиий мундарижасини улуғвор инсон ҳаёти маъно-мазмунини лиро-романтик тарзда англаш, унга баҳо беришнинг муайян мезонларини шакллантиришга интилиш ташкил этади.

Роман поэтикасини белгиловчи энг муҳим жиҳат унинг инсон ҳамда жамият маънавияти негизлари, кишилар онги ва қалбига бадиий-эстетик таъсир қилишида намоён бўлади. Зотан, миллий роман бизнинг идеалларимизни образли тарзда ифода этади. Романда тарихиий жараённинг инсон онги, тафаккури, маънавий руҳий оламига таъсири ифодаланади.

*Истиқлол даврининг шиддати даставвал, ёзувчи поэтик тафаккурида акс садо берди ва сўнгра роман сифатида моддийлашди.* Шундай экан, яратилаётган миллий романларнинг мазмун-моҳияти, ифода йўналишини кенг ва теран ўрганиш миллий роман бадиияти муаммоларига монанд янгича по-

этик тафаккур маромини топишни ҳам талаб этади. Чунки роман маънавий гўзаллик, руҳий баландлик билан бир қаторда, Н.Эшонқулнинг “Гўрўғли” асарида кузатилганидек, ўзгаришлар оғушидаги инсон руҳияти ва истакларини инкор этишнинг “замонавий” шакллари бадиий ифодаси орқали рамзий-мажозий ва киноявий-сатирик модусларда ҳам юзага кедмоқда. *Ёзувчи поэтик тафаккурининг қамрови ва мазмун ифодасини англамасдан, ҳеч бир романни тўғри ва атрофлича тушунтириш мумкин эмас. Романда барча масалаларнинг ечими ёзувчи фалсафий-эстетик концепцияга мутаносиб жойлаштирилган муаммолар ва уларни ташувчи характер моҳиятини идрок этиш орқали аниқланади.* Шундай экан, поэтика назарияси ҳам роман амалиётидан келиб чиқади. Бу йўналишда турли баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 2015 йилда “Наср: бугун ва эртага” мавзусида уюштирган адабий суҳбат бунинг ёрқин далилидир.[1] Суҳбатда проф. Н.Раҳимжонов замондош адиблар: Муҳаммад Али, Х.Дўстмуҳаммад, А.Дилмурод, Э.Аъзам романлари мисолида, мустақиллик даври романларида инсон ва жамият янгича поэтик идрок ва ифода этилиб, бадиий умумлашмалар мазмуни хилма-хил бўлиб бормоқда, дея таъкидлади. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев мустақиллик даври носирлари О.Мухтор, У.Ҳамдам, Н.Эшонқул, Т.Рустам, М.Салом, А.Йўлдош, Исажон Султон, Л.Бўрихон асарлари мисолида бугунги ўзбек романлари олдин кўникилган қолипларга тушмаслигини характерловчи қуйидаги белги-хусусиятларни кўрсатди:

1. Бадиий наср, хусусан, роман ижодкор кўнгил изҳори ва руҳий эҳтиёжи ифодасига айланди. Ижодкор руҳини безовта қилиб, хаёлотига ором бермаётган ҳолатлар ифодага кўчаётгани бадиий тасвир фокуси ўзгариб, эстетик ёндашув соғломлашгани белгисидир.

2. Инсон шахси воқеликнинг сабабчиси ва ҳаракатлантирувчи кучи эканини бетакрор ва жозибали тарзда ифодалашга эътибор ортди.

[1] Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2015 йил, 6 ноябрь.

3. Ҳар бир асар ўзига хос тасвир йўсинига эга эстетик ҳодисага айланмоқда.

Юқоридаги тасниф шартли характерга эга. Бу ўринда олим "социалистик реализм" методига асосланган шўро даври ва уни тамомила инкор этган мустақиллик даври адабиётларини қиёсламоқда. Зотан, дунё адабиёти миқёсида олиб қаралса, гўзал бадиий ятатиқлар ҳамиша ёзувчи кўнгил изҳори ва руҳий эҳтиёжи ифодаси бўлиб келган. Аксинча, *ижодкор ўз руҳини безовта қилган ва хаёлотига ором бермаётган фикр-туйғуларни ифодага кўчира олмаса, ҳеч қачон асл адабий матн юзага келмайди.*

Дарҳақиқат, чорак аср давомида тарих ва инсон муносабатларини идрок ва ифода этиш тамойиллари тамомила ўзгарди. Бадиий ҳақиқат ижтимоий-сиёсий ҳаёт тасвиридан устун қўйилиб, Арасту давридаёқ тасдиғини топган мавқеини эгаллади. Эндиликда, персонаж аксарият шўро романларида кузатилганидек, воқеликка илова эмас, балки ўз ўй-хаёл ва хатти-ҳаракати билан тирик инсон сифатида холис тасвирлана бошлади. Бошқача айтганда, *алоҳида шахс борлиғи ижтимоий воқеликдан кўра мураккаброқ ҳодиса ва уни тушуниш ва изоҳлаш муҳим* экани поэтик идрок этила бошлади.

Глобаллашув даври шиддати таъсирида ўз миллий қиёфасидан айрилиб қолмасликка интилаётган кишилар руҳий-интеллектуал олами, туйғулар дунёсини кўрсатишга эҳтиёж ортди. Нуқул китобхонга ўрнак бўлиш ва унга йўл-йўриқ кўрсатиш миссиясини ташувчи, аммо ўз шахсий ҳаёти, инсоний туйғу-кечинмаларидан маҳрум трафарет адабий қаҳрамонлар инкор этилди. Бу ҳол бадиий насрга кундалик турмушнинг адоқсиз икир-чикирларига ўралашиб яшаётган – эл қатори оддий одамлар образини олиб кирди. Полвон, уста, дурадгор, чўпон, деҳқон, қоровул, фаррош, ҳатто қишлоқдан шаҳарга келиб бирор ижтимоий мавқе эгаллай олмаган, аммо миллат руҳини ташувчи ўзини англаб, одамлар орасидаги ўрнини топиб олишга интилаётган, Қ.Йўлдошев таъбири билан айтганда, *"қаҳрамон бўлмаган қаҳрамонлар"* тасвирига эътибор ортди.

Аслида, *чинакам роман кундалик турмуш икир-чикирлари билан қаноат туйиши мумкин эмас. Бунда у ўзининг ижтимоий залвори, яъни миллат фикрий-ҳиссий қамровини белгилаш миссиясидан маҳрум бўлади.* Шундай экан, Муҳаммад Саломнинг "Катта хонадон" романи ҳам миллат кишилари турфа қиёфалари, бетакрор феъл-атворини ҳаққоний тасвирлагани, характерлар ёрқинлиги, ўзбекона турмуш тарзи ичдан нурлантирилгани, бинобарин ҳаётий экани билан муайян эстетик қиммат касб этади. Бизнингча, бир хонадон муҳитининг бетакрор тасвирлари шу оила инсон ва жамиятни англаш модели эканини кўрсатади. Зотан, адибни ташвишга солаётган бош омил миллий ўзликни асраб қолиш муаммосидир. Умуман, *дунё адабиётида намоён бўлаётган жанрий синкретизм ҳодисаси мустақиллик даври ўзбек романлари қиёфасини белгиловчи муҳим фактордир.*

С.Мелиев таъкидлаганидек, биз дунё учун фақат ўзлигимиз ва ўзбеклигимиз билан қадрлимиз, қизиқарлимиз. Зотан, адабиёт ҳамиша гўзаллик, эзгулик ва нурафшон ҳисларни таранну м этиш, илоҳий руҳ ифодачиси бўлишни ўзининг эзгу миссияси деб билган. Биз адабий-маънавий захираси юксак, маънавий таҳдид ва истеъдодсизликка ён босмаган улуғ халқмиз. Миллий адабиётимиз нафақат мазмун залвори, балки шаклий-услубий гўзаллиги, эзгулик ҳамда нафосат ифодасига эҳтиёжманд китобхонлари билан барча даврлар талотумларидан омон чиқиб, инсоният эстетик хазинасини бойита олган. Шундай экан, ўзбек романчилигидаги бугунги изланишлар ўз ижобий самараларини бериши аниқ.

Романчиликдаги изланишлар муаммоси адабий танқидчиликда муайян баҳс-мунозараларга сабаб бўлди[1]. Бизнингча,

---

[1] Йўлдошев Қ. Янгиланишлар мунтазамлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2007 йил, 19 апрель; Содиқов С. Романми ёки рисола? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004 йил, 30 январь; Ёқубов И. Руҳ ва фикр эркинлиги // Илм сарчашмалари, 2002. – №4. – Б.54–56; Шу муаллиф. "Ишқ аҳли" романининг адабий-фалсафий концепцияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. – №6. – Б.41–47; Шу муаллиф. Ижод психологияси ва қалб диалектикаси / Буюк шоир

санъат асари сифатида мустақил борлиқ бўлган ҳар бир романни муаллиф бадиий фалсафаси, одам ва оламга муносабати, хаёлот дунёсининг қамрови, ҳаётий вазият-ҳолатларни баҳолаш тарзи, роман композицияси, хронотопи, поэтик ифода усуллари, қаҳрамон ҳиссий-интеллектуал дунёсида содир бўлган эврилишлар эътиқодий асоси, бадиий тасвир воситалари нуқтаи назаридан ўрганиш лозим. *"Ноанъанавий" саналувчи романлардаги энг муҳим жиҳат – адибнинг қаҳрамон тушган зиддиятли ва тартибсиз вазият-ҳолатга ҳаётий ечим топиши, унинг умидини сўндирмаслигидир:*

1) Ёзувчи у ёхуд бу характер онгостида кечган субъектив таассуротларга хос импулслардан яна объектив олам муаммолари, яъни Шарқона эътиқодий ечим, Қуръоний ҳақиқатларга қайтсагина, роман моҳиятан миллий-эстетик ҳодиса ва унинг муаллифи ўзбек романнависи саналишга ҳақли.

2) Жанр доирасида ижодий ўзлаштирилаётган аксарият янгича белги-сифатлар унинг миллий руҳига эмас, балки поэтик ифода йўсинига дахлдор.

3) Роман ёзилаётган пайтда дунёқараши ва эстетик кайфияти исломий эътиқод ўзанида бўлмаган адиб абсурд вазиятга ишончли мантиқ тополмайди. У мустаҳкам эътиқодий заминда турмагани учун чизиқсиз вазиятдан чизиқли ҳолатга ўтолмайди. Чигал кечинмалар оғушидаги қаҳрамон ва фикрловчи китобхон ўртасида эътиқодий робита юзага келмас экан, қаҳрамон онг оқимидаги хаос космосга айланиб хаокосмос жараёни содир бўлмайди. Демак, "ноанъанавий" ифода йўсинида битилган бундай роман миллий бўлолмайди.

Мавжудликнинг моҳияти ҳақидаги мушоҳадалар ғайриихтиёрий ва иррационал табиати романга сирли мўъжизавийлик, ишониш мушкул бўлган ғаройиботларни ҳам олиб киради. Чунки, роман хронотопида ўтмиш, бугун ва келажак қоришиқ ҳолда келади. Бадиий воқелик адиб тафаккурида

ва мутафаккир. – Т., 2011. – Б.75–80; Қуронов Д. Адабий жараёнда "Мом синдроми". – Т.: Академнашр, 2010; Ҳамрақулова Х. Адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б.22 ва бошқалар.

шаклланиб, ривож топувчи шартли хаёлий замонда содир бўлади. Масалан, "Тепаликдаги хароба" романида О.Мухтор поэтик маҳорати илми ғайбга доир тасвирларга исломий-туркий адабиёт негизида бадиий ечим топишда, бадиий воқеликни Мирза Ғолиб қисмати ўнгланишига хизмат қилдиришда намоён бўлади. Замонавий адабиётда инсоннинг "дунё ҳаётидан қўл ювиши" туйғуси етакчи мавқега кўтарилмади. Ҳозирги илм-фанда айни муаммога ўзгачароқ қарашлар мавжуд. Жумладан, фалсафа фанлари доктори Усеин Керимов фикрича, индивид онгининг шаффофлашуви унинг ўз ақл-идроки билан мутлақ ғояни эътироф этишига боғлиқ. Бунинг маъноси шуки, илм-фан моддий дунё ҳақиқатига хос ҳаёт ва ўлим билан эмас, абадиятга дахлдор муаммолар билан шуғулланмоғи лозим.

"*Гуманитарная наука, в которой используются методы исследования естествознания есть самоое уродливое явление в культуре человечества*"[1]. Мазкур қарашга кўра ҳаёт ва ўлим моҳияти анча теранлашади. *"Ты должен стать самоубийцей уровня "Я – тело" и родиться на уровне "Я – мысл". Ты должен стать самоубийцей уровня "Я – мысл" и родиться на уровне "Я – разум". Ты должен стать самоубийцей уровня "Я – разум" и родиться на уровне "Я – дух"*[2].

Демак, *жисм истакларини ўлдириш – бу фикр одами сифатида қайта туғилиш. Фикрни ўлдириш – ҳиссий идрок кишиси сифатида таваллуд топиш. Ҳиссий идрокни ўлдириш руҳ одами сифатида янги ҳаёт сари юксалишдир.* Кўринадики, ҳар битта "ўлим" инсоннинг руҳий юксалиши (маънавий қайта туғилиши) йўлида босиб ўтилиши шарт бўлган муҳим бир босқичдан иборат. Бундай қараш тўласича Ф.Ницшега тегишли бўлмай, муайян даражада, У.Керимов тасаввурлари маҳсули бўлса-да, у айни муаммонинг тасаввуф таълимотидаги талқинларига ҳам мос келади. Замонавий фалсафанинг моҳияти тубдан ўзгариб, руҳ ҳақиқатини англаш сари юз тутди.

---

[1] Керимов У.Л. Как говорил Заратустра? Книга для всех. – Т.: Санъат, 2010. – С.8.

[2] Керимов У.Л. Там же. – С.417.

Ўзбек адиблари маънисиз ҳаёт ва унинг фожиали хотимаси ҳақида ёзишаётгани йўқ. Жумладан, Л.Бўрихон қаламига мансуб "Жазирамадаги одамлар" романидаги энг ёрқин образ, роман меҳварини ушлаб турган қаҳрамон Лолахондир. Адиб уни беҳад куйинчаклик ва ҳикоячи персонаж Самад бўғизга тиқилган соғинч туйғулари билан шундай чизади: *"...паричеҳра, қалдирғоч қанотидек қошлари ноз билан чимирилган, юз-кўзлари тўла табассум" – настарин ифорларига чўмилган гўзал аёл эди".* Бироқ, унинг чимирилган қийиқ қошлари, табассум тўла қаҳрабодек кўзлари, чуқур кулгичли ёноқлари туйқус ўзгариб қолади. Янга: *"юз-кўзларига бир мунг, бир маъюслик қалқди, араз-гина билан лаб қимтиб бош чайқади, оппоқ, нозик қўлларини ҳавода силкитди, узун енглари билагига шимарилиб қолди"*[1]. Эзгин-эзгин, ўксик-ўртагувчи хотиралар, маъюс-маҳзун хаёлларда тикланган бу малак тақдири китобхон хаёлот олами ва кечинмаларини мувозанатдан чиқаради. Асар якунидаги оқ-оппоқ, шаффоф тонг манзаралари эса, ўқувчи қалбига умид ва ҳаётбахш туйғулар улашади.

Л.Бўрихон келинчак берган қурбонлик жисмоний ўлимдан минг чандон миқёсли эканини кўрсатади. Зотан, ҳаёт талотумлари унинг севимли ҳамдамини зўравонларча тортиб олгани етмаганидек, кўникилган удумлар залвори остида яшашга маҳкумлик табиий инсоний истакларини ҳам бўғиб қўйди. Лолахон ҳатто ўз туйғулари билан ёлғиз қолишга ҳам ҳақли эмас. Демак, алоҳида шахсгагина тегишли бўлган сезимларга дахл қилиниши – эркнинг тушовланиш даражасини янада чуқурлаштиради.

Романда ўзгаларнинг ҳукми ҳамиша ҳақ бўлавермаслиги, ўз яқин ҳамдами ва ички туйғуларидан ажралиш фахр эмас, балки улкан фожиа экани очилади. Лолахон – ўз истакларини сўнгги нуқтагача жиловлашга маҳкум жонли образ, сабр-бардошли, матонатли ўзбек аёли. Унга сохта эҳтиром эмас, балки чинакам аёллик бахти зарур. Қаҳрамон қалбини

[1] Луқмон Бўрихон. Жазирамадаги одамлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2005. – Б.320–322.

Ўроқбой ўлимидан кўра, ўзининг табиий ҳаёт оқимидан четга чиқариб қўйилиши кўпроқ ларзага солади. Бироқ бу ҳол кўпчилик томонидан англанмайди. Бинобарин, бева маҳзун кайфияти – инсон фожиасидан ифтихор туйган ҳиссиз оломон ўлимга маҳкум. Кўринадики, мустақиллик берган плюралистик тафаккур имконлари сабаб адиб поэтик тафаккуридан бадиий матнга кўчган маъносизликнинг теран ҳаётий омиллари мавжуд.

Дарҳақиқат, *Л.Бўрихон назарда тутган асл маъносизлик – англанмаган ўзлик, лоқайдлик ва итоаткорлик. Роман фалсафий-эстетик концепцияси ва ифода йўсинидаги муҳим янгилик: бир ҳовуч манфаатпараст кимсалар томонидан бошқарилаётган катта дунёдан бехабар, кичик макондаги ўзгартирилган ҳаёт – тирикчилик ташвишлари оғушида яшайвериш мумкин эмаслиги ҳақидаги тўхтам, унинг устидан чиқарилган ҳаққли поэтик ҳукмда намоён бўлди. Адиб азалий ҳаёт тарзига дахл қилинган тоғлик халқ* (кейинчалик посёлка аҳли) *ва алоҳида аёл модели мисолида бутун империя иллатлари ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий негизлари – оломонлик генеологиясини фош қилишни уддалай олди. Бу иллатлар роман киноявий модусини ташкил этди.* Шу маънода, романда ўнгланишга бўлган умид ва ҳаёт нафаси уфуриб туради. Демак, романда Лолахон ўлими содир бўлмайди. Агар бу ўлим юз берганида ҳам, китобхон ундан ўз кўнглига таскин топиши мумкин эмас. Характер мантиғидан келиб чиқилса, қаҳрамонда абадий ҳаёт соғинчи билан боғлиқ симптомлар кузатилмайди. Лолахоннинг ҳаёт эканига бўлган умидворликкина китобхон дилига сокинлик улашади. Чунки, бу ёруғ оламда яшаш ва ўзликни намоён этишнинг инсон ҳаётидан мураккаброқ шакли йўқ. Ижтимоий ҳаётдаги манфаатпарастлик ва ақидалардаги ғайриинсонийлик алоҳида инсоннинг такрорланмас олами учун қулай шаклга келмас ҳамда одам боласи қадр топмас экан, бундай жамиятни барқарор деб бўлмайди. Табиий, ижтимоий ва инсоний гармонияни сақлаш ақл-идрок кучига боғлиқ. Олам ҳам одамлар турмуши инсонийлашувига масъуллик туйғусининг англаниш дара-

жасига кўра гуллаб яшнайди. Акс ҳолда, ноосфера ҳалокатга маҳкум. Бу роман моҳиятида табиий-биологик ёндашув, экзистенциализм ва персонализм томон силжиш кузатилади. Шу боис, унинг поэтик жозибаси тарихий талқин доирасида ўз изоҳини топмайди.

Т.Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи етакчи қаҳрамони Ботир фирқа образи ҳам ёзувчи ижодий нияти ва эстетик идеалига боғлаб изоҳланиши шарт. Чунки, адиб романни “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” тарзида номлар экан, ўлиб бўлмаслик, яъни ўлишга ҳамиша улгуриш мумкин экани ғояси орқали адабий қаҳрамони ўзи учун боқий дунё ҳаётини афзал деб билмаслигини назарда тутади. Дарҳақиқат, Ботир фирқа ҳали-вери ўлмоқчи эмас. Чунки у – Ҳақ ва ҳақиқат қадрини моддий-маънавий манфаатдорлик билан ўлчайдиган амалиёт одами. Шу боис кўпроқ иқтисод, сиёсат ва маданият тақдири ҳақида қайғуради. Ботир фирқанинг ўзига хос тип экани шундаки, унинг учун индивид манфаатларида акс этувчи амалиётдан ажралган ҳақиқат муайян маънога эга эмас. Ҳатто унинг диний эътиқодга муносабатида ҳам манфаат масаласи марказий ўринни ишғол этади. Демак, амалий ташқи таъсир бўлмаганида, унинг “художўй” бўлиши мумкин эмасди.

Романнинг етакчи ғоясига кўра, Ботир фирқа нариги дунёдаги бахтли ҳаётдан умидвор бўлишдан кўра, турмуш қонунлари ва инсон интилишлари янада такомиллашувига ишонади. Жамият етакчилари демагогликдан амалий яратувчанликка ўтишини ёқлайди. Унинг турмуш мантиғига диққат қаратсак, адабий қаҳрамон учун ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегара қадриятлар тизими орқали ўтади. Бу – тасодиф эмас. Зотан, модернизм прагматик эстетикасига кўра, ҳар қандай фаолиятнинг асл мақсади инсон бўлиб, у ўз моддий ҳаётида энг нурафшон кечинмаларга эришиши лозим. Бундай субъект фаоллашиши учун унинг амалий тажрибаси маиший-ахлоқий, диний-илоҳий ва эстетик қадриятларни қамраб олиши керак. Бизнингча, роман қаҳрамони ботинида ички боғлиқлик ва маънавий бутунликка эришиш томон

силжиш содир бўлади. Субъектда ижтимоийлик ва табиийлик ягона актга бирлашади. Шунинг учун Ботир фирқа ўзи кўзлаган эзгу ишларни амалга оширмай ёки эл-юрт тақдирини ишончли қўлларга топширмай ўлмайди ва ўлолмайди.

Бинобарин, Т.Мурод эстетик идеалига кўра, Ботир фирқа характери ўз ички мантиғига асосан амалиёт одамидир. Англашиладики, бу эстетикадан сўфизмга хос муайян белги-сифатларни излашда мантиқий асос йўқ. Чунки Ботир фирқа ҳеч қандай агиографик образ эмас, балки соф прагматикдир. Роман лейтмотивида ҳаёт нафаси, бунёдкорлик руҳи, моддий дунёни яшартириш истаги уфуриб туради. У маиший-ахлоқий, диний-илоҳий ва эстетик қадрият кишиси сифатида қайта туғилади. Роман поэтикасини тушуниш ва тушунтиришда юқоридаги жиҳатларни эътиборда тутилиши лозим. Баён қилинган фикр-қарашлар бадиий адабиёт ва адабиётшунослик, хусусан миллий романшуносликка дахлдор талай индивидуал жиҳатлар мавжудлигини кўрсатади:

*Биринчидан,* бадиий адабиётда ишонч-эътиқодсиз одамнинг руҳий-маънавий депрессия ҳолати ҳам ўз ифодасини топади. Яъни идеаллари саробга айланган ҳолатда у фаол субъект сифатида намоён бўлмайди. Реал дунё ақидалари ва ботиний кечинмалараро тебраниб яшайди ва дунёвий маънодаги фожиали тақдир сифатида намоён бўлади.

*Иккинчидан,* даъват қилмоқ, фикр-қарашлар моҳиятини англатмоқ ва одамларни эргаштирмоқ, борингки, ҳатто нотўғри қарашлардан қайтармоқ ҳам ҳали адабиёт ва санъат, хусусан романнинг ягона мақсади бўлолмайди.

*Учинчидан,* бадиий адабиёт реал ҳаётни айнан эмас, балки инсон онги, тафаккури, маънавий-руҳий оламидан ўтказиб ифода этади. Бунда у баъзан реал ҳаёт тасдиғи эмас, балки инкори йўлидан ҳам боради. Маънавиятсизлик ва жаҳолатнинг замонавий кўринишлари, инсоний эврилишларни истеҳзоли бадиий идрок этади.

*Тўртинчидан,* адабий ҳодиса санаш мумкин бўлган чинакам роман табиат, жамият ва инсон муносабатларининг ривожланиш қонуниятлари, миллий тараққиёт тамойилла-

ри негизида юзага келади. Аммо романдаги инсон образида унинг ўз табиатига хос ғоятда мураккаб ва серқирра муносабатлар ўз ифодасини топади. Романий қаҳрамон моҳиятида моддий, маънавий-руҳий борлиқ ва йўқлик (“ломакон”) мужассамлашгани боис унга ҳамиша ҳам фалсафий категориялар призмасидан баҳо бериб бўлмайди.

*Бешинчидан,* романда рационаллик ва иррационаллик ифодаланиши инсон образининг ирода, интуиция, руҳий-илоҳий интилиш каби норационал табиатини кўрсатиш имконини беради. Ҳаёт инсон интеллектига бўйсунмайдиган мураккаб ва чексиз яширин имкониятларга тўлиқдир.

*Олтинчидан,* бадиий ҳақиқат тасвирга олинган нарса-ҳодиса моҳиятини ижодкор поэтик тафаккури ва истакларига боғлиқ тарзда ифодалаб, абадий (нисбий) ҳақиқатларни тасдиқлайди. Демак, бадиий асарга реал воқеликнинг объектив ва конкрет инъикосигина деб қараб бўлмайди.

*Еттинчидан,* санъат асарида ахлоқий, илмий, диний, эстетик қадриятлар мужассамлашади. Бадиий адабиётнинг реал ҳаётга таъсир этиши унинг китобхон маънавий-руҳий бутунлигини таъминлаши маъносида тушунилиши мумкин. Зотан, замонавий ўзбек романнавислари алоҳида одамнинг ўз ақл-фаросати, ҳиссий идроки билан мутлақ ғояни эътироф этишини кўрсатиш, шу аъмолга келиш йўлини бадиий ифодалашга уринишмоқда. Улар адабий қаҳрамон онг-шуури шаффофлашуви, руҳ сокинлигига эришуви ўз илоҳий моҳиятини англаши орқали кечишини чуқур англаб етишди. Демак, ўзбек романавислари одамнинг моҳияти ижтимоий ғояларга нечоғлик боғланишида намоён бўлмаслиги, бу ҳол бадиий асарнинг эстетик жиҳатини назардан қочириш эканини тушунишди. Айнан шу, янги талқин, мустақиллик даври романлари поэтикасини тарихий-адабий анъаналар уйғунлигида кўришни тақозо қилади.

## *1.2. Янгиланаётган миллий романларда синтетизмнинг намоён бўлиши*

Роман – одам ва олам муносабатларини ўзига хос йўсинда, серқатлам композицион яхлитликда идрок этувчи жанр. Унда моҳиятан дунё бадиий тажрибалари синтезлашган бўлади. Зотан, ҳеч бир романнавис изланишлари фақат бир миллий адабиёт доирасида чекланиб қолмаган. Романий тафаккур поэтик ифодаси бадиий хронотопнинг уч таркибли замон-макон шакллари иштироки – *“хронотоп қопқаси орқали”*[1] *амалга ошади. Шу боис, жанрда кечадиган синкретизм, синтетизм, дифференциацион ва модификацион жараёнлар ҳамиша тарихий поэтика нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.*

*Мустақиллик даврида тарихий-маданий, ижтимоий-маърифий ва психологик жиҳатдан қайта уйғониб, ўз тарихий асосларига қайтаётган миллий адабий-эстетик тафаккур роман доирасида замонавийлашиш сари ҳаракатланмоқда. Жанр амалиётида кечаётган эстетик янгиланишларга таяниб, айтиш мумкинки, постсовет маконидаги миллий романлар эндиликда, тақлид босқичидан аста-секин синтетизм ва дифференциация жараёнларига ўтмоқда. Миллий роман жанрий белгилари, композицияси, сюжети, образлар олами, турфа мотивларга мурожаат этиш йўсинлари, услуби тинимсиз тозариш ва янгиланиш оғушида* экани юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Аммо канонлашув механизмининг ишга тушганига ҳам анча бўлди. Жумладан, роман ўзига нисбатан кичикроқ жанрлар ва бошқа бадиий бирликларни бемалол “ҳазм” қилиш орқали синтетик моҳият касб этмоқда.

Миллий роман кўплаб жанрларга хос хусусиятларни ўз таркибига сингдириб олаётган экан, бундай синкретик жараён унинг синтетик босқичда экани ва ички табиатида поэтик тармоқланиш пайдо бўлиши табиийлигини кўрсатади.

---

[1] Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б.43.

Жанрнинг ҳар бир ички шаклларига хос муайян белги-сифатлар ҳам секин-аста ойдинлашмоқда. Афсуски, шаклланаётган янги канонларни яхлит тасаввур этишга имкон берувчи умумлашма характердаги тадқиқотлар юзага келмади. Бизнингча, ўзбек романи синтетик тараққиёти айни босқичидаги романнависларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш имконини беради:

1. Поэтик тафаккури тақлид босқичи билан билвосита алоқадор адиблар. Улар роман шакли, мазмуни ва поэтик ифода жиҳатларида ўзлари тақлид қилаётган объектдан унча йироқлашмаган ижодкорлардир.

2. Поэтик тафаккурида соф герменевтик муносабат етакчилик қилувчи адиблар. Улар намуна-объектини ўзига мақбул йўсин ва бадиий-эстетик ният ижросига мувофиқ шакл ва мазмунда янгилашни уддалашмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, биз иккинчи гуруҳга мансуб санаган адибларгина миллий романнинг янги ички шакллари, бетакрор поэтик ифода йўсинлари юзага келишига муносиб улуш қўшмоқда. Янгиланаётган миллий романлар синкретизмида Қуръони каримда келувчи воқеалар (*жаннат ҳаёти, башарият вакиллари яратилиши, Ҳобил ва Қобил қиссаси, Нуҳ алайҳиссалом тўфони воқеаси* каби) ҳамда уларнинг мифлашган талқинларида мужассам илоҳий ибрат бирламчи манба вазифасини ўтамоқда. Бу типдаги янгиланишлар намуна-объектига маданий муносабат устуворлиги жиҳатдан моҳиятан анъанавийдир.

Ўзбек романларининг "Донишманд Сизиф" (Х.Дўстмуҳаммад) каби айрим намуналарида қадим Юнон адабий анъаналарига хос сюжет, композиция, образ, мотив ва деталларнинг илғор Европа романлари билан ўзаро уйғунлашиб, исломий негизда янгича талқин қилиниши кузатилмоқда. Замон ва маконнинг мустақиллик даври кесимида миллий роман синтетик босқичи ижодкорнинг объект-намунага муносабати, поэтик маҳорати, уни қандай шакл ва йўсинда бадиий талқин этишига кўра муттасил ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Шу маънода, ҳозирча унинг қай тартиб ва йўсинларда кечаётга-

ни, қардош адабиётлардаги айни типдаги жараёнлар билан нечоғлик туташлигини аниқлаш анча мушкул. Бу ҳол махсус ёндашув усулларини талаб этади ва монографиянинг объекти ва мақсадига кирмайди.

Шуниси аниқки, замонавий ўзбек романлари учун муайян ҳудудий адабиёт узил-кесил "намуна" вазифасини ўтаётгани йўқ. Зотан, синтетизм табиатан муайян маданий-тарихий, бадиий-эстетик канонлар доираси билан чекланувчи сунъий ҳодиса эмас. У моҳиятан улкан қамровли, умуминсоний поэтик тафаккур маҳсулидир. Филология фанлари доктори У.Жўрақулов "Хамса" хронотопи бадиий синтез ҳодисаси эканини ишончли далиллашга муваффақ бўлгани ҳам бу фикрни тўла тасдиқлайди[1].

Истиқлол даврида юзага келган "Фано даштидаги қуш", "Ранг ва меҳвар", "Заррадаги олам" (А.Дилмурод), "Бозор", "Донишманд Сизиф" (Х.Дўстмуҳаммад), "Гўрўғли" (Н.Эшонқул), "Исён ва итоат", "Сабо ва Самандар", "Йўл" (У.Ҳамдам), "Боқий дарбадар", "Озод", "Генетик" (Исажон Султон) сингари романларда умумтуркий ва жаҳон адабиётида сайқал топган қадимий мавзуларга мурожаат қилиш кучайди. Сўз нафосати ҳамда маъно серқатламлигига эътибор ортди. Бу асарларда жанрлараро узвий ички алоқадорлик: миф, фантастика, детективлик ва илмийлик синтезлашиб, синкретиклашиб кетмоқда. Адабиётшуносликда айни ҳодиса "постмодерн" методига асосланган интилишлар (А.Расулов: "Постмодернизмда аксланган ўзлик") сифатида ҳам баҳоланди.

Шубҳасиз, юқорида саналган ёзувчилар муттасил ўқиб-ўрганади, изланади, одам ва оламни синчковлик билан кузатиб, кўрган, билган, ҳис қилган ва тасаввур, тахайюл пучмоқларида жилваланган нарса-ҳодисалар, кечинмалар ҳақида тинимсиз муҳокама-мушоҳада қилади. Шу маънода, уларнинг XX аср жаҳон адабиётидаги янгича қарашлар, хусусан, постмодерн адабиёти намуналари билан таниш эканлигига шубҳа йўқ.

[1] Жўрақулов У. Алишер Навоий "Хамса"сида хронотоп поэтикаси. – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2017. – Б.264.

Назаримизда, айни ҳодисанинг моҳиятида *биринчи навбатда,* ХХ аср ўзбек романчилигида Асқад Мухтор, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Муродлар бошлаб берган хайрли анъаналар, мустақиллик даврида фаол муомалага киритилган диний-илоҳий манбалар ҳамда эътиқодий асосларда яратилган миллий фольклор, мумтоз адабиёт, қолаверса, салкам бир асрлик ўзбек романчилиги тажрибаларининг ўзлаштирилиши туради. *Иккинчидан,* айни жараёнлар юзага келишида жаҳон мифологияси ва улкан поэтик арсеналга эга дунё реалистик романчилиги анъаналари ижодий ўзлаштириши муҳим омил бўлмоқда. Бинобарин, нореалистик изланишларнинг таъсирига *учинчи* ўриннни бериш адолатли ва холис ёндашув бўлар эди.

Зотан, саналган асарларни *биринчидан,* Қуръони карим ҳикматлари, халқ оғзаки ижоди ноёб дурдоналари, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Аттор, Румий, Навоий, Бобур, Машраб, Гулханий меросларидан ташқарида баҳолаб бўлмайди. *Иккинчидан,* А.Пушкин, Л.Толстой, Ф.Достоевский каби кўплаб рус адиблари ҳамда А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаҳҳор, Ойбек анъаналари ва А.Мухтор, Мурод Муҳаммад Дўст, Т.Муродлар ижодидан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, бу халқанинг *учинчи* бандида қадимтуркий фольклор ва ёзма ёдгорликлар, қолаверса, юнон мифологияси ҳамда А.Камю, М.Пруст, Ж.Жойслар таянган фалсафий таълимотлар, ифода услублари ижодий ўзлаштирилишини кўриш мумкин.

Албатта, юқоридаги мислсиз улкан илмий, тарихий-адабий, бадиий-эстетик мерос замонавий романчиликда тўла миллийлашяпти, таассуб қилиш ҳоллари содир бўлмаяпти, – дейиш ҳам ўзимизни алдашдан бўлак иш эмас. Глобал дунё воқелиги шиддатини ҳис қилиб, азал котиби шарафлаган инсон ва унинг учун бунёд этилган олам (*сайёралар, ой, қуёш, юлдузлар ва ниҳоят она заминнинг дала-даштлари, тоғ-тошлари, дарё-денгизлари ва уларда яшаётган ҳайвонот, наботот ва жамодот*) қисмати ҳақида қайғураётган одамни тасвирлаётган замонавий ўзбек романнавислари тажрибасида Шарқ ва Ғарб адабиёти илғор анъаналари синтезлашмоқда.

Бу жараёнда муаллиф интеллекти, унинг дунёқараши ва поэтик маҳорати муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбек адиблари ҳар гиёҳда бир мўъжиза кўриб, улар тимсолида инсонни тасаввур қилиб, шарафлаб қалам тебратишяпти. Улар муаззам борлиқнинг азалий гармониясини чуқур бадиий идрок этиб, романий олам яратишмоқда. Айни вақтда, олам яхлитлиги – жамодот, наботот, сайёралараро боғлиқлик теран англанган замонавий ўзбек романлари том маънода миллийдир. Зотан, кўл, тоғ, дарё ва шамолдан тортиб, то попишак, қизилиштон, саъва, какку, пўкка, қарға, бойқушгача бўлган яхлит бирлик манзарасини поэтик ифодага кўчириш (Исажон Султон, “Озод” романи) ижодий интеллектнинг миллий замини мустаҳкамлигининг бош белгисидир. Шарқ-мусулмон фалсафаси, нафосатшунослиги, адабиётшунослиги каби ўзбек романи ҳам, юқорида таъкидланганидай, фақат ижтимоий реалликка асосланувчи бадиий воқелик билан қаноат туймайди. Демак, гап адабий-фалсафий меросимизни ворисийлик асосида қайта идрок этишга бориб тақалади. Бу асарлар фольклорга хос соддалик, навоиёна руҳ, румиёна фалсафадан ташқарида ўз изоҳини топмайди.

“Ранг ва меҳвар”, “Заррадаги олам”, “Боқий дарбадар”, “Озод” каби романлар бўйилаб кезиб юрувчи мўйсафид чол образи ҳар бир китобхон бадиий дидига кўра: тажрибали деҳқон, Румий, Навоий, Хайём, Машраб, ҳатто Ойбек ва Миртемир безовта руҳи сифатида тасаввур қилинади. А.Дилмурод ва И.Султон миллат даҳосининг барҳаёт руҳига таянади. Унга юкунади, тақдири азал ва абадият фалсафасини англашга интилади.

Қизиғи шундаки, адиблар ҳатто ўзига замондош шоирлар нафис сўзи ботинига яширинган маънолар хазинасига ҳам илинж-ла боқади. “Йўл” романида У.Ҳамдам ижодкор бўз йигитнинг эр етиш, маънавий камол топиш йўли меросий хазинани қайта идрок этиш, одам боласининг ибтидодан интиҳогача бўлган неча мингйилликларга чўзилган мақсадлию бемақсад узун ҳаёт йўлини тафтиш қилиш, диний-илоҳий манбаларни мушоҳада этиш, ниҳоят Румий ҳамда Навоийга

юкуниш орқали кечади. “Заррадаги олам” романида А.Дилмурод ҳам мингйилликлар аро фикрий мушоҳада асносида ҳар заррада бир ҳикмат, ҳар улуғ ҳикматда англанган мангу ҳақиқатни ҳис этади. И.Султон “Озод” романида қоядаги наъматак (Ойбек), мажнунтол тагида ўтирган мўйсафидга (Миртемир) ишора қилади. Шубҳасиз, юқоридаги каби ҳоллар устозлар қисмати, адабий-маънавий меросидан баҳрамандлик, абадий руҳлари олдидаги чуқур қарздорлик ҳисси, меросий қалам қаршисидаги масъулликдан туғилган.

Англашиладики, кузатилган мисолларда қаҳрамоннинг шаклланиш йўли тўлиғича миллий заминда кечади. Буни романлар структур қатламидаги мифология, эртакона саргузашт, эпосга хос романтика ҳам тасдиқлайди. Зотан, бўз йигитни динамик ўстириб бориб, Эранга айлантириш ёзувчи ижодий ниятидаёқ кўзда тутилган. Шунинг учун, барча структур-семантик парчалар бош мақсад негизида адабий монтаж усулида ягона композицион марказга жипслашади. “Озод” ва “Йўл” романларидаги сафар, синов, ҳомий каби мотивлар ҳам бу асарлар миллий заминдан озиқланишини тасдиқлайди. Жумладан, “Озод” романидаги сафардан мурод маъшуқани излаш эмас, балки афсонавий тоғ лоласини топиб, бўлажак аёлига (Ойдин) ҳадя этишдир. Озоднинг ҳамдами ҳам Шопур (Навоий, “Фарҳод ва Ширин”) ёхуд Навфал (Навоий, “Лайли ва Мажнун”) достонларидаги каби реал шахс сифатида тасаввур қилинмайди. Чунки унинг яқин ҳамдами шамол эди.

Диққат қилинса, шамол Озоднинг камол топишига мутаносиб тарзда йўлбошловчи донишманд зот, зийрак ровий, ниҳоят илоҳий иноят муждаси каби иерархик кетма-кетликда намоён бўлади. У қаҳрамон маъно даштлари – синов манзилларида кузатган кутилмаган воқеа-ҳодиса, тимсол ва рамзларни шарҳлаб, талқин қилиб боради. Шамолни устоз билган Озоднинг фикри, ҳис-туйғулари, истак ва тушунчалари тобора теранлаша боради. Бу теранлик ва маънавий-руҳий юксалиш йўли унинг теграсида жилваланган зоҳирий манзара-ҳолатлардан ботиний моҳиятга томон илдамлаш тарзида кечади.

Озод кўзлаган мақсад (бориш манзили) аниқ, интилишлари эътиқод-ишончга эш, ҳамдами (пири комил) экани боис, тасвир давомида барча ишоратлар асрори аёнлашиб, унинг қалб кўзгуси ва руҳ ойнасида олам акслана бошлайди. Нафис сўзга жо этилган илм-ҳикмат (зоҳирий дарча)дан маъно қатлами (ботини)га назар ташлаш оқибат (манзил)га элтади. Демак, мақсад аниқ ва эътиқод ишончли ("йўл" тўғри танланган) экан, ғаройиботлар ҳам онг-шуурда шунга вобаста тарзда жилваланиб, уни ҳақиқатга элтади.

Озоднинг қалб кўзи донишманд киши (зоҳиран кўр, аммо қалб кўзи очиқ) воситали таъсири остида очилади. Чунки, эндиликда у маъно "тарихи"га кирган, мажозларда ниҳон ва сўз маъноларида ошкор ҳақиқат асрорини илғай бошлаган эди. Шунинг учун Ойбек қаламига мансуб:

*Нафис чайқалади бир туп наъматак,*
*Юксакда, шамолнинг беланчагида.*
*Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,*
*Виқор-ла ўшшайган қоя лабида...*
*Шамол инжулар сепар чашмадек...*[1]

мисралари Озод учун жўн хабар эмас. Зотан, бу зоҳирий ахборот замирида коммуникатив мулоқотга имкон берувчи кўплаб маънолар яширин. Жумладан, Оллоҳнинг инояти шу қадар улуғки, у зот гўзаллик ва хунукликни ҳамиша ёнма-ён бунёд этади. Ойбек даҳосигина ўшшайган қоя лабида турган "наъматак" аталмиш бир гиёҳда ўша азалий гўзал уйғунликни ҳис этади. Шоир ўз англамларидан ҳайрат туяди. Чунки, бу яратиқ наинки ўзининг қўл етмас юксакликдаги муносиб ўрни, балки маъсум, майин ва ёрқин табассуми билан бир сават оппоқ гул улашиш, ҳатто ваҳший тошларга фусун бахшида этиш ва шамолда нафис чайқалишдек гўзал ҳаракатлари билан ҳам инсон қалбини оқлик, поклик, бокираликка буркаш, туйғуларини мувозанатдан чиқариб, шеърий илҳом қўзғаш, кўнгил ҳолларини сўзга эвиришга қодир.

---

[1] Ойбек. МАТ. Иккинчи том. – Т.: Фан, 1975. – Б.21.

Шеър битилган кезларда Чимёнда А.С.Пушкин даҳосидан ижодий илҳом олиб, “Евгений Онегин” романтик дунёсида юрган ва ижтимоий буҳронлардан зада бўлган қалбига соҳир табиат қўйнидан имдод излаган Ойбек синоатларга тўла борлиқ билан юзма-юз келади. Табиат билан тиллашиш асносида, мажоздан руҳан унинг ижодкори томон боради. Ҳайратини сўз гавҳарларига маржондек тизади. Шу тариқа мажознинг зоҳирида яширин ва ишоратларда намоён сир сўзда ошкор бўлади.

Биз романда ўз яқин ҳамдами тахир қисматига ачиниб, тинмай кўз ёш тўкаётган мажнунтол деталига дуч келамиз. Бу ўринда адиб Миртемирнинг “Бетоблигимда” шеъри семантик мазмунига ишора қилади. Агар китобхон 1972 йилда битилган мазкур шеърнинг умумий руҳи ва сўнгги сатрларида шоир ошкор этган кўнгил ҳолидан бехабар бўлса, роман ишоравий мазмунида келувчи маънони ҳам илғамайди. Шеърда Миртемирнинг шўро даври сиёсий ғавғолари, қамоқхона азоблари ва мафкуравий зуғум остида яшаб, бир дам нафас ростлашга фурсат ва имкон топмагани акс этган.

Аслида, Миртемирда қушлар чуғурида мужассам борлиқ симфониясини тинглаб, хаёл уммонига шўнғиб ижод қилишдан ўзга тилак йўқ. Афсуски, у бир умр кўнгилнинг ана шу тилагига етишиш имконига эга бўлмади. Шоир ўзини ўзидан гизлаш – кўнглини у тилаган неъматдан чеклашга мажбур эди. Инсон умри ўз поёнига яқинлашаётганини ҳис этган сари ўтган ҳаётини сарҳисоб этади. Шоир бетоблигида ана шу ҳолни кечинаркан, унда ички бир ғашлик пайдо бўлади. Бу туйғу уни сўнгсиз изтироблар алангасига ташлайди. Муҳими, шоирнинг лирик қаҳрамони шу ҳолатда узоқ қолиб кетмайди. У сув бўйида бир умр маъюс турган мажунтол қошига ошиқади. Бу тасвирда кўнгилга оралаган ғашлик ва дарахтнинг ҳоли ўртасида ажиб уйғунлик бор. Бироқ, айни лаҳзада у мажнунтолдан кескин фарқланади ҳам. Сабр косаси лиммо-лим тўлган кезда шоир қўрқув ҳиссини енгиб, исёнкор одам сифатида хитоб қилади:

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,*
*Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.*[1]

Кўринадики, "Озод" романи қаҳрамони сўз воситаси билан ифодаланган хабардан унинг ижодкори кўнглини англаш сари илдамлайди. Савобга илҳақ устозлар Ойбек ва Миртемир руҳини шод этиш учун дуога қўл очади. Шу тариқа китобхон ҳам маъно ва ишоратлар оламига кириб боради. У Озодга ҳамроҳ бўлиб келаётган (*"аравага қўшилган от", "кўзга кўринмас арслон", "қарға", "кучук", "тошбақа ва чаён", "попишак", "ҳудҳуд", "қумри"*) каби табиати ва ҳаёт тарзи турфа хил бўлган мажозларга яширин маънолар ҳақида ўйлай бошлайди. Шунда Исажон Султон ишора қилаётган *"ёғочлари бақувват, ғиштлари пишиқ уй"* – адабий мерос қаршисидан чиқиб қолганини англайди. Юқоридаги мажозлар китобхонни халқ оғзаки ижодидан Навоий ва Гулханийгача чўзилган олис йўл – бебаҳо мерослар сари бошлайди.

Демак, донишманд чол бежиз отасининг чорлови билан қадрдон уй ва кенг ошёнли айвонга ошиқмаётган, қумғонда дамланган чойнинг таъми бошқача бўлишига ишора қилмаётган экан. Англашиладики, ишоралар гўзал йўлкўрсаткичлардир. Уларга қараб илдамлаган китобхон аҳли дониш билан суҳбат зоҳирда эмас, балки сўзга жо қилинган китоблар билан мулоқот орқали кечишини билиб олади. Китобларнинг "таъми"ни билиш эса, кишини бошқа дунёларга дахлдор қилиб қўяди.

Киши ана шу баландликдан туриб, Ойдинкўл деган ўз гўзал маскани эндиликда нега гиёҳ ўсмайдиган Туз чўлга айланганига назар ташлайди. Шунда китобхон шуурида Озоднинг севгилиси (Ойдин) аслида, Ойдинкўл деган маскан – Ватан тимсоли экан, деган фикр чарх уради. Зотан, Ойдинкўл *бир жиҳатдан* оби ҳаёт тўпланган маъво, *иккинчидан,* у маънолар манбаи. Бу диёр жонли ва жонсиз табиатга ҳаёт бахш этади. Ҳайвону ҳашаротлар, парранда-даррanda-

[1] Миртемир. Ёдгорлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б.141.

лар Ойдинкўлга интилади. Шу жиҳатларига кўра, у бизга “Сусамбил” эртагидаги маконни эслатади. Қолаверса, романда дастлаб, Ойдин ва Дилором тимсоллари ўзаро бирикиб кетгандек туюлади. Шунда адиб кўзлаган муддао инсон наслининг давомчиси бўлган аёл типини яратиш экани ойдинлашади. Мушоҳада асносида китобхон ўзи, ўзлиги ва асл илоҳий моҳияти ҳақида теран ўйларга чулғанади. Кейинги манзараларда шаффоф товланиб, тинмай мавжланиб ўз эгасини кутаётган оқ-ойдин кўл Дилором–Ойдин–тандирга ўт қалаётган аёлга эврилиб, болажонликнинг абадий давом этувчи шажаравий узвийлигини тамсиллайди.

Ёзувчи роман тамсилий мазмунини кучайтира боради. *Биринчидан,* Исажон Султон ҳаёт гўзаллигини инсон ва унинг насли абадий давом этиши; *иккинчидан,* киндик қони тўкилган азиз масканга муҳаббат; *учинчидан,* қадриятларга эҳтиром билан узвийликда англайди. Муҳими, адиб эл-юртнинг эгаси ўзлигини таниб эр етиши ва Озод бўлишини орзулайди. Шунинг учун, романдаги Озод–Ота–Бобо учлиги ўзаро уйғунлашиб келувчи ягона бирлик – умумлашма тип сифатида қабул қилинади. Мажоз ва ҳақиқатдан сўзловчи манзаралар поэтик ифодаси бизга *реаллик, моҳият ва оқибат* ҳақидаги солим маъноларни улашади.

Исажон Султон талқинича, *поэтик сўз илоҳий неъматлардан кўнгилда туюлган ҳайратнинг изҳори сифатида туғилади. У қоғозда қолиб кетмай, ёзувчининг Оллоҳга бўлган илтижоси, ибодати, шукронаси сифатида самовий юксаклик, коинот кенгликларига кўтарилади. Сўнгра бандасининг ҳоли ва заминий эҳтиёжга кўра, яна заминга қайтиб, воқеликка айланади.* Ёзувчи бу эҳтиёжни уч кишининг “кўза” деталига муносабати орқали очади. Биринчи одам учун кўза: “ичи бўм-бўш” бир матоҳ; иккинчи одамнинг фикрича: “маъно кўзанинг ботинида”; учинчи одамнинг наздида: “на кўза бор, на унинг ичи”.

Кўринадики, учинчи одамнинг фикрича, нарса бизнинг унга қандай маъно беришимизга кўра мавжуд. Яъни мазмунсиз шакл йўқ. Ҳар учала қараш ҳам муаллифни у қадар қано-

атлантирмайди. Романдаги тўртинчи киши (шамол): *“Моҳиятни кўзанинг ўзидан сўрангиз. Шамол остида ғувиллаши балки унинг ноласи бўлса не ажаб?”* – дейди. Демак, И.Султон кўза *“шамол остида ғувиллаши”* орқали ҳар бир даврнинг ўз ҳақиқати мавжудлигини таъкидлайди. Бу ўринда шамол даврни билдириб келади. Бешинчи киши (Озод) ҳам ўз сўзини айтиши керак. Ушбу роман муаллиф эстетик идеали – Озод тилидан айтилган ўзига хос структурага эга ўша Сўздир. Бу поэтик сўзнинг моҳиятидаги маҳзун нолалар китобхон эстетик дидига кўра, Навоий, Хайём, Машраб, Гулханий тарзида тажассум топади.

Англашиладики, *дунё азал наққоши иродаси билан собит ва мустаҳкам қилиб қурилган. Инсон ўз теграсида илк ибтидодан буён мавжуд, ҳаракатдаги нарса-ҳодисаларга қиймат бериш, маъно юклаш даражасига кўра эҳтиромга сазовор ёхуд нафратга лойиқ.* Шу боис, ёзувчи ўз қаҳрамонларини маънавий дунёсига кўра эзгулик тарафдорлари (аҳли маъни) ва маломатчилар (нафс бандалари) тарзида икки тоифага ажратади.

Кўринадики, бу тасниф адабий анъанага боғлиқ тарзда юзага чиқади. Маънавий-руҳий юксалган роман қаҳрамони Озод яратилмиш олам тўлиғича инсон учун эканини англаб, борлиқдаги барча нарсалар, айниқса, аҳли маъни ва замин тупроқларию гиёҳларига муборaклик мақомини беради. Уни маънан улғайтирган шамолни ҳам ўз амрига бўйсундиради. Шамол Озодни кўкларга кўтарибгина қолмай, ортда қолиб кетган қишлоқ узра ёйилиб эса бошлайди. Бироқ, авомнинг назарида, у ҳамон ўша жўн шамоллигича қолаверади.

Озоднинг лолани узиб (Улуғбек Ҳамдамнинг “Лола” ҳикоясини эсланг) ўз маҳбубасига тақдим қилиш муддаоси йўлидан оғишмай лолазорга (Мурод Муҳаммад Дўст. “Лолазор” романи) етган кездаги ҳоли буткул ўзгача. Энди қаҳрамон йўл бошидаги бўз бола эмас, маънан улғайган эдики, шу боисдан лоланинг ғам-андуҳ ва изтироб ичида эканини кўради. (М.Юсуф. “Лола, лолажоним, лолақизғалдоқ”). Унинг бутун ғамлари кимсасизлик ва ёлғизлик, ларзон-ларзон тебратув-

чи шамолга интиқлик ва ўз дийдорига ташна Диломромнинг туссиз ҳаётига маъни беришдек орзусига ета олмаётганидан туғилади. Изтироблари боиси – ҳижрон. Тоғлар ортида эгасини интизор кутаётган лолагун малак дийдорининг соғинчи.

Романда лола орқали Дилором тамсил этилса, Дилором ўз тушларида лолага айланганини кўради. Шу тариқа, бу икки тимсол уйғунлашиб кетади. Чўққидаги лола – бу орзу гули. Лола ҳар қанча бағри хун ва армонли бўлмасин, у – барча анвойи ўт-ўланларнинг уюштирувчи асоси. Зотан, Озод уни Ойдинкўлга элтганида, икки лолаваш вужуд чангланишидан митти лолачалар бунёд бўлажак. Демак, висолнинг ўзи муддао эмас. Ҳаётнинг азалий мантиғига кўра, янги авлод туғилиши ва улар азалий эстафетани давом қилдириши лозим.

Англашиладики, И.Султон романда лола, Симурғ (ёки Ҳумо) қушлари ҳақидаги қадим эртак, ривоят, достондан (Навоий) моҳиятга, ҳаёт ҳақиқатига етиб боради. Жумладан, романда ўттиздан ортиқ қушларни ўз номи, феъл-аъмоли билан тасвирлаган адиб, уларни Ҳумо қушига келтириб улайди ва шу тариқа моҳиятга яқинлашиб боради. Озод бахт қушига пок ва латиф руҳидан жой беришга интилади. Қуш тимсолидаги бахт унинг елкасига қўнади. Бу тансиқ неъматнинг асл қиммати Озоднинг айни дамдаги маънавий-руҳий ҳоли афсонавий қушга маъқул бўлгани билан белгиланади. Агар бахт қушининг шу танлови содир бўлмаса, босиб ўтилган йўлнинг барча машаққатлари, турфа саргузаштлар, синов мотивлари ҳеч қандай мазмун касб этмасди. Озод ўзининг ҳифзи-ҳимояда, доимий эътиборда эканини англагач, беихтиёр тарзда, бутун борлиқларни яратган Оллоҳга шукрона келтириб, илтижо қилади. У ўзида чақмоқ шиддатини ҳис қилади. Шу кез, банданинг айни ҳолини кутиб тургандай, Озоднинг тепасида чақмоқлар тиғи ялтиллаб, момоқалдироқ гумбурлайди. Романдаги маънолар илоҳий мазмун касб этиб, турланиб-тусланишлари мана бу тарзда давом этади:

*"Эй маъноларни ҳосил қилувчи ва уларни ўзлаштирувчи Парвардигорим!* – деди Озод. – *Мен вужудимда шамол қувватини сеза бошладим-ку! Эй оламларнинг хожаси, инсонлар-*

*нинг эгаси, ҳодисаларнинг яратувчиси, ҳаётнинг мураббийси! Мен ёмғир ҳикматини ўзимда жо айладим! Ҳозир шамол бўлиб ортимга қайтиб, диёрим узра ёмғир бўлиб ёға оламан-ку? Эй ҳикматларни ва тафаккур дурларини пайдо қилувчи Зот, энди тупроққа айланиб ичимдаги хазиналарни диёрим узра соча оламан-ку?! Эй бору йўқнинг Яратувчиси, ҳикматларнинг Мураббийси, энди суву оловни, ҳавою тупроқни ўзимда жам айламоқдаман-ку!"*[1]

Исажон Султон бизга роман жанри доирасида болалигимизда қадимий эртак, масал, ривоят ва достонлар; кейинчалик замонавий шеърият, ҳикоя ва романлар орқали онг-шууримизга сингдирилган, аммо эндиликда, руҳимизни ижтимоий ғуборлар қоплагани боис, унутила бошлаган илоҳий ҳикматларни янгича шарҳу талқинлар орқали эслатади. Шу тариқа, роман қатор анъанавий тимсоллар: Қуръони карим ҳикматлари, азиз авлиёлар тўғрисидаги маноқиблар, қаҳрамонлик ва ишқий-романик достонлардаги Ғиркўк ва Бойчибор сингари тулпорлар, енгилмас арслонлар, садоқатли итлар ҳақидаги анъанавий талқинлар, тошбақа ва чаён хусусидаги масаллар шарҳи билан зийнатланади. Романда майсазору гул-лолалар, барча жонзотлар тилга киради, шарҳи ҳол айтади ва илоҳийлашади. Кишиларни бало-қазодан асровчи Арслондан шафоат ёғдуси таралади. Муртаду мардуд қавм эса, абадий жисмоний ва руҳий азобга гирифтор этилиб, етти қават ер қаърига улоқтирилади. Роман воқеалари нореал маконда кечади. Лекин уларда инсон қисмати муҳим ҳолатлари, маънавий дунёсининг асл моҳияти тасвирланади. Ёзувчи поэтик ифодасида композицион мукаммаллик, кучли полифоник руҳ кузатилади. Миллий маънавият доминантлик қилади.

Дарҳақиқат, *ўзбек романи Шарқ-ислом маънавий-маърифий, бадиий-фалсафий тафаккури муҳитидагина намоён бўлувчи синтетизм жараёнида майдонга келаётгани учун ҳам миллийдир.* Албатта, *ҳар бир етук роман ўзига хос структур-семантик тизимга эга бадиий феномен* сифатида яра-

[1] Исажон Султон. Озод. Роман. – Т.: Шарқ НМАК, 2012. – Б.169.

лишини эътироф этган ҳолда, айтиш лозимки, *миллийлик жанр композицион таркиби, бадиий тасвир усулларидан кўра, кўпроқ унинг ички мазмунига дахлдор тушунча.* Шу боис, замонавий роман бадиий концепцияси, композицион доираси жиҳатидан фалсафий-дидактикадан буткул холи бўлолмайди. Чунки, у асосланган этик-эстетик заминга хос бадиий-концептуал моҳият, универсал хронотоп қамрови, умумбашарий мазмун-мундарижа, сюжет ва мотивлар, образларнинг табиати шуни тақозо этади. Кейинги йилларда яратилаётган романлар услубида эпиклик ва лириклик изчил муносабати етакчилик қилмоқда. Уларда оғзаки ва ёзма адабиётнинг кўплаб жанрлари семантик-структур хусусиятлари мужассам. Демак, роман синтетик табиати жиҳатидан ҳам анъанавий эпосга яқин туради. Бироқ, роман жанри ўз предмети, яъни тасвир этаётган воқелиги, индивидуал ижодкор эътиқоди, дунёқараши, бадиий концепцияси, ҳаётий кузатишларига асосланиши, образлари адиб яшаётган замон, тасаввурдаги китобхонга яқинлиги жиҳатидан анъанавий эпос тизимлашган каноник белгиларига бўйсунмайди[1]. Буни инобатга олмаган айрим адиблар (“Улуғ салтанат” роман-эпопеяси назарда тутилмоқда. Исломжон Ёқубов) романда эпосдаги сингари тарих ва тарихий ўтмишга эҳтиромли муносабат йўлидан бориш натижасида, ҳаёт ҳақиқатидан узоқлашиб, қаҳрамонларни бир қадар идеаллаштириб қўйишмоқда. Ваҳоланки, *роман эпосдан фарқли тарзда, идеал ўтмишни қайта сўзлаб беришга эмас, алоҳида инсон қисмати орқали замон ва маконни кўрсатиш, поэтик таҳлил ва тадқиқ этишга асосланади.* Демак, чинакам етук роман юзага келишида ижодкорнинг эътиқоди, маънавий интеллекти ва поэтик маҳорати муҳим роль ўйнайди. Чунки, ишонч-эътиқод илоҳий манбалар, мифологик қарашлар ва кўплаб фалсафий-адабий мактабларга бўлган муносабатни белгилайди. Тасвир принципининг асосини ташкил қилади.

---

[1] Турдимов Ш. Эпос сюжетидаги таянч мотивлар тадқиқи ва алплик тизими / “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011. – Б.11–39.

У.Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романи сюжет тархида мумтоз достончилик ва жаҳон адабиётида мавжуд эпик асарларга тарихий-типологик яқинлик кузатилади. Жумладан, Самандар (ошиқ) Сабо (маъшуқа)ни худди юнон авантюр романларидаги сингари илк юзма-юз учрашувда севиб қолади. Уларнинг қисмати (*илк учрашув олий таълим даргоҳи – маърифат масканида содир бўлиши, жисман қовушмаслик, тақдирга ризолик, умр шомигача шу дард билан яшаш ва вафот этиш*) мумтоз достонларимиздаги каби бадиий ечим топади. Барча уқубатлар отанинг розилик бермаслиги ва унинг хоҳишига кўра роман сюжетига кириб келган рақиб образи сабабли пайдо бўлади. Висолга етолмаслик изтиробларни келтириб чиқаради. (*Бундай жиҳат Л.Бўрихоннинг “Темир йўл” романида ҳам кузатилади*) “Сабо ва Самандар”даги ҳижрон (*ўттиз йиллик замон*) ичида турли-туман саргузашт ва синовлар содир бўлади.

“Темир йўл” романи сюжети қаҳрамонлардан бири (Гулсаҳар), “Сабо ва Самандар” сюжети эса, уларнинг ҳар иккиси (Сабо ва Самандар) ўлими билан якун топади. Йўллари ажралган бу ҳижронзада дардмандлар кўпинча ғайриоддий тарзда: мушоҳадакор фикр, соғинчга йўғрилган хаёл, орзулар тажассум топган туш, телефон, Самандар шеърлари босилган газета-журнал, радио каби деталлар воситасида руҳан боғланишади. Кўнгил ҳолларидан туғилган хаёл ва ижод уларни ғойибона дийдорлаштираверади. Бинобарин, “айризамонлик”[1] мутлақ характер касб этмайди. Замондош адибларни воқеаларнинг зоҳирий баёнидан кўра, характерлар драматик конфликти, руҳий-психологик дунёси, кўнгил ҳоли кўпроқ қизиқтиради. Чунки улар инсон руҳиятига номувофиқ ижтимоий-маиший ҳаёт (ўрта олам)нинг ноқис жиҳатларини кўрсатишни мақсад қилишади.

Умуман, замонавий романларнинг кўплаб қирраларида анъанавий қолипларга яқинлик кўзга ташланади. Зотан, синтез жараёнига хос типологик яқинликлар жараёнида ба-

[1] Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б.46.

рибир, Шарқ-ислом бадиий тафаккури етакчилик қилмоқда. Зотан, муаллифлар поэтик тафаккури Шарқона муҳаббат қисса ва достонлари таъсирида шаклланганки, бу ҳол сюжет ҳаракат йўсини ҳам шу генетик код асосида кечишини таъминлайди. Масалан, синов концепциясининг тарихий-маданий илдизлари реал одам ёхуд адабий қаҳрамон маъносида олиб қаралганда ҳам, инсонга ато этилган ҳаётнинг (*уч олам оралиғидаги қисмат йўли*) ўзи улкан синов майдони экани ҳақидаги қадимий қарашлардан туртки олади. Синов концепцияси замонавий романда ҳам, халқ эпоси ва мумтоз достонлардаги каби замон ва макон (хронотоп) уйғунлигини таъминлайди. Ҳаёт воқелиги маданий-тарихий ва ижтимоий-маиший модулига кўра, роман қаҳрамонларининг инсоний табиати ва бутун қисмати синовлардан иборат[1].

"Темир йўл" романида тоғ, "Сабо ва Самандар"да қишлоқ ва шаҳар, "Йўл" асарида йўл, "Оворанинг кўрган кечинганлари"да саҳро ва шаҳар хронотоплари етакчилик қилади. Улар орқали характерлар тақдири поэтик умумлаштирилади ва бадиий асар эстетик мазмуни кучайтирилади. "Сабо ва Самандар" романидаги Шердил жисман Сабога эришса ҳам, бир умр унинг қалбини забт этолмайди. Чунки, унинг синов йўли нафс ўпқони бўйлаб ўтади. Шу боис, Шердил болалик дўсти Самандарнинг ишончини поймол қилади. Ота дуоибадига йўлиқиб, оқ қилинади. Муаллифнинг "Йўл" романидаги баёнчи "Мен" эса, дунёвий қисматига битилган барча синов манзилларидан ўтиб, илоҳий борлиқ ҳайбати ва яратувчининг қудрату ҳикматини англайди.

Биз замондош адиблар фалсафий-бадиий концепцияси, улар яратаётган романларда хронотоп поэтик ифодасига кўмаклашувчи деталларнинг зоҳир ва ботин маънолари, ишоравий мазмунини имкон қадар кузатдик. Аён бўладики, *миллий роман хронотопи ифодаси ва жанр универсал қамрови ҳар бир муаллифнинг илоҳий моҳият ҳамда ҳаёт ҳақиқатини қанчалик теран англаши, адабий анъаналарни ўзлаштириш даражасига уйғун ҳолда намоён бўлади. Роман қаҳрамонлари-*

[1] Бахтин М. Ўша жойда. – Б.46.

*нинг табақаланиши, ҳар бир тип ўз замони ва ўз йўли бўйлаб ҳаракатланиши ҳам шу факторлардан келиб чиқади.*

Кўнгил тилаги билан яшайдиган Сабо ва Самандар учун ижтимоий тақиқлар катта тўсиқ эмас. Уларнинг маънавий-руҳий интилишларига хос беғараз самимияти олдида кўникилган барча қолиплар аҳамиятини йўқотади. Самандар ва Сабо қисмат синовлари олдида тадбирсиз қолишса ҳам, адиб уларнинг инсоний сабр-қаноати, бардош-матонати, иқтидор ва салоҳиятига улкан ижтимоий-маърифий миссия юклаган. Аниқроқ айтганда, У.Ҳамдам роман қаҳрамонлари мақсад-муддао ва интилишларини инсоннинг кўнгил тилакларини тушунишга қурби етмайдиган ижтимоий тартибларга зид қўйиб тасвирлаган. Бундай моддийлаштириш образлар ҳаракатланадиган хронотоп доирасини мумтоз анъанага нисбатан анча торайтирган.

Замонавий ўзбек романлари ҳамда мумтоз қисса ва достон жанрлари ўртасида муайян типологик муносабат мавжуд. Юзага келаётган аксарият романларда Қуръони каримда келувчи қиссалар сюжети ва баён усулининг таъсири кузатилади. Тарихий романга қўл урган аксарият адиблар Қуръони карим ва ҳадислардан иқтибос олиш, муқаддас китобда келувчи оятлар, ҳатто айрим халқ қиссаларини поэтик интерпретация қилишга уринишмоқда. Масалан, бу ҳол “Улуғ салтанат” роман-эпопеяси (Муҳаммад Али), “Тангри қудуғи” романи (Э.Самандар) семантик-структурал қурилиши ва эпик баён услубига сезиларли таъсир этди. У.Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романи етакчи қаҳрамонларидан бири Сабонинг жўшқин муҳаббати, жунуни, унинг жамиятга сиғмаслиги, ғайриоддий аъмоли қайсидир маънода, бизга Лайлини эслатади. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида (Т.Мурод) Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарига хос сюжет, образ, баён усуллари ижодий ўзлаштирилиб, рамзий усулда асар сюжет ва образларига татбиқ қилинади. Умуман, *муайян романда муаллиф илгари сураётган концепцияни асослашга хизмат қилувчи киритмалар бадиий мазмун ва поэтик тасвир нуқтаи назаридан унинг семантик-структураси, услу-*

*бий ифода маромига мувофиқлашмоқда. Бу жиҳат у ёхуд бу романда халқона панд-насиҳат руҳи кучайиб, ибратомуз дидактик хулоса етакчилик қилишига ҳам олиб келди.*

Бизнингча, юқоридаги каби типологик уйғунликлар ҳозирги адабий жараёнда анъанавий жанрлар, бадиий компонентлараро модификациялашув, синтезлашув жараёнлари кечаётгани, илмий-адабий фаолиятда балоғат илмини ўзлаштиришга интилиш мавжудлиги, ижод аҳлининг ўзлиги ва борлиқнинг илоҳий моҳиятини англаш маърифатида соғломлашиш жараёни кечаётгани белгиларидир.

Ҳозирги ўзбек романлари ўз тараққиётининг синтетизм босқичида. Жанр доирасидаги дифференциация ва синтез жараёнларининг юзага чиқиши Шарқ-ислом маърифати ва бадиий-эстетик тафаккур призмаси негизида кечмоқда. Башарият поэтик тафаккурининг барча намуналари кенг эпик доирада қамралиб, муайян бадиий умумлашмалар чиқаришга уриниш кучайган ҳозирги босқичда жанр ва унинг ички шакллари поэтик структурасида намоён бўлаётган хронотоп кўлами, композиция, сюжет, образ, мотив, услуб сингари поэтик бирликларга хос белги-сифатлар ҳам муайянлашмоқда. Шу маънода, *ҳар бир роман ўзига хос структурал-семантик ва поэтик ифода арсеналига эга.* Бинобарин, бу романларни муаллиф биографияси, адабий муҳити, эстетик идеали, ижодий методи сингари умумэстетик муаммолар билан бир қаторда, алоҳида жанр намунаси яхлит поэтик система экани жиҳатидан ҳам ўрганиш лозим. Роман табиатига хос синтетиклик, поэтик ифода ракурслари турфалашуви эндиликда муаллиф ёндашувини эпик хронотоп, эпик сюжет, образлар олами, ифода кўлами масалаларини умумбашарий адабиётнинг *одам ва олам муносабатларининг илоҳий гармонияси, эпослар туркумига хос Ватан ва алп тушунчалари, миф ва мифопоэтика, хронотоп назарияси* сингари марказий концепцияларини санъатнинг миниатюра, театр, кино каби синтетик жанрларига дахлдор анъаналар ижодий ўзлаштирилиши аспектида типологик тадқиқ қилишга изн беради. Роман хронотопи, композицияси, фабуласи, сюжети, образлар ола-

ми ва поэтик ифода йўсинларида муайянлашаётган ўзгаришлар мустақиллик даври плюралистик тафаккури ҳосиласидир. Ҳолбуки, яқин ўтмишда ҳам роман эпик концепцияси ва образлари моҳиятини тарихий-генетик асосларига боғлаш, космик миқёсларда идроклаш: Оллоҳ–борлиқ–инсон учлиги асосида тушуниш ва тушунтириш имконсиз эди.

### *1.3. “Мини-роман” яратиш йўсинидаги экспериментал изланишлар*

Жаҳон адабиётида ўтган асрнинг 1950–1970-йилларида янги роман (неороман ёхуд антироман) тушунчаси майдонга чиқди. Бу термин бир қатор француз ёзувчилари Н.Саррот, А.Роб-Грийе, М.Бютер, К.Симон ҳамда уларнинг издошлари Ф.Соллерс, Ж.Рикардларнинг роман бобидаги экспериментал изланишларига хос хусусиятларни англатувчи шартли атамадир. Мазкур йўналиш тарафдорларининг ўзига хослиги шундаки, улар анъанавий наср ўз имкониятларини тўла сарф этиб бўлган, деб ҳисоблаб, ривоянинг муҳим категорияси бўлган фабула (*тасвирланган воқеаларнинг ҳаётда юз бериш тартибига мувофиқ жойлаштирилиши*) ва шахс тушунчасидан холи бўлган янги йўсинини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишди.

Маълумки, анъанавий роман, умуман эса, эпос, шахс тушунчасини асар марказига қўйиб тасвирлар ва бадиий талқин қилар эди. Неороман тарафдорлари мазкур усулни эскирган ва кераксиз ҳисоблашди. “Янги роман” ривоя йўсинини ишлаб чиқишда шахс тушунчасини анъанавий тарзда бадиий талқин қилиш тўғри эмас, деб билишди. Уларнинг фикрича, қаҳрамонсиз ва воқеабанд сюжетсиз ҳам романлар яратиш мумкин. “Янги роман”ларда ташқи дунёдаги нарсаларни қабариқ тасвирлаш, онгости қатламларидаги эврилишларни мозаика қонунлари, яъни фикр-кечинма негизида яхлит бутунликка жамлашга аҳамият берилди. Шу боис, уларнинг ривоясида эссега хос хусусиятлар етакчилик қила бошлади. *Янги роман бадиий воқелиги муаллиф ҳаётий таж-*

*рибаси, унинг онги ва қалб призмасидан ўтган ўта шахсий – субъектив, эркин мулоҳаза-кечинмаларга асосланади. Улар композиция ва тематика чекловларидан холи бўлади. Неороманлар ҳамиша ҳам тугал бадиий ечимга эга бўлавермайди.*

Жумладан, А.Роб-Грийе асарларида ташқи олам нарсалари холис ва бўртиқ ҳолда тасвирланса, Н.Саррот романларида онгости қатламларида кечган сирли эврилишларнинг диалогик стихияси ўз ифодасини топади. М.Бютер полифоник романларида зоҳиран тарқоқ туюлган фикр-кечинмалар мозаика қонунияти асосида яхлит бутунликка бирикади. Таъкидлаш жоизки, М.Бютернинг "Ўзгариш", К.Симонннинг "Фландрия йўллари", Н.Сарротнинг "Сиз уларни эшитяпсизми?" романларида эпистоляр жанр хусусиятларидан ҳам ўринли фойдаланилган.

Ўзбек романчилигида бирмунча ўзгачароқ ҳол кузатилади. XX асрнинг 70-йиллари ўзбек романчилиги учун ўзига хос "портлаш даври" бўлди. Бу ҳол О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Усмонов, С.Аҳмад, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов ва бошқа кўплаб номлар билан боғлиқ тарзда намоён бўлган эди. Адабий-маданий иқлим тозарган 90-йиллардан эътиборан эса, миллий романчилик ривожи янги босқичга кўтарилди. Зотан, роман тараққиётида муайян тадрижийлик бор. Албатта, жанр реал ҳаёт, ижодкорлар тафаккур тарзидаги такомиллашиш, китобхонлар маънавий-руҳий эҳтиёжи, поэтик маҳоратнинг ортиб бориши асосида янгиланади. Айни пайтда, янги жанрий хусусиятлар пайдо бўлишида адабий таъсирланиш, маҳорат сирларини кенг кўламда, миқёсли ўзлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, миллий роман нафақат йиллар давомида тўпланган тажрибалар асосидаги ички ривожи, балки кўплаб адабий жанрларга хос белгиларни ўз таркибига сингдириш ҳисобига ҳам бойиб бормоқда. Жумладан, латифа, ҳикоят, ривоят, миф, афсона, эртак, қадимий ҳикмат, мактуб, ахлоқий-дидактик ва ишқий-романтик, диний-илоҳий, тасаввуфий ва автобиографик қисса, достон, илмий тадқиқот, тарихий хроника, публицистика, фалсафий трактат сингари

турфа жанрлар маълум бадиий-эстетик мақсад асосида санъаткорона қамраб олинди – туркумлаштирилди. Романнинг ғоявий-бадиий ва фалсафий концепциясига бўйсундирилди.

Муайян ижодкор бадиий онги ҳамда туйғулар кўлами қамраб олган борлиқнинг тасвир объектига айланиши роман анъанавий композицион қурилмасига сезиларли таҳрирлар киритди. Сюжет дунёнинг янада мураккаб инъикосини ифодалашга қодир бўла борди. Роман доирасида ўтмиш даврлар ва турфа маданиятлар ўртасидаги ўзига хос робита тикланди. Бундай маданий ворислик ижтимоий-фалсафий ва маиший-ахлоқий муаммоларни кенгроқ кўламда қамраб олиш имконини берди. Юқоридаги каби жараёнлар илғор жаҳон романлари поэтик арсеналида ҳам кузатилмоқда. Масалан, замонавий форс романчилигида сюжет ва композиция, услуб ҳамда воқеликка муносабат ўзгарди. Эсселашган романий тафаккур белгилари юзага келди. Рамзий-мажозий тасвир чуқурлашиб, макон ва замон муносабатлари янгиланди. Бундай ҳол ровий тимсолини ҳам четлаб ўтмади. Поэтик образлар маъно қатлами қабариқлашди. Бош қаҳрамон табиати ва нутқида мушоҳадавийлик ортди. Янги романларда синкретизм кучайди. Роман доирасида герменевтик талқин ва инертекстуал ўйинлардан фойдаланиш, ишоравийлик каби масалаларга эътибор кучайди.

Форс романчилигида модерн ва постмодерн белгиларнинг қарор топиши масалалари С.Сотиболдиеванинг филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзган “Замонавий форс романчилиги (Жанр эволюцияси ва бадиий маҳорат)” мавзусидаги диссертациясида қисман тадқиқ этилди[1]. Жумладан, тадқиқотнинг “XXI аср биринчи ўн йиллиги форс романининг жанр модификацияси” номли сўнгги бобида замонавий форс романларида тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин синтези, шакл ва услубдаги янгича изланишлар, постмодерн роман тажрибалари ҳамда

[1] Сотиболдиева С. Замонавий форс романчилиги (Жанр эволюцияси ва бадиий маҳорат). – Филол. фан. бўйича фан д-ри (DSc)... автореф. – Т., 2018. – Б.66.

бугунги форс романлари фалсафий-эстетик асослари тадқиқ этилди. Ўзбек адабиётшунослари ва китобхонларига нисбатан кам таниш бўлган романнавислар: Маржона Сотропий, Паринуш Сание, Ризо Амирхоний, Муҳаммад Козим Мазиноний, Муҳаммад Ризо Байрамий, Анита Амиррезвоний, Сайид Меҳди Шўжоний ижоди таҳлилга тортилди. Тарихий-биографик, тарихий-сиёсий, ижтимоий романлар билан бир қаторда, *роман-мактуб, роман-графика, хотира-роман* каби романнинг ички тармоқлари юзага келгани эътироф этилди.

Сўнгги йилларда яратилган ўзбек романлари ҳам оламнинг ўзига хос сиқиқ манзарасини мужассамлаштира бошлади. Миллий роман кўп планли мазмун, сертармоқ сюжет, композицион ранг-баранглик, шаклий ихчамликка интилиш каби жаҳон эпик тажрибасига хос тасвирий восита ва усулларни қўллашни ўзлаштира борди. Инсон ва инсоният ҳаёти, олам манзарасининг тасвир ва тадқиқ этилиши роман мазмун-мундарижасини халқ, миллат, жамият, тарих, инсоният, башарият тақдир-истиқболига дахлдор қилиб қўйди. Бу *бир жиҳатдан,*"Улуғ салтанат" типидаги роман-эпопеяларнинг юзага келишига олиб келди. Шу тариқа, роман олами ҳар бир асарнинг ўз географияси, генеологияси, қаҳрамонлар маънавий-руҳий ва психопаталогик ҳолат-кечинмалари билан белгиланадиган бўлди. Зотан, ижодкор ва қаҳрамон қалби, фикр-ўйлари инсонга, оламга ва коинотга қаратилган.

*Иккинчидан,* жанрлар диффузияси билан боғлиқ сифатий-структурал ўзгаришлар миллий роман анъанавий шаклларини янгилади ва бадиий тасвир имкониятларини анча кенгайтирди. Роман қаҳрамонлари ҳам тарихий-маданий тип сифатида кескин янгиланди. Ташқи воқеликка хос зиддиятлар кўлами инсон ботинига кўчди. Эндиликда қаҳрамон тақдирини ҳамиша ҳам воқелик белгилайвермайди, балки ўз табиатига хос ва инсон зотига дахлдор белги-хусусиятлар "онг ва тафаккур оқими", эркин сюжет ҳам таъминлайди. Бундай ҳол жанрнинг шакл ва мазмуни, ифода тарзига таъсир этмаслиги мумкин эмасди. Чунки *роман турғун шакл эмас, балки шаклланиб, камол топиб борувчи жонли бадиий ҳодисадир.*

Роман ҳар бир миллий адабиётнинг комиллик даражасини белгиловчи адабий жанрдир. Жаҳон романчилигида ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан, миллий адабиётимизда эса, мустақиллик йилларида роман жанрининг одатдагидан бошқача шакллари пайдо бўлди. Романнинг поэтик ифода имкониятлари сезиларли даражада ўзгариб, мундарижаси қуюқлашди. Шаклан сиқиқ ва мазмунан аналитик романлар юзага кела бошлади.

Баъзан романларда тасвирланган воқеалар зоҳиран бир-бирига узвий туташмагандек туюлади. Чунки, макон ва замон нуқтаи назаридан фарқланувчи, реаллик ва хаёлот қоришиқ ҳолда поэтик ифодага кўчади. Бадиий реалликдаги ҳаётнинг маъно-моҳияти ва башарият тақдири ҳақидаги фикр-мулоҳазалар муаллиф шахсиятида яхлит бутунликка айланади. Шубҳасиз, бундай ҳол романда яхлит воқелик, кўп планли сюжет асосида воқеаларнинг эпик манзараси ва марказий қаҳрамон тасвирланиши лозимлиги билан боғлиқ бизнинг илгариги каноник қарашларимизга муайян таҳрир киритди. Натижада, жаҳон романчилик тажрибалари миллий-маданий асосда синтезлашган адабий қуроқ (монтаж) ва рамз-тимсолларга асосланувчи “янги роман”ларга бугунги ўқувчининг диди, қийинчилик билан бўлса-да, мослаша бошлади. Чунки бундай романлар меҳварида ҳам халқ, ватан ва миллат тақдири, ҳаётдан мантиқ излаётган замондош интеллектуал ҳам руҳий дунёсини ижодий акс эттиришнинг беқиёс имкониятлари туради. Олам мукаммаллиги ичра инсонлик мавқеи турли ракурсларда идрок этилади. Бизнингча, улар замондошимизнинг XXI аср цивилизацияси ютуқларига ҳамқадам бўлиш ва истиқбол режаларини шунга мувофиқлаштиришга интилиши ҳамда ўзининг яратилмиш банда сифатидаги моҳиятини англашга интилаётган бадиий-эстетик тафаккурини чархлашга хизмат қилади.

Масалан, И.Султоннинг “Боқий дарбадар”[1] номли ихчам романида Оллоҳ олий ҳукми ва ҳақиқатига қўл кўтарганлар-

[1] Исажон Султон. Боқий дарбадар. Роман, қисса, ҳикоялар. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.5–92.

нинг рамзи бўлмиш қисмат етовидаги банда образи ифода этилади. Асарда инсон хокисорлиги ва поклигигина эмас, балки Яратувчининг қудрати, илми, жазоси, лаънати ёхуд марҳамати, кенг маънода абадиятдан-да юксак мартабаси ҳам улуғланади. Илгари Ч.Айтматов, О.Мухтор, А.Дилмурод, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам каби романнавислар ижодида кузатилган ҳаётбахш тамойиллар ўзига хос тарзда синтезлаштирилади. Ёзувчи нафақат Қуръони карим ҳикматлари, балки фольклор ва этнография, астрология ва тарих, генетик инженерия – молекуляр генетиканинг ирсий программани янгича моделлаштириш, генларни клонлаш назарияси ва амалиёти, одамнинг ўлиш ҳуқуқи (эвтаназия) в ҳ.к. муаммоларга мурожаат қилади. Роман доирасида илм-фан ютуқларидан баракали фойдаланади.

Роман лейтмотивини ёзувчининг китобхон билим даражасини янада ривожлантириш орқали, унинг ақлу шуурини равшанлаштириш, "парда" ортига нигоҳ ташлаш лозимлигидан огоҳ этиш ташкил этади. Маълумки, аждодларимиз иймон бутлигини Яратувчи ҳайбат ва қудрати олдидаги ҳайратдан излашган. Борлиқнинг мавжудиятини Оллоҳ иродаси туфайли деб англашган. Тангри ҳикматларидан ибрат олиб, маҳшар кунига собит ишонч билан қарашган. Унинг марҳамати қошида шукрона келтиришган. Зотан, инсон илму амали аниқ мақсад сари йўналган бўлсагина, унинг гўзал самаралари бутун олам уйғунлиги қонунига мутаносиб бўлади. Ватан – имон ва миллат руҳининг қўрғони. Миллат менталитетида эса Ватан қадрини улуғлаш, инсоният тафаккур тарихини ўрганиш орқали ҳикмат қопқаларини очишга бўлган кучли эҳтиёж мужассам. Бинобарин, роман ўша эҳтиёж меваси ўлароқ юзага келган.

Ёзувчи У.Ҳамдам "Наъматак" асарининг жанрини "мини-роман" тарзида белгилайди[1]. Бизнингча, *мини-роман – бу мўъжаз "роман" ёки романнинг жажжи модели.* Зотан, жанр атамасидаги "мини" сўзи ҳажмнинг қисқа ва ихчамлигини

---

[1] Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ. – Т.: Академнашр, 2014. – Б.415–422.

билдиради. Бадиий асар сарлавҳасига чиқарилган "наъматак" атамаси форсча сўз бўлиб, раънодошлар оиласига мансуб буталар туркумини англатади. Республикамизда наъматакнинг ўндан ортиқ тури учрайди. Улар уч метргача бўй чўзади. Ҳар хил рангларда гуллайди, хушбўй ифор таратади. Тотли мева тугади. Албатта, шу ахборотнинг ўзи нафақат роман, балки "мини-роман" ҳам бўлолмайди.

"Наъматак" асарига муносабат билдирган филология фанлари доктори Ш.Турдимов фикрича: *"Ёзувчи асарда наъматакни бутадан Исмга айлантира олган. Воқеа, кечинмаларни ҳикматга пайванд этган... Ёзувчи асар номига бекитган сир воқеалар баёнида очилган... асар улкан эпик қамровли воқеликни қисқа ҳажмга жамлаган... "Наъматак" – мажозий асар"*[1]. Англашиладики, асардаги қисқа ва лўндаликка тугал фикр ҳамда ўткир мазмун жойланган. Унда улкан эпик қамровли воқелик мавжуд бўлиб, у контекст меҳварига гизланган рамз ва мажозни англаш орқали реаллашади. Асарда одам ва оламнинг моҳияти сингари умумбашарий ва мангу муаммолар ўзбек менталитети негизида рамзли идрок этилган. Таҳлилга тортилаётган насрий битик эпиграфида ҳаёт сирларидан воқиф донишманд зотлардан эшитилган қуйидаги ҳикмат келтирилади:

*Қандай кўз-ла боқса одам оламга,*
*Шундай жавоб айлар олам одамга, –*
*деган экан донишлар...*

Демак, умр сўнггида берилажак ажру мукофот одамнинг оламга бўлган муносабатига кўра намоён бўлади. Бадиий матн давомида нақорат сифатида тўрт ўринда қайтарилган бу ҳикмат сюжет қисмларини ўзаро бирлаштиради. Ҳикматнинг сўнгги мисрасидаги "деган экан донишлар..." бирикмаси биринчи ва иккинчи гал тўлиқ, учинчи гал "деган экан..." тарзида қайтарилиб, тўртинчи гал тушириб қолдирилади. Буни тўғри илғаган адабиётшунос Ш.Турдимов: *"Худди халқ*

[1] Турдимов Ш. Исмдаги сир / Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ. – Т.: Академнашр, 2014. – Б.413–414.

*қўшиқларидагидек бир ҳикмат нақорат бўлиб, уч қисмни бирлаштириб – боғлаб турибди. Ёзувчи ҳикматга бадиий мақсадни очувчи калит вазифасини юклаган. Ҳикматларнинг ифода шаклида воқелик тасвири ва мазмунига уйғун, тадрижий кўриниш олганлиги бежиз эмас"*[1], – деб ёзади.

Дарҳақиқат, банд ихчам, содда шеърий матн бўлиб, муаллиф уни нақорат сифатида қўллаган. Нақорат-банд такрорида муайян мунтазамликни сақлаган. Ҳикматнинг ифода шаклини бадиий матн ғоявий-эмоционал мазмуни ривожига бўйсундирган. Тадрижий равишда шаклан ихчамлаштира бориб, асар сўнггида уни мантиқий тушунча – тўлиқ ҳукмга айлантирган. Чунки, ёзувчи инсон табиати ва умр мазмунини уч авлод тақдири мисолида изчил ўрганиш, аҳли донишлар фикрининг реал воқеликка мослигини бадиий таҳлил этиш орқали, қадимий ҳикмат мазмуни чинлигини тасдиқлаган. Китобхонни ҳам ўзининг оламга бўлган муносабати ҳақида ўйлаш, ҳис-туйғуларини тафтиш этишга ундаган.

Таъкидланганидай, асарда уч авлод тақдири ҳақида сўз боради. Воқелик иккита далаҳовли қоқ ўртасидаги ажриқзорга айланган қаттиқ ердан ўсиб чиққан наъматак детали билан боғлиқликда ривожланади. Наъматакка бўлган муносабат қўшнилар тақдири (*кенг маънода, инсон қисмати*)ни боғловчи сирли риштага айланади. Ҳеч ким атайин экмаган, махсус парвариш қилмаган, эгалик нигоҳи билан боқмаган кезларда наъматак тўрт томонга тарвақайлаб ўсади, сон-саноқсиз мева тугади. Қўшниларнинг илиқ меҳри, бағрикенглиги, инсоф-диёнати туфайли моддий неъматга эгалик ҳисси буткул унутилади. Йиллар ўтгач, ҳамсоялардан бирининг уйида Йигит, иккинчисиникида Қиз фарзанд улғайиб, вояга етади. Авжи баҳор палласида ўша наъматакнинг чаман-чаман очилган нимпушти гуллари, нафис ифорлари ошуфтаҳол қўшни қиз хаёлларини юксак орзулар қучоғига чорлайди. Наъматак гулларининг ҳидлари, янада аниқроқ айтганда, бўйсира қиз сочларидагина бўладиган нафис бўйнинг хуш таровати Йигит дилини сеҳрлайди:

[1] Турдимов Ш. Ўша жойда. – Б.414.

*“Йигит андак энгашган кўйи нимпушти гуллардан бирини авайлаб ҳидлади. Димоғига атиргул ва яна аллақайси чечак, балки дарахт бўйларидан атирлар етгандек бўлди, аммо, барибир, бошқа ҳид эди бу: янада нафис, янада ўзгача таровати бор эди унинг!..”*[1]

Йигит димоғига урилган бу нафис ифор наъматак ҳиди аралашган ўзгача бўй бўлиб, Йигит ёнгинасида: *“киприк қоқмай маҳлиёланиб турган тамомила янги бир гул, бўлгандаям, борлиқдаги жамики гулларнинг аълосию раъноси – қўшни қизнинг сочларидан уфураётган мушку анбар”*нинг бошни айлантириб, икки ёш келгуси ҳаётига тарх бўлгулик ширин насимлари эди.

Ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий “Меҳробдан чаён”нинг “Нега ерга қарайсан, Раъно?” фаслида Анвар ва Раъно ширин суҳбатлари асносида: *“ҳаётбахш кокилларининг муаттар бўйини узоқ ҳидлади”*, – деб ёзади. Раънонинг тўйини кўкламга қилиш раъйига кўнган Анвар тилидан эса: *“Ерлар кўк гиламлар билан безалганда, ҳар тарафни бинафша чечаклари босганда, қушлар уя қайғусини чекканда биз ҳам тўй қилармиз; чимилдиқда бахт созини тинглаб, истиқбол куйини куйлармиз...”*[2], – деган ҳароратли тасвирни битади.

Албатта, “Наъматак”да бундай батафсил тасвир йўқ. Лекин, ёзувчи: *“борлиқдаги жамики гулларнинг аълосию раъноси”*, – деб қисқа таърифлаган Қиз қайсидир жиҳатлари билан, ассоциатив тарзда, ўша Раънони эсга солади. Шунинг учун, ориятли Қиз ва мағрур Йигитнинг авжи куз палласида наъматак меваларини бир-бирига илиниш ҳоллари, айниқса, икки ўртада куртак очган самимий муҳаббат, наъматак авжи гулга кирган файзли кўклам кунларида қудалашиб, тўй қилган қўшнилар тутуми билан боғлиқ воқеалар баёни ҳам кўнгилга хуш ёқади. Дилга бир қатим ёруғ нур индиради. Гўё наъматак ҳидлари анқиётган далаҳовли манзаралари У.Ҳамдам онгостида пинҳон: кўк гиламлар билан безалган

---

[1] Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ. – Т.: Академнашр, 2014. – Б.416.

[2] Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – Б.94.

ер латофати, бинафша чечакларга бурканган атроф-жавониб малоҳати, уя қайғусини чеккан қушлар чуғури билан боғлиқ қодириёна поэтик тасвирларга қўшилиб бадиий ифодага кўчгандай тасаввур уйғонади.

Далаҳовлига меҳр қўйиб, шу ердан умр мазмунини топган икки ёш худди наъматак каби яшаб, новдаларини ҳаёт кенгликлари бўйлаб баралла ёзади. Мева тугиб, бутадан фарқли ўлароқ, қаришади. Ниҳоят, васиятларига кўра, шу макондан сўнгги сафарга отланиб, ёнма-ён манзил топишади. (Навоий. "Лайли ва Мажнун") Наъматак уларнинг беқиёс меҳри, эътибори туфайли яшаради, гуркираб ўсади. Ноғоралар садоси ўрнини мунг эгаллаганини айтмаганда, гўё вақт ўтмагандай. Аммо ҳаёт қонуни фурсат деган сирли неъмат ихтиёрига итоат этиб, иккинчи авлод бўй етади. Далаҳовлилардан бири меросхўр кенжа ўғилга, иккинчиси марҳуманинг яқин қариндоши илкига ўтади. Икки ўртадаги "эгасиз" наъматак атрофида бошланган мулк талашиш аввал дағдағага, кейин низога айланади. Рақиблик пасткашликка дўниб, зиддият кучайгандан кучаяди. Ниҳоят, ёвуз кимса қўлидаги ойболта аввал наъматакни чопиб ташлайди. Сўнгра мазлум қўшни боши узра ярқирайди. Инсон томирларида адоват билан оққан қоннинг жўшиши хунрезликка доя бўлади. Иккинчи авлод тақдири мақтулдан неча йиллар сўнг қамоқда ўпка сили билан ҳаётдан кўз юмган қотилнинг аянчли тақдири билан тугайди. Афсуски, қотилнинг қисмати ҳақида жўн ахборот берилади ва изтироблари чуқур таҳлил қилинмайди.

Маълумки, мамлакатимизда 1991 йилдаёқ Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси[1] юзага келди. Кўплаб диний-илоҳий мазмундаги адабиётлар нашр этилди. Бу хайрли ишлар олам ва одамни янгича англаш ва ифода этиш йўсинларига сезиларли таъсир этди. Миллий романчилигимизда маънавий дунёси заифлиги туфайли рисоладаги одамлардай фикрлаш ва ўзгаларни туйиш саодатидан маҳрум ёхуд разолат қаршисида забун бўлган, шахслиги синдирилгани учун

[1] Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992.

ўзлигидан айрилган – ички олами омонат кимсаларнинг ғаройиб қисматларини тасвирлаш тажрибаси ўзлаштирилди.

Эътибор берилса, Қуръони каримнинг Моида сурасида ўз нафсининг қули бўлган Қобил биродари Ҳобилни ноҳақ ўлдириши қиссаси келади. Бу яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги абадий кураш Одам Ато фарзандлари давридан буён мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, Ер юзидаги илк ноҳақ қон тўкилишига сабабчи бўлган Қобил гуноҳлар юкини кўтаришдан ожиз қолганида: *“Менга ўлим бўлсин”,* – дея надомат қилади. (31-оят) Қобилнинг фожиаси туфайли Бани Исроилга келтирилган ҳужжатда айтилишича: *“Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни, ўлдиришдан бош тортса), демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди”*[1] (32-оят).

Англашиладики, қиссада исломнинг инсонпарварлик ғоясига кўра, бир кишини ўлдириш – бутун инсониятни ўлдириш, бир кишини ҳалокатдан сақлаб қолиш эса, бутун башариятни асраб қолиш экани таъкидланади. Бизнингча, юқорида келтирилган мисолдаги қуйидаги нуқталар характерлидир:

*Биринчидан,* муқаддас китоб фармони ҳам Ер юзида ҳаддан ошишларни тўхтата олмаган. Чунки олий фармон ҳам ижтимоий воқеликка тўғридан тўғри эмас, балки бандаси уни қанчалик ўзлаштириб, ўз кўнгил мулкига айлантириши ва амалда қўллашига кўра кўчади.

*Иккинчидан,* одамнинг жиловланмаган нафси уни муқаррар тарзда балоларга гирифтор қилади.

*Учинчидан,* инсон мукаррамлиги бутун жамиятдан ҳам юксак алоҳида қадрият саналади.

*Тўртинчидан,* гуноҳларнинг каффорати надоматдир.

*Бешинчидан,* қиссада Оллоҳнинг итоаткор бандаси мақтул Ҳобилдан кўра кўпроқ қотил Қобилнинг мураккаб руҳий тўлғанишлари биродарлик, муҳаббат, нафрат, ғазаб, надомат каби турли ракурслардан кузатилади.

[1] Қуръони карим. Ўша жойда. – Б.74.

*Олтинчидан,* Ҳобил ва Қобил – бир макон ва замонда мавжуд бўлишга мажбур турлича тақдир ва эътиқод эгалари. Қобил руҳий оламида икки хил кучнинг абадий кураши кечмоқда. Оға-инилар қондошлик ришталарига кўра яқин бўлсалар-да, фикр тарзи ва ахлоқий қаноатларига кўра бир-биридан фарқланадилар. Англашиладики, Қуръони каримдаёқ инсон ададсиз сир-синоатларга тўла мавжудот сифатида талқин қилинган.

Дарҳақиқат, олам мулкининг ҳоқони ва султони (Э.Воҳидов) бўлмиш инсон кўнгли кошона ҳам, вайрона ҳам. У гоҳ адолат, гоҳ адоват, гоҳида кин, гоҳи риё, гоҳи рост қўйнида. Инсон кўнглининг туб-тубида гоҳ шайтон, гоҳ ғилмон яшайди. Бандаси қотил ҳам, қурбон ҳам, сарсон ҳам, гардон ҳам. Унинг фикри машъал ҳам, ваҳшат ҳам. Демак, инсон – илоҳнинг юксак тилаги экани билан улуғ, тақдир ҳукмида экани билан ожиз, покланмоқ имкони борлиги билан умидли зот. Дунё тартиботи яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашдан иборат. Инсон – ўз фаолиятини эркин танлаб, эзгулик тантанасига таъсир эта оладиган яратиқ. Унинг эзгулик тантанасига бўлган ишончи ёмонликнинг маҳв бўлишини таъминлайди.

Хуллас, иккинчи авлод тақдир баёни сўнггида келтирилган ҳикматомуз нақорат фожиа таъсирини ошириб, ўқувчида меҳр-муҳаббатдан бегона кимсаларга нафрат ҳиссини кучайтиради. Китобхон дилида биринчи авлодга бўлган чексиз соғинч туйғусини уйғотади. У ўша кайфият билан асарнинг давоми – учинчи авлод қисматбаёнини ўқишга тутинади.

У.Ҳамдам учинчи авлод қисматини китобхоннинг танлов имконияти сифатида келтиради. Ҳар бир китобхон ўз танловини белгилаши, яъни эҳтимолда мавжуд имкониятнинг воқеликка айланишини истайди. Чунки *воқелик – бу реал ва мавҳум, мақсадли ҳамда мақсадсиз имкониятлар маҳсули. Тараққиёт – илғор, консерватив, реал, формал ва абстракт шаклларда намоён бўлувчи имкониятларнинг пайдо бўлиши ва воқеликка айланишидан иборат узлуксиз жараён. Имконият*

*ва воқелик бир-бирига ўтиб туради. Ўз имкониятларини билмаган одам борлиқни ҳам билолмайди.*

Англашиладики, адиб учинчи авлод тақдирини атиги уч кунлик вақт бирлигига сиғдирар экан, бу билан инсон умрининг ғоятда қисқа (“*дунё уч кунлик*” – Исломжон Ёқубов) эканига урғу берган. Ҳодисанинг ички табиатидан воқиф инсон муайян шарт-шароит ва вазиятларда воқеликни мақсадли ривожлантира олиш имкониятига эга эканини назарда тутган. Дарҳақиқат, янги имконият эски воқелик бағрида юзага келади ва бизнинг аниқ шарт-шароитдаги танловимизга мувофиқ тарзда воқеъ бўлади.

Уйғониш фасли – кўкламда наъматак ўз илдизидан ниш уриб чиқиб, кўкка бўй чўзади. Манзара тасвири баҳор фаслининг ўзи янглиғ китобхон дилини хушнуд, қалбини мунаввар қилади. Зотан, адиб: “*Қушлар чуғур-чуғур қўшиқ айтади, арилар ғўнғиллайди, шабода ҳам яна ўз тилида одамлар кечмишидан шивирлаб нималарнидир замзама қилади*”[1], – деб ёзади. Айни пайтда, У.Ҳамдам китобхонни қатор саволлар шодасига ҳам рўбарў қилади: “*Аммо шабоданинг тилини тушунган қайда?... Япроқлар шивиридан тупроқлар сирини уқадиганлар ҳали ҳам туғиляптимикан ўзи дунёда?! Тупроқлар бағрига яширилган Яратганнинг имлосини-чи!?*”[2]

Сўроқ ва ундов (**?!**) белгилари имло қоидасига терс равишда ундов ва сўроққа (**!?**) айланиши бизни турли мушоҳада-муҳокамага йўллайди. Нақорат сўнггида ва бошқа ўртагувчи саволлар ниҳоясида келаётган уч нуқта (**...**) ҳикмат ва мажознинг англами беҳад кенглигига эътиборимизни қаратади. Демак, тиниш белгилар ҳам ўзига хос ишора. Улар бизни айрим сирлари ўзимизга аён ва аллақанча асрори ноаён дунё – одам ва олам муносабатлари рангин сарҳадлари ҳақидаги теран ўйлар сари етаклайди. Туйғуларимизни остин-устун қилиб юборади. Онг ва туйғуларимиз бир буржида ўз-ўзидан: *“Шаббода тилини тушуниб, япроқлар шивиридан тупроқлар*

[1] Улуғбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ. – Т.: Академнашр, 2014. – Б.420.

[2] Улуғбек Ҳамдам. Ўша жойда. – Б.420.

*сирини англайдиган, Яратган Эгам тупроқлар бағрига яширган илоҳий имлони ўқиб, уқадиган янги авлод туғилдимикин?!"* деган савол чарх уради. Унинг жавобини билишга бўлган қизиқиш ортади. Олам гўзаллигини куйлаш учун табиат қўйнига ошиққан элга қўшилиб, далаҳовли томон шошиламиз. Айни гулга кирган наъматак – гўзаллик пойидан зинҳор бефарқ ўтолмаётган навниҳол Қиз ва ўспирин Йигитга дуч келамиз. Англаймизки, машъум хотиралар бу янги авлоднинг наъматак гўзаллигидан астойдил баҳра олишига кўринмас девор – тўсиқ бўлиб турибди. Адиб бу ҳолатни бутун ички ғалаёнлари билан ифода этишга эришади. Ҳатто гулнинг отини-да билмайдиган Қиз бу тўсиқ олдида беҳад ожиз қолади: *"Чиройлиликка чиройли, аммо унинг дастидан... унинг дастидан!.. – қизча давом этолмади, гапи бўғзига тиқилди, турган ўрнида тебранди, қалқинди, сўнг бирдан кескин бурилди-да, ҳўнграб йиғлаганча уйи томон югургилаб кетди"[1].*

Бизнингча, Қиз бўғизга тиқилган аламли хотира унинг бутун вужудига кўчиб тебраниш, қалқиниш ва кескин ҳаракатлар билан Йигитдан узоқлашишига сабаб бўлиши, ҳўнгроқ йиғига эврилиб вулқондай отилиб чиқиши жараёнлари, яъни қоришиқ инсоний кечинмаларнинг табиий оқими, кучайиб бориш даражасига мувофиқ кўрсатилиши характерлидир.

Қачонлардир бўлиб ўтган воқеалар сабаб Қиз ҳали англаб етмаган бўлса-да, кўнглини безовта қилаётган сирли туйғу олдига тўсиқ қўйилади. Яъни, содир бўлган хунрезлик икки қўшни фожиаси билан тугамайди. У иккинчи, бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишига омил бўлади. Бошқачароқ айтганда, содир бўлаётган воқеалар мутлақо тасодиф эмас. У ҳар қанча янги ҳодиса бўлмасин, воқеалар занжирида, яъни оталар гуноҳи таъсирида юзага келган муқаррар натижа – оқибат эди. Аждодлар гуноҳининг истисносиз тарзда, келажак насллар муносабатига таъсир этиши китобхонни ҳайратга солади. Зотан, бу дилхиралик Қизчани боши берк кўчага олиб киради. Муносабатларга совуқчилик оралаб, Йи-

[1] Улуғбек Ҳамдам. Ўша жойда. – Б.421.

гит қалбидаги сокинлик йўқолади. Унинг кўзидан уйқу қочади.

У.Ҳамдам оқибатлар сабабини содир бўлган ҳодисанинг ўзидан излайди. Айни пайтда, уни тақдири азал иродасига ҳам боғлаб талқин қилади. Чунки, асардаги сабабий боғланишларда детерминистик моҳиятга эга бўлган қонуният бор. Яъни, одам ва оламга хос эврилишлар – Ҳақ йўлига садоқат ёхуд ундан оғиш туфайли келиб чиқади. Ёзувчи инсон иродаси ва тафаккурига ишонади. Қаҳрамон микроолами – маънавий-руҳий дунёсида гармония таъминланса, бу ҳол унинг хатти-ҳаракатларига кучли импульс беради, деб ҳисоблайди. Шу ўринда, адиб бутун ижодий кредосида, румиёна қарашларга эш тарзда намоён бўлувчи ўз адабий-эстетик концепциясига содиқ қолади. Масалан, Йигит тунни бедор ўтказиш асносида, қатъий бир қарорга келади. Ички мувозанатини таъминлашга эришади. Яъни, уни тўғри йўлга бошлаган бош омил ҳам, ўз ички "мен"и ҳақиқатига ишониш – асл жавҳарга хиёнат қилмаслик эди.

Қизиғи шундаки, тун бўйи мижжа қоқмай йиғлаб чиққан Қиз ҳам, сабаб ҳамда оқибат алоқаларидаги муҳим ва номуҳим жиҳатларни ажратиш даражасида маънан улғаяди. Йигит ва Қизнинг ички муҳокама-мулоҳазадан сўнг чиқарган хулосалари муштарак эди. Айнан шу ҳол асар воқеалари кейинги ривожини белгилаб беради. Янги авлод ўз қисматлари занжирини бир пайтлар наъматак туфайли севиб турмуш қуриб, бахтиёр умргузаронлик қилган момо ва бобо тақдирига улашга қарор қилади. Демак, нақорат-байтда аҳли донишлар уқтирган ҳикмат, наъматак ёхуд унга қандай муносабатда бўлиш эмас, балки ўзликни билиш, ўз "мен"ига хиёнат қилмасликдир.

Мини-роман асосида ўз бошламаси, ривожи ва якунига эга бўлган тугал воқелик ётади. У.Ҳамдам тасвир асносида инсон характерининг моҳиятини очиб беради. Ровий жўн тавсифчи бўлмай, асарда конфликтли-ривоявий хусусият – драмага хос жиҳатлар устуворлик қилади. Ровий "холис кузатувчи" мавқеида туради. Ўқувчи гўё ҳаёт саҳнасида ке-

чаётган воқеани тамоша қилгандек бўлади. Жумладан, адабиётшунос Ш.Турдимов шу воқеага ўхшаш ҳолат ўз ҳаётида содир бўлганини эътироф этаркан, асардаги ҳаётийликни ҳам тасдиқлайди. Дарҳақиқат, бу хил ҳолатга ҳар биримиз ҳар қадамда, ҳар онда дуч келишимиз мумкин.

У.Ҳамдам поэтик маҳорати шу кундалик воқеадан ҳаётий фалсафа излаш, азал ва абад муаммоларига дахлдор рамз-тимсоллар топиш, кечинмаларни ҳикматга пайванд этиб, эътиборимизни инсон "мен"лигига қарата олганида намоён бўлади. У сюжет линиясини ҳар бир авлод тақдиридаги кутилмаган бурилишлардан олиб ўтади. Наъматак воқеаси – ҳаётнинг бир парчасини поэтик жонлантиради. Бир ҳаётий ҳолат ичидаги ўсиш, узилиш ва қайта ривожланиш ҳолларини кўрсатади. Ниҳоят, кўнгил уммонига шўнғиб, нафс ва адоват тиғи узиб ташлаган муҳаббат занжирини қайта улаш фалсафасини тасдиқлайди. Шулардан келиб чиқиб, мазкур асар жанрини "мини-роман" эмас, балки замонавий новелланинг гўзал намунаси деб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, асарда романга асос бўлувчи проблема бор. Ёзувчи инсон тақдири ва жамият муаммолари (кенг маънода, одаму олам муносабати)ни бадиий тадқиқ этиш, унинг моҳиятини англашга интилган. Муаммони ҳал қилишда, қаҳрамонлараро конфликтни таъминлаган. Биринчи авлод ўз ички олами табиий майллари орқали мувозанатни таъминлашга эришади. Иккинчи авлод худбинлик ва нафс ботқоғига ботади. Учинчи авлодга келиб, аждодлари қилмишлари оқибатини тафтиш этиш, яъни дунё билан ҳиссий муносабатга киришиш жараёни содир бўлади. Маънавий-руҳий дунё – ботин оламида кечувчи зиддият кескинлашади. Ҳа, қўйилган муаммони ҳал қилиш учун туйғулар қарама-қаршилиги, мушоҳада жараёни зарур эди. Зотан, инсон ўз ички оламидаги омонсиз курашга холис ҳакамлик қилиш орқалигина индивидуаллигини намоён эта олади.

Шубҳасиз, Йигит ва Қизнинг англами ҳали ҳиссий характерда. Шунга қарамасдан, икки ёш ўз тақдирини бир-биридан айро тасаввур қилолмайди. Бизнингча, ўша ҳиссий

кечинма теран идрок мақомига ўсиб чиқиб, муҳит билан зиддият даражасига юксалмоғи керак эди. Бу ҳол содир бўлмаса-да, адиб китобхонни: Дунё яхлит бутунликдир. Инсон ўз мавжудлигининг туб моҳиятини идрок этмоғи лозим, деган концептуал ҳукм сари етаклайди. Жамалаксоч Қиз ҳам, ўспирин Йигит ҳам ўзини ўз ҳолича бутун бир олам сифатида идрок эта бошлайди. Гарчи, улар ҳали шу йўлнинг бошида туришса ҳам, китобхонда қаҳрамонлар ижтимоий-маънавий мақоми ўзгариши – йўқотилган эпик бутунлик тикланишига умид туғилади.

Кўринадики, асарда эпосга хос воқеа "мини"лашган. Унинг марказига шахс ҳаёти қўйилган. Бироқ, шахсларнинг зиддиятлараро такомили роман дейишга изн берадиган даражада маромига етмаган. Тақдирлар драмаси ижодкор "мен"и орқали эпик бутунлик касб этган. У.Ҳамдам қўйилган проблемани шунга мос қаҳрамон воситасида идрок этиш жараёнида жамият жорий ҳолати, одам ва олам ҳақидаги яхлит концепция – романга хос бадиий фалсафани шакллантирган. Қизиғи шундаки, "мини-роман" ҳақидаги фикр шу билан тугамайди.

Маълумки, замонавий адабиётшуносликда "роман" дейилганда эпик турнинг йирик ҳажмли жанри англашилади. Барқарор тушунчаларга кўра роман ҳажман катта бўлиши, ҳаётни кенг кўламда тасвирлаши, қаҳрамон ҳаётининг катта даврини қамраб олиши, уни турли ижтимоий муносабатлар билан узвий боғлиқликда акс эттириши лозим. Бу жанрда яратилган асарда турфа тақдирлар қисмати сертармоқ сюжет линияларидан кўзланган бош мақсад жамиятнинг жорий ҳолатини ифодалашдир.

Мустақиллик даври ўзбек романчилиги амалиётини кузатиш шуни тасдиқлайдики, биз романларга хос деб ҳисоблаб келган юқоридаги белги-сифатлар бу жанр хусусиятларини белгилаш учун етарли эмас экан. Чунки истиқлол даври ўзбек романлари ҳажми бир жиҳатдан ихчамлашса, иккинчи жиҳатдан, роман-эпопея, ҳатто цикл романлар ҳам яратилмоқда (Бу ўринда ёзувчи Н.Қобил асарлари назарда тутилмоқда, – Исломжон Ёқубов). Шунга мутаносиб тарзда роман

қамраб олган давр воқелиги тасвири ҳам гоҳида қисқа, гоҳида эса кенг ва кўламдор тарзда намоён бўлмоқда. Қолаверса, барча романлар марказида турфа характерлар қисмати ифодаланади, деган тезис эндиликда ўзини тўла намоён этмаяпти. Бу ҳол сюжет чизиғига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шунинг учун замонавий миллий романларда сертармоқ сюжет линиялари ҳамиша кузатилавермайди.

Ҳақли савол туғилади. Роман ҳажми камида (минимум) қанча бўлиши керак? Умуман, муаммога шу мезон билан ёндашиш ўзини қанчалик оқлайди? Маълумки, кичик ҳажмдаги санъат асарлари, хусусан, қадимги Миср папирусларига ишланган расмлар, Моний, Жунайд Бағдодий, Маҳмуд Сиёҳқалам, Ғиёсиддин Наққош, Камолиддин Беҳзод каби рассомлар бўёқда чизган миниатюралардаги нақшларнинг нафис ҳамда бежиримлиги ҳамон дунё аҳлини ҳайратга солиб келади. Умуман, рассомчилик, ҳайкалтарошлик каби санъат турларида кичик ҳажмли асарлар яратиш санъаткор маҳоратидан дарак беради. Жумладан, Алишер Навоий лирикаси ва “Хамса”сига Беҳзод ишлаган миниатюралар ўрта аср тасвирий санъати қимматбаҳо дурдоналари экани фикримизни далиллайди.

Албатта, қўлёзма ва китобларни зийнатлаш, ундаги мазмунни расмларда ифодалаш, портрет миниатюраси, деворий расмлар – усул ва услуб жиҳатидан фарқланувчи алоҳида соҳалар. Шундай бўлса-да, биз улардаги безак тузилишига аҳамият қаратар эканмиз, чизиқларда муайян ритм, манзара рангларида нозик уйғунлик мавжудлигини илғаймиз. Портретларда руҳий ҳолат ифодасини кузатамиз.

Шубҳасиз, “миниатюра” тасвирий санъат, адабиёт, театр ва циркда фаол қўлланадиган кичик ҳажмли бадиий асарлар – алоҳида жанрларни билдиради. Бадиий адабиёт доирасида миниатюралар дейилганида, кичик ҳикоя (новелла), интермедия, кўнгилочар водевиль, ҳажвия, кулги-ҳикоя сингари жанрлар англашилади. Таъкидламоқчимизки, шаклий ихчамлик доирасида ҳам реал воқелик муаммолари ва долзарб мавзулар поэтик таҳлил этилиши мумкин. Албатта, бунинг

учун юқорида саналган махсус жанрлар мавжуд. Ўзбек романи “мини”лашишига бошқа асослар ҳам борми?

Бу саволга жавоб изларканмиз, қуйидаги ҳол эътиборимизни тортди. Масалан, 1950–1960 йиллардаёқ АҚШнинг рассомлик ва мусиқа санъатида минимализм (*инг. Minimal Art* – минимал санъат) йўналиши шаклланган. У рассомлар К.Андре, Д.Жадд, Р.Моррис, Т.Смит, Ф.Стелла; Мусиқада (*Stasis* – ҳолат, *Systematiic music* – тартибли мусиқа номи билан) С.Райх, Т.Райли, М.Янг, Ф.Глесс, Ж.Адамс ва бошқалар ижодида ривож топган. Бу ҳол кейинчалик санъатнинг турли кўринишларида (рангтасвир, наср, назм, кино, мусиқа); маданий ҳаётнинг турфа жабҳаларида (мода, дизайн ва бошқа) ҳам ўз аксини топган. Германиялик М.Штрауб,даниялик К.Дрейер, франциялик Р.Брессон; рус шоир ва ёзувчилари А.Вознесенский, Ю.Бондарев шу услубда ижод қилишган. Жумладан, ҳақгўй ва адолатпарварлиги учун шўро тузуми даврида таъқибга учраган рус шоири Андрей Вознесенскийнинг “Видео – шеърият”, “Россия – қиморхона”, “Чалкаш шамоллараро” каби шеърий ва насрий асарлари ўзининг ўта замонавийлаштирилгани, мураккаб образлилиги ва ритмик тизими билан ажралиб туради. Рус ёзувчиси Юрий Бондаревнинг “Иссиқ қор”, “Сукунат”, “Соҳил”, “Ўйин” каби романлари бош мавзусини оддий аскарнинг уруш давридаги руҳияти, тинч ҳаёт соғинчи билан боғлиқ ахлоқий-фалсафий мулоҳазалар ташкил этади.

Умуман, минимализмнинг асосий мезони минимум воситалар билан максимум натижаларга эришиш бўлиб, бадиий адабиётда медитацияга кенг йўл очади. Яъни ижодкорни ҳайратлантирган ҳодиса ҳақидаги фикр-ўй, мулоҳаза-муҳокама ва хаёллар тасвирига эътибор ортади. Зотан, медитация (лотинча, *meditation* – фикрлаш, чуқур ўйлаш) – инсон ақлининг бутун фаолиятини муайян бир нуқтага жамлаш ва ҳис-туйғуга йўғрилган мушоҳада (муроқаба) ҳолатни англатувчи тушунчадир.

Бинобарин, поэтик ифода жараёнида фикр-ўйлар билан бир қаторда, ҳис-туйғулар ҳам тасвир объектига қаратила-

ди. Бир қарашда ғоят оддий туюлган деталлардан (масалан, "наъматак", – Исломжон Ёқубов) мажозий маънолар топилади. Инсон тақдири, унинг сурат ва сийрати, умр мазмуни ҳақидаги ҳиссий мушоҳада-мулоҳазалар вазмин баёни орқали ижодкор ички "мен"и очилади. Унинг маънавий-руҳий оламида мувозанатни сақлаш йўлида кечаётган кураш жараёнлари акс этади. Китобхон ўз фикр-ўйлари ва туйғуларига суқилиб кирган тушкун кайфиятдан халос бўлиб, ҳаёт завқига ҳамдам бўлаётган адибнинг (хусусан, У.Ҳамдам) қалби билан юзлашади.

Шунинг учун, китоб мутолаасидан сўнг ўқувчининг ақл-мушоҳадаси ишга тушади. Умр қисқалиги, дунё фонийлиги, ҳою ҳаваслар омонатлиги ҳақида ўйлайди. Ҳаёт ҳақиқатини англайди ва буни кўнгил ҳолларига сингдиради. Кўнгил ўзлик олами тафтишчисига айлангач эса, инсон чиркин ҳисларидан халос бўлиб, руҳан покланади. Бу мураккаб жараённи поэтик идрок этиш учун немис адабиётшуноси Г.Вилперт таъкидлаганидай, бадиий матн меҳварида акс этган медитацияга йўл очувчи *"калит сўз"*ни топиш лозим"[1]. Жумладан, "Наъматак"да "наъматак" бутадан Исмга айланади. Шу "калит сўз" орқали донишмандлар ҳикматининг моҳияти кашф этилади.

Таъкидлаш ўринлики, инсоннинг билиш фаолияти воқелик моҳиятини англашга йўналтирилган. Ҳаёт мислсиз шиддат билан ривожланиб борар экан, реал мавжуд воқелик моҳиятини тушуниш билан бир қаторда, унинг инсонга таъсири натижасида ҳосил бўладиган хатти-ҳаракат, эмоционал ҳолатларни англашга бўлган интилиш ҳам ортиб боради. Зотан, воқелик содир бўлиши кутилган нарсаларни олдиндан сезиш, кўриш, ҳис қилиш тарзида ҳам намоён бўлади. Буни шунинг учун таъкидламоқдамизки, замондош ўзбек романчилари поэтик нигоҳи реаллик сифатида мавжуд ва бўлиши мумкин бўлган воқелик тасвири билан чекланмаяпти. Улар инсон муаммосини бир-бири билан чамбарчас боғланган ва бир-бирини тақозо этадиган олам асрори билан узвий алоқа-

[1] Wilpet G. von. Sachwörterbuch der Literatur. – Stuttgart, 1989. – P.9.

дорликда поэтик таҳлил этишга майл билдиришмоқда. Шунга иқрор бўлиш лозимки, санъат тараққиёти жараёнида илгаридан мавжуд анъаналар давом этиши баробарида, улар янгича мазмун ва ғоялар, шакл ва услуб нуқтаи назаридан муттасил бойиб борган. Юқорида кузатганимиздек, мазкур жараёнда муайян узвийлик мавжуд.

Ўзбек романининг қарийб бир асрлик тараққиёти давомида жанрнинг турфа хил ва шакллари юзага келган. Истисносиз тарзда, айтиш лозимки, роман бизнинг давримизда ҳам такомиллашиб бормоқда. Бинобарин, барча романларга бирдай дахлдор ва жанр тараққиётини белгиловчи канонлар йўқ. Шундай экан, мустақиллик даври бадиий-эстетик талаб-эҳтиёжлари миллий романга маълум ўзгаришлар киритиши табиий. Шу маънода, У.Ҳамдамнинг минимум воситалар орқали максимум натижаларга эришиш йўлидаги жанрий изланишларини ижобий ҳол сифатида баҳолаш ва келажакда миллий роман қанчалик ихчамлашишини вақт ҳукмига ҳавола этиш мақсадга мувофиқдир.

## II БОБ.

# ПОЭТИК АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙ МИЛЛИЙ РОМАН

### *2.1. Роман структурасида анъанавий мотив ва тимсоллар*

Кейинги йиллар ўзбек романларида руҳий тасвир ва таҳлил анча кучайди. Чунки романнависларимиз инсон маънавий дунёсидаги табиий руҳий ҳолат-кечинмаларни ифодалашда халқ ишонч-эътиқодларига хос мотивларга фаол мурожаат этгани учун бадиий образлар тушган руҳий вазият-ҳолатларни ишончли ифодалашга эришмоқдалар. Бунинг ижтимоий-маърифий сабаблари бор. Шулардан бири ва энг муҳими, мустақиллик даври эркин плюралистик тафаккуридир. Зотан, мустақиллик бизга узоқ йиллар адабиёт майдонидан таъқиб, таъбир жоиз бўлса, қувғин қилинган мавзулар: башоратгўй алломалар, руҳий олам асроридан воқиф ва илоҳий мулоқотга киришишга қодир шайх-валийлар, дин ҳамда шариат пешволари, тасаввуф алломалари образларини холис тасвирлаш имконини берди. Бу имкон поэтик тасвир доираси ва илҳом уфқларини ҳали тарихшунослик илми ҳам етарлича тадқиқ этмаган соҳалар, кўнгил тубида пинҳон ётган мавзу ва ифода йўсинлари ҳисобига мислсиз кенгайтирди.

Аслида, руҳий олам сирларини таҳлил ва тадқиқ этиш – диний-илоҳий, фалсафий-эстетик қараш, мулоҳаза-мушоҳадаларни ифодалаш орқали реал ҳаётий воқеаларни тафтиш этиш, улардан ибратли сабоқ чиқариш, умуман, балоғат ва фасоҳат ёшига етган ҳар бир инсон ҳаёт тарзи, ички майлига хос табиий жараён. Шўро даврини истисно қилганда, бадиий ижод аҳли азал-азалдан шу майлни поэтик ифодага кўчириб келган. Эътиқодий ахлоқ асосини жоннинг абадийлиги ғояси ташкил қилгани боис, барча ахлоқий меъёрлар руҳни гуноҳ

ва адашиш, хавф-хатар ҳамда ўлимдан сақлаш билан боғланади. Уларда жон инсон руҳий моҳияти ва бошланғич асоси эканига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, Қуръони каримда Оллоҳнинг ягона билувчи эканига ишора қилиниб: *"Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир"*[1], – дейилади. Яна бир ўринда эса, *"Энг гўзал яратувчи Оллоҳ баракотли – буюкдир"*[2], – дейилади ва унинг йўқдан бор қилувчи, жон ато этувчи, камолотга етакловчи экани уқтирилади.

Анимистик тасаввурларга кўра нафақат кишилар, балки ҳайвонлар, предмет ва ҳодисаларни руҳ, жон бошқариб туради. Моддий объектлар абадий руҳ ҳақидаги тасаввурлар ва руҳий мавжудотлар дунёси билан тўлдирилади.[3] Бундай тасаввурларга асосланувчи тимсолларда кўпинча аждодлар руҳи ва табиий кучлар жонлантирилади. Аждодлар руҳининг абадийлигига ишонч туйғуси, уларни эъзозлаш ҳисси сахий ва ёвуз руҳлар ҳақидаги тушунчаларни ҳам келтириб чиқарган. Ота-боболаримиз руҳларни тушда кўриш, улар билан мулоқотга киришиш мумкинлигига ишонишган. Уйқу ва туш кўриш сабабларини жоннинг ташқи дунёга муносабати билан изоҳлашган. Бинобарин, ўтганларни соғиниш ва қўмсаш, руҳни қувватлантириш тушунчалари бир жиҳатдан анимистик эътиқодларга боғланади. Шунинг учун тирик ва абадий арвоҳларга ғамхўрлик қилиш, марҳумлар шаънига турли худойилар қилиш, ис чиқариш каби удумлар жараёнида улардан имдод кутиш, кўмак олишга умид боғлаш, ҳатто сиғиниш, аксинча, ёмон руҳларни ҳайдаш ишонч-эътиқодлари ҳамон яшаб келмоқда. Руҳ ғайритабиий, илоҳий сифат-хусусиятларга эга, деган фикр барқарорлашган. Қуръони каримда ҳам имон ва эзгу амаллар билан ўтган мўминлардан Оллоҳ рози, уларни солиҳ бандалари қаторига қўшади. *"Эй хотиржам, сокин жон"*[4], дея уларга хитоб қилиниши бежиз эмас. Шунинг-

---

[1] Қуръони карим. Ал-исро, 85.

[2] Қуръони карим. Мўминлар, 14.

[3] Жўраев. У.Т., Саиджонов И.С. Дунё динлари тарихи. – Т.: Шарқ НМК. 1998. – Б.29.

[4] Қуръони карим. Вал-фажр, 27.

дек, Оллоҳга ибодат қилишда беparволик қилган, эгасини маломат қилувчи нафс[1] ёки ёмонликларга, гуноҳга буюрувчи нафс ҳақидаги оятларда ҳам инсоннинг мағфират қилинишига ишора-далиллар келтирилади[2].

Аксарият мумтоз шоирлар муайян асар воқеалари тавсифига киришишдан олдин илҳом парисига мурожаат қилиб, ундан мадад тилашган. Мазкур ҳолат Ҳомер достонларидаёқ кузатилади. Мумтоз адабиётимизда мавжуд анъанага кўра, достонлар "ҳамд", "муножот" ва "наът"лар билан бошланади. Худо, пайғамбар ва халифалар таъриф ва тавсиф қилинади. Масалан, Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достони "Муножот"ларида ёзишича, Худо еру осмонни, ундаги барча нарсаларни яратар экан, бу бойликлар ичида унинг учун энг қадрлиси, яқини инсон бўлиб, Оллоҳнинг бутун борлиқни яратишдан бош мақсади ҳам инсон экани кўрсатилади:

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,*
*Лек боридин ғараз инсон эди...*
*Борчасини гарчи латиф айладинг,*
*Борчадин инсонни шариф айладинг*[3].

Достонда инсон барча яратиқлардан латиф экани таъкидланибгина қолмай, унинг илк яралишдаёқ "борчадин шариф", яъни комил экани, оламнинг яширин сирларини ҳам тушуниб етишга қодир маърифатли яратиқлиги таърифланган. Яратувчи зотнинг буюклиги, оламни чексиз гўзал қилиб бунёд этишни ихтиёр этгани, мислсиз қудрати ҳамма нарсани ажойиб мувофиқлик билан ҳаракатлантирувчи, лутфу карами кенг зот экани, унга итоат, мусулмонларнинг Худо олдидаги ёқловчиси – Муҳаммад мустафо (с.а.в.)га эргашиш эътиқодида бўлиш талаб қилиниши таъкидланган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ ҳамма гап уларнинг сони эмас, балки ижодкорлар дунёқарашига

[1] Қуръони карим. Қиёмат, 75.
[2] Қуръони карим. Юсуф, 53.
[3] Алишер Навоий. МАТ. Еттинчи том. Хамса. Ҳайратул-аброр. – Т.: Фан, 1991. – Б.21, 26.

таъсири, улар таянган эстетик тамойилларда. Дарҳақиқат, Навоий “Хамса” достонлари воқеалари ички динамикасига алоҳида эътибор қилган. Қаҳрамонларни уларнинг имон-эътиқодлари, руҳий дунёлари орқали гавдалантиришдан иборат тасвир тамойилига амал қилиб, поэтик ифода имкониятлари доирасини бениҳоя кенгайтиришга эришган. Филология фанлари доктори У.Жўрақулов “Хамса” достонлари мисолида айни муаммони кенг таҳлилга тортгани учун биз ушбу ўринда батафсил изоҳга эҳтиёж сезмадик[1].

Бинобарин, поэтик ижодда анъанавийлик кучли ва реалистик адабиёт ўтмиш адабиётимизнинг қонуний меросхўри эканини таъкидлаган ҳолда, айтиш мумкинки, ҳар бир давр адабиёти ва муайян ижодкор истеъдоди фақат анъанавийлик доирасида қолиб кетмайди. Тарихий мавзуга мурожаат қилаётган замондош романнавислар мавжуд анъанага эргашиш баробарида, инсон маънавий оламида юз берган турфа ҳаётий жараёнларни давомийлик, тарихий мантиқ концепциясига кўра илғаш, замон ва маконни ўзаро таъсир доирасида идрок этиш, яъни топологик мазмунда англашда ўз индивидуаллигини ҳам намоён қилишмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абулғози Баҳодирхон каби тарихий шахслар ҳаётини бадиий жонлантириш, улар руҳиятини имкон қадар теранроқ идрок этиш йўлидаги интилишлар шундай ҳаракатлар сирасидандир.

Миллий адабиётшунослигимизда тарихий романларда характер руҳиятини тасвирлаш усуллари муайян даражада ўрганилган[2]. Жумладан, Ш.Исаева тадқиқотида асосий эътибор О.Ёқубов романлари билан боғлиқ тарихий-биографик маълумотларга қаратилган. Тадқиқотчи кейинги йиллар ўзбек романларида диний-илоҳий мавзу ва ғоялар талқинига

---

[1] Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Филол. фан. д-ри. дисс... автореф. – Т., 2017. – Б.264.

[2] Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. – Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2001. – Б.26.

эътибор ортгани, улар асар поэтикасини белгилашда муҳим фактор эканига етарлича диққат қаратмаган.

Бизнингча, мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикасини айнан шу асосда ҳам кузатиш лозим. Масалан, Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи”[1] тарихий романида воқеалар ички мантиғини таъминлаш ва характерлар руҳиятини акс эттиришда халқ ишонч-эътиқодлари билан боғлиқ юқорида саналган анъанавий мотивлардан баракали фойдаланилган. Ҳатто, поэтик ижод жараёнида Ичан қалъадаги “Тангри қудуғи” билан боғлиқ тимсол роман сюжети ва композициясига кучли таъсир ўтказиб, муаллифнинг Абулғози Баҳодирхонни бош қаҳрамон сифатида тасвирлаш режасини кескин ўзгартириб, “қудуқ” образи биринчи планга чиқишига олиб келган.

Романда тасвирланишича, узоқ йўл юриб ўзлари ҳам, саҳобалари ҳам беҳад толиққан Сом пайғамбар баланд қум тепасида тўхтаб, шу ерда тунашга қарор қиладилар. Сабру қаноатни туғ қилган пайғамбар шу кечаси тушларида ўз оталари Нуҳ алайҳиссалом руҳи билан мулоқот қиладилар:

*“Ғир-ғир шаббода аллалади, пайғамбар уйқуга кетдилар. Туш кўрдилар. Қошларида шам кўтарган одамлар пайдо бўлди. Улар бир неча сафларга тизилган эдилар. Ундан бунга юрдилар, бундан унга. Ҳар қайси ўз жойини топгандек саъй-ҳаракатдан тўхтадилар. Шамларни баланд кўтариб ҳайкалдек қотдилар.*

*Пайғамбар уларга разм солиб, улкан кема шакл-шамоилини кўрдилар. Теварагида шамлар ёниб турган ғаройиб кема. Кеманинг ёнида қудуқ кўрдилар. Кимдир ундан сув олиб келди. Ичдилар. Бундай хуштаъм сувни ҳали ичиб кўрмаган эдилар.*

*Қошларида падари бузрукворлари Нуҳ пайғамбар пайдо бўлдилар. Айтдилар: “– Тўфон пайти кемани шу ерда тўхтатиб ўтган эрдик”. Васият этдилар: “– Бунда кема шамоилида шаҳар бунёд айлагил”. Кўздан ғойиб бўлдилар. Сом пайғамбар уйғонганларида тонг оқара бошлаган эди...*

---

[1] Самандаров Э. Тангри қудуғи. Роман. – Т.: Камалак–Хазина, 1996.

*Аввал қудуқ қазидилар. Сувини ичиб, мазасини тотиб кўриб: – Ҳей, воҳ, – дедилар. Шу тариқат Хевақ қудуғи пайдо бўлди. Шу тариқат Хевақ шаҳри қад ростлади"*[1].

Туш асносида ота ва ўғил ўртасида бўлиб ўтган суҳбат-мулоқотдан сўнг қаҳрамон қалбида илоҳий ният куртак очади. Умидворлик ва ўзига ишонч янада ортади. Танишганимиздек, асарда руҳнинг қаҳрамонга далда бериши ривоят асосида баён қилинади. Мазкур ривоят билан роман бадиий воқелиги узвий туташиб, асар лейтмотивида муҳим ўрин тутувчи "қудуқ" ва "шаҳар" деталлари илоҳий моҳиятига ишора қилинади. Ривоятда баён қилинишича, Нуҳ алайҳиссалом ва унинг атрофидаги одамлар қўлларида шам кўтариб олишган. Маълумки, шам ўз танасини қурбон қилиб атрофга нур, зиё таратади. Носир роман рамзий асосида ҳам ўтганлар руҳининг ғайришуурий тарзда авлодларни қўллаб, мадад бераётганига ишора қилмоқда. Эслатиш ўринлики, Ҳамлетнинг отаси (В.Шекспир), Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф кўрган тушларда (О.Ёқубов) ҳам ота руҳининг пайдо бўлиши бу характерлар руҳиятини ёрқинроқ очишда ғоявий-эстетик аҳамият касб этган, айни пайтда, муҳим композицион вазифа бажарган, уларда ҳам истиқболда содир этилиши лозим бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида олдиндан башорат қилинганди.

Адиб милоддан аввалги бешинча асрда бунёд этилган Хива қалъаси номи этимологиясини шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган, ҳозиргача сақланиб қолган "Хейвақ" (Хивак) қудуғи билан боғлашда археологик маълумотлар билан бир қаторда, халқ ривоятлари, шунингдек, тарихчи-солномачи Худойберди Қўшмуҳаммаднинг "Дили Ғаройиб" (1831) асарида Сом пайғамбар бу шаҳарнинг бунёдкори экани ҳақида келтирилган адабий фактга таянган. Араб-форс тилидаги тарихий-географик манбалар: Истахрий, Муқаддасий, Ёқут Хамавий, Низомиддин Шомий, Маҳмуд ибн Валийга қисман, кўпинча "Шажараи турк", "Шажараи тарокима" (Абулғози Баҳодирхон), "Фирдавс ул-иқбол" (Мунис ва Огаҳий), "Шажараи Хоразмшоҳий" (Баёний) ва Я.Ғ.Ғуломов, С.П.Толстов,

---

[1] Эркин Самандар. Ўша жойда. – Б.33.

А.И.Триножкин, З.Бунёдов тадқиқотларига мурожаат қилган. Саид Аловиддин, Биби Ҳожар мақбаралари, Саид Маҳрўйжон, Паҳлавон Маҳмуд, Шайх Қаландарбобо, Қибла Тозабоғ мажмуалари, Жума масжид, Кўҳна Арк (Арзхона), Оқ шайх бобо кўшки, Тошҳовли ва бошқа кўплаб сарой, карвонсарой, тим, масжид, мадраса, ҳаммом, минор ва дарвоза каби тарихий-меъморий обидалар, ноёб осори-атиқаларни синчковлик билан кузатган. Афина, Рим, Қоҳира каби машҳур шаҳарларга тенгдош бўлган бу музей-қўриқхонани яқиндан билиш, ундаги ҳар бир ғишт ва кошинга маънавий-руҳий яқинлик романда тасвирланган даврни дилдан ҳис қилиш, қаҳрамонлар руҳиятига чуқур кириб бориш имконини берган. Шунга қарамасдан, “Тангри қудуғи” романида мўъжизавий қудратни тамсил этувчи қудуқ ва Хива шаҳри бунёд этилиши муайян даражада илоҳий башорат, пайғамбарона ҳукм, маънавий-руҳий ундов билан изоҳланган.

“Тангри қудуғи” романи Қуръони каримдан эпиграф келтириш билан очилади. Мазкур эпиграфда Қуёш, Ой, кундуз, кеча, Осмон, Ер, жон ва барчасини расо қилиб қўйиган улуғ Зотга қасам қилинаркан, нафснинг иймон ва тақво билан покланиши нажотга, жоннинг фисқ-фужур билан кўмиб ташланиши жазога мустаҳиқ экани эслатилади[1].

Бинобарин, ёзувчи илк сатрлардаёқ исломий ҳужжат-кўрсатмаларга таяниб, роман қаҳрамонларини ўз нафсини поклай олган ёхуд бу амални уддалашга қурби етмай номурод бўлган икки гуруҳга ажратади. Адиб бутун юртни урушқирғин, биродаркушлик ва падаркушлик қамраб олган, нафс илинжидаги турфа эврилишлар беҳад кўпайган даврда ҳам, тинчлик, меҳр-оқибатни шиор қилиб, шу йўсиндаги ишларга бош-қош бўлган имони пок, эътиқоди мустаҳкам кишилар образини қаламга олади. Одамлар қилмишини муқаддас қу-

[1] Қуръони карим. Ваш-шамс, 1–10. Романнинг иккинчи қисми ҳам Қуръони каримда келадиган: “...Уларга Оллоҳ зулм қилмади. Балки улар ўзларига зулм қилдилар” (Ол-и Имрон, 117) ва: “Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги кўнгиллар кўр бўлур” (Ҳаж, 46)лар билан бошланади. (Исломжон Ёқубов)

дуқ суви тиниқ-зилоллиги ёхуд қон-йиринг тусига киришига қараб, ранг-мажозлар орқали баҳолайди. Зотан, бу қудуқ Сом пайғамбар илтижоси билан ғойибдан мужда қилинган. Шаҳарнинг биринчи ғишти унинг суви билан қуйилган. Оқшайх бобо оловхонасининг лойи шу сув билан қорилган. Ҳайит ва байрамлар суви чучук ва ҳамиша сероб бўлган шу муқаддас қудуқ сувидан ичиш билан бошланган. Гўдакларга она сутидан кейин унинг суви ичкизилган. Уйланаётган йигит тўйдан олдин жўралари билан қудуқ пойига келиб, уни тавоф этган. Зилол сувини қўлига олиб ичган, бўлажак келинга бир коса Тангри сувидан олиб борган. Эл майитни шу қудуқ суви билан поклашни ўзига фарз деб билган.

Романда тасвирланишича, ёмонлар нуқси, ёвузлар қилмишидан сув ҳаром, эл пажмурда, руҳлар безовта бўлган кезда тепасида бош қирқилиб, қон тўкилмаган бўлса ҳам, қудуқнинг ранг-туси кескин ўзгаради. Масалан: *“Шамсиддин хожа қудуққа энгашди, дарвиш фонусни пастроқ туширди. Қудуқ томоғигача қип-қизил қон. Юзасида бир жуфт кўз қорачуғи қалқиб юрар, икки дона гўдак кокили узала ётар, дорга осилган, чопилган имом, эшон ва кўп алломаларнинг бошлари қудуқ тубида бир-бирига уйқашиб кетган эди”*[1].

Романда Абулғози ва Ануша муҳаббати; Абулғозининг қувғинда чеккан жафолари ва Арабмуҳаммадхон фарзандлари Ҳабаш, Элбарс бproviding биродаркушлиги, Исфандиёр тутумлари – уруш суронларидан ўртанган ҳукмдор фожиаси, фитнакор Зикриёбегим ва бебахт Холлигул тақдири билан боғлиқ сюжет воқеалари сочилиб кетади. Асарда тож-тахт учун кураш жараёнлари тасвири етакчи мақсад даражасига кўтарилиб, ўша тарқоқликни ягона фокусга жамлайди. Ниҳоят, тахт тепасига Абулғозихон келгач, зулм ва зўрлик барҳам топиб, юртда тинчлик барқарор бўлади. “Тангри қудуғи”нинг суви тинади. Чашмадай зилол сув тиниқлиги тинчлик ва барқарорлик рамзи, ҳаётбахш тимсол вазифасини ўтайди.

Романда Сом пайғамбар, Оқ шайх бобо, биби Нур она, Шамсиддин хожа, Муҳиддинбек каби дин ва тасаввуф, ша-

[1] Э. Самандар. Ўша жойда. – Б.200.

риат ва тариқат намояндалари, башоратгўй зотлар образи алоҳида меҳр билан тасвирланган. Жумладан, Хива бунёд этилгач, унда барпо этилган илк ҳужра оловни хуш кўрувчи, кароматгўй Оқ шайх бобонинг кулбаси бўлади. Ҳужра кейинчалик улкан оловхонага айлантирилади. Зиёратгоҳ ёнида Арк қад ростлайди. Юрт сўраган барча шоҳлар шу масканда манзил-макон тутишади. Арабмуҳаммадхон ҳам бу муқаддас манзилга тез-тез келиб турар, улуғ пир руҳи билан тиллашиб, ундан имдод тилар, маънавий куч оларди. Ўғли Ҳабаш кўзларини ўйганида шоҳ Оқ шайх бобо билан руҳий мулоқотга киришади. Ҳатто шайх ҳам ғазабини босолмай:

*"– Сени кўр қилганлар худонинг қаҳрига учрагай... Ота қарғиши – худонинг қарғиши"*– деганида Арабмуҳаммадхон:

*"– Не қилса-да, менинг пушти камаримдан бўлган ўғлим. Мен уни асло қарғамагаймен, пир",* – дейди. Абулғози отасига дилини ёриб, Ҳабашни лашкар тўплашга улгурмасидан олдин жазолашни таклиф қилганида ҳам ота кескин тарзда:

*"– Мен ўғлимни ўлдира билмам. Бу сўзни бошқа демагил. Қўй, Абулғози, қўй!"* – дейди. Бироқ, отанинг наздида, адолатпаноҳ Оллоҳ ва муқаддас руҳлар бу нобакор гуноҳкорларни кечирмайди. Шунинг учун ҳам хаёлий суҳбат чоғида Оқ шайх бобо хон фикрига қарши бориб:

*"– Энди ул ўғил демоқликка нолойиқдир. Энди у ўлимга маҳкум"* [1], – деган ҳукм чиқаради. Рўё ва реал воқелик, хаёл ва ҳаётнинг бу тарзда қоришиқ берилиши қаҳрамон руҳий-психологик оламини теранроқ тафтиш этиш, хоннинг шоҳ ва ота сифатидаги баланд инсоний қиёфаси, қалбида кечган адоқсиз ғалаёнларни ишончли тасвирлаш имконини беради.

Шамсиддин Ҳожи ҳали ўйин боласи эканидаёқ, тушида уни ғайб кучлари қўллай бошлайди. У Муҳиддинбекка шундай ҳикоя қилади:

*"– Ўт-ўлансиз қуп-қуруқ даштда аллақайга кетиб бормоқда эрдим. Ногаҳоний йўлимда тизза бўйи майса унди, унинг устида оқ нур пайдо бўлди ва нурнинг ичидан бошдан оёқ оппоқ кийинган Эна чиқиб келди. Тилимга ўз-ўзидан биби Нур де-*

---

[1] Эркин Самандар. Ўша жойда. – Б.38.

*ган калима келди ва Эна бош ирғаб сўзимни маъқул топдилар. Овозимни баралла қўйиб, биби Нур э-нааа, – деб қичқирган эрдим, ойим чўчиб уйғониб кетибдилар”*[1] .

*Қаҳрамон бундай мўъжизакор қобилият-иқтидори – башоратчилик салоҳиятини фолбинликка йўналтиришга уринганида, бу ҳаракатлар ҳомий кучлар томонидан тақиқланади. Кўринадики, Э.Самандар ҳодисаларни бошқаришда руҳлар иштироки ҳақидаги ўз қарашларида, бир томондан, ромчилик ва фолбинликни инкор этади. Иккинчи томондан, табиат ва жамият тараққиётининг фанда ўрганилган объектив асослари ҳақида етарли билимга эга бўлмаган, мунажжимлик илмидан бехабар Шамсиддин ҳожи салоҳияти туфайли: зулфини очилмаган темир сандиқ ичидаги буюмлар бехато аниқланади. Аллақачонлар кўмиб ташланган нарсалар осонгина топилади. Ўғирланган қимматбаҳо буюмларни кимлар қачон туя қилиб, қаерга бекитиб қўйишгани телепатик тарзда ойдинлашади. Йилдирим лақабли бўри ва унинг дилбанди Бўризод ҳам нигоҳларда аксланган беқиёс куч олдида мулойим тортиб, одамлар жонига озор етказа олмайди. Шунингдек, гоҳ муроқаба асносида, гоҳида тушда қандайдир ғайбий шуур кучи ишга тушиб, Шамсиддинга барча нарса-ҳодисалар сири, жумладан, Арабмуҳаммадхон фожиаси ҳам олдиндан аён бўлади. Шу иқтидор туфайли гумондор сифатида ҳибсга олинган бегуноҳ кишилар ва ўз жони асраб қолинади. Бироқ, хон тақдирида содир бўлажак фожиани тўхтатиб қолиш имкони бўлмайди. “...тизза бўйи яшил майса униб, Арк майдонига оқ нур ёйилди ва биби Нур пайдо бўлди. У қўли билан ҳавога бир чизиқ тортди. Чизиқ бўйлаб равон сув оқди, у аввал жилға бўлди, сўнг дарё. Бора-бора дарё узоқлашди. Соҳилда бир парча ер, унда укалари Нажмиддин ва Муҳиддин кўринди. Биби Нур боши узра гала-гала оппоқ қушлар уча бошлади. Доира ясаб, соҳил томон йўл олди.*

*Жазаба ичида Шамсиддин буткул муроқабага кетди. Ўз жонининг қушга айланганини кўрди. Ул қуш оқ гала кетидан дарё соҳили томон равона бўлди. Жазаба лаҳзалари тугаб,*

[1] Эркин Самандар. Ўша жойда. – Б.89.

*қуш яна жон бўлиб жисмга киргач, Шамсиддин тепасида пўстинга ўраниб олган отбоқарни кўрди. У мулойимлик билан Шамсиддиннинг оёғини кишандан бўшатди"*[1].

Демак, адиб шахс иқтидори масаласининг, *биринчидан*, ижтимоий-генетик томони, *иккинчидан*, танланганлик, қудрат ато этилганлик жиҳатига урғу берган. Мададкор куч соҳибини халқ инончлари негизида асослаган. Бу ҳол унинг ноинсофларни инсофга, жоҳилларни иршодга чорлаш миссиясиясини амалга ошириши, жонли одам сифатида намоён бўлиши, юраги надомат ва армон ўтида ўртанаётган Арабмуҳаммадхон ўз-ўзини тафтиш этишига йўл очган. Айни пайтда, Шамсиддин ҳожи ўз тафаккур машъали билан китобхонни ҳозирча мамлакатдан йироқда – Имомқулихон қўл остида бўлса-да, аламдийда юрт дардларини дил-дилдан ҳис этиб, унинг яраларига малҳам бўлмоқ, шикаст етказган фарзандларини жаҳолат ботқоғидан чиқариб, саодатманд кишиларга айлантирмоқ тилаги билан ёнаётган шуури бутун, кўнгил мулки шаффоф Абулғози тақдири билан узвий боғлайди. Ёмонидан яхшиси, ҳаромийсидан покдомони кўп, улуси сабр-қаноатли, тупроғи офатларга бардошли, эътиқоди мустаҳкам, имон-эътиқоди қувватли, ўз оёғига урилган тушовларни ечмоққа қодир эл-юртга бўлган меҳрини янада оширади. Ўқувчи қалбига илиқ ҳислар, ҳаётбахш туйғулар олиб киради.

Шамсиддин ҳожи содир бўлиши эҳтимол тутилган воқеаларни савқитабиий тарзда билиши, айрим касалликларни даволай олиши, табиат ҳодисаларига таъсир ўтказиши, ёвуз руҳлар билан курашиши, нигоҳида магик қудрат жо қилингани унинг муқаддас руҳлардан маънавий мадад олаётганини кўрсатади. Қаҳрамоннинг аждодлар руҳидан куч олиб, зиён-заҳматдан халос этишдек мўъжизавий-ғайбий ҳаракат ва фикр-ўйларида халқ эътиқодида сақланиб қолган сеҳргарлик – магия унсурлари ҳам кузатилади.

Муҳими, Қуръони карим оятлари ва муқаддас руҳлардан олинган таъсир қаҳрамон қалбидаги ҳис-туйғулар билан уй-

---

[1] Эркин Самандар. Ўша жойда. – Б.108.

ғунлашади, унинг фикр-ўйлари ва хатти-ҳаракатларини эзгуликка йўналтиради. Демак, олинган маънавий қувватлар эзгу амаллар – инсон ва унинг манфаатлари йўлида сарфланади. Романда Хожанинг соҳиби имон, мукаррам зотлардан экани ҳақидаги фикримизни тасдиқловчи мисоллар анчагина. Муртазобекнинг қизи Нигина (Ануша) хотираси “Ёсин” сурасини ўқиш воситасида қайта тикланади. Болалигида эс-ҳушига жодугарлар етказган зиён-заҳмат чангалидан халос этилади. Унга мунтазам руҳий мадад бериб турилади, дадил ва қатъиятли бўлишга ундалади. Ибн Бадал каби сеҳргарликдан одамларга зиён-заҳмат етказиш йўлида фойдаланувчи кимсалар амали қирқилади. Мол-дунёга ўч, диёнатсиз ва фитнакор ака-ука Қурбонҳожи ва Назарҳожиларга қарши курашда ғолиб келинади. Бечора раият ва жафокаш улус зўравонликдан ҳимоя қилинади.

Романда дарвиш Шамийнинг туши воситасида баён қилинган чарх ситамларидан безиб, зулмкорлар дастидан дод деб, тарки дунё этиб, ғор ичига кириб кетган ва унда Худонинг раҳматига етишган хожа-шайхлар – “Уч авлиё” (Шамсиддин хожа, Нажмиддин ва Муҳиддин шайхлар) ҳақидаги ривоят бежиз келтирилмаган. Бу қистирма эпизод роман асосий воқелигидан алоҳида макон ва замонда кечади. Маконий ва замоний жиҳатдан аниқ чегараланганлик – унинг нисбий мустақил бўлишини таъминлайди. Айни пайтда, муаллиф қаҳрамон хотираси орқали уни кутилмаган тарзда асосий воқелар билан бириктира олади. Уч авлиё қадамжосида турган дарвиш Шамий фикр-ўйларини ассоциатив тарзда Султон Увайс бобо ва унинг умматлар гуноҳини тилаб Оллоҳ таолога қилаётган илтижоси, оташин нидоси билан туташтиради.

Шубҳасиз, бир қарашда, бу ҳодисалар ўртасидаги алоқалдорликни илғаш қийин. Аммо, айни кутилмаган тарздаги бирикиш муаллифга асар воқелигини мозий билан чоғиштириш, роман поэтикасига метафоризмни киритиш имконини берган. Зотан, Султон Увайснинг туғилиши ва мўъжизакор қудрати, Ямандан Хоразмга келиб тизма тоғлар орасида ма-

кон тутиши ҳамда онасига меҳрибонлиги ҳақидаги ҳикояда улкан ибрат мужассам. Чунки ҳазрати Султон Увайс Уҳуд ғазоти маҳалида Хоразмда туриб, фаришталар кўмаги ва ботин нигоҳлари билан Мадина яқинидаги жангни кузатадилар. Қуршовга тушган Расулуллоҳ (с.а.в.) остин тишларидан бири мушрик Утба отган тошдан синиб кетгани, муборак бурунлари тош зарбидан яраланганини кўрадилар. Қай бир тишга зиён етганини аниқ кўролмаганлари боис, ўзларининг ўн иккита тишларини уриб синдирадилар. Абдуллоҳ бинни Шихоб отган тошдан Расулуллоҳ (с.а.в.) юзлари яраланганида, ҳазрати Увайс ўз юзларини қонга бўяйдилар. Бу эътиқод ва садоқати учун ой-йиллар ўтиб, Султон Увайсга умматлар гуноҳини Оллоҳдан тилаш ҳуқуқи ато этилади.

Ҳазратнинг Оллоҳ субҳонаҳу ва таолога икки бора қилган илтижо-нолалари ижобат бўлади. Улуғ марҳамат билан бари умматлар эмас, балки тенг ярмининг гуноҳлари мағфират қилинади. Тағин илтижо қилинса ҳам, қолган умматларнинг гуноҳлари тонг-ла Маҳшаргача кечирилмайди. “Уч авлиё” мақбарасида дарвиш Шамий хаёлида жонланган бу олис “тарих”дан сўнг, беихтиёр тарзда китобхон хаёлидан:

– *Валийларга зулм қилган ва оталарига тиғ ўқталган ҳамда аҳил элни пароканда қилганларнинг гуноҳлари кечириладими?! Тонг-ла Маҳшарда кимнинг юзи оқ бўлур ва кимнинг юзи қаро?* – қабилидаги саволлар чарх уради. Муаллиф бу каби ўртагувчи саволларга жавобни очиқ қолдиради ва ҳар бир китобхон ўз қалбидан уларга тайинли жавоблар излашига имкон беради. Яъни маърифатли китобхоннинг ҳамиша бедор имон-эътиқоди, қалб амрига ишонади. Бинобарин, *образ табиатида кузатилувчи ассоциативлик ўқувчидан ижодий фаолликни, нарса-ҳодисалар орасидаги муаллиф таянган алоқалар занжири – адиб бадиий фалсафаси, дунёни поэтик идрок этишдаги индивидуал ифода йўсинини илғаш, ассоциацияларни ўзаро чоғиштиришни тақозо этади.*

Эркин Самандар ишоралар орқали ойдинлаштирганидек, авлиё ҳам гуноҳларга шафиъ (воситачи) бўла олмагани у киши руҳларидаги ожизлик белгиси эмас. Кечирилмаслик

ҳукми Арабмуҳаммадхон салтанатидаги парокандалик нафақат одамлар ва муқаддас руҳлар, балки Оллоҳга ҳам хуш келмаётгани туфайли содир бўлади.

Адиб романда қаҳрамонлар руҳиятини очиш мақсадида мададкор руҳлар билан туш орқали мулоқотга киришиш мотивидан унумли фойдаланади. Жумладан, Арабмуҳаммадхон ўз отасининг руҳи билан бир неча бор суҳбатлашади. Қозикалон Муртазобекка тушида ота Исҳоқбек васият қилади. Исфандиёрхон тушида аждодлар билан мулоқотга киришади ва ҳоказо. Романдаги бу каби ҳолатлар қаҳрамонлар тақдирига муайян даражада таъсир этади. Туш мотивидаги руҳлар тарихий воқеалар оқимига ҳамоҳанг тарзда берилади ва роман сюжети ривожига таъсир этади.

Кўринадики, носир тарихий воқелик, яъни Арабмуҳаммадхон ва унинг авлодлари тақдири, имон-эътиқоди, фожиали қисмати билан яхши таниш. Халқ ишонч-эътиқодларига хос турфа мотивларга фаол мурожаат этилиши боис, романда тарихий воқеалар оқими ва қаҳрамонлар қисмати ишонарли тасвирланган. Биз бу романда руҳий тасвир ва бадиий таҳлил чуқурлашуви ҳақида айрим мақолаларимизда ҳам махсус тўхталганмиз[1].

Поэтик фикрни конкретлаштириш, тасвир ёрқин ва жонли бўлишига эришишда зидлаш ҳамда муқояса қилиш муҳим ўрин тутади. Чунки параллелизм поэтик (стилистик) усуллардан бири бўлиб, икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисани ёнма-ён қўйиш орқали поэтик мазмунни очишга хизмат қилади[2]. Параллелизм усули асосан халқ поэзиясига хос бўлгани боис, фольклоршунос Ҳ.Зариф, М.Алавия, Б.Саримсоқов, С.Рўзимбоев, А.Шарипов, Ш.Турдимов, Ф.Райҳонов, М.Ёқуббековаларнинг ишларида у билан боғлиқ масалалар муайян даражада ўрганилган. Д.Ўраева ўзбек халқ лирик қўшиқларида

---

[1] Ёқубов И. Мададкор руҳ / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. – Т., 2003. – №1. – Б.11–14.

[2] Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т., 1983. – Б.235.

параллелизм ҳодисаси қўлланишини махсус тадқиқ этган[1]. Параллелизм таснифида алоҳида ўрин тутувчи унинг композицион тури кинна матнлари, эртак, достон, ҳикоя, қисса, роман жанрларида ҳам кенг учрайди. Бунда у воқеабандликнинг яхлитлигини ҳам таъминлайди. "Тангри қудуғи" тарихий романида бундай тасвирий усул асосий сюжет линиясига нисбатан параллел берилиши асарнинг бадиий қиммати ва таъсир кучини оширишга хизмат қилган.

Ёзувчи қиёсий манба сифатида баъзан халқ эътиқод ва тасаввурларидаги ҳайвонлар билан боғлиқ рамзийликка ҳам асосланган. Реал воқеалар мазмуни билан қиёсий тарзда боғланиб, образлар характерини бўрттириш, умумлаштириш, ижтимоий-маиший муаммоларни изоҳлаш бадиий-эстетик вазифасини бажарган композицион жиҳатдан параллел бир сюжет, айниқса, диққатга сазовор. Бу саҳро ҳокими Бўри (Йилдирим) ҳамда ит ва бўри қўшилувидан дунёга келган итбўри (Бўризод) образлари билан боғлиқ сюжетдир. Агар биз романдаги реал ва мажозий образлар хатти-ҳаракатию тақдирини қиёсласак, жуда кўп параллелликларга дуч келамиз. Масалан: Арабмуҳаммадхон – Хоразм ҳукмдори, Бўри (Йилдирим, яъни Чақмоқ) – саҳро ҳокими. Ҳабаш султон – ҳукмдорнинг ноқобил фарзанди. Бўризод – йиртқичлик ва ҳайвонийлик хислатлари устувор махлуқ – Бўри зурриёди.

Тотемистик қарашларга кўра, Бўри уруғларни бирлаштириш йўлидаги интилишларини акс эттирувчи Ота саналади. Бўри образи билан боғлиқ бу жиҳат этнограф ва фольклористлар томонидан археологик манбалар асосида тасдиқланган. Шунингдек, ит тотеми ҳам қадимги аждодлар образини

[1] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Т., 1978; Рузимбоев С. Идейно-художественные особенности узбекских народых песен Хорезмского оазиса. – АКД. – Т., 1971; Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях. – АКД. – Т., 1987. Якуббекова М. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных колыбельных песен "Алла". – АКД. – Т., 1990; Ўраева Д. Ўзбек халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг характер ва бадиий композицион вазифалари. – НДА. – Т., 1993 ва бошқалар.

ифода этади. Англашиладики, параллелизмни юзага келтирувчи қиёсий манбани танлашда муаллиф тасодифий йўлдан бормаган. Рамзийликка дахлдор маъноларнинг очилиши сюжетнинг ғоявий-эстетик қимматини аниқлашга кўмаклашади. Рамзий сюжет қадимийлигининг аниқланиши унинг муҳим ва ишончли эканини тасдиқлайди. Чунки, рамзий тасвир қанчалик мукаммал бўлса, реал тасвир ҳам шунчалик ёрқин очилади.

Арабмуҳаммадхон Бўризодни ёшлигидан тарбия қилади. Шу боисдан, у хон ҳазратларига вафодор. Лекин хон ўз жигарбандлари Ҳабаш ва Элбарсни ҳам оқ ювиб, оқ тараган эдику? Нега у нобакорлар ўз падарига қарши бош кўтардилар? Бирор ўринда ота томонидан хатолик ўтдимикин? Яратганнинг хоҳиши ила яхши отадан ёмон, аксинча, ёмон отадан яхши фарзанд дунёга келиши мумкин. Хон фарзандлари ношукурлиги ва разолатининг илдизлари эса анча теран. Муаллиф талқинича, бунинг бош сабаби тарбия ноқислигию қон бузуқлигига бориб тақалади.

Танишганимиздай, икки ўғлини нобуд этишга отанинг қўли бормайди. Ҳатто, ака-уканинг “кўзини мошдай очиб қўйиш”га изн сўраган Абулғози таклифини ҳам кескин рад этади. Аммо, пайти келиб, ўғиллар ғазаб ва нафрати хоннинг юмшаб турган кўнглини музлатади. Илтижо-чорловлари зинҳор натижа бермай, иложсиз қолган ота:

*“– Ихтиёримда битта имконим қолибдур, яъниким сенларни оқ қилмоқ ҳуқуқи. Илгимдаги энг сўнгги бу ўқ шундай қудратга эгадурким, унинг захмидин жон берган фарзанд абадулабад дўзах ўтларида ёнур, йиллар ўтур, замонлар ўтур, авлодлар кетидан авлодлар келур, аммоким, бул ўқ товушлари қулоқлардин қулоқларга етуб, одамларни ҳушёрликка, оталарни уйғоқликка, фарзандларни инсофга, меҳру шафқатга даъват этур. Сенларнинг номларингни эшитганларида одамлар жирканурлар, сенларнинг руҳларингга отиладиган нафрат тошларининг адоғи бўлмас!”*[1] – дейишга мажбур бўлади. Бироқ, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қодир Оллоҳга илти-

[1] Эркин Самандар. Ўша жойда. – Б.190–191.

жо қилиб, жаҳолат исканжасидаги ношуд ўғиллар гуноҳини мағфират қилишни сўрайди. Чунки буларнинг ношудлигида бир жиҳатдан ўзини айбдор деб билади. Ота дил-дилдан ўз жигарбандлари разолат ботқоғидан қутулиб, диёнат йўлига қадам қўйишларини хоҳлайди Шунинг учун:

*"– Парвардигоро, нощукур ўғилларим гуноҳидан ўтгайсен, разолат ботқоғидан чиқариб, диёнат йўлига бошлагайсен, ота кечира олмаган ул икки ношуд ўғилни ўзинг кечиргайсен, олар жаҳолати ва жабридин пароканда бўлғон юртимизни якқадам айлаб, жароҳатларига шифо бергайсен, саодатга ёр этгайсен!"* – дея истиғфор келтиради.

Ромaндаги шу каби ҳолатларни назарда тутган проф. У. Норматов: *"...асардаги энг ҳаяжонли, мафтункор ўринлар тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар сюжетлардир",* – деб ёзади[1]. Афсуски, адабиётшунос олим ўзга ранг-баранг сюжет йўналишларини: *"қизиқиш билан ўқилади",* – деб баҳолаш билангина чекланади. Бизнингча, ёзувчи фантазияси маҳсули бўлган бундай ёндош сюжетлар композицион параллелизм учун қўлланган бадиий тасвир усули эканига ҳам алоҳида диққат қаратиш лозим. Чунки, Э.Самандар воқеликдан тайёр хулосалар чиқаришга шошилмаган. У муаммоли вазиятлар яратиш орқали, китобхонни воқеалар оқимининг шунчаки томошабини бўлишдан асраб, мушоҳада қилишга чорлаган. Шу мақсадда тарихий шахслар ҳаёти, тарих драмаларининг даҳшатларига параллел тарзда мажозий сюжетни тақдим этган. Масала моҳиятига теранроқ кириш мақсадида, шарқона ҳикмат ва диний-исломий ибратлар билан романни зийнатлашга уринган.

Романда Йилдирим (Бўри) ва унинг зурриёди Бўризоднинг саваш картинаси шундай тасвирланади:

*"Музокара" билан иш битмагач, Бўризод куч ишлатишга ўтди. Бўғишдилар. Йилдиримнинг кучи Бўризоддақасидан икки-учтасини бўғизлашга етса-да, у негадир жон олгувчи ҳунарларини қўлламас, одатда оғиз урганида суякка етиб боргувчи тишларини теридан нарига ўтказмас эди.*

---

[1] Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т., 2000. – Б.62.

*Бўризод рақибининг оёғига тиш урди, ўзига тортиб йиқитди-да, устига чиқиб олди. Оёғини бўшатиб, ҳалқумига чанг солди. Йилдирим ўзини деярлик ҳимоя этмай қўйди. Бўризод қутуриб унинг бўғзини омбурдай тишлаб қисди, "нафас йўли"-ни тўсиб қўйди. Йилдирим бир зарб билан уни устидан отиб юборишга тўқиндию, яна оёқлари бўшашди. Бўризод унинг дамини буткул кесди. Жони чиқиб бўлгунча бўғзини қўйиб юбормай устидан босиб ётаверди.*

*Неча йиллар саҳрога "подшоҳлик" қилган Йилдирим шу тариқа ўз ихтиёри билан жонини ўз боласига топширди"*[1].

На бўри, на ит қилмайдиган қотилликни содир этиб, Йилдиримнинг дамини кесган Бўризод ўзи нобуд этган бу жон бир вақтлар уни дунёга келтирганини, айнан шу – бўри Ота боис бирон итга насиб этмаган куч-қувватга эга бўлганини ҳис этмайди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки у на бўри, на ит – итбўри эди. Йилдирим ҳам Бўризодни ўз измига солмоқчи, йўриғига юрғизмоқчи бўлган, ўзаро "музокара"га киришишни истаганди. Бўризоддақа икки-учтасига етадиган кучини ҳам, жон олувчи ҳунарларини ҳам ишлатмай, ўзини деярлик ҳимоя этмай қўйган Бўри инстиктив тарзда бўлса ҳам оталик ҳисинни туяди. Бир зарб билан Бўризодни устидан итқитиб ташлашга кучи етгани ҳолда, ўз ихтиёри билан азиз жонини боласи илкига топширади.

Кўринадики, Э.Самандар китобхоннинг муаллиф билан фаол алоқага киришувини таъминлайди. Унинг мушоҳада қобилиятини ошириб, ўзаро мулоқат вазиятини вужудга келтиришга уринади. Чунки *"...бадиий асарнинг бутунлиги фақат ғоянинг бирлиги, қатнашуви шахсларнинг ишланганлиги кабилардагина эмас, балки муаллифнинг бутун асарга сингдириб юборган воқеликка нисбатан ўз муносабатининг равшанлиги ва аниқлигидан иборат"*[2]*. Муаллиф романда тасвирланаётган ҳаётий муаммолар тўғрисида ўз фикрини*

[1] Эркин Самандар. Ўша жойда. – Б.193.

[2] Толстой Л.Н. Об искусстве и литературе. Том. I. – М.: 1958. – С.233.

*очиқ айтавермаслигининг асл сабаби, унинг ўша фикрни ўқувчининг ўзи англаб етишига имкон яратиш истагидир.*

*Бўри фарзандига бўлган меҳр-шафқат ҳиссидан бегона эмас экан, ўйловчи, фикрловчи, тарбияли зот бўлган инсон фарзанди – Арабмуҳаммадхон учун бу мукаррам туйғу нечун бегона бўлсин?! Тарихимизда ўз ноқобил фарзандини аяган меҳрибон оталар камми? Биргина Улуғбекнинг Абдуллатиф Мирзога нисбатан беқиёс меҳр-ардоғини олайлик. О.Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", П.Қодировнинг "Она лочин видоси" сингари романларидаги аллома Улуғбек руҳий тўлқинларини эслайлик. Беихтиёр Э.Самандар яратган Арабмуҳаммадхон тақдири тасвирларининг уларга нақадар вобасталиги диққатимизни тортади. Муаллиф фарзандлар ноқобиллигида айрим ҳолларда уларнинг қилиқларига лоқайд ва беэътибор отанинг гуноҳларига ҳам гоҳ ошкор, гоҳ рамзий тарзда ишоралар қилади.*

*Таъкидланганидай, отасини таъқиб остига олиб, уни тахтдан четлатгани етмагандай, нурафшон кўзига мил тортиб, ваҳшийларча ўлдиришгача борган падаркушларга қарши ота ўз ихтиёридаги энг сўнгги имконни қўллайди. Лекин, у барибир ота эди. Шунинг учун, тезда қалбида истиғфор туйғуси алангаланади. Кечиримлилик куртак очади. Аммо, муаллиф тўғри таъкидлаганидай, Арабмуҳаммадхон қўлидаги бу сўнгги ўқнинг қудрати туфайли асрлар оша Элбарс ва Ҳабаш номини эшитганида одамлар ижирғанадилар, нобакорлар руҳига отилган тошларнинг чиндан ҳам адоғи йўқ. Оқпадар тақдири оталарни уйғоқликка, фарзандларни инсофга, меҳр-шавқатга даъват этади. Интиқом туфайли сал ўтмай тириклайин ерга кўмилган Элбарс, қутуриш касалига мубтало бўлиб, сўнгсиз азобларга гирифтор бўлган Ҳабашнинг ўтга ёқилишини кузатар эканмиз, беихтиёр ўйга толамиз. Ажабо, қалби ўксиган ота дуоибадининг натижасими бу ёхуд залолатга ботган бандасига Оллоҳнинг муносиб жазоси? Саҳрога дайдиб кетган Бўризод ҳам йиртқичлик ҳаётининг гирдобига шўнғийди. Ёлғизлик исканжасида қолганида унга Йилдиримнинг ўрни жуда-жуда билинади. Итлар тўдасига бас келолмай, қутириш касалига мубтало бўлади, қони бузилади. Қат-*

*тиқ азоблар гирдобида қийналади. Тақдирни қарангки, дунёни тарк этар чоғида Ҳабаш султонни ҳам шу касалга дучор қилишга улгуради.*

*Бу кўҳна оламнинг сир-синоатлари, бандасига ноаён жиҳатлари бисёр. Соғлом фикр ва тафаккургина инсонни зийнатлайди. Бадиий тафаккур ривожланишининг маҳсули бўлган турли бадиий тасвир усул ва воситалари халқ тафаккури билан бирга ўсиб, такомиллашиб, бойиб боради[1]. Э.Самандар параллел тасвир орқали савобнинг каффорати ва гуноҳнинг ажри мукаммал қилиб белгиланганини ҳақидаги илоҳий ҳақиқатни тасдиқлайди.*

## 2.2. Мистик-фантастик роман поэтик имкониятлари

Моддиюнчилик фалсафаси узоқ йиллар давомида қатор мистика унсурлари: ғайритабиий кучларга ишонч, зикри само, Оллоҳнинг инояти, пирларнинг ҳиммати, аждодлар руҳининг ҳимояси, ният холислигининг хосияти, илтижоларнинг ижобати, назаркардалик, ваҳий кароматлар кўрсатиш қобилиятини ғайриилмий қараш сифатида инкор этиб келди. Мустақиллик даврида юзага келган эркин плюралистик тафаккур ва қадриятларни қайта идрок этиш миллий романчиликда мистик-фантастик жанрни юзага келтирди. Зотан, образ табиатига хос шартланганлик деб қаралган фантастик унсурлар эндиликда қадим аждодларимиз сингари айни ҳақиқат тарзида англана бошланди. Ғайритабиий, илоҳий кучлар ва уларнинг ҳаётда юз берувчи воқеаларга бевосита аралашувига ишонч ҳисси кучайди. Кўп йиллар давомида фантастик унсурларга нисбатан муносабатда барқарорлашган муаллиф бадиий ниятини амалга ошириш ва муайян бадиий-эстетик мақсадга эришиш воситаси, деган қарашнинг ўзгариши, *биринчидан,* миллий романчиликда мистикага, достончилик анъаналари, мумтоз адабиёт етакчи пафоси ва тасаввуф фалсафасига қайтишни бошлаб берди. *Иккинчидан,*

[1] Ёқубов И. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №5. – Б.62–64.

кейинги чорак асрдан ортиқ вақт оралиғида воқеий оламни осонликча билиб олиш қийинлиги, табиий ҳодиса ва руҳий жараёнларни инсон томонидан бошқариш мушкуллиги англаб етилди. Бу ҳол руҳий ҳодисаларга улар яширин моҳиятнинг рамз-тимсоллари, деб қараш ҳиссини кучайтирди. Ҳодисалар илоҳий моҳиятига бўлган қизиқишни янада орттирди. Бошқачароқ айтганда, замондош ижодкор тахайюл ва тасаввурини кенгайтирди. Уларнинг ғайритабиий кучлар билан руҳий мулоқотни тиклаш, борлиқда содир бўлаётган ҳодисалар бағрида пинҳон асрордан воқиф бўлишга интилиш ҳиссини орттирди. Натижада, миллий романнинг муайян ички шакллари доирасида фолбинлик, азайимхонлик, сеҳргарлик, астрология каби соҳалар моҳиятини тушунишга интилиш кузатила бошлади.

Қизиғи шундаки, бу типдаги фантастик асарларга нисбатан узил-кесил тарзда: ҳақиқатда мавжуд бўлмаган, тахайюл кучи ва тасаввурда яратилган нарса-ҳодисалар тасвири, деб қараш қийин. Зотан, *хаёлнинг янги мавжудлик – ўзга оламлар идрокидан маънавий куч олиб парвоз қилиши фантастиканинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги илгариги қарашларга айрим таҳрирлар киритди. Унинг функцияларида муайян ўзгаришларни келтириб чиқарди. Фантастика фақат хаёлот маҳсули ёхуд реалистик насрнинг ёрдамчи унсури бўлмай, унинг замирида турфа оламлар ҳақидаги тасаввур излари мужассамлигига ишончни орттирди.* Бу ҳол миллий поэтик тафаккур ривожи эндиликда жаҳон адабиётига хос қуйидаги мистик жараёнлар ҳисобига янада кенгайиши мумкинлигини кўрсатди:

Келажакда содир этилиши мумкин бўлган воқеаларни олдиндан башорат қилиш; руҳнинг инсон жасадига кириб олиб амалий ишлар қилиши мумкинлиги; шайтоний руҳларни бадандан ҳайдаб чиқариш; илтижо хосияти ва дуонинг инсон руҳиятига таъсири; ғайб илмидан хабардор кишилар баъзан девлар кўмагидан фойдаланиши мумкинлиги; инсон руҳининг ўтмишга сафар қилиши; телепатик мулоқот ўрна-

та билиш; инсондаги магнит майдони ва коинотнинг махсус руҳий алоқа тармоғига уланиш мумкинлиги; Олий самовий тафаккур мавжудлигига ишонч ва ҳоказо.

Дарҳақиқат, хаёлот кенгликлари ва тасаввур юксакликлари – инсон тафаккурининг доимий ҳамроҳи. Айниқса, бадиий ижод эркин тафаккур павозлари билан чамбарчас боғлиқ. Фантастика эса, поэтик ижод билан узвий бирликда, ҳамнафас қадам ташлайдиган қадимий ва барқарор ҳодиса. Бинобарин, биз "Махабхарата", "Рамаяна", "Шукасаптати", "Калила ва Димна" сингари ҳинд эпослари, "Минг бир кеча" араб эртаклари, ўзбек фольклори бисотидаги учар гилам, қайнар хумча, ур тўқмоқ, қанотли от, кўпинча қўрқинчли ва гоҳида меҳрибон деву аждарлар, ялмоғизу алвастилардан тортиб, мумтоз ёзма адабиётимизнинг даҳо сўз санъаткорлари ижодигача кузатсак, кўплаб фантастик унсурларни учратамиз.

Замонавий ўзбек илмий фантастикаси бир жиҳатдан, ўша барқарор Шарқона анъаналар, иккинчидан, илғор жаҳон фантастик адабиётидан баҳрамандликда адабий жанрлар табиатига хос кўплаб белги-сифатлар: мавзу, образ, тасвирий ифода ва мотивларни ижодий ўзлаштириш ҳисобига бетакрор миллий қиёфа касб этмоқда. Бадиий ижоднинг фантастик йўналиши ўз мавзу доираси, тасвир воситалари, поэтикасига эга. У илм-фан ютуқлари ҳисобига ҳам тинимсиз янгиланишлар жараёнини бошидан кечирмоқда.

XX асрда илм-фан тараққиёти билан боғликликда бадиий тафаккурнинг ҳам ўзгариши инсон тақдирига турли ракурслардан қараш эҳтиёжини юзага чиқарди. Ўзбек илмий фантастикасида шу пайтгача фантастик ҳикоя, қисса, достон, роман яратилган бўлса, эндиликда мистик-фантастик роман ҳам юзага келди. Кейинги йилларда фантастика санъатнинг кинемотография, тасвирий санъат, театр каби турларига ҳам кириб борди. Бир қатор саҳна асарлари ва фантастик фильмлар юзага келди. Фантастика жанрида қалам тебратадиган муаллифлар ва уларни ўқийдиган китобхонлар, бу типдаги

асарлар тадқиқи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ҳам шаклланди[1].

Илк ўзбек мистик-фантастик роман муаллифи – Ҳожиакбар Шайховнинг ўзбек илмий фантастикаси тараққиётида муносиб ўрни бор. Адибнинг “Рене жумбоғи” (1977), “Еттинчи операция” (1979), “Ғаройиб кўланка” (1980), “Олмос жилоси” (1983), “Сўнгги аждарнинг ҳалокати”, “Ҳаётбахш хаёллар” (1985), “Аждодлар хотираси”, “Ёнар дарё” (1986), “Сеҳрли қиз” (1989), “Телба дунё” (1990), “Туташ оламлар” (1996), “Икки жаҳон овораси” (2001) сингари ўттиздан ошиқ асарлари ўзига хос бадиий ҳодисалардир. Ҳ.Шайховнинг айрим ҳикоя ва қиссалари чет элларда, жумладан: Россия Федерацияси, Франция, Чехословакия, Венгрия, Испания, Болгария, Германия, Ҳиндистонда чоп этилиб, шуҳрат топди. Халқларнинг ўзаро илмий-адабий ҳамкорлиги янада мустаҳкамланишига муайян улуш қўшди. Шубҳасиз, мазкур асарларда қайсидир даражада адиб шахсияти, унинг ҳаёт йўли, эътиқоди ва эстетик идеали тажассум топган.

Ўзбек фантастикаси, хусусан, Ҳ.Шайхов ижодини изчил кузатган адабиётшунос Раъно Иброҳимова таъкидлаганидай, адиб ижодининг дастлабки йилларида яратилган асарларда илмий гипотеза, башоратга мойиллик устун турган бўлса, кейинчалик бунинг ўрнини теран фалсафий мушоҳадакорлик ва реализмнинг янги қирраларини кашф эта бориш ҳисси эгаллади[2].

Ҳ.Шайхов илмий фантастикасида воқеалар силсиласи формал мантиқ қолипларига сиғмайди. Шунга қарамасдан, бугунги замондошимиз ҳаёти ва ўй-фикрлари, умуминсоний

---

[1] Иброҳимова Р. Пути формирования и развития узбекской научной фантастики. – АКД. – Т., 1980; Иброҳимова Р. Фантастика ва ҳаёт. – Т.: Руҳафзо, 1998; Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий фантастик адабиётида инсон ва табиат муаммолари. – Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1994; Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида фольклор мотивлари. – Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1997 ва б.

[2] Иброҳимова Р. Фантастика ва ҳаёт. – Т.: Руҳфазо, 1998. – Б.67.

муаммоларга боғланиб кетган бу мароқли саргузаштлар китобхонни ўзига ром этади. Илмий фантастик шакллар адибга инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти: эътиқод, ҳалоллик, поклик, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, самимият, бағрикенглик билан уларнинг зидди бўлган: ёвузлик, жаҳолат, худбинлик, нафс илинжидаги турфа эврилишларни контраст ҳолда ифодалаш имоконини беради. Адиб инсонни ғафлат уйқусидан уйғотиш ва баркамоллик сари ундашни кўзлайди.

Ёзувчи асарлари китобхонни ўйлаш ва фикрлашга ундайди, огоҳликка даъват этади. Адиб инсоний мулоқот, одам ва табиат муносабатида оқилона интилишларни ёқлайди. Инсон куч-қудрати, илм-фаннинг чексиз имкониятларига қаттиқ ишонган ёзувчи алоҳида шахс бахтини мамлакат тақдиридан ажратиб қарамайди. Бу ҳол адиб поэтик тасаввур уфқлари кенгайиши, реализми чуқурлашишини белгиловчи бош мезондир.

Ёзувчи “Мутамах” ҳикоясида ерликлар руҳидаги тажовузкорлик, ёвузлик, ўз қилмишлари оқибатларини идрок эта олмаслик иллатларини қоралайди. “Ғаройиб кўланка”да жаҳолат гирдобида қолган банда кўплаб жиноятлар сабабчиси бўлиши мумкинлигидан огоҳ этади. “Инқироз”да агар илм-фан ривожи ноўрин мақсадларга йўналтирилса, фалокатли оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги тасвирланади. “Само меҳваридаги намойиш”да Ватан соғинчи ва юрт қайғусидан ҳам изтироблироқ туйғу йўқлигидан сўзлайди. “Фавқулодда сафар”да эса, маърифатдан йироқлик, инсонга эътибор сустлиги жиноятларга доя бўлиши мумкинлиги кўрсатилади ва ҳоказо.

Англашиладики, Ҳ.Шайхов асарларида тасвирланган воқеалар инсон ҳаёти ва тасаввурига озиқ бераётган орзулар, фантастик гипотезалар, техник воситалару тафсилотларга нечоғлик бой бўлмасин, улар қайсидир маънода аниқ географик макон ва замон муаммолари билан узвий туташади. Инсоннинг ақлий-маънавий камолотини кўриш орзусидан руҳий қувват олади. Унинг аксарият асарларида мантиқий фикр изчиллигида аниқ меъёр сақланади. Бошқачароқ ай-

тганда, илм-фан ва техника тараққиёти натижасида муайян даражада ўзгарган воқелик, инсон тафаккури фантастик мўъжизакорлиги ва реализм муносабати бузилмайди.

Адибнинг фольклор ва мумтоз адабиёт мотивлари ва ғаройиботлар олами ҳақидаги илм-фан ютуқларига таяниши бу принципларни ҳам муайян даражада янгилади. Зотан, у мумтоз адабиётнинг етакчи пафосини одам ва олам руҳий ибтидоси, жоннинг илк маконга қайтиб осойиш топиши ҳақидаги қарашлар ташкил этишини англаб етди. Тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ улкан адабий мерос орқали шўролар даврида тақиқланган масалаларнинг теран миллий илдизлари мавжудлигини идрок этди. Жаҳон адабиётининг гўзал намуналари:дантенинг “Илоҳий комедия”, Гётенинг “Фауст” каби асарлари билан танишар экан, унинг моддий дунё ва руҳият олами ўртасида мустаҳкам ришталар мавжудлиги ҳақидаги эстетик қарашлари янада қатъийлашди. У кўплаб адиблар: Ж.Верн, Г.Уэллс, Ж.Свифт, О.Уайлд, О.Бальзак, Н.Гоголь асарларини ўрганди. Ўзини ўйлантирган абадий муаммолар жаҳон адабиётида кўп асрлардан буён ижод аҳли диққат-эътиборини жалб этиб келганини билди.

Дарҳақиқат, ҳаёт, коинот ва руҳий оламнинг ечилмаган, илмий изоҳланмаган сир-жумбоқлари бисёр. Инсон имкониятлари эса чеклангандир. Адабиётшунос А.Абдуғафуров ўз тадқиқотларида Мирзо Бобурнинг холис самимият ва ҳаққонийлик тамойилига асосланиб ёзилган “Бобурнома” асарида моддиюнча талқину тушунчалар билан изоҳлаш мушкул бўлган талай жиҳатларни кузатган эди[1]. Бу тарихий-мемуарда инсон ақлини лол қолдириб, уни ҳайрат-таажжубга солувчи фавқулодда воқеа-ҳодисалар тасвирланган ўринлар анчагина экан. Адабиётшунос кузатган ўнлаб мисоллар: сўзнинг магик қудрати орқали ёмғирни тўхтатиш; таҳликали вазиятларда Хожа Аҳрор руҳининг мададкор бўлиши ва далда бериши; чин ихлос орқали илтижо қилиб, Оллоҳ иноятихамда пирнинг ҳиммати билан хасталикдан фориғ бўлиш; дардни

[1] Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – Б.92–103.

бир вужуддан иккинчисига ўтказиш; Бобурнинг ғайритабиий кучлар ҳимояси остига олиниши, унга қаратилган ёмонликлар йўлининг тўсилиши кишини ҳайратга солади.

Ҳ.Шайховнинг “Само меҳваридаги намойиш” илмий-фантастик ҳикоясидаёқ оддий одам Жавдат – ғайритабиий хислатли фантастик куч эгаси сифатида тасвирланади. Адибнинг “Марс, Фобос, Деймос ва инсон” асарида фантастик ҳолат туш орқали берилади. “Ғаройиб тушлар”да эса, тасвирланаётган воқеа тўлалигича туш орқали баён этилди. Шунингдек, “Фавқулодда сафар”даги Карим Ойбеков келажакка назар ташлайди. “Марс, Фобос, Деймос ва инсон” асаридаги Омон ўз тушида даврлар оша кезади. “Само меҳваридаги намойиш”даги астронавтлар Оллоҳни тилга олгани учунгина айбланиб қамоққа олинади. Бизнингча, юқорида кузатилган тамойиллар ёзувчи катта насрга ўтиши, ўз ижодида мистик йўсинни чуқурлаштириши учун муайян замин ҳозирлади. Мистик-фантастик ифода йўсини унинг романларида янада сайқал топди.

Жумладан, “Телба дунё”[1] романида ерда кечаётган воқеалар самога кўчирилди. Кўҳиқофлик донишманд авлиё Ҳаким Амир Шайх эзгулик рамзи сифатида тасвирлангани учун ҳам, фазовий мулоқотни кўзлаган Самандарга ибратли насиҳатлар қилиб, оқ фотиҳа беради. Нодиршоҳга ғайриоддий куч ато этар экан, уни ғафлатдан уйғониш, қирғинбарот урушнинг олдини олишга йўналтиришни кўзлайди. Афсуски, дунёпараст Нодиршоҳ бу қудратни разолат йўлида ишлатади. Шунинг учун романга тафаккур эгаси бўлмиш Самандар образи киритилади. У халқ ва Ватан олдидаги бурч-масъулиятини сезиши жиҳатидан отаси Нодиршоҳга зид қўйиб тасвирланади.

“Телба дунё” романида адиб “Минг бир кеча”[2] эртакларидаги каби “эртак ичида эртак” келтириб, композицион қолиплаш усулини танлайди. Айни пайтда, асарнинг образлар оламини шакллантиришда Навоийнинг “Лисон ут-тай-

---

[1] Ҳожиакбар Шайхов. Туташ оламлар; Икки жаҳон овораси. Илмий фантастик романлар. – Т.: Шарқ НМАК Бош таҳририяти, 2001.

[2] Минг бир кеча: Араб халқ эртаклари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986.

р”[1] фалсафий достонига мурожаат қилади. Бу ҳол романдаги Ҳудҳуд, Булбул, Товус, Кабутар, Қарчиғай ва бошқалар рамзий-мажозий образлар саргузаштларида ёрқин кўзга ташланади. Зотан, адиб мажозий образлар воситасида объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини аллегорик баён қилиш анъанасига эргашади.

Албатта, романда Навоий достонидаги каби тариқатнинг етти водийсидан ўтиш ва руҳий юксалиш, бутун оламу мавжудот ягона моянинг тазоҳири экани хусусида сўз бормайди. Лекин қолипловчи ҳикоя ичида кўплаб кичик ҳикоячалар келтирилади. Улар семантик-структурал жиҳатдан мустақил ҳикоялардир. Айни пайтда бу ҳикоялар романнинг ўзак масаласини ёритиш ва конкретлаштиришга хизмат қилиш жараёнида бадиий синтезлашув босқичидан ўтади.

Ҳ.Шайхов анъанага ижодий ёндашган ҳолда, Бойқуш, Хўроз, Қуёш, Тўти, Илон, Қорабайтал каби қатор мажозий образлар воситасида роман яратилган даврга хос расмиятчилик, инсон қадрига эътиборсизлик, мансабпарастлик иллатларини кескин танқид қилади. У роман сюжети асосига инсоний қадр-қиммат, аҳиллик ва иноқлик, ўзликни англаш ҳамда ҳаётни севиш ғоясини қўяди. Ҳазрат Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида: *“Чун “Лисон ут-тайр” илҳоми била таранним тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен”[2],* – деган эди. Демак, романда кузатилувчи айни жиҳат ҳам муҳим қиммат касб этади.

Ёзувчининг “Туташ оламлар” ва “Икки жаҳон овораси” асарлари проф. О.Шарафиддинов томонидан *“ўзбек насридаги биринчи мистик-фантастик романлар”[3], деб баҳоланган эди. Биринчилик мақомига ўз-ўзидан эришилмаган, албатта.*

---

[1] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (Насрий баёни билан). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.

[2] Алишер Навоий. Йигирма томлик МАТ, Ўн олтинчи том. – Т.: Фан, 2000. – Б.26.

[3] Шарафиддинов О. Ҳожиакбарнинг сирли олами / Ҳожиакбар Шайхов. Туташ оламлар. Икки жаҳон овораси. – Т.: Шарқ НМАК, 2001. – Б.7.

*Кузатишлар шуни кўрсатадики, Ҳ.Шайхов ўз ҳаётий тажрибаси, билим ва иқтидори, санъаткорлик маҳоратини Шарқ адабиётининг қатор мажозий образлари: анъаналари ҳисобига бойита борган. У кўпроқ ижтимоий-фалсафий муаммолар тасвирига эътибор қаратади. Китобхонни моддий ҳаётни қадрлаш, умуминсоний масалалар ҳақида ўйлашга чорлайди.*

*Роман воқеалари реал макон – Тошкент ва Сайрамда, замон нуқтаи назаридан, бизнинг кунларимизда бўлиб ўтади. Аммо, асарда тасвирланган Баҳром Шайх ўз қавми томирлари билан мозийда ўтган улуғ авлиё, нафс ва худбинлик иллатларини кескин қоралаган тасаввуф алломаси Шайх Аҳмад Яссавий (XII аср) ва унинг қутлуғ шажарасидан бўлган: Шайх Хожа Асрор валий (XV аср) Тилла Шайх (XVIII аср), Шайх Тоҳир (бешинчи авлод вакили)га бориб туташади. Демак, ассоциатив боғланиш замон ва маконлар оша содир бўлади.*

*Жумладан, кароматгўй Тилла Шайх ҳаётлик даврида Тошкентда бешта мачит қурдирган. Шайх Хожа Асрор бобо эса "валий"лик мақомига кўтарилган. У инсонга руҳий таъсир ўтказиш, қуруқ ердан сув чиқариш, ҳаво очиқлигида булут чақириб ёмғир ёғдириш, сувни тескари оқизиш, дуохонлик асосида беморларга шифо бера олиш каби кароматлар соҳиби бўлган. Адиб тарихий шахслар мураккаб ҳаёт йўлини қисман афсона ва ривоятлар тумани чулғаб, муболаға либосига бурканган манбалардан дақиқлик билан ажратиб олишга интилган. Ҳали фан томонидан тўла исботланмаган воқелик – ўтмиш руҳлари билан яқин мулоқотга киришиш, Коинотнинг махсус руҳий алоқа тармоғига уланиш, масофадан туриб таъсир ўтказиш, руҳнинг баъзан моддий жасадга кириб ҳаракатланиши каби жаҳон адабиёти ва киносида фаол мурожаат қилинаётган ғаройиб ҳодисаларни реаллик сифатида тасвирлаган. Бу ҳол тасодифий бўлмай, Ҳ.Шайхов илоҳий манбаларда келувчи Қуёш фаоллигининг ерда кечувчи жараёнларга таъсири ҳақидаги билимларга таянган. Қуёш ва унинг гравитацион таъсир майдонида ҳаракатланувчи осмон жисмлари ҳақида илм-фанда Г.Галилей, Г.Швабе, Й.Фраунгофер, Ж.Хейл, Б.Эдлен, Н.Коперник, И.Кеплер, И.Ньютон ва бошқа олимлар кашф эт-*

*ган космогоник таълимотлар билан танишган. Астранавтлар томонидан аниқлаган маълумотларни ўқиган. Унинг бадиий талқинида самовий юксакликлардан нур таратаётган Қуёш – Оллоҳ изми билан пайдо бўлган яратиқлардан бири. Унда бутун коинот қудрати билан бирга, турфа ақидалар ва қадимий анъаналар руҳи ҳам жо бўлган. Қуёшнинг яхшию ёмон хусусиятлари юзага чиқишида бир қатор руҳий қувватлар иштирок этади.*

*Умуман, романда она сайёрамиз коинотдаги курашлар маркази сифатида талқин қилинади. Бизнинг Коинот шартли равишда ўн икки оламга бўлинади. Уларнинг еттитаси асосий дунёлар*: 1. Уч ўлчамли. 2. Эфир. 3. Астрал. 4. Ментал (ақлий – тўрт ўлчамли). 5. Карлик (сабаб ва оқибат). 6. Интуитив (шуурий). 7. Севги олами. Қолган *бештаси оралиқ дунёлар*: 1. Инстиктив (туғма майл). 2. Жисмоний (соматик). 3. Тафаккур. 4. Шуурий хатти-ҳаракатлар олами. 5. Донишмандлик олами.

Адиб романда озод руҳ абадийлиги ва ирода эркинлиги масаласини тасвирлайди. Унинг фикрича, руҳнинг қуввати қадимий билимлар, сир-синоатлар ва кашфиётлардан таркиб топган. Инсон танасидаги руҳий қувват муайян шароит туғилганида уйғониб кетади ва ўз соҳибида ғалати ҳисларни пайдо қилади. Масалан, Қўлдош Ҳожи ота ўз танасидаги аждодлар руҳи фаоллашгани, хотираси уйғонган руҳлар унга яқиндан ёрдам бергани учун коинот олий тафаккур майдони билан алоқа қилиш салоҳиятига эга. Қизиғи шундаки, табиби ғайб еттита "мусулмон" дев хизматидан фойдаланади. Ментал дунё вакили бўлган девлардан бирига "танланган одам" – Назирани бало-қазолардан ҳимоя қилишни топширади. Медитатив амал ўтказиб, Назирани ақлдан ташқарига нигоҳ ташлаш, ўз ички "мен"ини кашф этиш – умумкоинотнинг тафаккур майдонидан қувват олишга ўргатади. Бошқача-чароқ айтганда, Назира ўз илоҳий моҳиятини воситали таъсир остида англайди.

Романдаги коинот жинсларини ўпқондай ютувчи "қора туйнук"лар, ўзидан оламга ёрқин шуъла таратаётган баҳайбат ёритқичлар, илоҳий тошлар ҳақидаги сирли сюжет ва

ифодалар китобхон қалбида турфа ҳислар уйғотади. Масалан, қушноч кампир (Мастон) ва Назира руҳи турфа водийлар (жаннат, дўзах, аросат) аро сайрга чиқади:

*“Лаҳза ўтмай, улар тим қоронғи қувур бўйлаб осмону фалакка учиб кета бошладилар. Бир дақиқа учишдими, ўн йилми, билишолмайди, бир маҳал рўпараларида ёрқин, оппоқ ёғду пайдо бўлди. Туйқусда қизнинг бутун борлиғини сархушлик, осойишталик, саодатмандлик уйғунлашган ҳузурбахш туйғулар чулғаб олди”[1].*

*Баъзи тасвирларда адиб, моддиюнча қарашлари таъсиридан қутула олмайди. Шунинг учун, китобхонни ҳайратлантириш истагида Муҳаммад (с.а.в.)га дахлдор белги-сифатларни образлар ҳаракатига кўчиради. Ҳ.Шайхов поэтик талқин асносида, олам ва барча жонли мавжудотлар табиий муносабатига хос боғланишлар занжири илоҳий кучлар томонидан тартибга солиб, бошқарилиб турувчи мураккаб дастур эканига шубҳа қилмайди. Худди афсона, эртак ва достонлар мутолаасида кузатилганидек, юқоридаги каби поэтик ифодалар ҳам китобхон тасаввур ҳамда тахайюлини муаззам кенгликлар, юлдуз буржлари, фалакиёт чизгилари ҳақидаги теран ўй-хаёллар, ғоят сирли ва сеҳрли оламлар сари етаклайди. Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ҳ.Шайхов қарашларининг негизида илоҳиёт ва фан ўзаро уйғунликда иш кўриши, дин ва фан аслида бир мақсад, яъни инсонга дунёни танитишга хизмат қилиши керак, деган концепция ётади.*

*Баҳром шайх илми илоҳий, илми калом, илми ғайб, охирзамоншунослик ҳақидаги ўз қарашлари билан моддиюнчи файласуф ўғлини лол қолдиради. Чол немис олими Р.Штейнернинг антропософия[2] таълимоти, фалсафанинг*

---

[1] Ҳожиакбар Шайхов. Ўша жойда. – Б.177.

[2] Антропософия (*юн.* antropos – инсон, sophia – донишмандлик, ҳикмат) – инсон ақлига, одамзотнинг ақлли мавжудот сифатида улуғ ишларга қодир эканига ишонч асосида шаклланган ғоя ва қарашлар мажмуи. Немис олими Р.Штейнернинг фикрича, уч олам: олий – руҳий, ўрта – астрал (энергия), – қуйи – табиий (материя) олами мавжуд / Фалсафа қомусий луғат. – Т.: Шарқ НМАК, 2004. – Б.31.

*оккультизм*[1] *соҳаси ҳақида ҳам чуқур билимга эга кишидек баҳсга киришади. Бундай ўринларда, ёзувчи персонажларни ўз тийнатига яраша тасвирламаётгани, муаллиф ва қаҳрамон нутқи фарқланмаётгани ойдинлашади. Бизнингча, адиб Баҳром шайх нутқида бу каби мураккаб атамаларни қўлламасдан, унинг фикрини азалдан инсон шарафлангани хусусидаги Шарқ-ислом тафаккури негизида ифодалаши керак эди. Зотан, Р.Штейнернинг инсонни шарафлаши билан Қуръони каримдаги талқинлар ўзаро зид келади. Немис олими инсонни оламнинг Худоси ва бошқарувчиси даражасида улуғлар экан, ундан ўзга илоҳий кучни инкор этади. Оккультизмда эса, илоҳий танланганлик деган тушунча мавжуд эмас. Унда инсон иқтидори машқлар натижасида эришиладиган маҳорат деб ҳисобланади. Ҳ.Шайхов ҳам, аслида инсон иродавий хатти-ҳаракатлари ва оламга тўғридан-тўғри таъсир эта олиши мумкин бўлган ўзига хос табиат кучлари борлиги ҳақида сўзламоқчи. Бироқ, у илмий терминология қўллашда романнинг бадиий асар эканини етарлича инобатга олмаган.*

*Роман марказида турувчи Баҳром Шайх образининг отаси Ғулом Шайх бободир. У 1920 йилларда қулоқ қилиниб, Сибирга жўнатилиши арафасида хотини (Мукамбархон) ва учта қизи (Муяссар, Муқаддас, Мушаррафхон)ни мадраса таҳсилини тугатиб, имом-хатиблик даражасига етган ўғли қарамоғида қолдиради. Ўзи эса, бир кечадаёқ Қошғарда яшаётган акаси Икром Шайх ҳузурига қочиб кетади. Орадан уч йил ўтгач, оиласини ҳам Қошғарга кўчириб келади. Афсуски, Хитойда бошланган "уч қарши ҳаракат" инқилобий талотумлари вақтида муҳожирликдаги ака-ука шайхлар қамоққа олиниб, бедарак йўқолади. Ночор оила Баҳромнинг астойдил саъй-ҳаракати, ишбилармонлиги туфайли зўрға оёққа туради. У Саидазимбойнинг муҳожир авлодларидан бири Саид Карим отанинг*

---

[1] Оккультизм (*лот.* occultus – сирли, яширин, ботиний) – махсус машқлар, алоҳида маросимлар натижасида айрим инсонларгина била оладиган коинотдаги сирли кучлар мавжудлигини эътироф этадиган таълимот // Фалсафа қомусий луғат. – Т.: Шарқ НМАК, 2004. – Б.311–312.

*Мунаввар исмли қизи билан турмуш қуради. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги машаққатли йилларда оиласи билан Тошкентга қайтиб келади.*

*"Туташ оламлар" асаридаги бундай биографик талқин мазмунан А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романига яқинлашади. Зотан, улуғ адиб илк ўзбек романига Қаноатшонинг Авлиёотадан ёзган мактубидан сўнг Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб элга ош берганию Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очгани воқеаси билан сўнгги нуқта қўйишга шошилмай, "Ёзғучидан" номли бир эскартма ҳам киритган эди. Биз унда шундай хулосани ўқиймиз: "Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғил қолибдир. Ўғилларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлик-тириги маълум эмас, дейдилар"*[1].

"Ўткан кунлар" романидаёқ шўро маъмурлари Туркистонда амалга оширган сиёсат: *"бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил"*, деган ақидага асослангани тасвирланган. "Туташ оламлар" романидаги Асадбек улуғ шайхлар шажарасидан бўлишига қарамай, замон тақозосига кўра, даҳриёна тарбия олиши бежиз эмас. Зотан, Ҳ.Шайхов ижтимоий буҳронлар улуғ шажарани парчалаб, унинг авлодларини муҳожирликда сарсон-саргардон айлагани ва тақдирини бегона ўзанларга буриб, дунёқарашлар тўқнашувини келтириб чиқарганини кўрсатишга ҳаракат қилган. Воқеалар ривожи давомида авлиё Хожа Арслон Мавлоний қадамжосидаги сирли мулоқотдан сўнг Асадбек воситали таъсир остида ўзгаради, ўзлигини танийди. Қарийб қирқ йил мобайнида шаклланган дунёқарашлари чил-парчин бўлган бу шахс илтижоларида эътиқодий эврилиш жараёни таъсирли кўрсатилади:

*"– Эй, Парвардигоро! Шу дақиқалардан эътиборан сен қалбимга ўз буюк муҳаббатингни солдинг! Ибтидосиз ва интиҳосиз эканингга энди заррача шубҳам қолмади! Бизни шунча йил*

[1] Abdulla Qodiriy. O'tkan kunlar. Roman. – T.: Sharq NMAK, 2006. – B.382.

*даҳрий қилиб тарбиялаганларнинг кўзи кўр бўлсин! Эй меҳрибонларнинг меҳрибонроғи, илтижо қилиб сўрайманки, энди менда Сендан бошқа зикр ва қайғу бўлмасин!”*[1]

Асадбек биз билган мулки оламдан бошқа, тўла англаб етилмаган ўзга дунёлар, хусусан, абадиятга дахлдор унсур – руҳий ибтидо мавжудлигига диққат қаратади. Энди у бирламчилик мақоми ўткинчи ва ўзгарувчан моддиятга эмас, руҳий ибтидога дахлдор эканини англайди. Руҳ ва моддиятни бир-бирини тўлдирувчи, моҳиятан уйғун яратиқлар деб билади. Асар ғоявий концепцияси шу ўринда “Мувозанат” романига (У.Ҳамдам) яқинлашади. Ҳ.Шайхов инсон табиатидаги ҳокимиятга интилиш ҳиссини қоралайди. Яъни, оламларнинг ўз эгаси борлигини билади. Буюк маданият негизидаги мистик фикр, нозик фалсафа ва нафис шеърият тараққий этишига кучли омил яратган ислом руҳий-маърифий таълимотини ёқлайди.

Персонаж тилидан баён қилинган “Забиҳи Исмоил” қиссасида ният, сўз ва амал бирлигига эриша олган жувонмард Иброҳим Халилуллоҳ ва у кишининг иродаси мустаҳкам ўғиллари Исмоил забиҳ улуғ мукофотга дохил бўлишлари, мўминларга раҳмат ёғилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур қисса орқали адиб *биринчидан,* чин эътиқод соҳиби бўлган мўминлар, албатта, илоҳий маърифат нуридан баҳраманд бўлишларига ишора қилади. *Иккинчидан,* романдаги бу киритма Асадбек руҳиятига ҳам яқин. Зотан, у суюкли қизлари таҳликали вазиятга тушганида уларни ўз ҳифзи ҳимоясига олади. Даҳшатли синовлар қаршисида ёлғиз қолиб, дунё кўзига қоронғу кўринган кезларда сабр-бардош билан чидаб, яратгандан имдод тилайди.

Ҳ.Шайхов мустақиллик даври одамлари табиатидаги эътиқодий эврилишлар генеологиясини кўрсатишга интилган. У фалсафий тафаккур тарихида руҳ талқини бўйича кузатилувчи икки методологик ёндашувни (материализм ва идеализм) таҳлил қиларкан, исломий қарашлар, Қуръоний

[1] Ҳожиакбар Шайхов. Туташ оламлар. Икки жаҳон овораси. Илмий фантастик романлар. – Т.: Шарқ НМАК, 2001. – Б.89.

кўрсатмаларга таянган. Ғайришуурий ҳодисалар Асадбекда диний тариқатларда уқтирилган: дунё суюкли бандаларига юборилган синовларга чидаш, сабр-тоқат кўрсатиш, боқий дунё саодатининг умиди билан яшаш майдонидир, деган ақидани янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Баҳром шайх ота хонадонида иттифоқо ғайритабиий ҳодисалар содир бўла бошлайди. Асадбекнинг қизи икки яшар Назира сувга қулаб тушганида еттинчи авлод бобоси Шайх Тоҳир томонидан қутқариб қолиниб, унга мўъжизавий қудрат ато этилади. Туғилажак сингиллари: Наргиза ва Нафиса ҳақида илоҳий хабар етказилади. Уларнинг исмлари ва тақдири хусусида башорат қилиниб, қизлар учун ўн йиллик синов муддати белгиланади. Бу каби таажжубланарли ҳоллар китобхонни қизиқтириб қўяди. Аммо муаллиф воқеалар ривожини атайин тўхтатиб, Қуръони карим оятлари йўсинидаги ривоятлар баёнига ўтади. Уларда Парвардигори олам Одам Ато, Момо Ҳаво, фариштлар ва Иблис ҳақида сўз боради. Азалдан одамзотни йўлдан оздиришдек алдов ва куфр ишларга бош-қош бўлувчи Иблис табиатига хос кибр-ҳаво, ношукурлик илдизлари кўрсатилади.

Муаллиф XX аср одамлари хулқ-атвори ва амалларида пайдо бўлган даҳрийлик, жоҳилият ва ёвузлик илдизларини илк ибтидо макони – Коинотдан излайди. Гуноҳ ва савобга бошловчи ният, сўз ва амалнинг мукофот ёхуд муқаррар жазога мустахиқ эканлигидан қидиради. Шунинг учун у фариштлар, мукаррам саҳобалар, фозил авлиё-анбиёлар (хусусан, авлиёлар султони Ҳазрат Ғавсул Аъзам розияллоҳу анҳу) ва зоҳид-қаландарлар аҳлини – Оллоҳнинг дўстлари деб билади.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло иродасига шак келтириб, Иблисга эргашиб, ҳидоят йўлидан озган инс-жинслар, бузғунчилик, нопоклик йўлига кирган фитнакор, шаробхўр, зинокор, таъмагир, жоҳил кимсаларни шайтон малайлари сафига қўшади. Қизиғи шундаки, бу саноқда она заминда мислсиз қонли уруш ва қатағонларни келтириб чиқарган Чингизхон, Наполеон, Гитлер, Сталин номлари учрайди. Умуман, босқинчи

ва кофирларга хизмат қилган, олий маслакдан бегона барча кишилар, шунингдек, бебошвоқ замон тақозоси билан юзага келган айрим жиноятчи тўдалар ҳам шайтон малайлари сафига киритилади. (Роман, 112–113; 119-бетлар) Муҳими, адиб ерликлар эзгулик, инсоф, диёнат, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳидоят йўлига қайтишига ишонади. Шу тариқа, авлиёлар сарваридан фармони олий олган муқаддас руҳлар осийларни ҳидоятга бошлашга камарбаста бўлгани кўрсатилади.

Шубҳасиз, адиб авлиёларнинг моддий қиёфага кириши, одамларга каромат бахш этиши шариат ҳукмларига хилоф амал эканини билади. Романда изоҳланишича, авлиёнинг кўнглига: жигарбандларига вақти-вақти билан руҳий мадад бериб туриш, синов азоб-уқубатлари енгил кечишига кўмаклашиш ҳиссини Парвардигор солган. Шу маънода, қизчаларнинг кароматгўйлиги ҳам Худонинг буюк қудратидан кичик бир нишонадир.

Ёзувчи қаҳрамонларни раҳмоний ва шайтоний кучлар тариқасида гуруҳлайди. “Туташ оламлар” романида уч опа-сингил[1] улуғ шайхлар руҳининг ҳифзи ҳимоясида ҳаракат қиладилар. Жумладан, Назира – Тоҳир Шайх; Наргиза – Шайх Хожа Асрор; Нафиса – Тилла Шайх бирликлари ҳомий руҳлар ҳақидаги мотивга асосланади. Дуохон-башоратчи – Гулшода бону, бахши ва қушноч – Мастон буви, табиби ғайб – Қўлдош Али ҳожи кабилар ҳам қизчаларга мададкор бўлишади. Реал ва ғайб олами ҳодисалари ўзаро қоришиб, бири иккинчисини тўлдириб, изоҳлаб келади.

Тарозининг иккинчи палласига қўйилган шайтоний кучларнинг реал вакиллари уч ака-ука: Болта, Теша ва Ўроқ бойвачча ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари: Қоплонбек, Шамсиддинлар ҳам ўз ҳомий руҳларига эга. Чунки, Ҳ.Шайхов дунёни ғайритабиий образлар орқали тасаввур этади. Шу

---

[1] Муаллиф роман эпиграфида: “...ғаройиб каромат соҳиблари опа-сингил Мунира, Маъмура ва Марғуба Дадажон қизларига бағишланади”, деган жумлани битган. – Б.14. Шунга кўра, романдаги Назира–Наргиза–Нафиса учлигининг реал прототиплари ҳам бўлган, дейиш мумкин (– Исломжон Ёқубов).

орқали XX аср кишилари руҳий ҳолати, ички дунёси, маънавий такомилини баён қилишга эришади. Бошқача айтганда, *адибнинг романий тафаккури шаклланиши ва ривожида исломий моҳиятга эга шайх-валийлар ва айрим мифологик образлар муҳим асос вазифасини ўтайди.* Масалан, романдаги шайтоний кучларга Иблис (лақаби Улуспир – қадимги юнон мифологиясидаги Люцифер)[1] ва унинг малайлари – турли қиёфаларга эврила олувчи инс-жинслар ёрдам беради. Жумладан, Нуж (боши каламушсимон шаклда), Нут (илонсимон қиёфада), Яос (қора мушукни эслатади). Бу характерлар одам қиёфасига киришганида каламуш, илон ва мушукка хос: йиртқич-кемирувчи; совуқ ва заҳарли; зоҳиран мулойим, аслида жирканч каби белги-сифатларига кўра шакллантирилади. Масалан, Назирани сирли тарзда ўғирлаган одам қиёфасидаги кимсанинг эврилиши шундай тасвирланади: *“...у киши кескин ҳаракат билан кўзойнагини ечгани ёдида, бирдан унинг каламушникидай совуқ, юмалоқ кўзларида ўт чақнаб, улардан отилган иланг-биланг, камалаксимон ёрқин нур яшин тезлигида қизнинг танасига қараб отилди. Назира борлиқ вужудини чирмовуқсимон алланима кўз очиб юмгунча ўз исканжасига олаётганини пайқади-ю, жон ҳолатда қичқириб юборди. Лекин, ажабо, товуши чиқмади... қора чопонли кимса шалпангқулоқ улкан каламушга айлана бошлаганини ғира-шира илғади-ю, ҳушидан кетди”*[2].

Барча шайтоний амаллар маконий жиҳатдан деворлари тўкилиб, нақшлари қорайиб, кўп жойларидан дарз кетган эски харобазор уй ва саройлар, жарлик ҳамда ахлатхоналарда содир бўлади. Баён ритми эса, шунга мослаша боради. Макр йўли билан қизчани ўғирлабгина қолмай, Иблис малайи ёвуз руҳ Нужни унинг жисмига киритиб, ажабтовур томошалар кўрсатиши, атрофида ёлғондакам парвона бўлаётган лаганбардор кимсалар тасвирида адиб ритмни шунга мос ифода-

---

[1] Улуспир – шайтон ва инс-жинслар раҳнамоси – Иблиснинг исми бўлиб, у қадимги юнон мифологиясидаги Люциферга тўғри келади (– Исломжон Ёқубов).

[2] Шайхов Ҳ. Туташ оламлар. – Б.57.

лар билан безайди: *"Қизиқ, ичкаридан "қилпиллама" оҳангидаги шўх куй эшитиларди. Куй оҳангида қандайдир сохта, бузуқ, ҳатто ёвуз мавжларни ҳам илғаш қийин эмас эди"*[1]. Назира иродасини қўлга олиб, ёмон ниятли кучлар уюштирган "жинлар базми" жодусидан қутулиш саҳнасида эса Қуръоний оҳанг жаранглаб, ўз оҳанрабоси билан дилимизни сеҳрлайди.

Кўринадики, асар қаҳрамонларининг нияти, мақсад-интилишларига қараб, баён ритми ҳам ўзгаради. Риёкорларнинг инсоният онгини жиловлаб, унинг ҳаракатларини бошқариш, эътиқодини маҳв этиш, хотирасидан мосуво қилишга интилиши реал замин – такомиллашмаган жамият муаммолари, даҳрийликка юз тутган ғофил бандалар тақдири билан узвий боғланади. Романда икки ўртада бошланган муросасиз кураш тасвирланади. Ёзувчи бу азалий муҳораба илдизлари, шунингдек, илоҳий қонуният негизида кечувчи ҳаёт ва ўлим моҳиятини изоҳлашда диний-илоҳий қарашлар, халқ инонч-эътиқодлари, Қуръони карим, ҳадиси шариф кўрсатмалари, жаҳон мифологиясидаги фикрлар, замонавий илм-фан тармоқларидаги Коинот ва бошқа ўлчамли оламлар ҳақидаги кашфиётлар ҳамда дунёга машҳур башоратчилар Мишель Нострадамус билан Ванга ҳақидаги маълумотларгача фойдаланган.

"Туташ оламлар" романи композициясига ўз-ўзидан Одам Ато авлодлари ва Иблис ўртасидаги азалий зиддият билан боғлиқ қатор илоҳий сюжетлар: Оламнинг яралиши, Иблиснинг ғаламисликлари, инсон ва шайтон муносабатлари, эътиқодда собитликни акс эттирган "Забиҳи Исмоил қиссаси" ва бошқа диний киритмалар ҳам қўшилади. Бизнингча, бу ҳол, умуман, кейинги йиллар ўзбек романчилигида кузатилаётганидек, замондошимиз тақдирини унинг ибтидоси билан қиёслашга интилишдан келиб чиққан. Одам боласи табиатига хос хатти-ҳаракат мотивларида ҳам, Иблиснинг Одам Атони йўлдан оздириш ниятида ҳам олис мозийдан бери нисбатан кам ўзгаришлар бўлди, демоқчи бўлишади ўзбек романнавислари. "Туташ оламлар" романида Ҳ.Шайхов ўзаро

[1] Шайхов Ҳ. Туташ оламлар. – Б.58.

инсоний меҳр-оқибат ва ишончнинг йўқолиши, фитна-фасод, шаробхўрлик, зино, ноҳақ қон тўкиш, ота-онага озор бериш, етимнинг ҳақидан-да ҳазар қилмаслик каби иллатлар кўпайишини маънавий ожиз айрим кимсалар руҳини бошқараётган, улар қалбидан ўрин олган шайтоний кучлар билан боғлайди. Она заминни бундай хавфдан асраш учун эзгулик, инсоф, диёнат, ҳидоят йўлига қайтиш муҳимлиги ғоясини илгари суради.

Адиб замондошларимизни ғафлат уйқусидан уйғотиш, олий маслакдан бегоналик туйғусидан халос бўлишга ундаш, қирқ шайтон ҳам ип эшолмай қолиши мумкин бўлган нафс балоси, бадхулқлик, жаҳолатга муккасидан кетиш каби тобора даҳрийлашаётган қавмнинг қалбига Оллоҳ ишқини жо этиш, эътиқод уруғини сочиб, ирода тарбиясига зўр бериш орқали маърифат ундириш мақсадини кўзлайди. Инсон фарзанди ўзини оқилона бошқариши ҳаётий уйғунликни таъминлайди, деган концептуал фикрни илгари суради.

Ёзувчи XX аср ҳақида гапирар экан, шундай ёзади: *"...илмий-техника инқилоби асри деб аталган йигирманчи асримиз руҳият масаласида тош асри эканлиги, жами фанларимизнинг у ёки бу даражадаги тараққиётига қарамай, биз ҳали чинакам ҳаёт фанига кириб бормаганимиз, дунё ва ўз-ўзимизнинг устимиздан ҳукмронлик ўрнатиш масаласига эса, умуман, яқинлашолмаётганимиз ва ниҳоят, олдимизда ҳаётнинг мукаммал, уйғун ва гўзал уфқлари энди намоён бўлаётганини англаб етамиз...*

*Сўнгги юз йилликда руҳият соҳаси одамзотдаги жин ва алвастиларни уйғотиш ва уларнинг якдил ҳаракатини юзага келтириш билан шуғулланди. Кейинги аср эса, инсон қалбида Тангрини уйғотиш, яъни устозимнинг тили билан айтганда, "инсонда ва моддиятда Руҳни уйғотиш" ва "Ерда илоҳий ҳаёт барпо этиш" асри сифатида майдонга чиқади".*

Адибнинг комил эътиқодига кўра, роман қаҳрамонларидан бири – сайрамлик Қўлдош Али Ҳожи тилидан айтилган юқоридаги фикрларда катта умидворлик ва ишонч руҳи акс этган. Бошқачароқ айтганда, Ҳ.Шайхов одамзот тафаккури

тозаланиб, унинг Умумкоинот Тафаккур майдони билан ҳамнафас яшашини истайди. Китобхоннинг ҳаётий масалалар ҳақидаги қарашларини теранлаштириб, уни ўз ички "мен"ини кашф этишга ундайди. Инсон руҳиятини поклаш, қалбини маърифат ёғдуси билан нурафшон этиб, иродасини муқимлаштиришга интилади.

Роман муаллифи инсонни дунёнинг узвий бир зарраси сифатида буткул Коинот кенглигида олиб қарайди. Одамзод ўз илоҳий моҳияти билан олий бир мақом касб этади. Буни англаган руҳ хотиржамликка эришадигина эмас, балки ҳаёт ва моддиятни ўзгартириб, эзгу кучларни бирлаштириш орқали табиатга ҳам янгича руҳ ато эта олади, деган фикрни ифода этади. Демак, "Туташ оламлар" асари, ҳақиқатан ҳам, миллий насримизда руҳ қушининг чин озодлиги ҳақида битилган илк мистик-фантастик романдир.

Юқорида билдирилган фикрлардан аён бўладики, жаҳон халқлари фольклори ва ёзма адабиётида фантастик унсурлардан фойдаланиш қадимий ҳамда барқарор ҳодиса. Ўзбек илмий фантастикаси ана шу анъаналар заминида XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган янги бадиий йўналиш. 80-йилларда шаклланган ўзбек илмий фантастикашунослиги эса, мазкур адабиётнинг тараққиёт тамойиллари, ўзига хослиги, ижодий жараён спецификасига хос жиҳатларни изчил ўрганмоқда.

Танишганимиздек, ўзбек романчилиги тараққиёти, бадиий тафаккур такомилида Ҳ.Шайхов насри, хусусан, "Телба дунё", "Туташ оламлар", "Икки жаҳон овораси" романларининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Бу романларда қўлланилган фантастик аксессуарлар фантастикашунос олимларнинг объекти, албатта. Бироқ, мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси биз имкон қадар таҳлил ва тадқиқ этган муаллиф миллий тафаккур ва умуминсоний қадриятларга муносабатидаги янгиланиш жараёнларидан ташқарида изоҳланиши мумкин эмас. Зотан, илмий фантастик роман доирасида олам ва одамни идрок этиш усуллари бобида талай ўзига хосликлар ҳам кузатилмоқда. Тадқиқ этилган роман-

ларнинг аниқ географик макон билан туташадиган жиҳатларида адиб илмий фантастика ва реализм мутаносиблигини таъминлаш йўлида ўз услубий индивидуаллигини ҳам намоён эта олган. Бу қуйидаги ҳолларда намоён бўлади:

*Биринчидан,* заминда кечаётган воқеа-ҳодисаларни самога кўчириш;

*иккинчидан,* тил, сюжет, характер, шароит, композиция сингари романнинг барча сатҳларида контраст усулини қўллаш ва тасвир қабариқлигига эришиш;

*учинчидан,* персонажлар конфликтини қаҳрамон ва муҳит; қаҳрамон руҳияти иқлимлари билан чекламай, муаммони: бу кураш ўз табиатига кўра илк моядаёқ мавжуд бўлгани, абадий давом этиши ҳақидаги ҳақиқатлар томон кенгайтириш. Конфликтнинг макон ва замони, унинг бадиий концепцияни ифодалашдаги роли, роман проблематикаси жавҳари эканини янгича идрок этиш;

*тўртинчидан,* рамзийликка алоҳида эътибор қаратиш орқали реал ҳаёт ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлардан кенг истифода этиш;

*бешинчидан,* эпик баёнга аллегорик мазмун сингдириш;

*олтинчидан,* қаҳрамонларни раҳмоний ва шайтоний кучлар сифатида кескин қутблантириш ва муаллиф қайси томонга ён босишини яширмаслик;

*еттинчидан,* инсон тақдирини унинг илк ибтидоси билан қиёслашга интилиш. Нур ва зулмат чегарасини инсон қалби билан белгилаш. Инсон тафаккурини Умумкоинот тафаккур майдони кенгликларида олиб кузатиш.

### ***2.3. Роман-миф ва мифопоэтика масалалари***

Бутун мавжудотнинг яшаш усули ҳаракат билан боғлиқ бўлгани боис, олам ҳам доимий ҳаракат ва ўзгаришдадир. Юзаки қараганда, ҳаракатсизлик бўлиб кўринган сокинлик ҳам нисбий. Ҳар қандай ҳаракат манбаи борлиқнинг ўзида, яъни оламнинг мавжудлиги инсоннинг хоҳиш ва истагига боғлиқ эмас. Мавжуд бўлмоқ, энг аввало ҳаракатланмоқ ва

ўзгармоқ демакдир. Чунки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш – ўзгариш бу ўзаро таъсир ва ҳаракат меваси.

Ҳаракатнинг энг мураккаб тури саналмиш ижтимоий ҳаракатнинг моддий ташувчиси (субстанцияси) инсон ва инсоният жамиятидир. Чунки инсоннинг ҳаёти, тафаккур тарзи, жамиятнинг мавжуд бўлиши, турли муносабатларга киришиши энг олий даражадаги ҳаракатдир. Ҳаракат шакллари орасида қатъий кетма-кетликдаги боғлиқлик (субардинация) мавжуд. Анъана заминидан узилган ҳеч қандай ҳаракат мавжуд эмас. Бинобарин, одамзод биологик қонунлардан юксак бўлган нормалар (ворисийлик ва қадриятлар), тараққиётнинг муайян даврига тааллуқли янги хосса ва сифатлар асосида яшайди. Инсонни келажакка йўналтирувчи куч англанган заруриятдир.

Инсон мураккаб яратиқ эканлиги боис унинг онги, қалби ва руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам ғоятда серқирра, баъзида тушуниксиз тарзда кечади. Чунки ички беқарорлик ва барқарорлик, ўзгариш ва осойишталик инсоннинг ўзида бирлашади. Инсон ҳаракати – ички зиддиятли жараён. Унда генетик такрор ҳам, бир хилликдан кўп хилликка, оддийдан мураккабга томон интилиш истаги ҳам, ички ижодий қудрат ҳам мавжуд. Шу маънода халқимизнинг ахлоқ ва таълим-тарбия, инсон ҳамда унинг Яратувчиси муносабатлари ҳақидаги қарашлари ҳам покланишга юз тутган жамиятимиз ва миллатдошларимизнинг олам ва одамни тушиниш, мулоҳаза қилиш, ҳукм-хулосалар чиқариш тарзи ҳамда ҳаракатлари, хусусан, замонавий романий тафаккурида улкан аҳамият касб этмоқда.

XX аср охири ва XXI асрнинг илк чорагида жамият ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Бу ҳол ўтмиш авлодларимизнинг мукаммал жамият ва комил инсон ҳақидаги орзу-тилаклари, илмий-назарий қарашлари ҳамда амалий тажрибаларини ижодий ўзлаштириш заруратини янада орттирди. Кузатишлар шуни тасдиқлайдики, эстетик идеал биз тушунганимиздай: муайян ижодкор шахсияти, ижодий такомили, воқеликка нафосатли муносабати, жамият мукам-

маллиги ва инсон комиллиги ҳақидаги орзуларидангина иборат эмас экан. Чунки унда инсониятнинг кўп мингйиллик тажрибалари ҳам ўзига хос тарзда умумлаштирилади, шаклан ва мазмунан бойитилади. Шунинг учун, айни масала таҳлили ва тадқиқида объектив ва субъектив омилларни инобатга олмоқ лозим. Алоҳида шахснинг эстетик идрок этиши, тушуниш-тушунтириши, иқтидор ва салоҳияти, фикрий-ҳиссий даражаси, дид ва маҳорати, кўникмаси масаланинг субъектив томонини ташкил этади. Тасаввурдаги ҳаёт ифодаси ёзувчи учун завқлироқ туюлади. У ўз эстетик ҳиссиётларига таъсир қилган инсоний муносабатлар, санъат асарларидан келган тўхтамларини поэтик идрок қилганида ёхуд бадиий воқеликдан олган тасаввурлар оламида сайр қилганида ижтимоий идеаллargaгина боғланиб қолмайди. Ўзи яратган бадиий-эстетик маҳсулот (роман)нинг китобхон фикр-туйғуларига таъсир этишини кўзлайди. Инсонни янада мукаммаллаштириш, дидларни турфалаштиришга хизмат этишга интилган нуқтада адиб яна ижтимоий моҳият касб этади.

Инсоният тарихида шундай жараёнлар борки, ижод аҳли яратган асарлар – дунё халқлари адабиёти, санъати ва маданияти ўзаро уйғунлашиб, мутлақо янги эстетик ҳодисаларни юзага чиқарган. Глобаллашув даврида дунёнинг яхлит маконга айланиши билан боғлиқ тарихий вазият, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий муносабатлардаги яқинлашув, адабиёт ва санъат соҳаларини ҳам четлаб ўтмайди. Зотан, яхлитлик нафақат иқтисодий, балки маданий тараққиётнинг ҳам муҳим омилидир. У фикр-туйғунинг маконий кенгайиб, замоний чегаралардан ўзишига олиб келади. Дунё халқларининг миллий негизда туриб жаҳон маданиятини ижодий ўзлаштиришга интилиши тараққиётнинг олдинги босқичларида бу қадар шиддатли тус олмаган эди. Бундай ҳолат янги эстетик ҳодисаларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Мустақиллик даври ўзбек романнавислари антик фалсафанинг Сократ, Платон, Аристотель ва бошқа вакиллари

фикрлари билан яқиндан танишиши, ислом илоҳиёти ва тасаввуфий қарашларини қайта идрок этиши ўзининг объектив асосига эга. Чунки, маданий мероснинг турли давр маҳсулларига бўлган қизиқиш кучайиши мустақиллик даври яратган улкан имкониятлар ва ижод аҳли фикрлаш маданиятида гуманистик тамойиллар устувор бўла боришига боғлиқдир. Плюралистик фикр юритиш, куни кеча ўзгармас деб қаралган ҳақиқатлардан қисман ва баъзан буткул воз кечишга, ботиний истеъдод ва қобилиятни рўёбга чиқариш, илмий-фалсафий меросни ўзига хос тадқиқ қилишга имкон берди. Инсон энг олий қадрият эканини поэтик ифодалашга йўл очди. Хуллас, бугунги ўзбек адабиётида инсон ботинини бадиий тадқиқ этишга эътибор ортиши замондош романнавислар поэтик фикри теранлашгани ва кўнгил олами ингичкалашганига боғлиқ.

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “Теогения” (Гесиод), “Метамарфозалар”, “Қаҳрамон аёллар” (Овидий), “Илиада” (Гомер) сингари достонларни иштиёқ билан ўқиб ўрганди. Бироқ бу асарларнинг турлича жаҳоний талқинлари Шарқ-ислом адабий-эстетик тафаккури таъсирида камол топган ўзбек адибини қаноатлантирмади. Шунинг учун ҳам, маъбуд Зевс ва Сизиф муносабатлари билан боғлиқ анъанавий мавзуни миллий фольклор, мумтоз адабиёт анъаналари, Шарқона эътиқодий асослар негизида, жаҳон адабиёти бадиий ифода усулларидан кенг фойдаланган ҳолда, мутлақо янгича поэтик таҳлил ва тадқиқ қилишга қўл уриб, “Донишманд Сизиф” номли роман яратди.[1]

Маълумки, юнон афсоналарида Зевс олий худо, барча худолар ва одамлар ҳукмдори сифатида талқин қилинади. У Кронос ва Реянинг ўғли бўлиб, афсонавий маъбудларнинг учинчи авлодига мансуб. Зевс Тартарда отаси ва кўплаб титанларни енгиб, Олимп тоғида ҳукмронликни ўз қўлига олади. Шундан сўнг секин-аста бутун оламни қайта тузишга киришади. Жумладан, бир қанча маъбудларни яратади. Қо-

[1] Дўстмуҳаммад Хуршид. Донишманд Сизиф. Роман. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016. – Б.249–359.

нунлар чиқаради ва тартиб ўрнатади. Фан ва санъат, ахлоқ меъёрларини жорий этади. Зевснинг фарзандлари Геракл, Персей ҳам худолар иродаси ва эзгу ниятларини рўёбга чиқарувчи ибратли қаҳрамонлардир. Талқинларга кўра, Зевс даҳшатли жазоловчи куч ҳамдир. Қизиғи шундаки, у бир эмас, бир неча марта одамзотни буткул йўқ қилиб, ундан мукаммал инсонни яратишга уринади[1].

Юнон мифологиясида шамол маъбуди Эолнинг ўғли сифатида тилга олинган Сизиф (*Сизиф лот. – Sisyphus*) – бунёдкор шахс. У тошлардан Коринф шаҳрини қуриб, унга ўзи шоҳлик қилган. Вафотидан сўнг ер ости зулмат дунёси – Аидга сургун қилиниб, машаққатли меҳнатга маҳкум этилган. Илоҳий ҳукмга кўра, Сизиф оғир харсангни думалатиб тоғ тепасига чиқариши лозим. Бироқ ҳар гал, энди чўққига етай деганида, юмалоқ харсанг пастга думалаб кетаверади. Мавжуд талқинларга кўра, Сизиф ғоятда оғир, туганмас ва мутлақо бесамар юмуш, яъни туганмас азоб-уқубатга гирифтор этилган. Шу боисдан, “Сизиф меҳнати”, “Сизиф тоши” ибораси кўпинча машаққатли иш ва азоб-уқубатни англатади. Сизиф нима учун бундай азобга маҳкум этилгани сабаби ҳақида мифларнинг турли хил версиялари сақланиб қолган. Уларнинг айримларида Сизиф маъбудлар сирини ошкор қилиб қўйгани айтилади. Х.Дўстмуҳаммад романда шу версияга асосланган. Яъни, у Олимп маъбудлари, хусусан, Зевснинг Сизифга бўлган муносабатини диалогик йўсинда акс эттирган.

Маълумки, юнон драматурглари Эсхил, Софокл, Еврипид асарларида Сизиф образи тасвирланган. Аммо улар бизгача сақланиб қолмаган. Янги давр адабиётида А. Камю, Ф.Мерль ва тасвирий санъатда Тициан асарларида ҳам бу образга мурожаат этилади[2]. Ўзбек адабиётида ҳанузгача учрамаган. Бу адабий-эстетик ҳодиса моҳиятини теранроқ англаш, роман моҳиятини идрок этиш учун биз қадимги Юнон тарихи, ма-

---

[1] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон МЭ, 4-жилд, 2002. – Б.6.

[2] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон МЭ, 7-жилд, 2004. – Б.608.

данияти, санъати ва адабиёти ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлишимиз лозим.

Улуғ Гомер ва Овидий Сизифни Коринфнинг ҳийлагар ва айёр шоҳи сифатида поэтик талқин қилишган. Чунки у ҳатто ўз жонини олишга келган ўлим худоси – қўрқинчли Танат (Ажал)ни ҳам макр билан алдаб, кишанлаб ташлайди. Бу ҳаракат ер юзида Зевс ўрнатган “тартиблар”га қарши чиқиш, жиноят содир этиш эди. Шунинг учун унинг руҳи ўликлар салтанатига бадарға қилинади. Бироқ Сизиф бу мушкул вазиятдан ҳам қутулади. Ўликлар салтанати ҳукмдори – Аидни алдаб ёруғ дунёга қайтади. Алдов ва саркашликдан дарғазаб бўлган маъбудлар уни иккинчи марта ўлимга ҳукм этишади. Танишганимиздай, унинг руҳи ғоят мушкул жазога маҳкум этилади. Кўринадики, осий банданинг руҳи мангу машаққатга гирифтор этилган. У ҳеч қачон тоғ чўққисига етолмайди ва мақсади ижобат бўлмайди.

Х.Дўстмуҳаммад ушбу ечимга ўзгача ракурсдан ёндашади. Адиб Сизиф образининг олдинги талқинларида кузатилувчи: ҳийлакорлик, маккорлик, каззоблик, доғулилик, ёлғончилик, исёнкорлик сингари салбий сифатларни инкор этади. Чунки унинг характерида Коринф шаҳрини бунёд этиш, мамлакат хазинасини бойитиш, одамларни вабодан қутқариш, уларга шодлик улашиш, исрофгарчиликларга барҳам бериш, ҳар қандай мушкулотни тафаккур кучи ҳамда яқин маҳрамлар маслаҳати билан оқилона ҳал этиш, нурга талпиниш, меҳнату машаққатдан чўчимаслик каби қатъият ва зукколик, кучли ирода мужассам. Буларнинг барчаси Сизифни донишманд дейишга асос беради. Романнинг номланиши ҳам образнинг юқоридаги тарзда поэтик идрок этилиши билан изоҳланади.

“Зевс ўрнатган илоҳий тартиб-интизомга қарши чиқиш, донишмандлик белгиси бўла оладими?” деган ҳақли савол туғилади. Зотан, илгаридан мавжуд бадиий талқинларга кўра, Зевс – тангрилар ва бандалар шоҳи, бутун жаҳон ҳукмдори. Осмон, момақалдироқ ҳамда чақмоқлар худоси. Олий адолатпаноҳ. Ибодат қилувчилару мусофирларнинг ҳомийсидир. Сизифнинг инсонпарвар нигоҳи, янада аниқроқ ай-

тганда, мустақиллик даври романий тафаккури ва Х.Дўстмуҳаммад фалсафий-эстетик нуқтаи назари билан Зевс образининг қадимги талқинларига назар ташласак, вазият тубдан ўзгаради. *Асотирлар мазмунини мутлақо янгича англашга уриниш, шу асосга таяниб миллий роман яратиш – бу инсон моҳияти, у умргузаронлик қилаётган замин ва самовот ҳақида чуқурроқ билишга бўлган кучли интилиш ҳамда янгича поэтик изланишлар самараси.*

Қуръони каримда келишича, Оллоҳнинг зотида нуқсон ва қусурлар, зиддият, номутаносиблик, беқарорлик, билмасликдан билишга қараб йўналиш каби жараёнлар йўқ. Мутлақ борлиқнинг яратувчиси барча нарсани билгувчидир. Фоний дунёда ҳамма нарсалар оддийликдан мураккабликка, тартибсизликдан тартибга, норасоликдан камолотга қараб юз тутади. Инсон доимий ўзгариш ва зиддиятли муносабатлар оғушида яшайди. Чунки, у нотугал яратиқ. Унинг ақли яратувчи ато этган имконият даражасида юксалиши, пировардида ўзини таниши ва асл маконига қайтиши лозим.

Табиат ҳодисалари асрорига инсоний хусусият бағишлаган қадимги инсоннинг дунёқараши ва бадиий тафаккурида антропоморфизм етакчилик қилган. Шунинг учун, бемалол айтиш мумкинки, юнон худолари инсоннинг ўзини яхшироқ тушуниши, ният, сўз ва амалини англаб етиши, жисмоний ва руҳий қудратини муносиб баҳолашга ёрдам берувчи тимсоллар эди. Шарқ мутафаккирларининг мероси ва жорий адабий жараён тажрибаси шуни тасдиқлайдики, қадимги юнон афсонаю ривоятларидаги тақдири азал ва маҳкумликни мустаҳкам миллий эътиқод уфқидан боқиб, теранроқ таҳлил ва талқин қилиш мумкин. Жумладан, қадимги юнон фалсафасининг энг йирик тадқиқотчиси Форобий борлиқ муаммосини мутлақо янгича ҳал қилган эди.

Х.Дўстмуҳаммад “Бозор” романидаёқ Форобийнинг ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий қарашларини ижодий ўзлаштирди. Бу ҳол ўша романдаги Фозилбек образи мантиқан мутафаккирнинг жамиятни бахт-саодатга элтувчи етук, хосиятли, юксак фазилатли инсон ҳақидаги орзуларига бориб тута-

шиши мисолида кузатилади. Қадрия образи ҳам Форобийнинг маърифат тантанаси, илм истиқболи, инсон камолоти, эзгулик қарор топиши, одамлараро ҳамжиҳатлик сингари қарашларидан ажралмайди. "Бозор" романи миллий-эътиқодий асослари анча сертармоқдир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун романдаги Зар (Заратуштра) бобо образини кузатиш кифоя. Нафс ўпқонига ботган касу нокас ва дўзахий аланга тафтида жизғанаги чиқаётган одамлар – фоний дунё эврилишлари қаршисида ақл-идрок бетадбир эканидан ўртанган қаҳрамон илоҳий ирода қўлловига улуғ эҳтиёж сезади:

*"Зар бобо аввал гўдак болакайдек қиқирлади, кейин ҳиринглади, бирдан оёғини тапиллатиб ирғишлай бошлади... Энди у бир нуқтада турган кўйи гир-гир айлана бошлади, тинмасдан нималардир деди, лекин айтганларини илғаб бўлмади, тобора тезроқ айланаверди, айланиши тезлашгани сайин бобонинг кўксига тушадиган оппоқ, қалин соқоли бамисоли зилол сув гирдобига ўхшаб кетди. Бобо айланишдан тўхтамади, аксинча, шиддатни янаям оширди, "сув" гирдобидан нур тарала бошлади... чарх уриб айланаётган нур гирдобидан таралаётган шуъла қуюқлашиб, теварак атрофни янаям ёриштириб юборди"[1].*

Беғубор "қиқирлаш" аввал "ҳиринглаш"га, сўнг тапиллаган оёқ ҳаракатлари ва ниҳоят "рақс"га айланиши ички ғазаб-нафратнинг даражама-даража ортиб бораётгани белгиларидир. Демак, чол жисмоний-руҳий қудрат ва ғайрат-шижоатни ўз ботин олами, фикр-туйғуларидан олмоқда. Биз хатти-ҳарактлар ритмига эътибор қаратсак, унинг изтиробларига нажот излагани, девонавор ҳолатга тушганини идрок этамиз. Елкасидаги савдо ҳар қанча залворли бўлмасин, Зар бобо савдойи эмас. Аммо унинг табиатида анъанавий "девона" образларига яқин хусусиятлар ҳам қисман кузатилади. Зар бободаги девонавор ҳолатлар, аслида, қаҳрамон кўнглидаги маҳзунлик ва ғашлик билан изоҳланади. Чолнинг юқорида кузатилган рақси муайян маънода сўфийлар зикру самосига ҳам ўхшаб кетади.

[1] Хуршид Дўстмуҳаммад. Бозор. Роман. – Т.: Шарқ НМК, 2000. – Б.124.

Муҳими, қаҳрамон ҳамиша ғурурини баланд тутади, бош мақсадидан чалғимайди ва мувозанатини йўқотмайди. Бозорнинг қоқ ўртасида гиргиттон бўлаётган меҳр-мурувват соҳибини қуршаган олди-сотдидан ўзга амални билмайдиган даражада майдалашган издиҳом гирдобида қолган бир инсон эшилиб-буралиб ўртанаётгани, дардкашлик шиддати ортиб бораётгани билан қизиқмайди. Ваҳоланики, чолни қийнаган нарса шу юртнинг ижтимоий-маърифий ҳоли ва ўз азалий қадриятларидан мосуво бўлиб, турфа балоларга гирифтор бўлаётган қадрдон эл юқтирган маънавий хасталиклар эди.

Х.Дўстмуҳаммад “Бозор” романида оломонлик генеологияси, лоқайдликнинг урчиш сабабини излаган, поэтик ҳукм чиқарган эди. Адиб чарх уриб айланаётган донишманддан таралаётган нурли шуълани тобора қуюқлаштирган ва теварак-атрофни шу шаффофлик билан ёритишга муваффақ бўлган:

*“Нур гирдоби ўртасида Зар бобонинг тақир боши муштдек бўлиб кўриниб турар, бобонинг оёғи остидаги ер тиззасига довур ўйилиб тушган, бобо айлангани сайин оёғининг остидан қуюқ чанг-ғубор кўпаётган эди. Бобо тўсатдан беўхшовдан-беўхшов кула бошлади, унинг икки оёқ устида “рақс” тушиши секинлашди...*

*Бобо тўсатдан кулишни бас қилди, дами ўчди, оёқларини битта-битталаб чуқурчадан тортиб чиқарди, бошини хам қилганича тош қотди. Кимдир “пиқ-пиқ” этиб йиғлади”*[1].

Филология фанлари доктори У.Жўрақулов таъкидлаганидек: *“Оламлар ҳаракатининг асл моҳияти циркульятивликда намоён бўлади. Тубан даража – ўрта даража – олий даража ва бу тизимнинг доимий такрори реал воқелик хронотопининг моҳиятини ташкил этади”*[2]. Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад банданинг инсонлик мақоми таснифини муайян тизимлилик асосида – циркуляцион усулда белгилаган. Соф поэтик жараён-

[1] Хуршид Дўстмуҳаммад. Ўша жойда. – Б.124–125.

[2] Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2017. – Б.176.

лар уч замон ва уч ўлчамли макон доирасида содир бўлишини назарда тутиб, марказга аввал ўрта, сўнг қуйи ва охирида олий даражани жойлаштирган. Бинобарин, романдаги фозил ва мукаррам зотлар: Зар бобо, Эгам бобо, Солиҳ қори, Фозилбек ва Қадриялар оламлараро циркулятив ҳаракат (уч олам хронотопи)ни боғлаб турувчи муҳим восита вазифасини бажаради. Зотан, бу эзгу миссия ҳамиша чин маърифат соҳиблари зиммасида бўлиб келган.

Романда бобонинг боши ҳар қанча кичик бўлмасин, у аниқ-тиниқ кўриниб туриши тасвирланади. Зотан, муаллиф бошга жўн анатомик унсур сифатида қарамайди. Чолнинг боши ҳақида сўзланган ўринда бу шўрлик бош ҳаёт ҳақиқатини кўп кўрган, ундан тегишли хулосалар чиқарган. “Табиб – табиб эмас, бошидан ўтказган – табиб” маталида айтилганидек, ёзувчи Зар бобонинг боши орқали ақл-фаросати, маърифатини назарда тутган. Чунки, ушбу романда муаллиф учун эл-юрт ташвишини зиммасига олувчи фидокор шахс – фикр одамининг синчков нигоҳи муҳим. Унинг донишмандона ҳукм-хулосаси китобхонни ишонтириши ва эргаштира олиши лозим эди. Шунинг учун ҳам асардаги донишона фикр зарби маърифатли азиз бошдан бошланади. Фикр залвори қаҳрамон бутун вужудини қамраб, оёқларининг ҳаракатига куч беради. Натижада, ердан қуюқ чанг-ғубор қўпади. Зарра-зарралардан тўпланган гарднинг қалинлаша бориб, ҳавода тўпланиши анормал ҳолат. Яъни, мусаффолик, шаффофлик ва тиниқликнинг мутлақо аксидир. Чанг-ғубор қуюқлашуви инсоният содир этаётган хатолар миқдори ҳар нафасда ортиб бораётганини билдиради. Ишоравий мазмунда жамиятдаги айниш, кўнгилдаги кирланишни ифодалайди. Иккинчидан, ҳасратидан чанг чиқаётган қаҳрамон кечинмаларини акс эттиради. Учинчидан, адибнинг жамият ва одамларни чанг-ғуборсиз, озода кўриш, маънавий-руҳий поклаш, уларни инсонлик шарафига муносиб бўлишга ундашдан иборат эстетик идеалини намоён этади.

Ерда чуқурча пайдо бўлиб, донишманднинг тиззасигача ботиб кетиши, яъни циркуляция жараёнида марказда турган

маърифат соҳиби бу изтироб залвори ва шиддатига бардош бериши мушкуллигини билдиради. Зар бобо кулгисининг тўсатдан сўнишию чолнинг бошини эгиб тошдай қотиши эса, айни ҳодиса асорати уйғотган ҳорғинлик ҳамда маҳзун кайфиятдан дарак беради. Аслида ҳам, ўйин моҳиятида шўх-шодонлик эмас, балки "қиқирлаш" ҳолатида комик, "хиринглаш"да драматик, ниҳоят "гирдобга тушиб қолиш" вазиятида трагик ҳолат мужассам.

Бадиий контекстда одамларнинг нотугал турмуш тарзи, ижтимоий-маънавий ахлоқий-эстетик вазият-ҳолатлар Зар бобонинг закий кулгисига учрайди. Қаҳрамон одамлар турмуши ва жамият аҳволини ботиний мувозанатнинг бузилиши тарзида англайди. Муносабат асносида чол ўзлигини намоён этиш имконияти чекланганидан беҳад қийналади. Чунки атрофидаги кимсаларнинг лоқайдлиги ва иш тутумини қабул қилолмайди. Шунинг учун Зар бобо бир зумда драматик ҳолатга, сўнгра ижтимоий тартиботга қарши турувчи заковатли киши ҳолатига киради. Қарор топаётган "янгича" қадрият ва анъаналар унинг ворисликка асосланувчи майл-истаклари, фалсафий мулоҳазалари билан кескин зиддиятга киришади. Бобо номувофиқликларни идеал нуқтаи назаридан баҳолай оладиган субъектдир.

Зар бобо ботиний изтироблардан ўта ҳаяжонланади, ҳатто жазава ҳолатига тушади. Бундай кезда у қадим туркий халқлар шомонларига менгзаб кетади. Чунки донишманд чолнинг тинмасдан нималардир дейиши ва айтганларини илғаш маҳол экани зоҳиран томошага ўхшаб кўринувчи ўйин, аслида, ғайб олами билан руҳий мулоқотдир. Зотан, унинг барча хатти-ҳаракатлари бозор – дунё дардига шифо топишга талпинган ҳомий зот ибодатидир. Зар бобо кундалик турмуш аравасини судраш билангина руҳий қаноат туйган қавм тафаккурини улуғ мақсадлар сари юксалтириш, инсоф ва диёнатга чорловчи ҳомий ва миллат покиза руҳи каби тасаввур қилинади.

Роман бош қаҳрамони Фозилбекни: *"Қарисам шулар каби чол бўламан"*, дея ҳаваслантирган персонажлардан бири

Эгам бободир. Унинг сичқонларга қирон келтириш – нафсни жиловлашга кўмаклашишдан ўзга аъмоли йўқ. Меросий бурчини сидқидилдан ўташни ўзига фарз ва қарз деб билган адабий қаҳрамон: *“Бўйнимд-а қо-олмади қарзу ҳавол-а”,* дея таскин топади, руҳий хотиржамлик туяди. Дунёнинг барча ҳою ҳавасларига сокин нигоҳ билан боқади. Минглаб одамлар босиб-тепкилаб гурра-гурра ўтаётган тупроққа қарата арз-ҳол қилади. Зоҳиран бамайлихотир кўринган Эгам бобо ўз адоқсиз ҳасратларини тупроққа изҳор этишида хокисорлик ва хайёмона донишмандлик намоён бўлади. Қаҳрамоннинг: *“Сичқон қопқондан зўр келди... Қопқон қачон зўр келади?”* деган киноявий кулгисида воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабат мужассам. Англашиладики, Эгам бобо умуминсоний идеал билан реал воқелик ўртасидаги кескин зиддиятни теран идрок этади. Вазият нақадар жиддий, ҳатто фожеий эканини таъкидлайди. Субъект кайфиятига эътибор қаратилса, чолнинг тасдиғида инкор мазмуни мужассам экани ойдинлашади. Мазкур инкор воқеликни маънавий-ахлоқий ва ижтимоий мавқедан идрок этиш негизида туғилган.

Х.Дўстмуҳаммад роман структурасини белгилашда киноявийлик модусига алоҳида диққат қаратган. Шунинг учун иккала чол ҳам воқеликка фаол аралашмайди, балки юқоридан кузатади. Уларнинг аҳволни ўнглашга ожизлиги қаҳрамонлар тушган вазият билан изоҳланади. Китобхон беихтиёр тарзда ўз-ўзига: “Шундай вазиятда мен қандай йўл тутган бўлардим?” деган саволни беради. Бошқачароқ айтганда, ўз эътиқод-аъмолига четдан назар солади. Ҳаётидаги маънавий-ахлоқий принципларни тафтиш этади, масъуллик ҳисси ортади. Бинобарин, муаллиф–объект–адресат учлигида қабул қилиш жараёни фаоллашиб, катарсис ҳодисаси юзага чиқади. Китобхон гўё бир чеккада пиқ-пиқ, дув-дув йиғлаб: “*Шунга ман беноват*”, дея бутун айбни ўзидан қидираётган Солиҳ қори аҳволига тушади. Зотан, исмдаги “солиҳ” – етуклик ҳамда лақабдаги “қори” – Қуръонни ёдлаганлик фазилати персонаж қалби бунчалар тез юмшашини ҳам изоҳлайди.

“Донишманд Сизиф” романида ҳам циркулятив ҳаракат марказидаги одамга дуч келинади. Жумладан, белгиланган жазои ҳақни шараф билан уддалаш, тошни чўққига олиб чиқиш, юксакликни забт этиш ва зафар қучиш хаёлидан димоғи чоғ бўлган кезда Сизиф харсанг атрофида айлана ясаб чопқилайди. Гавдасини гоҳ ўнг, гоҳ сўл томонга ташлаб ирғишлайди. Болалар ўйинида ишлатиладиган ясси сопол тош (сопалак) парчасини тепаётгандек лўкиллай бошлайди. Илҳоми жўшиб, қадами жадаллашади, хиргойиси ҳаракатларига монанд шўх-шодон янграй бошлайди. *“Лакалум лак-лакалум! Лака-лака лак, лакалум!... Лакалум лак-лакалум! Лака-лака лак, лака-лака лак, лак-лаклакалу-у-у-м-м!“*[1] *Сизиф хумордан чиққунча ўйнайди. Ҳолдан тойиб қолган бўлса ҳам, ўзини қушдай енгил ҳис этади.*

*Иккинчи гал у чалқанча ётган ҳолда “Лакалум”ни ғоят эзғин оҳангда хиргойи қилади”*[2]. Чунки, пастга думалаётган тош унинг чап оёғи кафтини эзиб ташлаган, фалокат содир бўлган эди. Сизиф чидаб бўлмас оғриқни енгиш, бемаъни хаёлларни ҳайдашни истайди. Қўшиқ деярли шивирлаб айтилса ҳам, унинг оҳанги илоҳий кўмакка муҳтож бандага маънавий мадад бағишлайди. Унда мағлуб бўлишни истамаган, тақдирга ризо кимсанинг илтижо-умидлари жо эди. Туйғуларини овоз чиқариб айтаётган қаҳрамон, *биринчидан,* борлигини ўзига билдиради. *Иккинчидан,* кун сайин қадрдонига айланиб бораётган ҳамроҳи – харсангни ўз забун аҳволидан огоҳ этади. У ҳақ сўз тошни ёриши, латиф лутф харсанг дийдасини юмшатишига ишонади.

Тошдан раҳм-шафқат излаш мотиви миллий поэтик тафаккуримиз учун янги ҳодиса эмас. Олис ота-боболаримиз тошда руҳ мавжуд – кўнгил бор, деб тасаввур қилишган, шунга ишонишган. Хусусан, ушбу романда мурожаат этилган “Ёрилтош” эртагини кузатайлик. Эртак қаҳрамонлари етим ва ҳимоясиз опа-сингил (Гулнора ва Оймома) ўгай она қиё-

---

[1] Дўстмуҳаммад Хуршид. Донишманд Сизиф. Роман. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016, – Б.271.

[2] Дўстмуҳаммад Хуршид. Ўша жойда. – Б.308.

фасидаги бемеҳрлик, адолатсизлик ва зулм қаршисида чорасиз қолишади. Қизларнинг *“гулдай очилиб”, “ойдай тўлишиб”* боришларига ўгай она жеркишу қарғашлари мутлақо зид. Бефаросат ва дағал ўгай аканинг андишасиз қилиқлари тасвирланган картиналарда гўзаллик ва хунуклик кескин қаршилантирилган. Шунинг учун қизларнинг қувноқлиги ички изтироб билан алмашиб, уларнинг машаққатлари соат сайин ортади. Истаклари поймол этилиб, зўравонлик қаршисида иложсиз қолган, ўз уйида мислсиз бегоналик туйган тўнғич қизнинг *“узоқ-узоқларга бош олиб кетиш”* қарори қатъийлашади. У: *“Кетаман!”* деган шаҳд билан эшик эмас, балки сўнгги илинж туйнуги – даричадан чиқиб кетади. Бу ҳаракатда дала ва тоғ – кенглик ҳамда баландлик соғинчи мужассам. Ғамхонадан қочган киши ялангликдан паноҳ изламайди. Аммо, бундай экстремал вазият-ҳолатда унинг паришон кўнглига маҳрам бўлгувчи нажоткорга бўлган эҳтиёж ортади. Гулноранинг атрофга жовдираб қараётган нигоҳи, тошларга бағрини бериб, ялиниб-ёлворган, бағри увалиб илтижо қилган танг вазият-ҳолатига тоғ-тош ҳам бефарқ қарай олмайди:

*Ёрилгин тош,*
*Ёрил тош-а,*
*Мен сенга йўлдош,*
*Йўлдош-а...*

Эртакда: *“Қоронғилик қуюқлашиб, ҳаво гулдурабди, бирдан чақмоқ чақиб, тоғдан ўт кўтарилибди. Харсангтош шарақлаб ёрилибди”,* дейилади.

Одам боласининг нолакор фиғони, ҳимоя илинжидаги кўнгил талпинишлари, даставвал, Оллоҳ даргоҳида ижобат бўлади. Сўнгра харсанг ҳам ўз бағрини очади. Ҳамдамлик туйғуси уйғун келган лаҳзада йўлдошлик ва ҳамдардлик, кўнгил эриши ҳамда раҳм-шафқатга эврилади. Ғам-изтироб севинчга, армон эса умидга дўнади.

Хотини измидан чиқолмай, қайнотага айланаётган журъатсиз ота, сулув ва чевар қизни қўлдан чиқармаслик учун қайнона бўлишни кўзлаган ўгай она, куёвга эврилаётган оға

қиёфаларидаги ғайримутаносиблик уларнинг йўғон ва дағал овозларидаёқ ошкор кўринади. Зотан, ота ўз фарзанди, хотин ўгай бўлса ҳам умид билан бир ёстиққа бош қўйган маҳрамининг дилбанди, ака жигарбанди бахтига зомин бўлган худбин, таъмагир, калондимоғ, андишасиз, лоқайд кимсалардир. Уларнинг ҳеч бири ота, она ва ака деган номларга муносиб эмас. Нияту амаллари носамимий экани боис ҳам, улар тош ичига киришга йўл топишмайди. Зотан, бу жўн тош эмас, балки бағрига эзгуликни яширган, изтироб залворидан эзилган, нокасларга нафрати беқиёс жонли ва меҳрибон яратиқ эди. Шундай экан, у одамийлик саҳросида сарсон юрган аросат қавмга бағридан жой бермайди. Сингилча Оймома товушида дағалликдан асар ҳам йўқ. У тошга қараб бурро-бурро сўзлайди:

*Ёрилгин тош, ёрилгин-а,*
*Мен опамни кўрайин-а,*
*Дийдорига тўяйин-а,*
*Муродимга етайин-а.*

тарзидаги дил изҳорида дийдор соғинчига йўғрилган мурод акс этади. Тош ичидан чиққан опанинг овози ритмидаги жарангда эса: соғинч, сабр, матонат, интизорлик, меҳр, мурувват, эркалатиш, интиқлик, самимият, ризолик, шукроналик сингари қоришиқ туйғулар мужассам. Эртак ижодколари образлар тасвирида контраст усулидан фойдаланишган. Жумладан, опа-сингилнинг гўзал мурод-мақсади, покиза туйғу-истаклари ардоқланади. Айни пайтда ота, ўгай она, нoшуд ака, рашк-алам, ғазаб-нафрат исканжасида ҳидоят йўлидан адашган маккора Бекойим сингари қаҳрамонлар ошкора зидлантирилади. Натижада, бадиий асарнинг тил, сюжет, характер, шароит ва композиция сатҳларида ифода қабариқлигига эришилади.

Эртак ғоявий лейтмотивидаги асосий фикр “Донишманд Сизиф” романи давомида қайта-қайта такрорланади. Халқ оғзаки поэтик ижодида улуғланган инсонпарвар ғоя бутун роман матнидан сизиб ўтади. Шунга асосланиб, бемалол ай-

тиш мумкинки, роман меҳвари поэтик тафаккуримизнинг миллий илдизларидан озиқланади.

Йиллар давомида сукут сақлаш орқали тош билан кечаётган яккама-якка жангда улуғворлик, вазминлик, салобат касб этиб бораётган Сизиф оддий бир инсон сифатида намоён бўлади. Чунки, у ўтиб бораётган ҳозир билан мулоқотга киришади. Аслида, унинг изтироблари бир вақтнинг ўзида бугун ва келажак билан ҳамнафас яшаш, уларнинг ҳеч бирига нисбатан бегоналик туйғусини ҳис этмасликдан келиб чиқади. Адабий қаҳрамон инсондаги танлаш имкони орқали вақт билан битим тузиш, уни жиловлаш, ҳар нафасни қадрлаш ва абадиятга дахлдор қилишга ҳаракат қилади. Муаллиф қўшиқ ритмини ҳам қаҳрамон кайфиятга мос тарзда ўзгартириб боради. Бунинг эътиборли жиҳати шундаки, китобхон Сизифнинг юрак уриши ва нафас олишидан тортиб, ҳар бир аниқ ҳаракатни бажараётган кездаги кайфият-ҳолатигача ҳис эта олади.

Учинчи гал "Лакалум" янграган кезда, Сизифнинг ингроқ нафаси унинг барча ташвиш ва кулфатлардан баланд туришга интилаётганидан мужда беради. Бандаси доимий илоҳий кузатув остида эканини идрок этиш қаҳрамонни надомат ва нолишдан ҳушёрлик сарҳадига олиб ўтади. Зотан, инсон ҳеч ким, ҳеч нарса ва ҳатто, ўзига ҳам ночор қиёфада кўринишни истамайди. Шу маънода Сизиф чинакам мусибат яқинларингга ортиқча юк бўлишдир, деган қарорга келади. Унинг яқини қаршисидаги тош ва кўнглидаги ишонч эди. Шунинг учун аҳволи у қадар забун эмас, доимий кузатув – эътиборда эканидан мамнун эди.

Бинобарин, у зинҳор бахтсиз эмаслигига иқрор бўлар ва бундай кезларда кўнгли эркаланиш ва дардини дастурхон қилишни истарди. Чунки бир ожиз банда сифатида Сизиф ҳам кимнингдир далда беришию тасаллисига муҳтожлик сезар, қадрдон кишисининг кўксига бош қўйиб, ҳасрат қилишни хоҳларди. Шундай кайфиятда у ихтиёрсиз тарзда харсангга юкуна бошлайди. Кўчирма анчагина катта бўлса ҳам, Сизиф характерини очиш, роман моҳиятини англаш учун зарур бўл-

ган бу парчани тўла келтиришга эҳтиёж бор: *"Худди шундай қилса ялтоқланишлари кор қиладигандек, илтижолари етиб борадигандек харсангтош атрофини гир-гир айланиб югуришга тушар, оқсоқлиги туфайли қадам олишлари беўхшов чиқар, "Лакалум-лак"лаб ғингшишлари ҳаракатларига мос келмас, шунга қарамай, ҳолдан тойса – одимлаб, мадори етса – яна югуриб гир айланишни бас қилмас, унга қўшилиб булутлар, булутларга қўшилиб денгиз мавжлари айлана бошлар, буни кўрган Сизиф роҳатланар, ҳатто бесўнақайдан-бесўнақай харсанг ҳам жойида туролмай... гир-гир айланиш куйига жўр бўлмоқчидек унинг атрофида доира ясаб думалар, Сизиф еру осмон ўртасида юз бераётган бу жўровоз-оҳангдошликни кўра била туриб кўзларига ишонмас, аммо-лекин айни шу дамларда вужудидаги жамики шубҳа-гумонлар йўққа чиқиб, улар ўрнини ишонч, ишонч, ишонч эгаллашини истар, шу ўй, шу хаёлда охирги мисқол мадори тугагунга қадар айланишда давом этар, алҳол, алла-паллада... ҳушига келганида харсанг биқинига бетини қўйганича жисман беҳол-бемажол, руҳан эса тиниқиб, ўзини қушдай енгил ҳис қилиб ётган бўларди"[1].*

Келтирилган парчадаги "ялтоқланиш" ва "ғингшиш" сўзлари қаҳрамон характерига у қадар ёпишмаётгандай туюлади. Чунки, донишманд кишини бу каби сифатлар билан таърифлаш ғайриодатий ҳол. Шунга қарамасдан, Сизифнинг хушомад қилиши ва ялтоқланишини лаганбардорлик эмас, балки лутф деб тушуниш керак. Қолаверса, мурожаат қилинаётган объект ҳис-туйғусиз бир тош. Унинг кўнглига йўл топиш учун турфа восита-усулларни ишга солиш ҳам оқилона тадбир. Сизифнинг итдай ғингшиши беҳад азобларга гирифтор бўлса-да, ҳануз ҳаракатдан тўхтамаган жимитдай жоннинг ингроқ ва зорларини билдиради. Шундай экан, қаҳрамон ғингшишини оромини йўқотган гўдакнинг беғубор ўтинчига менгзаш мумкин. Зотан, унинг оқсоқлиги туфайли беўхшов қадам олишлари ва хиргойиси хатти-ҳаракатига уйғун бўлмаса-да, гоҳ одимлаб, гоҳ лўкиллаб гир айланаётган

[1] Дўстмуҳаммад Хуршид. Донишманд Сизиф. Роман. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016. – Б 314.

ҳолатини эътибордан соқит қилмаслик керак. Буларнинг барчаси илтижолари яқин биродари, у орқали улуғ кузатувчи Оллоҳга етиб боришига умид боғлаш ва ишончга асосланади. Демак, ягона мақсадга қаратилади.

Эътибор берилса, "Лакалум-лак"нинг хиргойи қилиниши ва шу ритмга қадам олиш, лўкиллаш ва югуришларнинг барчаси доира оҳангига мос тарзда кечади. Бизнингча, доира бу ўринда шунчаки чолғу асбоби эмас. Унинг гирди думалоқ экани, гир-гир "айланиш куйи" ижро этилаётгани, Сизифгина эмас, балки булутлару денгиз мавжлари, ҳатто харсанг ҳам доира ясаб гиргиттон бўлиши еру осмон ўртасидаги инсон ва борлиқнинг ҳаракатидаги жўровоз-оҳангдошлик ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Сизиф туйган мислсиз ҳайрат таъсирида ҳорғинлик ва шубҳа-гумонлар ўрнини қатъий ишонч эгаллаши, ҳузурбахш роҳат-фароғат ҳис этилишига эътибор қаратиш лозим. Зотан, шу ҳолат сабабли у жисмоний жиҳатдан ҳолдан тойиб, беҳуд бўлгунича ҳаракатдан тўхтамайди. Муҳими, худ ва беҳудлик орасида еру осмон марказидаги икки вужуд: Сизиф ва харсанг ўртасида яқинлик ўрнатилади. Мислсиз сабр-тоқат, машаққатларга бардош, мақсаддан оғишмаслик, Яратганга мусалламлик туфайли жазо ва машаққат тоши раҳм-шафқат ва мурувват тошига айлана бошлайди. Акс ҳолда, Сизиф унинг биқинига бетини қўйиб ётмас, ҳушига келганида маънавий енгиллик, руҳий тиниқиш ҳис этмасди.

Чолғу асбоби бўлган доира ва унинг тўгарак – айлана асоси кенг маънода дунёни англатади. Барча яратиқлар борлиқ чилдирмасининг сеҳрли оҳанги ва *"Лакалум лак-лакалум! Лака-лака лак, лакалум!... Лакалум лак-лакалум! Лака-лака лак, лака-лака лак, лак-лаклакалу-у-у-м-м!"* усулига ўйнайди. Биз шу айлана – "тўгарак жаҳон" ичида яшаймиз. Чилдирмачи иродасига бўлган эътиқодимиз мустаҳкам ёки сустлигига кўра, ўйнаётган рақсимиз ҳам борлиқдан таралаётган мусиқа ритмига жўровоз-оҳангдош бўлишга маҳкум. Сизиф маҳкумлиги эътиқод мустаҳкамлиги негизида кечгани учун роман қаҳрамони умумийлик билан уйғунлаша олади. Зотан, тўга-

рак жаҳон қатъий чегараланган. Мусиқа ҳар қанча давомли туюлмасин, белгиланган чегаралар кесиб ўтилган нуқтада у кескин тинади. Шунга кўра, инсоният иккита катта доирага ажралади. 1. Қисматга кўнган ва унинг асроридан воқифлар доираси. 2. Жоҳиллар доираси.

Сизиф ўз тақдиридан юз ўгирмайди. Чунки ҳар бир кимса белгиланган қисматини адо этиш учун яралишига ишонади. Шу боис ёруғ кун, қоронғи тун, уйқуда ёки уйғоқ, ҳушида ёинки беҳушлик қаҳрамон учун катта аҳамият касб этмайди. Қаерда, қандай вазият ва ҳолатда бўлиш – бу моддий олам ўлчовлари. Сизиф учун энг муҳим жиҳат мақсадли ҳаракатдан тўхтамаслик, ҳаракат шиддатини сусайтирмасликда кўринади. Шунинг учун, *романда барча масалалар Сизиф арвоҳининг йўқлик оламидаги ҳаёт ва кураш йўли заминида туғилади ва унга келиб боғланади. Бу ҳол уни мукаммал эпик образ даражасига юксалтиради.*

Сизифнинг хаёл ва хотирасида тикланган фоний оламдаги ўтмиши оқиллик, ростгўйлик, бунёдкорлик, қобилият ва тадбиркорлигини улуғ ишларга сафарбар этиш, хусусан, шаҳар қуришдек эзгуликлардан иборат. Демак, унинг илм-ҳунари реал ҳаёт ва одамлар турмуши билан чамбарчас боғланган. Йўқлик дунёсига кўчган Сизиф арвоҳи хокисорлик йўлини тутишдан заррача ор қилмайди. Бу ҳол унинг икки оламдаги ҳаётини ишқ негизида тасаввур қилиш имконини беради. Англашиладики, *эпик қаҳрамон ҳамиша кўнгил истаги, қалб амри бўйича ҳаракат қилган. Шоҳлик унинг орзу-армонини амалга ошириш учун восита вазифасини ўтаган.*

Мустақиллик даври миллий романларининг макон ва замон чегаралари беҳад кенгайиб бормоқда. Адабий жараёнда кузатилаётган айни ҳодисанинг романчилик учун ижобий сифат-белги эканига шубҳа йўқ. Бу ҳолни миллий-адабий факторлар, хусусан, ворисийлик категорияси ва генетик асослар билан изоҳлаш муаммонинг биргина қиррасини акс эттиради. *Кейинги йиллар романи поэтик ифода қамрови реаллик, хаёлот, туш, хотира ўртасидаги дабдурустдан илғаш қийин бўлган алоқадорлик ҳисобига бойиди. Бадиий тасвирга*

*қиёслаш, чоғиштириш, қаршилантириш, кутилмаган тарздаги ўрин алмашишлар ва бирикиш ҳолатлари кириб келди. Асарнинг метафориклик даражаси беҳад ортди.*

Бугун китобхонлик даражаси бир қадар тушиб кетгани ҳақидаги асосли ташвишларнинг ҳаммаси худди шу нуқтага келиб боғланади. Чунки муаллиф нарса-ҳодисалар орасидаги қандай алоқадорликка таянади? Уларни қай тарзда ягона занжирга бирлаштиради? – деганга ўхшаш саволларга жавоб топиш учун ўқувчи ижодий фаол бўлиши шарт. Ўқувчининг сўз ва ифодаларни улар алоқага киришган сўзлар билан тенглаши, зидлаши ёхуд тобеликда олиб қарашининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун томчи ортидаги уммон ҳис қилиниши, яъни қўлланилган поэтик сўз англатаётган тушунчалараро боғлиқлик чуқур идрок этилиши лозим. Тахайюл баландлиги, тасаввур кенглиги, тафаккур теранлиги тақчил жойда айни ҳодиса содир бўлмайди.

Бундай ҳолда ассоциациялар яратган кўприкдан улар мансуб бўлган занжир ҳалқалари томон ўтиш, узвий туташтириш амалга ошмайди. Тушунчалар ўзаро боғланмас экан, бадиий матн ҳам ўз чиройини очмайди. Китобхон муаллифнинг ўзига хос поэтик нуқтаи назари, бадиий фалсафасини англаб етмайди, ҳис қилмайди. Умуман, бугунги миллий романлар поэтикасида одам ва оламни метафорик идрок этишга интилиш кучайди. Айни жиҳатлар замонавий шеъриятда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Бизнингча, *асл янгиланиш миллий романнавис бадиий нияти, эстетик идеали ва унинг мустақиллик даври эҳтиёжларидан келиб чиқиши натижасида пайдо бўлмоқда. Романчиликда шеърият томон силжиш жараёни кечмоқда. Шунинг учун ҳам миллий романларга янги-янги шакл ва мазмун, моҳиятни очиб бериш ҳамда изоҳлашга қўл келадиган баён услублари кириб келмоқда.*

Миллий романнавис глобал дунё билан ҳамкор-ҳамнафас экан, унинг ҳиссий идроки, поэтик тафаккури, ифода қамрови кенгаяверади. Ўзбек романчилиги совет даврида эришган ютуқларга ёппасига чизиқ тортиш фикридан мутлақо йироқ тарзда, таъкидлаш ўринлики, XX асрнинг 30-йилларидан эъ-

тиборан умуминсонийлик дейилганда умумшўро одамининг коммунистик эътиқодга бўлган садоқати тушунилди ва аксарият романларда ўз ифодасини топди. Ўзбек романи ҳам муайян маънода, умумшўро романчилигининг “кичик модели”га айлантирилди. Мустақиллик даври адабиётшунослиги ва поэтик ижод намуналарида эса, ворислик тушунчаси миллий негизда туриб, умуминсоний, умумкоинот миқёсларида идрок этилмоқда. Чунки одам насли ягона маконда яшашга маҳкум, она сайёра ва умумкоинотни асрашга масъул экани англаб етилди. Қолаверса, инсон факторига ёндашув ҳам тубдан янгиланди. Албатта, ҳамма қаламкаш ҳам ўзини “қайта қуриб олди”, дейиш қийин. Аммо илғор романнавислар инсоннинг она табиатни ўз иқтисодий манфаатига кўра ўзлаштириш позицияси, истеъмолчилик тутуми мутлақо нотўғри эканини англаб етишгани бор гап.

Замондош романнавислар мавжуд барча фалсафий-эстетик, маърифий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қарашлар қайси замон ва маконда яратилган бўлмасин, уларда умуминсониятга дахлдор фикрий улуғворлик, поэтик гўзаллик, умуминсонийлик ифодаланган бўлса, уларнинг барчасини ижодий қайта ўзлаштиришга эҳтиёж туюшмоқда. Айни вақтда, назарий асоснинг кенгайиши ва глобаллашуви миллий-адабий анъаналаримиздан озиқланяпти. Масалан, Навоий “Лисон ут-тайр” фалсафий достонида *“Ломакон майдонида жавлон”* уриш ва ундан *“оҳанги ажаб майдон”* қилиш гаштидан сўз очади. Шоир хаёл отида парвоз этаркан, сайр чоғида олам унсурларининг ўзаро уйғун ҳарактини кўриб беҳад шодланади. Моддий дунё занжирларидан халос бўлиш ҳолидан мамнун эканини изҳор этади. “Бадойеъ ул-бидоя” девонида Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг ломакондаги сайри Буроқ оти қиёфасида моддийлашган хаёл уловида кечганига ишора қилади. (195-, 240-б.) Ҳар бир мўмин пайғамбар сифатларини эсласа, ундан катта ибрат олиб, ўзининг паришон ҳолидан халос бўлади, дея уқтиради. “Бадойеъ ул-васат”да шоир лирик қаҳрамони улуғ висолга восил бўлгани, ломаконда фаришталар, хусусан, Жаброил ҳам маҳрам бўлолмаслигини

таъкидлайди. (275-б.) “Фарҳод ва Ширин” достонида Рахш оти ломаконга элтгани хусусида сўз боради. (14-б.) “Фавойид ул-кибар”да:

*Ўзин ўзлукдину кавнайн мулкидин қилиб хориж,*
*Қаю кавнайн мулки, ломакондин ҳам топиб ихрож.* (19-б.)

мисралари учрайди. Кўринадики, Навоий асарларида “мен”ликни ўзлик ва борлиқ (макон)дангина эмас, ломакондан ҳам ҳайдаш ҳақида фикр юритилмоқда. Шоир таъкидлашича, ломаконда “мен” буткул ихрож (сургун) қилинади. Бошқачароқ айтганда, у борлиққа сингиб кетиб, мутлақ бирлик юзага келади. “Ғаройиб ус-сиғар” девонида ломакон бепоён денгизга қиёсланади. У шундай денгизки, унинг ҳар бир томчи суви руҳга ҳаёт бағишлайди. Чунки ломаконга эришиш – бу бебаҳо илоҳий неъматга ноил бўлмоқ. Зотан, асл маънолар хазинаси айнан йўқлик мулкида мужассам. (9-б.) “Маҳбуб ул-қулуб”да шоир замон аҳлига меҳру вафо кўргузиб, улардан бевафолик ва беҳаёлик кўрганидан озурда бўлади. Шунинг учун вафо ва ҳаёни ғам-ғуссага тўла, ғуборли фоний олам сарҳадидан омон олиб ўтади. (46-б.) Ломакон Навоий учун моддий оламни унутиб, кўнгилга таскин бериш, яъни барча жабр-жафо ҳамда дард-балолардан халос бўлиш умидига айланади. Унинг маконсизлик билан овуниши, бир томондан, ижтимоий-ахлоқий, таълимий мазмун ташиса, иккинчидан, поэтик идрок юксаклигида илоҳий уйғунлик соғинчи ҳам ўз ифодасини топади. “Наводир ун-ниҳоя” девонида ҳижронзада жон коинотдаги уйғунликда хотиржамлик топади. Чунки унинг асл тилаги ҳам шу юксак манзил, руҳ оти жавлон уриб, ўзини эркин сезадиган маскан ҳам ломакон эди. (2- ва 337-б.) Бундай ҳол “Наводир уш-шабоб” девони (3- ва 199-б.), Сабъаи сайёр” (15-б.),“Садди Искандарий” достонида (19- ва 26-б.) ҳам кузатилади.

Шундай экан, янгиланишлар қамровининг фикрий миқёси кенгайиши моҳият эътибори билан миллий тафаккурга қайтиш, унинг воситасида замон ва замондошни англашдан иборат. Ҳеч шубҳасиз, поэтик тафаккуримизда миллийлик

категорияси доминантлик қилмоқда. Инсоният тажрибаси адабиётнинг ўз миллий қиёфасини асраб қолиш йўли Шарқона тафаккур ва шунга мутаносиб ҳаёт тарзи эканини эътироф этади. Бинобарин, *романий қаҳрамон глобал дунёда бетакрор ўзлигини намоён этиши учун ҳам, миллий эътиқоди, фикр-ўйлари, иш тутуми ва ўлимни қаршилаши ҳамда йўқлик оламидаги руҳий ҳаёти, ҳатто ломаконда тасвирланганида ҳам, мутлақо ўзбек бўлиши, ўзгача бўлолмаслиги билан ёрқин ажралиб туриши шарт.* Зотан, бизнинг романларимиз жаҳон китобхонлари учун миллийлиги билан қадрли.

Замонавий адабиётшуносликда: *"Бадиий шакл консервативроқ ҳодиса бўлганидан узоқ яшовчанлик хусусиятига эга. Мазмун эса ўзгарувчанликка мойил ҳодиса бўлиб, ҳар бир бадиий асар мазмуни ўзича оригиналдир"*[1], деган фикр мавжуд. Жанр ўз асосий шаклий белги-хусусиятларини деярли ўзгартирмаслиги умуман тўғри. Бу фикр мумтоз адабиётнинг қатъий канонлашган ғазал сингари жанрларига нисбатан ўзини тўла оқлайди. Кейинги давр ўзбек романларини кузатсак, ўзгачароқ ҳолат намоён бўлади. Масалан, "Ранг ва меҳвар", "Заррадаги олам" (А.Дилмурод), "Йўл" (У.Ҳамдам), "Боқий дарбадар", "Озод" (И.Султон), "Бозор", "Донишманд Сизиф" (Х.Дўстмуҳаммад) сингари романларнинг барчасида инсон ва жамиятнинг жорий ҳолати илоҳий ҳақиқатлар билан қиёсан бадиий идрок этилган. Ёзувчилар ижодий нияти муайян поэтик ҳукм тарзида шаклланган. Роман шакли унинг мазмун ифодаси, яъни ижодий ният ижроси учун имкон бергани учун саналган барча асарлар шу жанрга мансуб. Лекин, бу романларни ижтимоий қамров теранлиги билангина изоҳлаш, уларда намоён бўлаётган илоҳий қатлам меҳварига етиб бориш имконини бермайди.

Ҳақиқатан, мазмун шаклни белгилайди. Юқоридаги романлар поэтик концепцияси ибтидо ва интиҳо ҳақидаги азалий эътиқодларни тасдиқлайди. Бу ижодкорларнинг дунёни кўриш ва баҳолашидаги муштараклик, уларнинг анъанага

---

[1] Қуронов Д., Мамажонов З., Шаралиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. – Б.59.

эргашиши тарзида ҳам ўз изоҳини топади. Бордию, шундай бўлса, поэтик концепция, яъни мазмун ўзгармас бўлиб чиқмайдими? Ҳар бир ёзувчи фикр-туйғусида кечган мураккаб жараёнларга хос индивидуал белги-сифатларни қай йўсинда аниқлаш мумкин?

Бизнингча, шакл фикр-туйғуларни механик тарзда бирлаштирмайди. Шаклда поэтик сўз сифатида моддийлашган ўй-кечинма жилвалари, ҳар зарранинг тебранишига дахлдор ҳаракат ритми акс этади. Манфий, мусбат ва қоришиқ кечинма ҳаракат майдонлари бир-бирига ўзаро таъсир ва акс таъсир кўрсатади. Роман шаклий индивидуаллиги барча унсурларни тартибли жойлаштириш, уларнинг ўзаро муносабати негизида юзага келувчи алоқавий боғланишларга хос хусусиятлар билан белгиланади. Демак, шакл – композиция ва ифода. Мазмун – воқеа воситасида айтилмоқчи бўлган бош ғоя ва образлар тизимидан иборат. Чинакам миллий роман одам ва оламга дахлдор нарса, ҳодиса ва жараёнларда илоҳий уйғунлик мавжудлигини тасдиқлайди. Шакл ва мазмун шу ҳақиқатни ифодалашга имкон берувчи воситалардир. Бадиий асарда шу икки категория бирлиги таъминланмаса, оламнинг аниқ манзараси намоён бўлмайди.

Таъкидлаш керакки, одам ва оламнинг яралиши ҳамда мавжуд бўлиши тафаккуримизга боғлиқ эмас. Бизнинг тафаккуримиз олам яралишидан кўзланган мақсад – одам эканини идрок этади. Шунинг учун, миллий романларда Оллоҳ оламни йўқдан бор қилди, унинг мавжудлиги ижодкорининг қудрату ҳайбати нишонаси, деган исломий маърифий ҳақиқатни тасдиқлашга интилиш ортмоқда. Аксарият ўзбек романларида илоҳий гармония ҳақидаги фикр у ёхуд бу тарзда такрорланади. Бу **А = А** символик мантиғи талабига мос тушгани учун, ушбу уйғунлик доимий ўзгармас ва қатъий мазмунга эга. Бадиий тафаккур ифодасидаги бу аниқлик фикр-мулоҳазаларнинг равшан ифодасини таъминлайди.

Шубҳасиз, барча предмет-ҳодисалар, хусусан, одам ҳам нисбий барқарор яратиқ. Макон ҳамда замон тақозосига кўра, унинг тушунча ва билимлари тарозининг иқрор ва ин-

кор паллаларидан бирига эврилади. Одамнинг ўз моҳиятини англашига имкон берилган даврларда тафаккур ва кечинма бойийди, кенгаяди ва юксалади. Агар макон ва замонда бунинг акси бўлса, тафаккур депсинади, тўхтайди ва ҳатто тубанлашиш сари оғиб кетади. Изҳор этиш имконсиз бўлган кечинма онгостига гизланади. Демак, фикр ва кечинма мазмуни истеъдод соҳиби камол топган давр зиёлиси илоҳий ҳақиқатни қанчалик даражада тугал қамраш имконига эга эканига боғлиқ. Чунки, ҳар қандай маҳоратли адиб ҳам реал воқеликда ҳаракатланади, у билан муроса қилишга мажбур бўлади. Ўз англамларини изҳор этишда бадиий ифоданинг янги шаклларини излаш орқали давр ижтимоий интилишларидан ўзишга интилади. Англашиладики, роман муайян адибнинг поэтик тафаккур ва ифода уйғунлигини таъминлай олиш салоҳиятига кўра, бири иккинчисидан фарқланувчи белги-сифатлар касб этади.

Шу маънода, мазмунда анъанага индивидуал муносабат акс этади. Мазкур муносабат замирида у ёхуд бу адибнинг заррада олам, мажозда моҳиятни кўриш ва англаш салоҳияти мужассам. Зотан, инсон – воқелик – борлиқ триадасининг ҳар бирида яхлит шакл ва мазмун мужассам. Уларнинг мавжудлиги структурал бутунлик ва семантик яхлитликка асосланади. Демак, ёзувчи тафаккури ва тахайюлида кечаётган воқеа-ҳодисалар, оламда содир бўлаётган жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ. Ёндашув ва изоҳлашлар эса ранг-барангдир.

Роман – сўз воситасида жонлантирилган ҳаёт. Унга жон ато этишда ёзувчи ижодий нияти, эстетик идеали, ҳис-туйғулари, тафаккур кўлами ва поэтик маҳорати муҳим роль ўйнайди. Муаллиф мутлақ ғояга поэтик руҳ бағишлайди. Инсон борлиғини нафақат ижтимоий ҳаёт, балки микро, макро ва мегадунё билан ҳиссий ва фикрий туташтиради. Мазмун ўзгарувчан ва фаол экани худди шу нуқтада юзага чиқади. Чунки ижодкор яратган роман қаҳрамони ўз ботинида тараққий қилади. Ички иккиланишларни оқилона ҳал этишга интилади. Бунинг учун турфа синов манзилларидан ўтади. Ички оламидаги курашга ҳакамлик қилиб, муроса ўрнатиш-

га мажбур бўлади. Шу маънода, янги мазмун кўпинча, қадимий шакл қобиғида вужудга келади. Чунки, мазмун табиатан мавжуд шаклларга мувофиқлашувчан хусусиятга эга. Бироқ, ҳар қандай ўзгариш – бу бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш. Демак, юзага келган янги мазмун ўзига мувофиқ шаклга эҳтиёж сезади ва шунгагина мувофиқлашади. Айнан шу нуқтада, мазмун ва шакл янги бирлик сифатида ўзгаради. Англашиладики, янги пайдо бўлган мукаммал роман – бу янгиланган эстетик ҳодиса. Бизнингча, мустақиллик даври ўзбек романи ривожланиш ва янгиланиш оғушида бўлиб келишини юқоридаги тарзда изоҳлаш мумкин. Бу ҳол шакл ва мазмун мувофиқлиги таъминланмас экан, янги эстетик ҳодиса ҳам юзага чиқармаслигини кўрсатади.

Кўринадики, шаклнинг "консервативроқ ҳодиса" сифатида "узоқ яшовчан" экани нисбий тушунча. *Танланган шакл мақсадга мувофиқ бўлса, у мазмунни ривожлантиради. Ягона мақсад негизида уюштиради ва поэтик ифода гўзаллигини таъминлайди. Бадиий асар эстетик таъсирчанлиги ҳамда бадиий жозибасини оширади. Аксинча ҳолатларда, бу жараёнларни сустлаштиради. Агар шакл ва мазмун бир-биридан ажратилса, шаклбозлик юзага келади.*

Мустақиллик даври ўзбек романи ижтимоий давр туғдирган мазмун ва адабий-эстетик қарашлари янгиланаётган китобхон фикрий-ҳиссий дунёсига мос шакллар изламоқда. Бу мазмунни гўзал бадиий шаклларда ифода этишда сезиларли муваффақиятлар ҳам қўлга киритилди. Шаклий хусусиятлар муқимлашиб, миллий романнинг турғун шакллари барқарорлашиши учун муайян вақт зарур.

Роман – санъат ҳодисаси. Унинг бадииятини белгиловчи бош мезон эса, мазмун ва шакл уйғунлигидир. Шундай экан, ҳар бир янги роман жанр ички тармоқланишида қайси шаклга мансублигига кўра таҳлил ва тадқиқ қилиниши керак. Умуман, миллий роман семантик-структур қатламларидаги ижобий ўзгариш ва такомиллашув жараёнлари муаллиф ва китобхон диди, руҳияти, тафаккури учун янги имкониятлар яратди.

Айни муаммолар нисбатан фаоллашуви ижтимоий-маърифий, адабий-эстетик моҳият касб этади. Чунки, маданиятлар интеграцияси уйғунликка мойилликни кучайтирди. Халқимиз тийнатидаги жамоавийлик ва бирдамлик туйғуси – тарихан ижтимоий-маънавий бирлик экани билан боғлиқ жиҳатнинг қайта уйғониши ва қанот ёзишига туртки берди. Ўзбек халқи машаққатли синовларни сабр-қаноат билан енгади. Қийин дамларда теран эътиқодига кўра шукроналик билан яшайди. У ноҳақлик ва адолатсизликка дуч келганида ҳам унга қарши очиқ-ошкора исён қилавермайди. Мулоҳазакорлик ва андиша билан муносабатда бўлади. Ҳатто, “Худога солдим”, дея этак силтаб кета олади. Яъни, маънавий тубанликдан баланд туришни хуш кўради. Биз мансуб бўлган халқ ўзининг инсоний садоқати, одамийлик ва қадр-қиммат, ор-номус ва лафз каби олижаноб ҳис-туйғуларни беҳад қадрлаши билан алоҳида ажралиб туради. Бизнинг азалий қадриятларга қайтишимиз ижтимоий-мафкуравий тазйиқ ва чеклашлар олиб ташлангани учун содир бўлди. Чунки юқорида таъкидланган фазилатлар ҳаётий ақидаларимиз, турмуш тарзимиз ва руҳиятимизга чуқур сингиб кетган эди. Шунинг учун, *биз эркинлик дейилганида, биринчи навбатда тарихийлик ва ижтимоийлик муштараклигини тушунамиз. Шундан сўнг бу тушунчани алоҳида шахс индивидуаллиги сифатида идрок этамиз*. Демак, мустақиллик давридаги глобал ўзгариш ва янгиланиш ўзбек менталитети шаклланиши тарихий-генетик илдизлари билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Бу ҳол иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий, ахлоқий-мафкуравий асослардан ташқари, уларнинг эстетик англаниши жараёнида ҳам яққол намоён бўлади.

## III БОБ.

# РОМАН СТРУКТУРАСИДА ЭССЕЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ПОЭТИК ИФОДА РАКУРСЛАРИ

### *3.1. Маърифий-биографик романда ёндашувлар синтези*

XX аср ўзбек адабиётшунослигининг асосини рус адабиёт илмида мавжуд методологик йўналишлар ташкил этди. Ўтган аср охирига келиб, яъни сиёсий мустақиллик қўлга киритилгач, умуммафкурада бўлгани каби, адабий меросга муносабат ҳам ўзгарди. Диний-тасаввуфий матнлар мумтоз поэтиканинг назарий таянч манбалари ёрдамида талқин этила бошлади. Адабий жараёнда содир бўлаётган турфа янгиланишларнинг ҳар бирига ўз моҳиятига мувофиқ тадқиқот мезонлари ва усулларини қўллаш имконияти юзага келди. Миллий адабиётшунослик ва адабий танқидчилик методологияси муаммолари тадқиқ этилган айрим диссертациялар,[1] ўқув қўлланмалари ва рисолалар пайдо бўлди[2].

---

[1] Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси. – Филол. фан. д-ри илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... афтореф. – Т., 2002. – Б.44; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида) – Филол. фан. д-ри илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... афтореф. – Т., 2002. – Б.46; Шарафутдинова М. Особенности повествовательной структуры узбекского романа XX века в контексте мировой литературы. Дисс... на соискание степени д-ра филол наук. – Т., 2010. – С.276; Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидининг жанрлар таркиби. Филол. фан. д-ри илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Т., 2010. – Б.270; Қаҳрамонов Қ. Истиқлол даври ўзбек танқидчилиги методологиясининг янгиланиш тамойиллари. Филол. фан д-ри илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2011. – Б.280 ва бошқалар.

[2] Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Филолог магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Муҳаррир, 2011. – Б.88; Холбеков М. Структур адабиётшунослик. – Т.: Наврўз ДУК, 2014. – Б.140.

Муҳаммаджон Холбековнинг "Структур адабиётшунослик" (2014) рисоласида XX асрда Ғарбий Европа, Россия ва АҚШ адабиётшунослигида етакчи ўрин тутган структурализм ва структур адабиётшунослик тамойиллари ёритилди. Структурализмнинг ёрқин намояндалари бўлмиш файласуф, адабиётшунос, тилшунос ва антропологар ҳақида маълумотлар берилди. М.Холбеков тадриж, бадиий матннинг структур-семиотик талқини, Ролан Барт ва Алгирдас Греймаснинг структур адабиётшунослик назариялари, матн, интерматн ва интерматнлик – бадиий матнга "қайтиш" тарихий ва биографик адабиётшуносликдан жиддий фарқланувчи ҳодиса эканини каби назарий масалаларни ёритишга уринди. Дарҳақиқат, структурализм ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ рус адабиётшунослигида шакллана бошлаган, аммо унинг ривожига етарлича имкон берилмаган эди. Шунинг учун аср ниҳоясига келиб, рус адабиётшунослари ҳам эскича қарашлари инерциясидан қутулиш йўлларини излай бошлашди[1].

Қозоқбой Йўлдош ва Муҳайё Йўлдошнинг "Бадиий таҳлил асослари"[2] (2016) китобида бадиий таҳлилнинг илмий асослари тадқиқ этилди. Бадиий асрларни таҳлил қилишнинг моҳияти, йўналишлари, етакчи тамойиллари каби назарий масалалар билан бир қаторда, муаммонинг амалий қирралари ҳам ёритилиб, жаҳондаги илмий мактаблар ҳақида қимматли маълумотлар берилди. Жумладан интерпретация ва герменевтика, ижтимоий, формал, маданий-тарихий, натуралистик, тарихий-функционал, тарихий-типологик, қиёсий-тарихий таҳлил мактаблари, модерн ва постмодерн асарларга ёндашув йўсинлари ҳақидаги янгича қарашлар жамланди.

Шунингдек, таҳлил ва талқин жараёнида Қуръон оятлари ва ҳадисларга таяниш, муайян тасаввуфий тамойиллар асосида ёндашув анъанаси ҳам қайта тикланди. Жаҳон ада-

[1] Қаранг: Вестник Московского университета. – Сер.9. Филология, 2010. – №5. – С.135.

[2] Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.: Камалак, 2014. – Б.464.

биётшунослигида мавжуд биографик, социологик, формал, структурал, психологик, лингвистик, қиёсий-тарихий, герменевтик, синергетик, гипотетик методларни ўрнида қўллаш ҳам ўз ижобий натижаларини бера бошлади.

Жумладан, *биографик метод* ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Бу методда муайян адиб шахси ва қизиқишлари, ижтимоий-адабий муҳити, тадқиқ қилинаётган асар ёзилган пайтдаги руҳий-психологик ҳолати, ижодига туртки берган омиллар, бадиий матннинг яралиш онлари – ёзувчи ҳаёт ва ижод тарзига дахлдор тарихий-индивидуал масалалар ҳамда ижод лабораториясига оид барча вазият-ҳоллар бадиий ижод моҳиятини белгиловчи факторлар саналади. Яъни санъаткор ижодини талқин этишда унинг *"индивидуал тақдири ўзига хос калит вазифасини ўтайди"*[1]*. Зотан, чинакам бадиий асар ижодкор шахс интеллекти ва санъат ҳодисасининг табиати билан боғлиқликда юзага келади. И.Султоновнинг "Навоийнинг қалб дафтари", Н.Каримовнинг "Чўлпон", Д.Қуроновнинг "Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси" каби асарларида ана шу хусусиятлар инобатга олинган эди.*

*Адабиётшуносликда биографик метод тамойилларининг ишлаб чиқилиши ва бу методнинг бадиий асарларга тадбиқ этилиши масаласини аксарият мутахассислар француз мунаққиди ва шоири Шарль Огюстен Сент-Бёв (1804–1869) номи билан боғлашади. Масалан, филология фанлари доктори Б.Каримовнинг "Адабиётшунослик методологияси" (2011) номли ўқув қўлланмасида Сент-Бёвнинг "Душанба кунларидаги суҳбатлар", "Янги душанба кунлари", "XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори", "Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи", "Адабий портретлар. Танқидий очерклар" каби мақола ва китобларига мурожаат қилинган. Биографик метод адабиётшунослик амалиётига ёзувчи психобиографияси сифатида фаол тадбиқ этилган. Б.Каримов тўғри таъкидлаганидек: "Ёзувчи психобиографияси қайсидир маънода унинг бадиий асарларидаги воқеа-ҳодисалар баёни, яратган образлари тизимида*

[1] Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. – М., 1981. – С.56.

*ўз ифодасини топади. Бундай индивидуаллик санъат асарининг оригиналлигини, ўзига хос табиатини намоён қилади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, бесаранжомлик, безовталик, руҳий-ҳиссий кечинмалар, тўлқинланиш ва оғриқли дардлар, муаллақ ёки собит дунёқараш фонида унинг бадиий асарини талқин этиш ижобий самаралар бериши табиий”*[1]*.* Таъкидлаш ўринлики, қўлланмада Андре Моруа (1885–1967) ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Ўзбек адабиётшуноси А.Расулов тадқиқотларида ҳам биографик методдан фойдаланиш ҳоллари кўзга ташланаётгани ижобий ҳол сифатида баҳоланган эди. Д.Жабборованинг “Истиқол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари (шеърияти ва насрий асарлари мисолида)”[2] мавзусидаги диссертациясида замонавий ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон асарлари таҳлилининг назарий ва амалий масалалари ўрганилди. Ижодкор маҳоратини очишда қўлланилган концептуал ёндашув ва методларнинг илмий аҳамияти асослаб берилди. Диссертант мазкур тадқиқотнинг “Чўлпоншуносликда янгича босқич ёхуд тарихий-маданий ёндашув” фаслида Н.Каримовнинг “Чўлпон” (2003) маърифий романини таҳлилга тортди (диссертация, 31–46-бетлар).

Ёш олима Чўлпон фаолиятига бағишланган адабий-илмий манбаларни чўлпоншунослик тарихи аспектида махсус монографик йўсинда тадқиқ этаркан, ишга Сент-Бёвнинг биографик ҳамда Ипполит Тэннинг маданий-тарихий методларини методологик асос сифатида жалб қилади ва шундай ёзади:

*“Чўлпон” романи улуғ шоир ҳақида битилган турли жанрдаги асарлар, унинг ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган илмий рисола ва монографиялар, хотира ва ёдномалар орасида ҳам илмийлиги ва ҳам оммабоплиги билан ажралиб тура-*

---

[1] Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Филолог магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Муҳаррир, 2011. – Б.20.

[2] Жабборова Д. Истиқол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари (шеърияти ва насрий асарлари мисолида)” Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Самарқанд, 2018. – Б.136.

*ди. Чунки бу асарда Чўлпон яшаган давр, бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, халқ турмуши, биринчи жаҳон уруши, Февраль ва Октябрь тўнтаришларининг Туркистон ҳаётига, зиёлилар дунёқарашига кўрсатган таъсири, охир-оқибат алданган, хўрланган халқнинг мард ўғлонлари олиб борган тенгсиз курашлар – барча-барчаси Чўлпон қисмати призмаси орқали талқин этилган. Унда жуда кўп далиллар, материаллардан фойдаланилган. Энг муҳими эса, Наим Каримов Чўлпон ижодининг бадиий-эстетик тадқиқидан, шоирнинг бадиий образини яратишдан тийилиб, бу улкан ва долзарб мавзуга маданий-тарихий аспектда ёндашиб тўғри усулни танлаган"*[1].

Д.Жабборова мазкур асар жанрини "эссе-роман" тарзида белгилашда қуйидаги омилларни асос қилиб олган: 1. Илмийлик. 2. Оммабоплик. 3. Талқиннинг Чўлпон қисмати призмаси орқали олиб борилиши. 4. Н.Каримовнинг бадиий-эстетик тадқиқдан, шоирнинг бадиий образини яратишдан тийилиб, бу улкан шахсиятга маданий-тарихий аспектда ёндашгани.

Албатта, диссертант синчков кузатишлардан сўнг шундай хулосага келган. Бироқ, шу ўринда айрим мулоҳазалар ҳам туғилади. Зотан, "талқин" – арабча сўз бўлиб, у: изоҳлаш, шарҳлаш, тушунтириш, тарғиб қилиш каби маъноларни англатади[2]. Адабиётшунослик нуқтаи назаридан қаралганида, "талқинчи" – бу шарҳловчи, матнни илмий изоҳловчи демакдир. "Тадқиқ" ҳам арабча сўз бўлиб, у – илмий асосда текшириш, ўрганиш, аниқлаш маъноларини англатади. Бу атама ҳам илмий текширишга дахлдор. Проф. А.Расулов ҳам талқин деганда, адабий матнни уқиш ва ўзлаштириш, сатрлар руҳига сингиш (микроанализ) имкониятларини, шунингдек, структурал-семантик таҳлилни тушунади[3]. Англашиладики, "Чўлпон" маърифий романи долзарб мавзуда битилган катта илмий-оммабоп тадқиқот экан. Н.Каримов изланишлари-

[1] Жабборова Д. – Ўша жойда. – Б.44–45.

[2] Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Иккинчи том. – М.: Рус тили нашриёти, 1981. – Б.113.

[3] Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006. – Б.232.

нинг нафис сўз санъати, бадиий ижод ва унинг шеър ҳамда бадиий наср шакллари, Чўлпоннинг адабиёт ва санъатга бўлган қарашлари системаси ҳақида бўлиши унинг адабий-эстетик ҳодиса эканини кўрсатади.

Шубҳасиз, ҳеч бир илмий тадқиқотда бадиий образ яратилмайди. Аксинча, ёзувчи шахсининг шаклланиши, камол топиши билан боғлиқ барча омиллар атрофлича ўрганилади. Ижодий ниятда эмбирионал ҳолда юзага келган фикр-туйғунинг адабий-эстетик концепция даражасига ўсиб чиқиши ва уни ифода этишдаги поэтик маҳорат сирлари тадқиқ этилади.

Шундай экан, бу асарнинг "маърифий роман" эмаслиги негадир Чўлпон бадиий образи яратилмагани билан белгиланяпти. Умуман, маърифий романда "бадиий образ яратилиши" керакми? Бу жиҳат жанр табиатининг характерли белги-сифатими? Объектга маданий-тарихий аспектдан ёндашиш маърифий романлар учун мутлақо ёт ҳодисами? Агар, шундай бўлса, нима учун диссертант Андре Моруанинг И.С.Тургенев, А.П.Чехов, Л.Н.Толстой, В.Шекспир, О.Бальзак, В.Гюго, Ж.Байрон, Ч.Диккенс, Б.Шоу, М.Пруст, Л.Арагон ва бошқа рус, француз ва инглиз шоиру адиблари, драматурглари романлаштирилган биографияларини маромига етказиб ёзган шахс эканини эътироф этди экан?! Қолаверса, воқелик инсон қисмати призмаси орқали кўрсатилган асар илмийликдан кўра бадиийлик касб этмайдими?

Хуллас, жанрни белгилаш осон юмуш эмаслиги боис, юқоридаги сингари кўплаб саволлар туғилиши табиий. Зотан, Ш.Сент-Бёв биографик методида адабиётни изчил тадрижий жараён сифатида талқин этиш, муайян давр адабиётида сезиларли из қолдирган йирик адиблар ҳаёти ва ижодини халқ бадиий тафаккури тарихида тутган ўрни нуқтаи назаридан ўрганиш кўзда тутилади. Ипполит Тэн маданий-тарихий методи негизида ҳам адабиёт маданият ва тарихнинг ажралмас узви сифатида қаралади. Олим муайян миллатнинг у ёхуд бу кесимдаги тарихи, маданияти ва руҳий дунёси албатта эссе жанрида акс этади, демаган. И.Тэнни қизиқтирган нарса

ижодкор асарларида акс этган ҳаёт гўзаллиги, инсон қисматининг бадиий солномаси эди. Чунки, олим асарни муайян даврнинг бадиийлаштирилган ҳужжати сифатида қабул қилган эди. Истеъдод соҳибининг тақдири халқ қисматига вобаста ва поэтик маҳорати юксак бўлса, юқоридаги жиҳатлар ҳар қандай жанрда ҳам ёрқин намоён бўлиши мумкин. Бинобарин, биз "Чўлпон" асарида эссега хос айрим хусусиятлар мавжудлигини эътироф этган ҳолда, Н.Каримов унинг жанрини "маърифий роман" сифатида тўғри белгилаган, деган фикрдамиз.

Дарҳақиқат, Наим Каримов XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойилларини чуқур ўрганган олимларимиздан бири[1]. Кейинги йилларда у Чўлпон, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Миртемир ва Ҳ.Олимжон сиймоларини роман жанрига кўчирди. Бу тасодиф бўлмай, Н.Ф.Каримов ўз илмий изланишларида XX аср ўзбек адабий воқелигига хос кўплаб йўналишларни қамраб олган олимдир. У Ойбек, Ҳ.Олимжон мукаммал асарлари нашрини тайёрлаш йўлида заҳмат чекди. Бирламчи ҳужжатларни беҳад сабр-тоқат, сабот-матонат билан синчиклаб ўрганди. Тарихий-адабий фактларни қиёслаб, нуктадонлик билан таҳлил қилди;

А.С.Пушкин, М.Беҳбудий, Чўлпон, Ҳамза, У.Носир, Ҳ.Олимжон, Ойбек, М.Шайхзода, А.Қаҳҳор сингари атоқли адабий сиймолар ижодини холисона тадқиқ этди;

баҳс-мунозарали ҳолатлар, шаклланган нотўғри тасаввурларга маънавий жасорат билан аниқлик киритиш орқали кўплаб ноаниқликларни дадил бартараф этди;

ўтган аср миллий адабиётимиз панорамасини яхлит ва фундаментал тарзда яратишга астойдил ҳаракат қилди.

Шу тариқа адабиётшунос олим, носир ва драматург Н.Каримовнинг Навоий сиймоси яратилган музикали драмаси,

[1] Каримов Н. Ҳамид Олимжон. – Т., 1979; Каримов Н. Ойбек. – Т., 1985; Каримов Н. Чўлпон. – Т., 1991; Каримов Н. Усмон Носир. – Т., 1993; Каримов Н. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари. – Т., 1994; Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Т., 2000; Каримов Н. Чўлпон. – Т., 2003; Каримов Н. Мақсуд Шайхзода. – Т., 2010 ва бошқалар.

шунингдек, Чўлпон, У.Носир, М.Шайхзода ҳақидаги маърифий ва маърифий-биографик романлари юзага келди. Академик Б.А.Назаров унинг мунаққидлик фаолиятини ўрганишга бағишланган "Давр ва мунаққид" номли мақоласида: *"Ижодий серқирралик, сероҳанглик, ранг-баранглик, кўтарилаётган муаммолар ҳамда уларнинг ечимидаги журъат, янгиликлар ва ташаббус сингари фазилатлар жиҳатидан бугунги танқидчилигимизда Наим Каримов билан беллаша оладиган мунаққидларимиз йўқ десам, фикримни муболағага йўйманг"*[1], – деб ёзади.

Дарҳақиқат, Н.Каримов ўзбек адабиётшунослигига бадиийлашган тафаккур усулини олиб кирди. Айни пайтда, олим тадқиқотлари илмий-ижтимоий, маънавий-маърифий жиҳатдан ғоят залворли ва теран. Унинг фикрлаш йўсинида қолиплашган услубдан кўра, мушоҳада тизгинини эркинроқ қўйиш тамойили устувордир.

Б.Назаров ва Ш.Аҳмедова қаламига мансуб "Миллатнинг ҳассос олими" номли рисолада[2] Н.Каримов ҳаёт йўли ва илмий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинаркан, унинг дунёқараши, маслаги, ҳаётий позицияси, билимларининг кўлами ва қизиқишлари, бетакрор хулқ-атвори, маънавий юксаклиги, касбий маҳоратининг узлуксиз такомиллашиб бориши жиҳатидан кузатилди. Адабиётшуноснинг ҳассос қалби ботинига имкон қадар теранроқ кириб боришни мақсад қилган муаллифлар фикрича: Н.Каримов нозик дидли, атрофни нафосатли англагувчи ижодкор инсон. У бутун бир соҳа ёхуд унинг улкан бир даври ҳақида атрофлича тасаввур бера олувчи ноёб мутахассислар сирасига киради. Н.Каримовнинг ҳис-туйғу ва кайфиятлари, руҳияти ҳамиша эмоционал ҳолатига мутаносиб. Ғоят соддадил ва айни пайтда, ўта билимдон бу шахс гўзалликдан фавқулодда завқланади. Тафаккурида

---

[1] Бахтиёр Назаров. Давр ва мунаққид // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – №6. – Б.3.

[2] Назаров Б., Аҳмедова Ш. Миллатнинг ҳассос олими (Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Наим Каримов сиймосига чизгилар). – Т.: Фан, 2011.

шаклланган фикрларни нозик ҳиссиёт пардасига ўраб ифода этиш салоҳиятига эга. Ниҳоятда сезгир ва таъсирчан қалб соҳиби. Нарса-ҳодисалар моҳиятини тез ва тўғри ҳис этишга қодир. Ўткир зеҳнли фаол олим. Заҳматкаш матншунос. Кузатувчан мунаққид ва беназир адиб. Беҳаловат публицист ва моҳир драматургдир. Рисолага сўзбоши ёзган Х.Дўстмуҳаммад: *"...бундай мартабага кимнингдир хоҳиш-истаги билан ёки махсус саъй-ҳаракат ёрдамида эришиб бўлмайди, балки у – инсонга тақдирнинг ажиб бир инояти сифатида насиб этади"*[1], – деб таъкидлайди.

Н.Каримов 1999 йилдан эътиборан Ўзбекистон маърифатпарварлари жамиятининг раиси; Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ва "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси; 2002 йилдан бошлаб "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори бўлиб ишлаган йилларида илмий фаолиятида адабий ҳодисаларни тарихий воқеалар, бадиий асарларни адиб ҳаёти ва маънавий-эстетик олами билан чамбарчас боғлиқликда ўрганиш тамойили устуворлик қилди.

Чўлпон, У.Носир, М.Шайхзода, Миртемир ҳақидаги маърифий-биографик романлар ёзилишида Н.Каримовни дунёга келтирган, танглайини кўтарган, камолга етказган оилавий ҳамда ижтимоий-адабий муҳит билан бир қаторда, унинг адабиётшунос, матншунос, мунаққид, эссенавис, методолог, драматург каби қирралари фаол иштирок этиб, тарихий-маърифий ёндашув йўсини юзага чиқишида муҳим омил вазифасини ўтаган. Демак, *маърифий-биографик роман ўз асарлари, бетакрор инсоний фазилатлари ва порлоқ образлари билан миллий маънавият, хусусан, адабиёт хазинасидан муносиб жой олган, машаққатли тақдири билан боғлиқ ибратли хотиралар халқимиз онги ҳамда қалбида абадий яшаётган улуғвор сиймолар ҳақида яратилади. Унинг муаллифи кўпинча, танланган объектнинг юрак қони билан битилган асарлар, шахсий ва ижодий ҳаёти тасвирланган китоблар, замон-*

[1] Дўстмуҳаммад Х. Тақдирнинг ноёб инояти / Назаров Б., Аҳмедова Ш. Миллатнинг ҳассос олими. – Т.: Фан, 2011. – Б.3.

*дошларининг хотиралари билан бир қаторда, халқдан пинҳон тутилган ҳужжатларга ҳам таяниб иш кўради.*

Жумладан, Н.Каримов ўзининг “Мақсуд Шайхзода” номли маърифий-биографик романида Мирзакалон Исмоилий, Ҳаким Назир, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Йўлдош Муқимов, Марям Ёқубова, Ҳафиз Абдусаматов, Жуманиёз Жабборов, Шукрулло, Юсуф Шомансур, Туроб Тўла, Жонрид Абдуллахонов хотиралари; шоирнинг Асқад Мухтор, Жамол Муҳаррамли, Жуманиёз Жабборов билан ёзишмалари; архив ҳужжатлари ва Шайхзода ҳаётига оид кўплаб фотосуратлардан самарали фойдаланган. Айрим асарларини таҳлилга тортган. Уларнинг ёзилиш тарихи ва тақдири ҳақида қимматли мулоҳазалар юритган. Ардоқли сиймоларнинг ҳаёт йўли, илмий ва ижодий фаолиятига теран назар ташлаб, уларнинг ақл-заковати, бой билими, руҳий оламининг гўзал ва нафис жилвалари, улуғвор инсоний қиёфаси, бетимсол сабр-бардошу матонати билан кенг китобхонлар оммасини яқиндан таништириш мақсадини кўзлаган. Бир мутафаккир инсоннинг муборак номи ва ҳақиқатга яқин сийратини халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайдиган йўсинда муҳрлаган.

Маърифий-биографик романда муаммога ёдашув имкониятлари анча кенг бўлади. Тарихнинг муайян босқичида яшаган ижодкор инсон сийратидаги миллат ва халқ руҳига яқинликка эътибор қаратилади. Унинг ижод лабораториясига чуқурроқ кириб борилади. Адабий асарларини тарихий-генетик, маданий-тарихий, психологик, социологик, биографик методлар асосида тадқиқ этиш ва санъат ҳодисаси сифатида ўрганиш имкони юзага келади. Ижодкор шахси шаклланишида оила, ижтимоий муҳит, даврнинг муҳим роль ўйнаши билан чегараланиб қолинмай, шоир сийратини унинг бадиий асарлари бағридан – руҳий биографиясидан излаш, ижодининг маънавий-руҳий жиҳатларини ўрганишга эътибор ортади.

Бадиий образ – ижодкорнинг дунё билан алоқаси таъсирида пайдо бўлган кечинмалари ифодаси. Унда муайян шахс маърифатига хос белгилар: шоирни қийнаган дард-

лар, ўй-ҳислар акс этади. Шунинг учун, маърифий-биографик романда интуитивизм ва психоанализ муҳим ўрин тутади. Янада аниқроқ айтганда, муаллифнинг шоирга бўлган "ҳамдардлиги" бадиий бутунликни интуитив тарзда тушуниш ва талқин қилишга олиб келади. Жумладан, Н.Каримов "кечинма"ни марказий ўринга қўяди. Контекстуал таҳлил асносида ижодкор шахси, унинг дунёқараши, инсоний қиёфаси масаласига жиддий эътибор қаратади. Бадиий асарни Чўлпоннинг ҳаёт йўли, кўп қиррали биографияси негизида ўрганади. Мавжуд фактларни жонлантиришга, айрим етишмаган ўринларни гипотетик мушоҳада асосида бойитишга ҳаракат қилади. Н.Каримов маърифий-романларида шоирлар биографияси даврнинг ижтимоий, маданий, маърифий шарт-шароитлари билан чамбарчас боғлаб талқин қилинади. Муаллиф турфа ёндашувларни синтезлаштиришга эришади. У.Носир, Чўлпон, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Зулфия каби кўплаб шоирларимизнинг ҳаётсевар ижодкор ва буюк инсон сифатидаги жонли образларини яратиб, китобхонда уларга нисбатан самимий ҳурмат, эҳтиром туйғуларини уйғотади.

Афсуски, таниқли муаррих Бўривой Аҳмедовнинг Амир Темур, устоз навоийшунос Азиз Қаюмовнинг Алишер Навоий, адабиётшунос ва носир Пирмат Шермуҳаммедовнинг Беруний, Замахшарий, Робия Султонбегим ҳақидаги асарларида юқоридаги фазилатлар етишмайди. Бу буюк шахсларнинг ҳаёт йўли тарихий ҳужжатлар асосида ёритилади. Аммо ўша фактларга жон ато этилмайди. Шунинг учун, бу асарлар халқнинг аллома фарзандлари, улуғ саркардалар, донишманд олиму уламолар ҳақидаги тарихий-хроникал баён тусини олади. Тасвир ва талқин объектига маданий-тарихий аспектда ёндашган уч муаллифдан бири тарихшунос, иккитаси адабиётшунос. Уларнинг барчаси улкан илмий салоҳиятга эга. Шу боис, ўзлари танлаган қаҳрамонлар таржимаи ҳолига дахлдор манбаларга тадрижий-хронологик нуқтаи назардан ёндашишган. Бироқ, асар ижтимоий салмоғи ва бадиий-эстетик қимматини белгиловчи муҳим омил танланган объект

шахсияти, ижодий концепциясига кириб боришда тасаввур ва тахайюл кенглиги таянишдир.

Наби Жалолиддин қаламига мансуб "Тегирмон" романида[1] Чўлпон ҳаёти ва ижоди эпик кўламдорликда бадиий ифодага кўчган. Адиб романда ретроспектив тасвир усулидан самарали фойдаланади. Чўлпоннинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари – маънавий-руҳий шаклланиш даврига экскурс қилади. Натижада, бўлажак шоир ота-боболари Муҳаммад Юнус ва Сулаймонқул баззозлар баҳонасида романга Андижоннинг истило қилиниши, Дукчи эшон қўзғолони каби ҳаёт картиналари кириб келади. Н.Жалолиддин воқеликка уч авлоднинг индивидуал муносабатини кўрсатиш орқали тасвир ракурсини турфа нуқтаи назарлардан олиб боради. Сабаб ва оқибатларни теранроқ очиш ва китобхонга англатишга эришади. Роман бадиий вақтига қарийб олтмиш йиллик воқеаларни сиғдиради. Адабиётшунос Д.Қуронов таъбири билан айтганда, *"...романдаги тафсилотлар полифункционаллик касб этади"*[2].

Адиб даврни Чўлпоннинг мушоҳадакор нигоҳи, сезгир қалби билан кузатади ва баҳолайди. Китобхонни ҳам шоир яшаган давр руҳига имкон қадар ёвуқлаштиради. Д.Қуронов асарда давр воқелигининг зиёли нигоҳи билан берилишини "Клим Самгиннинг ҳаёти" (М.Горький), "Доктор Живаго" (Б.Постернак) асарларида қўлланилган ифода усуллари билан қиёслашга интилган. Биз ҳам романнинг кўплаб муваффақиятларини эътироф этамиз. Аммо, Д.Қуронов тўғри илғаганидай, ёзувчи ўтмиш фактлари изоҳида чалкашликларга йўл қўяди. Айрим ўринларда биографик маълумотлар изчиллигини ўзгартириб юборади. Жумладан, ўн саккиз яшар Чўлпоннинг портрети: *"...басавлат, бўйи салкам уч газ келадиган, елкалари кенг ўн саккиз ёшлардаги кўркам йигит"* тарзида чизилиши тасаввуримизга муҳрланган шоир сиймосини афсонавийлаштиради. Жимжимадор тасвир эса, реалистик ифо-

---

[1] Жалолиддин Н. Тегирмон. Роман // Шарқ юлдузи, 2015. – №1. – Б.14–41 // Шарқ юлдузи, 2015. – №2. – Б.12–41.

[2] Қуронов Д. Ижодий жасорат меваси // Шарқ юлдузи, 2015. – №2. – Б.42.

да йўсинига мувофиқ келмайди. Шунингдек, Маҳмудхўжа Беҳбудий *"Бухоро жадидлариниг пешволаридан"* бири экани ёхуд амирликда муфтий лавозимида бир неча йил фаолият кўрсатиши, баъзан башоратгўйлик қилиши каби талқинлар тарихий ҳақиқатга мутлақо мос келмайди.

Адиб романда жадидчилик ҳаракати йирик вакили, ўзбек матбуотининг илк ташкилотчиларидан бири, таниқли жамоат арбоби Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (1878–1937), Туркистон мухторияти ҳукумати Бош вазири Мустафо Чўқаев (1886–1941), туркий халқлар миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири, шарқшунос-туркшунос олим Аҳмад-заки Валидов (1890–1970), тарихчи олим, давлат ва жамоат арбоби Муҳаммаджон Тинишбоев (1890–1938) каби тарихий шахслар образини холис тасвирлашга эриша олмайди. Янада аниқроқ айтганда, уларнинг асл мақсади ва Туркистон жадидлари билан дўстона муносабатини етарлича англаб етмайди. Айни пайтда, романда ҳамиша ҳам поэтик ифода гўзаллиги таъминланмайди. Хуллас, Д.Қуронов, кейинчалик, проф. Қ.Йўлдошев Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси наср ижодий Кенгаши ҳисобот йиғилишидаги маърузасида таъкидлаганидек, романнинг анча ўринларида ҳаёт материали тўлақонли бадиий асарга ("диспозиция композиция"га) айлантирилмайди.

Бадиият ҳодисаси юзага келмаслиги сабабларидан яна бири поэтик тасвир ўрнини тарихий ахборот эгаллашидир. Масалан, романда шундай ўринлар борки, улар етарлича бадиий сайқал топмай, қуруқ ахборот тусини олади. Хусусан, ёв қўлига ўтган эски Тошкент: *"кўзи юмуқ ҳолда уйғониши"*, яъни янги Тошкентда дунё тамаддуни янгиликлари жорий этилиши билан боғлиқ тафсилотлар фикримизни далиллайди:

*"Тошкент ўрис полицияси (жандармерияси) ҳарбийлари яроғи остида мазлум Туркистоннинг маъмурий марказига айланиб борарди. Аҳоли сони, айниқса, мусофирлар ҳисобига нафақат йил сайин, балки кун сайин ортаверди. Янги Тошкентда дунё тараққиётининг янгиликлари жорий этилаётгани учун яшаш тобора осонлашиб борарди. Масалан, авваллари Янги*

*шаҳар аҳли Эски шаҳар орқали ўтган Хадрахон ариғидан сув ичган бўлса, энди ғаним сув қувурлари ўрнатишга киришди"*[1].

Муаллиф шаҳарга кейинги ярим асрда ҳукмронлик қилган маҳаллий амалдорларнинг иштиёқсизлиги, низолар авж олиши, нафс йўлидаги турфа эврилишлар оқибатини кўрсатмоқчи. Очиғини айтганда, ёзувчи "ғаним" деб тилга олаётган кимсалар бунёд этаётган улуғвор обидалар эски Тошкентнинг забун аҳволини янада бўрттириш баробарида, бу бой минтақага неча юз йиллардан бери қармоқ ташлаб келаётган чор Россияси маъмурларининг асл мақсадини сояда қолдиради.

Умуман, "Тегирмон"нинг жанрини адиб "Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳақида роман" дея тайин этишига қарамай, уни маърифий-биографик роман тарзида белгилаш мушкул. Чунки, кузатишлар шуни кўрсатадики, муайян асар жанрнинг мазкур шаклига мансуб бўлиш учун тарихийлик ва илмийлик таъминланиши факторигина етарли эмас. Шунингдек, объектнинг бадиий образини яратиш, асарни тўқима қаҳрамонлар ҳамда сюжет асосига қурилган воқеалар тасвири ҳисобига бойитиш ҳам ўзини оқламайди. Шоир ҳаёти ва ижоди талқинида илмийлик етакчи (лейтмотив) бўлиши лозим. Айни пайтда, аниқ бадиий-ғоявий концепция ҳам зарур.

Масалан, Н.Каримовнинг "Чўлпон" маърифий-биографик романида шоир ҳаёт йўлига дахлдор ижтимоий-хронологик баён унинг илмий-бадиий сиймосига хос чизгилар асосида берилади. Чўлпон яшаган давр ва шу муҳит одамлари тарихий-ижтимоий аспектда – маърифий биография ижтимоий-адабий муҳит контекстида ёритилади. Асарга шоирга дахлдор бўлган барча манбалар фаол жалб этилади. Роман мундарижаси ҳам "Уйғониш", "Булоқлар", "Тонг сирлари", "Ойдин кечаларда", "Қор қўйнида лола" тарзида тузилади. Бир қарашдаёқ, уларга Чўлпон асарларининг номи асос бўлгани, демак, адиб шоир ҳаёт йўлини унинг ўз битиклари негизида ёритгани англашилади. Н.Каримов қаламига мансуб "Мақ-

---

[1] Жалолиддин Н. Тегирмон. Роман // Шарқ юлдузи, 2015. – №2. – Б.14.

суд Шайхзода” маърифий-романи композицияси: “Булутли тонг”, “Гуллар баргида шабнам”, “Момагулдиракли йиллар”, “Бўрон гурлаганда”, “Яшил хиёбон”, “Дўрмон оқшомлари”, “Алвон шафақлар” қабилида номланувчи етти фаслдан таркиб топади. Бу ўринда шоир асарлари композицияга асос қилинмаса-да, адиб М.Шайхзода маърифий биографиясини давр контекстида ёритиш бадиий-эстетик концепциясига содиқ қолган. Таржимаи ҳолга дахлдор энг муҳим нуқталар изчил кузатилиб, улар шоир кўнгил кечималарининг бадиий ифодаси сифатида поэтик талқин қилинган.

Н.Каримов барча асарларида у ёхуд бу шоирнинг шахсияти, ижоди ва у яшаган давр ҳаётини яхлит уйғунликда тасвирлайди. Китобхон адабиётшуносликда фаол истеъмолга кирмаган хотиралар, архив ҳужжатлари билан танишади. Ҳатто М.Шайхзоданинг бўйи 165–170 см бўлганию 1950 йилнинг 30–31 ноябрь кунлари Ёзувчилар уюшмаси пленуми чақирилгани, унда кимлар “алоҳида фаоллик” кўрсатганигача билиб олади. М.Шайхзода ўлими ҳақидаги тиббиёт хулосасини кўради. Чунки, адиб зоҳиран статистика ҳисоблаш мумкин бўлган бундай маълумотларни ҳам асарга олиб кириш орқали фактларни асосли тарихий манбалар, ўша давр воқеалари жонли гувоҳларининг хотиралари орқали далиллайди. Адабиётшуносларнинг айрим масалаларга дахлдор фикр-қарашлари ҳақидаги мулоҳаза-мушоҳадалар ҳам китобхон эътиборини жалб этади. Аксарият ўринларда, биз Н.Каримовни моҳир руҳшунос сифатида кўрамиз. Зотан, адиб ўз объектлари қалбида кечган нурли лаҳзаларни тиклашга, қалби билан ҳис қилишга интилади. Шундай ўринларда, бу асар тарихий саналар ва манбалар, тарихий шахслар аниқ кўрсатилган, конкрет инсон ва тарихий давр, ижод ва ижод психобиографияси ёритилган мустақил тадқиқот экани ойдинлашади.

Далиллар аниқлиги бу типдаги асарларга илмий-публицистик баён усулини олиб кирганини кўриб турсак-да, тасвирланган лавҳада соф бадиийлик таъминланмагани ҳафсаламизни пир қилмайди. Илмий очерк характерини касб этган талқинлар китобхонни ўз ортидан эргаштира олади. Бошқа-

чароқ айтганда, Н.Каримов маърифий-биографик романлари баён тарзида талқин оҳанги турланиб туриши, улар бири иккинчисини тўлдириб, юксалтириб, асар оммабоплик хусусиятини таъминлаб келиши ўзига хос фазилат санашга арзийди. Тўғри, адиб ижтимоий-тарихий шароит ва ҳаётий вазиятлар талқини ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён қилишда илмий тадқиққа асосланса ҳам, танланган жанр хусусиятидан келиб чиқиб, академик илмга хос аниқликка риоя қилмайди. Ана шу жиҳатни "Чўлпон" романи мисолида пайқаган профессор Б.Қосимов*: "Чўлпондай шоирни кенг оммага танитиш йўлидаги мақсад ва иштиёқ муаллиф танлаган усулни оқлайди"*[1]*, – деб ёзган эди.*

*Н.Каримов романда асосли далиллар: даврий матбуот нашрлари, "гувоҳ"лар ўз қўли билан ёзган ва давлат хавсизлик назорати органлари архиви захирасида сақланаётган маълумотлар, тергов стенограммаларига таяниб қалам тебратган. Чўлпон қисмати ва унинг кўнгил призмаси орқали шоир яшаган ижтимоий давр фожиалари, яккаҳоким мафкура сиёсатининг мислсиз шиддати ва бешафқат хунрезликларини холис таҳлил ва талқин қилган, асосли далиллашга эришган.*

*Адиб бу долзарб ва қутлуғ мавзуга кўпроқ маданий-тарихий аспектда ёндашган. У Чўлпон ҳаёти ва ижодини бадиий-эстетик тадқиқ этиш, шоир бадиий образини яратишдан тийилган. Романда турфа хил талқинлар синтезлашган. Маърифий-биографик роман мундарижаси ўзининг илмий-оммабоп табиати билан Чўлпон ҳаёт ва ижод йўли ҳақида бошқа жанрларда: (мақола, илмий рисола, монография, хотира-ёднома) битилган асарлардан фарқланади. Романнинг маърифий аҳамияти унинг яқин ўтмиш тарихимиз ва қатағонлик даври ноҳақ қурбони ҳақида битилгани билангина ўлчанмайди.*

*Н.Каримов маърифий-биографик романларининг аҳамияти қуйидаги жиҳатларда ёрқин намоён бўлади:*

---

[1] Қосимов Б. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004 йил, 29 октябрь.

*Биринчидан*, улар миллат этносоциал бирлик эканини чуқур англаган, унинг эркин ва озод тараққиёт йўлига ўтишида фаол курашга отланган, шу маслак учун жонини аямаган ватанпарвар ва миллатпарвар инсонлар ҳақида битилган. Инсон қисматидан ибратли хулосалар чиқарилган. Улар яшаган давр ва жамият ҳукмрон мафкураси асосли тарзда инкор этилган.

*Иккинчидан,* бу романларда ёш авлодга ҳар бир инсон ўз-ўзини англаши замирида алоҳида шахс шаклланиши, шахслар бирлигидан эса, миллат юзага келиши уқтирилган. Муаллиф тарихимизни сохталаштирган ва миллат зиёлиларини қатағон қилганларга нафратини билдирган. Биз ҳамиша ўзимизни мустақил миллат сифатида ҳис этиб келганимизни нафақат тарихий, балки илмий ва маданий-маърифий негизда кўрсатиб берган.

*Учинчидан,* мислсиз оғир кулфатларни бошидан кечирган ўзбек миллати ва унинг Усмон Носир, Чўлпон, Ойбек каби маърифатли зиёлилари муқаддас қадриятларидан воз кечмагани мисолида, ҳозир ҳам жаҳондаги барча миллат ва элатлар собиқ иттифоқ давридаги каби ассимиляциялашиш сиёсати томон эмас, балки ўз “мен”лигини намоён қилиш, тасдиқлаш сари астойдил ҳаракат қилиши кераклигини уқтирган. Поэтик матн ички мазмунида эса, ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим омили – бу миллатлараро самимий, беғараз ва дўстона муносабатлар эканига эътибор қаратган.

*Тўртинчидан,* Н.Каримов асарлари китобхонни яқин ўтмишдан ибратли сабоқлар чиқариш, истеъдодларни қадрлаш, ҳасад билан эмас, балки ҳавас билан яшаш, мард, жасур, курашчан бўлишга ўргатади. Адиб маънавий-маърифий салоҳиятимиз нақадар улуғ бўлганидан сўзлаш орқали, миллий онгимизга тарихий тараққиёт ва нурли истиқбол жиддий таъсир кўрсатганини таъкидлайди. Маданий мерос, тарихий хотира ва азалий қадриятлар ҳақидаги маърифий-биографик романларда ифодасини топган етакчи қарашлар китобхон онгини фаоллаштириш, амалий ҳаракатини Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

кўзланган аниқ мақсадлар ижросига йўналтиришга хизмат қилади.

*Бешинчидан,* ўз-ўзини англаган китобхон ўзининг барча маънавий бойликлар эгаси эканини ҳис қилади. Қаҳрамонлар ижтимоий-сиёсий феноменига хос: миллатимиз шаъни, қадр-қиммати, моддий-маънавий, иқтисодий-сиёсий манфаатларига зид ҳаракатлар содир этганларга қарши курашиш хислатларидан ҳар қандай мушкул вазиятларда умуммиллий манфаатларни устувор қўйиш зарурлигини ўрганади. Ўзида ҳам уларни астойдил ҳимоя қилишига қаратилган ички маънавий-руҳий салоҳиятни шакллантиради. Бинобарин, китобхон халқ, миллат, ватан ва аждодлар хотираси олдидаги масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этади.

## *3.2. Роман-эссе ғоявий-бадиий концепцияси: баёнчи "мен" образи*

Шарқ мумтоз насрида воқеалар талқини жараёнида муаллиф ақлий салоҳияти бош қаҳрамон вазифасини бажарган бадиа, эссе сингари жанрлар азалдан мавжуд эди[1]. Мутахассислар фикрича, қадимги битиктошлардаги ёзувлар, халқ оғзаки ижодининг турли жанрларига мансуб асарлар, Қуръони карим муқаддас китоби, "Авесто", "Ўғузнома", "Муҳаббатнома", "Қўрқут ота китоби", "Девони луғатит-турк", "Қутадғу билик" каби тарихий-адабий ёзма ёдгорликларда ҳам эссега хос талай белги-хусусиятлар учрайди[2].

Жумладан, Абу Наср Форобий ва Ибн Сино фалсафий рисолаларида оламу одам ҳақидаги муҳокама-мулоҳазалар ҳиссий идрок билан йўғрилган. Инсон маънавий-руҳий олами: унинг қизиқиш-интилиши, хоҳиш-истаги, шунингдек, билимлари нечоғли теранлиги, объектга муносабати, тасаввур ҳамда тахайюл уфқлари юксаклиги, мазмунан кенглигига

---

[1] Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. – Т.: Фан, 1991. – Б.3.

[2] Палуанова Б.А. Қорақалпоқ адабиётида эссе жанри (Жанрнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, маҳорат масалалари). – Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Нукус, 2002. – Б.9.

кўра, унинг жамият ва борлиқ ҳодисаларини ҳиссий қабул қилиш жараёни содир бўлади. Юқоридаги омиллар туфайли дунё сирлари ҳам, фақат истеъдод соҳибигина сезиши, илғаши, ҳис қилиши ва англаши мумкин бўлган шакл ҳамда мазмунда намоён бўлади. Демак, бадиа жанри илк унсурлари ўз ифодасини топган асарларда мутафаккирларнинг ҳиссий идроки, онги, тасаввур ва тахайюл салоҳияти ҳамда заковати фаол иштирок этган. Зотан, интеллект биринчи навбатда, инсон маънавияти ва руҳий ҳолати, иккинчидан, ирода қудратининг маҳсулидир.

Биз, Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асари билан танишиш асносида, маънавий-ахлоқий, фалсафий-эстетик қарашларнинг қисса, тарих, тақдирлар шаклида баён қилинишида муаллиф-қаҳрамон қалб ва қиёфаси, юксак интеллектуал мақоми билан юзлашамиз. Зотан, Навоий воқеликни кўнгил кўзи билан кўради, теран ҳис этади. У одам ва олам муаммолари ҳақидаги кузатишлари, амалий тажрибалари самимий изҳори орқали гўзал ибратнома яратади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" мемуари синкретик характерини кузатган Сайди Умиров асарда илм, бадиият, мақоланавислик, очерк, эссега хос хусусиятлар уйғунлашувига эътибор қаратади[1].

Шунга қарамасдан, адабиётшуносликда бадиа ва эссе мустақил жанр сифатида XX асрнинг 60-йилларидан сўнг юзага келган, деган фикр устувор. Адабиётшунослар: У.Норматов, Н.Раҳимжонов ҳамда бадиий ва илмий ижод билан баравар шуғулланган П.Қодировнинг айрим изланишларида 1970 йиллардан эътиборан шу йўсинда ижод қилган А.Мухтор, П.Қодиров, Миртемир, Зулфия, Саид Аҳмад, Ш.Холмирзаев битиклари муайян даражада ўрганила бошлади. А.Қодирий, Ҳамза, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотиралар юзага келди. Бадиалар таҳлилга тортилган тадқиқотларда А.Мухтор, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов каби ёзувчи ва шоирларнинг бадиият, поэтик маҳорат ҳақи-

[1] Умиров С. "Бобурнома" – бадиий мақоланависликнинг гўзал намунаси // Жаҳон адабиёти, 2003. – №2. – Б.76–79.

даги мақолалари ўрганилди.[1] XXI асрга келиб, эссе жанрининг ўзбек ва қорақалпоқ адабиётларидаги ўзига хос шаклланиш тарихи ва тараққиёт йўли монографик йўсинда махсус тадқиқ этилди[2]. Жумладан, Б.Палуанов "Қорақалроқ адабиётида эссе жанри" номли тадқиқотида миллий адабиётда жанрнинг вужудга келиши ва шаклланиши, маҳорат масалаларини ўрганди. Монографияда эссе жанрининг асосий хусусиятлари, қорақалпоқ адабиётида пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёт йўллари тадқиқ этилди. Жанрнинг қорақалпоқ адабиётида тутган ўрни белгиланди. Тадқиқотчи эссе жанри ўзининг бир ирмоғини Ғарб адабиётидан олса-да, унинг туб илдизлари: ижтимоий-фалсафий ўй-фикрлар, реал воқеа-ҳодисалар таъсирида ижодкор қалбида куртак очган кечинма ва чекинишлар, афористик характердаги мазмун сиқиқлиги, тарихийлик, воқеаларга муаллиф муносабатининг аниқлиги сингари белги-сифатлари фольклор ва мумтоз ёзма адабиётда мавжуд бўлган, деган позицияни изчил ҳимоя қилди.

Диссертант Тўлепберген Қаипбергеновнинг "Қорақалпоқнома" роман-эссеси ва катта-кичик ҳажмдаги "Туркийнома", "Бобомга хатлар", "Қалбим қомуси" каби эссе-хат, эссе-хотира, репортаж-эсселари тадқиқига эътибор қаратди. Адибнинг мазкур жанрдаги асарларини бирлаштириб турувчи жиҳатлар ижтимоий онгдаги муҳим ўзгариш ва эврилишлар моҳиятини очиш, уларни юзага келтирган ҳаётий воқеа-ҳодисаларга диққат қаратиш эканини белгилади.

Дарҳақиқат, Т.Қаипбергенов эсселарида афсона, ривоят, латифа, эртак, ҳикмат каби турфа жанрлар муаллиф шахсий мулоҳазалари ҳамда тарихий далиллар билан синтезлашиб,

---

[1] Қодиров П. Ўйлар. Бадиалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971; Раҳимжонов Н. Бадиа ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, – №5; Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. – Т.: Фан, 1991; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000.

[2] Палуанова Б.А. Қорақалроқ адабиётида эссе жанри (Жанрнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, маҳорат масалалари). – Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Нукус, 2002; Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри. – Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2004.

асар фалсафий мазмунини теранлаштириш, таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Ёзувчи ўзи ёхуд бош қаҳрамон сифатида танлаган объектининг шахсий ҳаёт йўли тасвири билан чекланмай, халқ характери ҳамда эл-юрт дард-ташвишлари ҳақида қайғурган ижод аҳли образларини яратишга ҳам интилган эди. Зотан, *эсседа тарихий шахслар ҳамда замондошлар образининг синтезлашуви халқ ҳаёти ва тақдири ҳақида теранроқ фикрлаш, унинг яхлит сиймосини яратиш имконини беради. Реал тарихнинг муайян кесимида кечинилган воқелик эркин композиция негизида бадиий ҳақиқатга айланади. Тахайюл ва тасаввур олами ҳисобига янада бойийди.*

Марҳабо Қўчқорованинг "Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри" номли тадқиқотида ХХ аср ўзбек адабиётида ўзига хос эссечилик мактабини яратган Саид Аҳмад, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев қаламига мансуб эссе ва бадиалар тадқиқ этилди. Адабиётшунос олима ўрни билан Альбер Камю, Анре Моруа, Франц Кафка, Хосе Ортега-и-Гассет, Марина Цветаева, Чингиз Айтматов каби қирғиз, испан, рус ва жаҳон эссенависларининг асарлари, шунингдек, З.Саидносирова, К.Қаҳҳорова хотираларини қиёсий таҳлилларга жалб этди. Бу ҳол тадқиқотнинг солиштирма руҳини кучайтирди. Эссе жанрининг генезисини аниқлаш, эссе ва бадиачилик тараққиёти, ХХ аср Ғарб ва Шарқ адабиётидаги шаклланиш тарихини аниқ ёзувчилар ижоди мисолида кузатиш, эсседа сюжет, композиция, қаҳрамон муаммоларини тадқиқ этиш имконини берди. Адабиётшунос: *"Насрнинг роман, қисса, ҳикоя жанрларида ҳам эссе унсурларини (мулоҳаза, фалсафий тафаккур, кечинма) топиш мумкин"*[3]*, – деган фикрни илгари сурди. Миллий адабиётимизда диалог-эссе, мақола-эссе, эссе-хотира, ҳикоя-эссе, қисса-эссе, эссе-роман* терминлари пайдо бўлгани тўғрисида ахборот берди. Аммо, муайян эссе-романни махсус таҳлилга тортмади. Бизнингча, бу ҳол ўша вақтда тадқиқот объекти учун танланган адиблар ижодида жанрнинг мазкур тури учрамаслиги билан изоҳланади.

[3] Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри. – Филол. фан. номз. дис... автореф. – Т., 2004. – Б.4.

Дарҳақиқат, ўзбек адабиёти тараққиётининг кейинги йиллардагина чинакам маънода роман-эссе қаторида санаш мумкин бўлган асарлар юзага келди. Булар: “Каллахоналик йигитча” ва “Мусаввир” дилогияси (Алишер Мирзо) ва “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти” (Нодир Норматов) роман-эсселаридир.

А.Мирзо қаламига мансуб дилогиянинг “Каллахоналик йигитча” номли илк китобида[1] XX аср бошлари воқеалари қисман эсланиб, асосан, 1948 йил кўкламида муаллиф туғилишидан, унинг В.И.Суриков номидаги Москва давлат Бадиий институтига ўқишга киришигача бўлган давр қамраб олинган. Проф. Тилаб Маҳмудов мазкур асарга “Мўйқаламда ёзилган роман”, деб баҳо беради[2]. Чунки роман баёнчиси (бош қаҳрамон) – Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳақиқий аъзоси, Давлат мукофоти соврindори, мусаввир Алишер Мирзодир. Асарда унинг болалик, ўсмирлик даври ва катта ҳаёт остонасига етаклаб келган қувонч-қайғули, фикр-мулоҳазага чорловчи ҳаётий воқеалар тасвирланган. Улар китобхонни самимий, холис баёнчи (муаллиф) ғам-ташвишларига ҳамдард қилади. Адиб кўпинча, бевосита ўзи гувоҳ бўлган воқеа-ҳодиса, ҳаётий ҳолат ҳақидаги мулоҳаза-кечинмаларини баён этади. Баъзида ўз яқинларидан эшитганларини эслайди. Роман бизни каллахона деб аталувчи мўъжаз эстетик майдонга олиб киради. Бу микромайдоннинг муаллиф хотирасида қайта жонланган тарихи ва одамлари билан яқиндан таништиради. Дарду дунёсига ошно этади. Эпик баёнчининг одам ва олам ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, ҳаётий тажрибалари, тақдир синовларида тобланиш ҳамда ижодкор сифатида улғайиш жараёнлари – бадиий-эстетик қиёфаси билан таништиради.

Романнинг иккинчи китоби “Мусаввир” деб номланган[3].

---

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.

[2] Маҳмудов Т. Мўйқаламда ёзилган роман // Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча, Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.5–15.

[3] Алишер Мирзо. Мусаввир. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.780.

Китобга филология фанлари доктори, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад томонидан ёзилган сўзбоши "Мўйқаламда ёзилган романнинг давоми ёхуд ҳаётий ва ижодий ақидалар ҳикмати" деб номланган[1]. Таъкидланганидай, роман-эссе композицион жиҳатдан нисбий мустақилликка эга икки асар (дилогия) дан таркиб топган. У бизга ёзувчи ҳаёт ва ижод жараёнида оғишмай амал қиладиган одамийлик ҳамда имон талаблари, маънавий-руҳий дунёсини нурафшон қилган ишонч-эътиқоднинг ҳикматидан сўзлайди. "Каллахоналик йигитча" ва "Мусаввир"ни бир бутунга айлантирган омиллар – бу Алишер Мирзо ижодий ниятининг яхлитлиги, бир-бирини давом қилдирувчи умумий сюжет чизиқлари ва персонажлар умумийлигидир. Бошқачароқ айтганда, адибнинг ижодий нияти дилогия бутунлигида амалга ошган.

Қайта ишланган бадиий персонаж – Бахтиёр Алимовнинг прототипи Алишер Мирзо, унинг сирдош дўсти ва суянган тоғи (биринчи романда Шавкат) иккинчи китобда – Ҳикматнинг прототипи эса, истеъдодли рассом Шуҳрат Абдурашидовдир. "Бадиий эгизак" – прототиплар ижодий тафаккур маҳсули. Қаҳрамонлар ўзга ном билан ҳаракатланиши асардаги ҳужжатлилик бадиийлик билан қоришганини кўрсатади. Жаҳон адабиётида бундай ҳолнинг аналоглари кўп. Жумладан, С.Моэмнинг "Ой ва сариқ чақа" романидаги Чарлз Стрикленд образи прототипи машҳур рассом Гоген эди.

Таҳлилга тортилаётган асарда бошқачароқ ҳолат ҳам кўзга ташланади. Яъни бадиий асар ўзга кимса эмас, балки айнан биз прототип деб санаётган киши – Алишер Мирзо томонидан битилган. Бу эса, романга соф бадиий асар деб қарашда муайян иккиланишларни келтириб чиқаради. Чунки, кўникилган канонларга кўра муаллиф ўз ҳаёти ҳақида изчил ҳикоя қилишига асосланган адабий битиклар автобиографик асар дейилади. Автобиографик асарда ҳам, адиб ўз ҳаётини қайтадан яшаб кўради, бир бутун сифатида идрок этишга ин-

[1] Хуршид Дўстмуҳаммад. Мўйқаламда ёзилган романнинг давоми ёхуд ҳаётий ва ижодий ақидалар ҳикмати // Алишер Мирзо. Мусаввир. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.5–15.

тилади. Яхлит мушоҳада этиш ва ижодий қайта яратиш жараёнида баъзан, табиий равишда, бадиий тўқимадан фойдаланади. Автобиографик асарлар ёзувчилар ижодий етуклик палласида дунёга келади. Адабиётшуносликда бу типдаги асарлар мемуар, кундалик, саёҳатнома сингари жанрлар кесишувида юзага келиши эътироф этилган.

Дилогиядаги бадиий воқеликда А.Мирзо бевосита қатнашади. У ўзи гувоҳи бўлган ҳаётий воқеалар, ён-атрофида яшаган, яшаётган одамларнинг фазилат-нуқсонлари ва қисматидан сўзлайди. Хотиралар ва эсдаликларга асосланиш, воқеликдан бевосита олинган таассуротларнинг баён қилиниши, кўпинча, вақт тартибига риоя этиш, ҳужжатлилик хусусияти, тасвир холислиги дилогияни кундаликлар, ҳужжатли-тарихий очерклар, илмий биографиялар ҳамда мемуарларга яқинлаштиради.

Субъектив талқин асардаги фактик аниқликни иккинчи планга туширади. Бироқ, А.Мирзо жонли иштироки, унинг таассуротлари беғараз, табиий экани ҳам эътиборга олинмоғи лозим. Эпик баёнчининг хотираси тиниқ, поэтик нигоҳи ўткир, мушоҳадалари теран. Шунинг учун, адиб ҳужжатларда акс этмаган кўплаб тарихий тафсилотларни ҳам бадиий матнга жалб этади. Роман-эсседа муаллифнинг онгли ҳаёти тўла қамраб олинади.

Ёзувчи диққатимизни гоҳ аниқ воқеага, гоҳида тарихий-этнографик, адабий-эстетик, фалсафий-дидактик, ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший муаммоларга қаратади. Шу маънода, дилогия муайян давр – ўтган асрнинг 50-90-йиллари билан боғлиқ воқелик ҳақида қимматли маълумотлар беради. Юқоридагиларнинг барчаси, дилогияда мемуарларга хос кўплаб хусусиятлар мужассамлигини кўрсатади. Бироқ, муаллиф ҳар гал ўзини қизиқтирган бош мавзу: каллахоналик бўз йигит таниқли мусаввир сифатида шаклланиши, улғайишига оид тафсилотлар мушоҳадасига, уларга ғоявий-ҳиссий муносабат билдиришга қайтиб келаверади. Чунки А.Мирзо диққат марказида ўзининг воқелик билан узвий алоқадаги шаклланиш ва юксалиш жараёни тарихи туради.

Айнан шу ўринда дилогиянинг автобиографиклик сифати намоён бўлади. Зотан, адиб битикларида унинг бошидан ўтган, кўнглида кечинилган воқелик акс этган.

Диққат қилиниши лозим бўлган яна бир жиҳат шуки, ёзувчи воқеаларни айни юз берган ёхуд кечинилган вақтида қоғозга туширмаган. Орада роман воқелиги бошланган 1948 йилдан, у ниҳояланган 1990 йилларгача бўлган олис ўтмиш, қолаверса, дилогия китобхонлар қўлига бориб етган 2015–2016 йилларгача давом этувчи даврий масофа бор. Шу имконият мавжуд бўлмаса, Алишер Мирзо ўз ҳаётини бир бутунликда кўра олмасди. Натижада, унинг битиклари жўн кундалик бўлиб қоларди.

Демак, дилогия жанри ўзига хос табиатини белгилашда муаллиф ҳаёт йўлининг эстетик идрок объектига айланиши, даврий масофанинг адиб ўй-кечинмаларига туртки бериши муҳим аҳамиятга молик жиҳатдир. Айнан шу жиҳат мазкур дилогиянинг кундаликлардан фарқланишини кўрсатади. Бадиий тўқима салмоғи у қадар катта эмаслиги ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмаслиги асарни худди Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси каби соф автобиографик битик санашга изн бермайди. Чунки, Бахтиёр Алимов тимсоли ўз прототипи бўлмиш Алишер Мирзодан бир қадар узоқлашган ўзга бир шахснинг образидир.

Шу ўринда муаллиф дилогияга прототип бўлиши мумкинми, деган ҳақли савол пайдо бўлади. Эҳтимол, дунё адабиётида бундай ҳолнинг аналоги йўқдир. Лекин, кузатилаётган асар мисолида олиб қаралса, юқоридаги адабий ҳодисанинг жавоби оддий. А.Мирзо иккинчи китобда ўзининг анча улғайган даврини қаламга олган. Воқелик энди биринчи китобдаги каби бўз бола ёхуд ўспирин нигоҳи билан кузатилмайди. Шу боис, эпик баённи тўқима образ тилидан олиб бориш – муаллиф учун поэтик ифоданинг қулай шакли. Бинобарин, яқинлари, маҳалладошлари, таниш-билишлари, кўрган-билганлари, тасаввур-тахайюли, орзу-армонлари билан боғлиқ ҳақиқатларни ўз тилидан баён қилишдан ийманиш – Шарқона истиҳола ва андиша туйғуси Алишер Мирзони шундай йўл

тутишга ундаган. Ижодкор сифатида шаклланишида оила, ижтимоий муҳит, давр сингари омиллар ролини кўрсатиш, ўз руҳий биографиясини яратиш ниятини амалга оширишига кенг имконият яратган.

Роман-эсседаги Бахтиёр Алимов образи дунё билан алоқа таъсирида муаллиф кўнглида пайдо бўлган кечинмаларни моддийлаштириш воситаси. Зотан, адиб ўзини қийнаган дард-изтироблардан халос бўлишни истаган. Уларни бир маънавий орбитада яшовчи кишиларга ишониб топширган. Англашиладики, фикр-туйғуларнинг поэтик ифодага кўчишида яқин ҳамдам соғинчи ҳам муҳим ўрин тутади. Шундай экан, бу асарни адиб бадиий-эстетик тафаккури ва қалбининг яхлит суврати дейиш мумкин. Алишер Мирзо ўз ҳаёт йўли, нафис хаёлот дунёси, бетакрор тафаккур оламига эга. Бизнингча, уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ижодкорнинг фикр-ўйлари кенг қамровли ва баъзан эски шаҳарчасига бир оз чапанича. Масалан: тўйга чорловчи бақироқ кимса – *“ҳанги”*; мечкай қиморбоз – *“голланд буқаси”*; гўзал хонимга дўқ қилган ҳабаш қулоғига зирак тақиб олгани учун (Отелло, – Исломжон Ёқубов) – *“номард”, “қотил”*; Яго – *“ҳезалак”*; арақхўр Сотиболди ака – *“бефаросат”;* қамоқхона хўжайини – *“муштумзўр, касофат”*; Павел Морозов – *“оқпадар”* ва ҳоказо тарзида баҳоланади.

2. Роман-эссе билан танишган китобхон адибнинг ўктам табиати, ўтмиш ва келажакни ўзаро чамбарчас боғловчи бой маънавий-руҳий олами илиқ тафтини ҳис қилади. Каллахоналик бўз боланинг турли вазият-ҳолатларда ўзини китобхонга яқин олиб: *“Билодарлар!, “Вой биродарлар-е!”, “Во-ей, ўртоқлар-ей”, “Ахей, Ахей!”, “Оҳей, воҳей”, “Вой тавба, Вой тавба!”, “Ёмон бўлди, ёмон бўлди-ей”, “Кўргулик экан”, “Э, воҳ!”* қабилида, мурожаат-хитоблар билан кўнгил сирларини очиши икки ўртадаги кўринмас тўсиқни бартараф қилади. Юқоридаги каби дилкаш самимият, чўрткесарлик роман-эссе баён услубини жонли мулоқот тилига яқинлаштиради.

3. Муаллифнинг хайрли, ҳайратли амаллари нафосат ва тафаккур соҳибларини инсон табиатига хос эврилиш, нурла-

ниш хусусиятлари, она табиат, миллат, тарих, тақдир, жамият – ҳаёт ҳақидаги теран мулоҳазаларга чорлайди. Зотан, адиб ўзбек халқининг улуғ фазилатлари, донишманд сиймолари, Ўзбекистоннинг гўзал табиати, кенг маънода, муаззам Шарқ ноёб манзаралари, миллат руҳияти ва тафаккур тарзига хос баландликни ҳаётий мисоллар орқали кўрсатишга эришган. Умрининг ҳар бир лаҳзасини нурли лавҳалар билан безаш, мазмунан ўзгартиришга мойил, оламни яшнатиш, яшартиришга чанқоқ қаҳрамон ҳаётининг самимий баёни китобхонни ўзига эргаштиради. Ҳатто, каллахонанинг бош телбаси – Фарҳод жинни ҳақидаги хотиралар ҳам, кишини сталинизм даври оддий инсон боласи тийнатига етказган жароҳатлардан огоҳ этади. Биз "телба"нинг Жўрахон ҳофиз билан бўлиб ўтган қисқа суҳбатини ўқир эканмиз, унинг қалбида ота-она ардоғи ва юрт соғинчи яшашидан ҳайратланамиз:

*– Нега айнан шу нолаларни эшитгинг келди, жигарим? – астойдил суриштира кетибди Жўрахон ака. Фарҳод жавоби тайёр экан, муддаосини айтибди:*

*– "Тиги "Бармикин"ни эшитсам, узоқ Рассийда* (Фарҳод асли ё бошқирд ёинки татар ўғлони эди) *ота-онам бармикинлар дея хаёлим узоқларга китиб, биринчи песниянгни ишитгим кила, уларда булсалар "Улмасинлар" дейман ва иккинчисини эшитгим кила..."*[1]

Кўринадики, асарда Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султоновлар нафақат забардаст ҳофиз, балки ўзларининг инсонга бўлган тизгинсиз меҳри, содда ва самимий табиати, гўзал инсоний фазилатлари билан яққол гавдаланади. Бу ҳол эса, бизни улуғворлик табиати ҳақидаги ўйлар гирдобига ташлайди. "Бормикин", "Ўлмасин" каби миллий қўшиқларимиз бошқирдми ёки татар экани ҳам номаълум Фарҳод телба дардли ниятларига қўшилиб, ўзининг жозибаси билан китобхон дилига кириб боради. Унинг хаёлларини олис-олисларга етаклайди. Зотан, санъат ҳодисаси учун миллий чегаралар ўта нисбийдир.

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.40.

Фарҳод телба: *“Матур бола ўйнасин, матур бола ўйнасин!”*[1], – деб қарсак чалиб “сиёсат”дан чалғиганида, ғайришуурий тарзда, ўз беғубор болалигини эслайди. Бизнингча, Фарҳод образи кўчма моҳият, яъни инсоний муносабатлардаги ярамасликлар ва сохталикларни фош этиш воситаси сифатида тасвирланган. Жумладан, у нопоклик ва адолатсизликлар устидан гўё даҳо Сталинга “ахборот” етказаркан, “даҳолар даҳоси”нинг ҳақиқатни қарор топдиришига ишонади.

Директор Ашраф Отахонов интилувчан ёш рассомнинг нурли истиқболига тўсиқ бўлганида, Алишер беихтиёр Фарҳодни эслайди. Хаёлан унинг самимият билан оқ йўл тилаётганини тасаввур қилади ва бу ҳолдан чуқур мамнунлик ҳис қилади. Демак, баёнчи наздида шу содда ва дўлвор телба ҳам ичиқора директордан баланд туради. Англашиладики, муаллиф бадиий ниятини амалга оширишда маънавий-маиший ҳаёт, ижтимоий-сиёсий воқелик моҳиятини дурустроқ англаб-англамайдиган “телба” шакли муҳим ташкилловчилик вазифасини бажарган.

Романда муаллиф образи масаласини Ф.Рабле асари мисолида текширган М.Бахтин: *“Романнавис ҳаёт воқелигини бадиий идроклашдаги позициясида бўлгани каби, бу ҳаётни тасвир этишдаги позициясини белгилашда ҳам қандайдир жиддий шаклий-жанрий ниқобга муҳтожлик сезади. Худди шу жойда, албатта, маълум шакл ўзгаришларига учраган ҳолда масхара ва телба ниқоби романнависга ёрдамга келади”*[2], *деб ёзади.*

*Демак, одамлар кулгисига нишон бўлибгина қолмай, ўзгалар устидан ҳам кулувчи Фарҳод образи типологик жиҳатдан жаҳон адабиётидаги “телба” типига қисман яқин туради. Бинобарин, А.Мирзо ушбу адабий тип орқали роман-эссега тараққиёти давомида муайян трансформацияга учраган майдон театри саҳнаси, томоша ниқобига хос хусусиятларни олиб кирган. Фарҳод муаллифнинг тасвир этилаётган*

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. – Б.39.

[2] Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Рус тилидан Узоқ Жўрақулов таржимаси. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б.139.

*воқеликка киноявий муносабати, нуқтаи назарини белгилаб берган. Рассом-адиб қалбидан бошланиб, бадиий-эстетик қарашларига кўчган сезиларли силжишни юзага чиқарган бош омил мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи, халқимиз маданияти, адабиёт ва санъат соҳаларига берилаётган катта эътибор, ўзгариш ва янгиланишлар жараёнидир. Бу имконият роман-эссе структурал жиҳатдан кўппланли, ифодавий томондан кўчма маъноли бўлишини ҳам таъминлаган.*

*Алишер Мирзодаги гўзал фазилатлар, авваламбор, унинг генида, маънавий жавҳарида мавжуд. Аммо, уларнинг сайқал топишида қуйидаги омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган: а) ота-она ибрати; б) маҳалладошлар тарбияси; в) қисмат синовлари – ҳаёт қувонч-ташвишларини руҳан кечиниш; г) табиат рангларидан таъсирланиш; д) соғлом қалб, аниқ мақсад ва астойдил интилиш. Дарҳақиқат, онаси уни қассобга шогирдликка бераркан, ночор турмушини ўнглаб олишни кўзламаган. Меҳнат жараёнида буни яхши англаган Алишер онаизорнинг бу тутимини шундай изоҳлайди: "Уч ой ёз таътилида бола бебош бўлиб кетмасин, бола бузилиб кетмасин, бола текинхўр бўлмасин, бола бозорга тушиб кетмасин, деганлар, холос... Мендан одам чиқишини хоҳлаганлар. Нохуш атроф-муҳитдан асраганлар. Меҳнат билан асраганлар"[1].*

Маҳалладош Абдупаттох – оддий ишчи, аммо у Маъмуржон Узоқовнинг шинаванда мухлиси. Унинг *"вой-до-од"*, *"барака то-о-о-п"* тарзидаги халқона олқишлари ашула авж қисмларида ҳофизнинг хонишида пайдо бўлган кучли ҳаяжонни янада баланд пардаларга кўтаради. Ҳофиз вафотини улуғ йўқотиш сифатида қабул қилган паллада бу мухлис чеккан сўнгсиз изтироблар Маъмуржон Узоқов қўшиқларини халқимиз қандай илиқ кутиб олгани, унинг шахсиятига бўлган эҳтиромининг даражаси ҳақида тасаввур беради. Кўз олдимизда санъатсевар эл сиймосини гавдалантиради.

Маҳалланинг бўз боласи аста-секин, одам танийдиган, аскиябозларни фарқлайдиган, сўз қочиримларини англайдиган ўспирин бўлиб улғая боради. У маҳалла улуғлари аски-

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. – Б.53.

ясини ҳар бирининг касби-кори, инсоний сийратига кўра холис баҳолайди. Жумладан, Маъруф ака – илм кишиси. Шунинг учун аскияга киришганида, худди хижолат бўлгандек, бир қизариб олади. Сўнг мулойимлик билан ва рақибига бўлган ҳурматини сақлаган ҳолда, тагдор ва илмоқли пайровлар топади. Абулқосим ака – машҳур Тўйчи Ҳофизнинг ўғли. Бироқ аскияси тузсиз. Ҳар гапнинг бирида беўхшов хириллаб кулади. Қора Абдураҳмон ака – қассоб. Аскияда гапни кесиб-кесиб ташлайди.

Кўринадики, юқоридаги барча омилларнинг уйғунлиги Алишер Мирзони улғайтиради, илҳом қучоғида яйраб ижод қилишини таъминлайди. Борлиғи наинки ўз шажараси, балки миллат эътиқоди ва ватан тақдири, инсон ҳамда инсоният дардларига вобаста бўлишига йўл очади.

Қуйидаги омиллар эса, роман-эссе сюжети концентрик хусусият касб этишини юзага чиқарган:

1. Рассом-адиб воқеалар тизимини нарса-ҳодисаларни ҳис қилиши таъсирида пайдо бўлган туйғулари бадиий ифодаси билан таъминлаган. Бу ритмни роман бадиий нутқ қурилиши, ривоя ва композициясида тўла сақлай олган.

2. Ташқи хатти-ҳаракат майдонини ўз маънавий-руҳий дунёси, мушоҳада олами замирига кўчирган.

3. Узуқ-юлуқ руҳий ассоциацияларни ўзаро чамбарчас боғлашга эришган.

Бунинг натижасида, роман-эссе шакл-мазмуни, поэтик ифода йўсини ўзгарган (деформацияланган) *туйғу-кечинма дислокацияси* содир бўлган. Соддароқ қилиб айтганда, туйғу ўз ҳолатидан силжиб ижодкорнинг бутун борлиғи – муҳокама-мулоҳаза фазасини қамраб олган[1]. Биз бундай ҳолатни

---

[1] Пластиклик (*юн.* plastikos – ишловга мойиллик) – Одатда, бу атама қаттиқ жисмларга ташқи куч ёки кучланиш ёрдамида ишлов берилганда уларнинг олдинги ўлчам ва шакллари ўзгаришини билдиради. Масалан, металлнинг ўлчами ва шакли муайян чегарадош вазиятда дастлабки ҳолига қайтмайдиган даражада ўзгаради. Яъни пластик деформацияланиш хоссасини намоён этади. Биз бу терминни инсон онгости оламининг бир буржида ғайришуурий

илмий тилда *краудион пластиклик,* деб аташни маъқул деб ҳисобладик.

Кўринадики, поэтик матнга кўчган бадиий ифода ранглари кечинилган ва англанган. Улар адибни руҳий мувозанатдан чиқарган. Экстремал вазият-ҳолатнинг кучли босими остида янада қуюқлашиб, поэтик шаклни (сюжет назарда тутилмоқда – Исломжон Ёқубов) ҳам ўзгартирган. Чунки, Алишер Мирзо реал ҳаёт ҳодисаларида зоҳиран унча кўзга ташланмавермайдиган жиҳатлар – воқеа-ҳодисанинг микроскопик хоссаларини ўрганган.

Бошқачароқ айтганда, ижодкор муайян руҳий ҳолатда ҳаётий реалликни ўз қалбига сингдириб юборади. Ундан эса, мутлақо янги ҳодиса – бадиий реаллик ўсиб чиқади. Бу масала роман доирасида кузатилса, ташқи таъсир натижасида қаҳрамон маънавиятида содир бўлган руҳий изтироб-қийноқлар залвори поэтик ифодага кўчиши ойдинлашади. Шу боис, асарда воқеа эмас, балки вазият-ҳолат тасвирига эътибор ортган. Таъкидланганидек, краудион пластик тасвир билан боғлиқ бу ҳолат роман конструкцияси ва композицион тархини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, "Каллахоналик йигитча" романи "Шарқ юлдузи" журналида босилган 2014 йилда рассом ижодида пластик йўсинда ижод қилиш авж палласига чиққан эди. У мавжуд нарсаларга эргашиш эмас, балки уларни ҳис қилишдан туғилган фикр-хулосаларини ифодалаш йўсинига ўтган эди.

---

тарзда пайдо бўлган фикр-мушоҳада ва туйғуларнинг ташқи таъсир натижасида онг сиферасига томон силжиши ва бу сирпанишнинг ёйилиш чегараси (дислокация) инсоннинг бутун фикр-туйғу фазасини қамраб олиши маъносида қўлладик.

Кристалл жисмни қайта ишлашда атомлар қуюқланмаси пайдо бўлиши краудинлар ҳосил бўлиши дейилади. Краудион пластиклик деганда, биз фикр-туйғунинг ташқи таъсирдан қочиб, бир нуқтада қуюқлашишини назарда тутдик. Бу атамалар қаттиқ жисмларни қайта ишлаш амалиётидан илк бор адабиётшуносликка кўчирилмоқда. Зотан, мусаввирлик санъатида ҳам, пластик тасвир дейилганида, нарсаларни ҳис қилишдан туғилган фикр-хулосаларни ифодалаш тушунилади (– Исломжон Ёқубов).

Шу тариқа, ярим аср давомида нафис пластик тасвирий санъат асарлари яратиб келаётган Алишер Мирзо картиналаридагина эмас, балки бадиий ижодида ҳам фикр-мулоҳаза ва поэтик туйғу етакчилик қила бошлади. Ёзувчи индивидуал тасвир ва ифода йўсини сайқал топиши, образлар табиатининг бойишида қуйидаги омиллар муҳим ўрин тутади:

а) ёзувчи ўз хаёлий орзу-армонларини тасвирлашга майл билдиради;

б) халқимиз тарихи ва тақдири ҳақидаги фикр-ўйларини ифода этади;

в) урф-одат ва анъаналаримизга муҳаббатини изҳор қилади;

г) миниатюраларга хос тасвир усуллари, бадиий-эстетик ечимлардан самарали фойдаланади.

Юқоридаги омиллар Алишер Мирзо тасвирий санъати ва бадиий ижод йўсинини ўзбек халқи тафаккур тарзига яқинлаштирди. Адибдаги кузатувчан нигоҳ, соҳир қалб, профессионал хотира ифода жараёнида ўз соҳиби истеъдодининг мусаввирлик ва бадиий ижодкорлик қирраларида ёрқин намоён бўлди. Улар бир-бирини тўлдирди. Муаллиф воқеаларни хронологик тартиб асосида баён қилмайди. Чунки роман-эссе:

а) муаллифнинг бармоқлари қайси ҳаётий омиллар ҳисобига мусаввирона шакллар чиза бошлагани тарихи;

б) қалби ижодкор сифатида камол топишининг тарихи;

в) ижодкор тасаввурида жонланган воқеаларнинг халқона поэтик тил ва ифодага кўчиши;

г) мусаввир сифатида тўплаган тажрибаларини келажак наслларга ўргатиш истаги, устоз-шогирдлик мактабини шакллантириш билан боғлиқ орзу-армонлардир. Шу боис Алишер Мирзода ўз умрининг кексалик даврида бадиий ижодга майл кучайган.

Ушбу асарда бир рассом ҳаёт ва ижод йўли акс этишига қарамасдан, уни хотира битиги тарзида баҳолаб бўлмайди. Зотан, “Каллахоналик йигитча” роман-эссесида тасвирланган ёш йигитда тасаввур ва кечинма уйғонади. Фикр тако-

мил топади. Аниқ мақсад сари интилиш кучаяди. Муҳими, юқоридаги барча жараёнлар ўз мукаммал поэтик ечимини топади. Романнинг ғоявий-бадиий аҳамияти ҳам шу нуқтада намоён бўлади. Шунингдек, бу роман-эссе муайян бир рассом ҳаёт йўли ҳақида иккинчи бир муаллиф томонидан битилган “Ҳаётга ташналик” (И.Стоун), “Ван Гог ҳаёти” (А.Перрюшо), “Рангтасвир ҳақида рисола” (Ф.Мельци) типидаги адабий-бадиий асар эмас. Т.Маҳмудов таъбири билан айтганда: *“Алишер Мирзонинг рассомлик ижодий йўлида учраган, кўринган ва ҳис қилинган табиат, жамият ва одамлардаги белги, хусусиятлар маълум образли кечинмалар шаклида унинг онг қатламларига ёпишиб борган. Бу нарса оқибатда унда ёзувчилик иқтидорининг гуллаб-яшнашига олиб келган”*[1].

Дарҳақиқат, роман қаҳрамони “ички тажрибаси” негизида унинг ҳиссий ва ақлий образлари узлуксиз ўзгариб, чуқурлашиб боради. Ўзининг ҳақ йўлда экани, амалий фаолияти махсуллари қадр топишини руҳан англайди. Мавжуд тажрибаларни чанқоқлик билан ўзлаштиради. Бу ҳол унинг фаолиятига тўғри йўналиш беради. У одам ва олам муносабатларини тушунишга интилади ва мунтазам равишда ўзини кузатиб, ўзлигини англашга талпиниб яшайди. Адабий қаҳрамон кечинмалари унинг борлиққа бўлган муносабати билан шу қадар уйғунки, натижада воқеликка муносабати кўнгил ҳолларини ифода этади. Болалик тафаккурида хотирасига ўрнашган реал воқелик кексайган чоғида ҳам руҳиятида бўй кўрсатади. Яъни унинг маънавиятида ўтмиш ва келажак ёнма-ён яшайди.

Бизнингча, онгостидан онг сферасига чиқарилаётган фикр, туйғу ва хотиралар муаллиф учун муҳим аҳамиятга эга. Зотан, у ҳаёт йўли эпик баёни орқали китобхонга ўз ижод психологияси, тўплаган эстетик тажрибалари асрорини англатмоқни кўзлайди. Шу маънода, онгости хотира-кечинмалар қаҳрамон субъектив борлиғи ўзига хос кузатувчиси – цензори вазифасини ўтайди. Шунинг учун, романда ўспирин йигит-

[1] Маҳмудов Т. Мўйқаламда ёзилган роман / Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.10.

нинг сезги, идрок, тасаввур, тушунча, инъикос объектига муносабат, ҳукм, хулоса ва гипотезаларидан тортиб, адабиёт ва санъат ҳақидаги концептуал назарий қарашларигача ўз ифодасини топади. Муҳими, барчасини оиладан мактабга, кутубхонадан тўгаракка, ширмой нон сотишдан бозорга, бозордан дастёрликка, рухий ўксикликдан ижод гулшанига мўралаб, муттасил камол топиб бораётган шахс ирода кучи бошқариб, йўналтириб туради. Адолатсизликларга сабр билан чидаш ҳиссини шакллантиради. Инсоний меҳр ва ҳақиқатга садоқат туйғуси озурда кўнглига таскин беради. Инсон табиатидаги турфа эврилишлар ҳақидаги тасаввурлар оламини кенгайтиради. Истеъдодининг табиати ва ифода усулларини белгилаб беради. Ҳаёт ҳодисалари ва онгу руҳиятида бўй кўрсатган туйғу-кечинмаларга бадиий либос кийдириш, лирик оҳанг билан мавзун қилиш салоҳиятини оширади. Дарҳақиқат, адиб воқеий ҳодисаларни ифодалаш, кайфият-ҳолат яратиш, миллий характерларни сўз, қилиқ ва хатти-ҳаракат бирлигида тасвирлашда халқона сўз ва ибораларнинг жонли чиқиши ҳамда ўз табиий ритмини сақлаб қолишга аҳамият қаратган. Бу ҳол романни ўткир юмор, киноя, кесатиқ оҳанги билан бойитиб, битикнинг ўқишли чиқишини таъминлаган.

Кўринадики, дилогия тематик жиҳатдан тарихий-биографик характерга эга. Унга ижтимоий давр тарихи эмас, балки асар марказида турувчи субъект (муаллиф) онги ва қалбидан ўтказилган бадиий тарих, деб қараш керак. Бизнингча, ёзувчи юксак малакали тасвирий санъат устаси экани учун ҳам замонавий бадиий насримизга янгича, мусаввирона нигоҳ олиб кирган. Яъни, роман жанри семантик-структурал қатламларида эсселашув миқёслари ва ифода ракурсларини кенгайтирган. Чунки, *биринчидан,* эпик баёнчи сюжет воқеаларини уюштиради. *Иккинчидан,* ўзининг тасвир предметига бўлган муносабатига кўра, асар воқелигига бошқа персонажларни олиб киради. *Учинчидан,* китобхон воқеликни ровий нигоҳи орқали кўрибгина қолмай, эстетик ҳодиса сифатида ҳис этади. Демак, мазкур роман-эссе ғоявий-бадиий концепцияси баёнчи “Мен” образи орқали акс этгани учун вазият-ҳо-

латлар тасвирига хос самимий ифодаларни бефарқ мутолаа қилиб бўлмайди.

Китобхон мусаввир натюрмортларида қушларнинг момиқдек патлари пирпиришини, сояларга хос назокатни, портретларида шакл ўйинларини, манзараларида эса, соҳир табиат нозик ҳолатларига хос жонли лавҳаларни кўради. Руҳиятида нафосатга ошнолик туйғуси куртак очади. Этюдлардаги қип-қизил оловдек ботаётган қуёш, томда ўсиб чиққан лолақизғалдоқ ғунчалари тасвирлари китобхон қалбида табиат инъомларига қардошлик туйғусини уйғотади. Маҳобатли Кўкалдош мадрасаси ва Хўжа Аҳрор масжиди тасвирлари эса, бунёдкор халқимиз закосидан ифтихор, ғурур туюшга ўргатади. Китобхон хаёлларини олис ўтмишга элтиб, тахайюлини юксакликлар сари чорлайди. Натижада, ўқувчи ёш рассомнинг нигоҳи билан томсувоқлар ҳидини ҳис қилади. Ёмғир томчилари шивирини тинглайди. Уларнинг кўлмакда биқир-биқирлаб қайнаши лавҳаларини жонли картинадай кузатади. Руҳиятида юксалиш, қалбида тўлқинланиш, фикрида адоқсиз ардоқ бўй кўрсатади. Масалан: *“Тўгарак кўрдим, устоз кўрдим, ижоднинг мазасини тотидим. “Катта ижод”ни Каллахонадан бошладим. “Катта ижод” ён-атрофимда экан. “Катта ижод” қўл остимда экан”*[1].

Дарҳақиқат, ёш мусаввир илҳомига қанот, ижодига рағбат берган омиллардан бири атрофидаги қайноқ ва рангин ҳаёт эди. Адиб бозордан ўз ижодий нияти ҳамда бадиий фантазиясига куч берувчи илҳомбахш шакл-кўринишлар, тасвирнинг ихчам ва лўнда чиқишини таъминловчи ярим тайёр мотивлар топгани ҳақида: *“Қовун-тарвузларнинг ранг-баранг уюмлари, деҳқонларнинг ола-чалпоқ чопонлари илҳомни қитиқлайди, ижодга чорлайди”*[2], деб ёзади. Кўринадики, рассом халқимиз миллий турмуш тарзи ва маданияти, тарихи ҳамда тақдири билан боғлиқ ашёвий деталлар – реалиялар орқали ўша давр руҳини беришга интилган. Ранг ва шакллар ўйини

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.68.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.146.

унинг кўнглига ёрқинлик олиб кирган. Буни тасдиқлаган адиб: *“Рангсиз, туссиз буюмни кўргани кўзим йўқ. Кангулнинг ёрқин рангли буюмларни чизишга иштиёқи баланд”*[1], деб ёзади. Ҳали қоғоз ва бўёқ сотиб олишга қурби етмаса-да, она табиат манзараларини ўта синчков кузата бошлайди. Боланинг қалбида уларни худди нафис картиналардаги сингари тасвирлаш иштиёқи улғая боради: *“Табиатга ўйчан қарадим. Кўзимни қисиб қарадим. Орқага, олдинга бориб келиб қарадим... Ёмғир шивалаяпти. Мактаб ҳовлисидаги шийпончадан ердаги кўлмакларни, уларнинг биқир-биқирлаб қайнашини, кузатиб турибман”*[2]. Бўлажак мусаввир илк картиналари мавзусини ўз кўзи билан кўрган реал воқелик моҳиятидан олгани учун уларда ҳаёт ҳақиқатини тасвирлашга интилган. Инсонни ижтимоий муҳит, тарихий шарт-шароит билан алоқадорликда идрок этган. Булар рассомнинг тасвирлаш принциплари умумэстетик мезонларга мувофиқ шаклланганини кўрсатади.

Ўзбек, рус ва жаҳон адабиёти классиклари асарлари билан танишган сари мусаввир суратларида бадиий адабиётдан олинган ҳарорат нафаси сезила боради. Демак, у бежиз П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртига киришни ихтиёр этмаган. Бу танловда ички интилишлар муҳим роль ўйнаган. *“...кўнгил ўша ерга чорлади. Рассом бўлгим келди. Табиатнинг турфа манзараларини чизгим келди. Ёмғирни чизгим келди, шамолни чизгим келди, чақмоқ чақишини чизгим келди”*[3]. Демак, эпик баёнчи тирикчилик ташвишлари билан ҳар қанча банд бўлмасин, ижод қозонида қайнайди, мусаввир сифатида улғаяди.

Дарҳақиқат, роман-эсседа: *“ланка тепиш”, “чиллак”, “ёнғоқдан соққа ташлаш”, “ошиқ ўйин”, “зу-зу”* сингари болалар ўйинларидан тортиб, халқимиз ҳаёти турфа жонли манзараларигача яқиндан танишамиз. *“Чиллак, зу-зу, ланка, соққа, ошиқ*

---

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.180.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.76.

[3] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.188.

*ўйинларини хуш кўрмадим. Бирорта ўйинчоқ ўйнамадим, велосипед деганининг ёнига яқинлашмадим. Велосипед осмондаги ойдек эди менга. Бироқ ўксимадим, хафа ҳам бўлмадим, ўйинчоқ ўйнамай улғайдим"*[1]. Ёки: *"Мен учун бозор ўйингоҳ, у ерда зерикмайман. Бола бўлиб бирорта ўйинчоқ ўйнамаганман, бирорта уч ғилдиракли бўлса ҳам велосипед ҳайдамаганман. Бозордан ортмаганман"*[2].

Кўринадики, адиб маҳалласи ёнида жойлашган бозорда улғаяди. Қизиғи шундаки, у бозор издиҳомидаги шовқин ҳайбатини уф тортиб хириллаётган баҳайбат махлуққа менгзаса-да, бу бемаъни ва кўламдор шовқинда қандайдир тушуниксиз бир мусиқа, ўзига хос симфонияни ҳам ҳис қилади. Бизнингча, айни ҳолат бола қалбида борлиқни яхлит, қамровли идрок этишга интилиш бошланганини кўрсатиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Мусаввирнинг ижодий ниятларига туртки, илҳомига қанот, бадиий фантазиясига миқёс бағишлаган омиллар:

*биринчидан,* жонли ҳаёт қозонида қайнаш;

*иккинчидан,* уларни ижодий нигоҳ билан ичдан нурлантириш;

*учинчидан,* асл адабиёт ва санъат асарларига ошноликдир.

Рассом – жўн сураткаш эмас. У рангсизлик ва туссизлик билан зинҳор муроса қилолмайди. Зотан, кўнглидаги кучли иштиёқ уни муттасил равишда ёрқин ранглар сари чорлайверади. Баёнчи кўзни қувнатувчи миллий ранг ва шакллар ўйини санъаткорона тасвирларига иштиёқманд. Шу боисдан: *"Ёшлигимдан бир хиллик ёқмайди, бир хиллик асабимга, табиатимга, жинимга тўғри келмайди"*, дея кўнглини очади[3]. Бу ҳукмнамо фикр исботи учун олхўри, анор сингари ҳўл мевалардан чизилган натюрмортларни кузатиш кифоя. Чизгилардаги ҳадсиз чирой, жозиб шакл-шамойил, товланиб-тусланишлар беихтиёр тарзда диққатимизни тортади.

---

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.97.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.140.

[3] Алишер Мирзо. Мусаввир. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.18.

Жумладан, бир қарашда юмалоқ шаклда кўринган анор ғуббалари, карнайнусха тожи, бўртиб чиққан миён қовурғалари ёхуд унинг тилимланган ҳолатдаги сон мингта уруғ-доналари-ю, бўлим оралаб тортилган нозик пардаларини кузатар эканмиз, тасвирлаш санъати нақадар мураккаб юмуш эканига иқрор бўламиз. Анор – моҳиятан лиро-поэтик ва драматик образ. Демак, уни тасвирлаш онларида рассом ҳазилакам тер тўкмаган. Гениал асар юзага келгач, у мамнуният туйғуларига лиммо-лим кечинмаларга хос гаштли онлар тароватини руҳан ҳис этган. Бинобарин, хасбиҳол соҳиби унинг туйғуларини ҳиссий идрок этиш орқали англанади.

Адиб бозор – дунёнинг бешафқат ва қайноқ ҳаётини ўта синчковлик ва жиддий эътибор билан кузатади. Қора чопонининг яғири чиққан, ҳафталаб очиқ ҳавода ўтиравергани, баъзан қанор устида ястаниб ётганидан юзлари қорайиб кетган, машаққатли меҳнат чарчоғидан эзилган, йўлларига нигорон аҳли оиласи соғинчидан кўзлари киртайган асл деҳқонга теран ҳамдардлик туйғуси билан қалам суради. Қаҳрамон ярим етим бўлишига қарамасдан, нафақат уятчан, қизиққон, балки ор талашадиган ҳамиятли йигит бўлиб улғаяди. Қишлоқдан сурув ҳайдаб келган ночор чўпонларга ачиниш билан қарайди. Уларнинг маиший ҳаёти ва ўз қисмати ўртасида қандайдир яқинлик туяди: *"...яғир чопонлари менинг коржомамдан қолишмайди",* – дея ачиниш, ҳамдардлик билан боқади[1]. Маҳалла зўравонлари қўлида хўрланган олис қишлоқ деҳқонларининг нажотталаб илтижоларини эшитганида: *"Юрагим увишади, уларга раҳмим келади"[2],* дея дилини очади. Ёзувчи халқ мусиқаси ва мақомларидан беҳад ҳайратланади. Сўз замзамаларини нозик идрок этади. Айниқса, мумтоз сўз унинг дардига даво, изтиробларига малҳам. Эҳтимол, шунинг учун роман-эссе эзғин, нолакор бўз ва фиғонга йўғрилган ритми қатидан муаллифнинг ҳақиқий деҳқон меҳнати самарасидан сармаст, аммо инсоф, диёнат ва маъ-

[1] Алишер Мирзо. Мусаввир. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.114.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.141.

навиятдан мосуво бозор “учар”ларига нисбатан тизгинсиз нафрат ҳислари силқиб туради.

Биз роман-эссени азим Тошкентнинг Эски шаҳар қисми: Каллахона, Чақичмон, Ишқивот, Кўкча дарвоза, Оқилон, Чувалачи каби ўнлаб маҳаллалари мусаввирона яхлит расми сифатида тасаввур этсак, унинг марказий қисмида бозор тасвирлангани аён бўлади. Албатта, биз романда 20-йилларда Сибирга сургун қилинган Мирзамуҳаммадбой (муаллифнинг бобоси) қисматига ишора қилинган ўринларга дуч келамиз. Адиб ижтимоий ҳадик залвори остида яшаган отаси Тўлаган Мирзаев, сабр-бардошли онаси Каромат ая ҳақида ҳам ифтихор билан сўзлайди. Масалан, қунғизмўйлов меҳрибон отаси етти йилга кесилиб, қамоқхонага жўнатилаётган пайтда уч яшар болакай: *“Юзлари оқариб кетган, кўзида нур сўнгандек, ҳорғин”* кимсани зўрға танийди.[1]

Каллахона маҳалласида яшовчи: Орип ўрис, Абдупаттох Румий, Қосим шақилдоқ, шу-шу домла, Пайзи чакай, Хури пошшо, Қора ялоқ, Хол гаранг, Раҳим патак каби инсоний феълига яраша турфа лақаблар билан аталувчи кишилар: ҳунармандлар, қассобу нонвойлар; Маъмуржон ва Жўрахон ҳофизлар; Абулқосим, қора Абдураҳмон сингари аскиячиларни эслайди. Буларнинг бари эпик баёнчи туғилган маскан, ўша замон ва макон одамлари ҳаёт тарзи ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Муҳими, биз романда бозор издиҳоми ичра расталар оралаб юрган кўнгли олам-олам эзгу истаклар қўйнидаги беҳаловат кимсани ҳам кўрамиз. Унинг рассомона нигоҳи билан дунёни ёрқин рангларда томоша қилишга мушарраф бўламиз. Зотан, у биринчидан қуёшли юрт фарзанди. Қолаверса, адабиёт ва санъат, гўзаллик ва нафосатга иштиёқманд. Шу боис, чин ҳаёт манзараларининг юқоридаги каби ҳаққоний тасвирлари ва ифода самимияти дилимизга хуш ёқади. Англаймизки, рассом дилида ёмғирнинг эзғин кайфияти баробарида мислсиз шамоллар шиддати ва чақмоқлар ёлқини ҳам мужассам. Шундай экан, эндиликда у қушхонада ҳайвонот оламини “ўрганиш”, бозорнинг гўшт, сомса, кабоб,

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.114.

нон, қовун-тарвуз, мева-чева расталаридаги “фаолияти” билан кўнгил талпинишларини қанотлантира олмайди.

Дилимизда ноаниқ бир нохушлик нафасини сезиб турсак ҳам, биз нурли умид, шахду ғайрат-ла олға интилаётган қаҳрамонга ҳаёт синовларида қоқилмай, йиқилмай ўтишида тилакдошлик билдириб, мутолаага шўнғиймиз. Гарданига имтиҳондан йиқилиш аламини ортиб, орзулар самосини тўзон қоплаган кезларида куюнамиз, савдо билим юртига “учирма” қилинганида, андак суюнамиз. Ҳар қалай, сағир йигитнинг чўт қоқиб, кармонини қаппайтириб юргани яхши. Аммо, эркка талпинган ижодкор кўнгилнинг чўтни чўткага алмаштириш истаги пойида бизнинг бу муваққат суюнчимиз нақадар мўртлиги ҳам аён бўлади. Шубҳасиз, ижодий эркинлик соғинган кўнгилнинг ички туғёнлари билан савдо техникумида ўқиши қийин эди.

Кенгликлар ва юксаклик соғинган ёш рассом диққинафас шаҳардан йироқлаб, пахта даласига чиққан кезларида ўзини анча эркин, табиатга яқин сезади. Картиналарда мусаффо тонг суратлари акс эта бошлайди. Рассом бўлиш истаги шу қадар тинчини ўғирлайдики, ҳатто тушларида ҳам расмлар чизиб чиқади. Албатта, ёш кўнгилда ёруғ дунё манзараларини чизиш истаги беҳад кучли эди. Севган машғулоти билан шуғулланиш имкони туғилгани боис, мусаввир қалбидаги маънавий кучлар оқимининг шиддати ортади. Табиатни гўзаллик қонунлари негизида ижодий ўзлаштиради. Тасаввур дунёси кенгаяди. Илк портретларидаёқ бир хилликдан қочади. У чолларнинг юзидаги ажин чизгиларида маъно кўради. Атрофни кузатиб, табиатдаги нозик ҳолатларни шоирона ҳис қила бошлайди. Этюдлардан нусха кўчириш – тақлиддан қутулиш учун баландликка интилади: *“...кенгроқ манзара қидириб нарвон қўйиб томга чиқдим. Ғир-ғир шабада. Енгил тортдим. Чуқур-чуқур нафас олдим. Томга чиқсангиз бир ҳид бор – юракни ўйнатади, руҳиятни кўтаради ажиб бир ҳолатга кириб борасиз. Ўша ис томсувоқдан чиқарди”*[1]. Кўринадики,

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.75.

ёш рассом қалбида муаззам кенгликни қамраш ҳаваси ва юксакликка талпиниш иштиёқи уйғонган: *“Юқорини хуш кўраман. Юқоридан узоқ-узоқлар яхши кўринади, юқорида расм чизсанг яхши, юқори баҳаво бўлади”*[1]. Дарҳақиқат, рассом бола аста-секин борлиқни шоирона нигоҳ билан кузата бошлайди. Бу ҳолни романдаги мана бу каби лирик ҳароратли сатрлардан сезиш мумкин: *“7 ноябрь 1965 йил. Тонг. Барак атрофида совуқ шамол думини гажак қилиб нақшинкор эсиб турибди”*[2].

Келтирилган парчада 1917 йили Петроградда содир этилган давлат тўнтариши, яъни шўролар байрам қиладиган сана аниқ кўрсатилган. Бироқ, айни жумлада билим олиши керак бўлган муҳим паллада талаба ёшларни ночор баракка жойлаштириб, ҳатто байрам куни ҳам, қуп-қуруқ пахта даласига ҳайдаган инқилобчиларнинг амаллари “бахтиёр болалик” ҳақидаги баландпарвоз шиорларига номувофиқ эканига истеҳзо ва исён мужассам. Шу боис ҳам, “думи гажак”, совуқ шамол “нақшинкор” эсади. Бундай ёндашув йўсини рассом чизган асарларга орден-медаль таққан қаҳрамонлар эмас, балки оддий одамлар образи кириб келишига йўл очади. Ёш мусаввир чизган манзараларда табиатнинг ҳолати ифода этилади. У ўз кўнгил майлини изҳор этиш, мавзунинг пластик ечимини топиш малакасини эгаллай бошлайди. Изланиш жараёнида маҳорати ортиб боради. Субҳидамда, ҳали тўрғайлар уйғонмасдан олдин, соҳир табиат қўйнига ошиқади. Ижодий хаёллари ёввойи каптарлардек чарх уради. Мусаффо тонг манзараси унинг руҳига покиза ҳисларни етаклаб киради. Илк этюдларида Қуёш олис уфқ ортига бош қўйгач, пайдо бўладиган гўзал шуъладор қизилликни чизади. Бир сўз билан айтганда, она табиат инъомлари мусаввирга шоирона илҳом бахш этади. Ижод унинг қалб амри, турмуш тарзига айлана боради.

Портретларида мумтоз юнон ҳайкалтарошлик услубига хос ўлчамлар аниқлигига эришиш санъатини ижодий ўзлаштиради. Ўзбек халқ мусиқаси, мақомларидан қаттиқ

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.145.
[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.233.

таъсирланади. Унинг гўзаллик ҳақидаги тушунчалари янада кенгая боради. Ниятлари улғаяди. Эски шаҳар манзаралари, карнай-сурнайчилар, доира-ноғорачилар суратини чиза бошлайди. Ижодий хаёл ва тасаввурнинг миллий ҳамда жаҳоний миқёсларда кенгайиши рангтасвирда акс этган ҳолатлар ифодасига улуғворлик, тантанаворлик бахш этади.

Алишер Мирзо нарса-ҳодисаларнинг бир қарашда илғаш мушкул бўлган ботиний жиҳатларига диққат қаратади. Унинг қалби воқеликнинг улкан қудрат ва миқёси – фавқулодда улуғвор эстетик кўринишларини қаламга олиш, одатий тасаввурлардан юксакроқ воқеа-ҳодисаларни поэтик идрок этишга мойил. Адиб инсоний фидойиликка хос улуғворликдан туйган ҳайрат туйғуларини ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан акс эттиради. Улуғворлик ва нафосат уйғунлигини эстетик идрок этиб, санъаткорона баҳолайди. Китобхонни ҳам юксаклик сари ундайди.

Кундалик ҳаётимизда биз карнай-сурнайчилар, доирачи-ноғорачиларни муттасил кузатамиз. Лекин ҳамиша ҳам, улар ижроси авж пардаларига хос тантанаворлик ва улуғворликни етарлича илғамаймиз. Санъаткор тахайюлида эса, улар гўё бетакрор меъморий ечимда қурилган Бешоғоч истироҳат майдони баланд дарвозалари пойидаги супада жойлашиб олишган. Улар бениҳоя улуғвор ва тантанавор куй ижроси билан машғул. Муаллиф ўз ҳайратларини изҳор этаркан: *“Қаҳрамонларимни Бешоғоч майдонида, комсомол истироҳат боғининг баланд дарбозаларини тагида улуғвор, тантанавор ҳолатда чизаман. Мусиқачилар баланд супада жойлашиб олиб, эшилиб-эшилиб, берилиб “Сурнай навоси”ни ижро этишмоқда. Уларнинг фонида фақат улуғвор, ўттизинчи йилларнинг меъёрий ечимида қурилган боғ дарвозаси. Катта мусиқа, катта дарвоза, катта ижро”[1], деб ёзади.*

*Шубҳасиз, бу тасодифий ҳол бўлмай, ўша даврда урф бўлган “Битлз” ва “Бони-М”лардан тебранувчи авлодга нисбатан киноя-кесатиққа йўғрилган жавоб, миллий мусиқа жозибасидан*

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.291.

*баҳраманд бўлишга чорлов, айрим ёшлар мусиқий дидидаги ритмик айнишлар олдини олишга интилиш эди. Шунинг учун, ёзувчи наздида наинки дарвоза ва супа, балки ижро ва ҳатто ижрочилар ҳам мислсиз маҳобат касб этади. Рассом-адиб ўз эътиборини асосий ғоянинг қабариқ ифодасига қаратади. Бу ҳолни таъкидларкан, шундай ёзади: "Асосий ғояни илгари суриш борасида майдонни тўлдирган томошабинларни ҳам, маҳобатли дарвоза устунлари орасидан кўриниб турган кўл манзарасини ҳам, асаримни ранго-ранг безатиш мумкин бўлган шиорлар, алвонлар ва байроқлардан воз кечдим. Диплом асаримда адабий-ҳикоявий унсурлар ёрдамидан воз кечдим. Асар майда чалғитувчи деталларсиз маҳобатли, улуғвор чиқмоғи лозим"[1].*

*Тасвирда ранглар товланишидан ҳаётбахш, байрамона, шодон кайфият юзага келади. Рангтасвирнинг воқелик кульминацион нуқтаси – қуёш гардиши уфққа бош қўяётиб бутун чиройини намоён этган вазият-ҳолат, яъни табиатга уйғун тарзда чизилиши ифода муваффақиятини таъминлайди. Алишер Мирзо таъкидлаганидай, "Тасвирий санъатда воқеавийликнинг авж – кульминацион нуқтаси, пўст калласи ифода этилиши керак. Рангтасвирнинг табиати кўп сўзликни, майда гапни кўтармайди"[2].* Дарҳақиқат, дарвоза архитектураси акс этган ўринларнинг чизғич ёрдамида чизилиши, гирих, ислимий нақшлар билан рангтасвир ва миллий мусиқа уйғунлашуви тасвири асарга бетакрор жозиба бағишлайди. Томошабин қуёш ботиши ҳамон мусиқа ҳам ўз поёнига етишини тасаввур қилади.

Рассом жисмонан ва маънан улғайган, ички ҳислари-ю тахайюл-идроки овозига эргашиш нақадар муҳимлигини яхши англай бошлаган. Шунинг учун ҳажм ҳамда салмоқ ботинига эътибор бериш орқали шахс, жамият ва миллат эстетик тарбияси учун муҳим аҳамиятга молик картина яратишга муваффақ бўлган. Шу ўринда, таъкидлаш ўринлики, роман-эсседа она образи ғоятда самимий, беғубор чизилган. Унинг

---

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.291–292.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.292.

қиёфасида ҳалол, фидойи, ғамхўр ва жафокаш ўзбек аёли тимсоли бутун улуғворлиги билан акс этган.

Мусаввирлик маҳоратини эгаллаш иштиёқи ортиши Алишерни уч минг чақирим олисдаги В.И.Суриков номидаги Москва давлат санъат институтига бошлаб кетади. Эндиликда, унинг суратларида рангларга бурканган соғинч эҳтирослари жилвалана бошлайди. Рассом қалбида ранг фалсафаси пайдо бўлади. Сўнгра, у санъат тарихи ва назариясини ўрганади. Санъатнинг ички табиати, шакл ва мазмунини кенг идрок эта бошлайди. Шу тариқа, ёрқин рангларга меҳр қўйган, ўз индивидуал бадиий-эстетик дидига эга ижодкор шахс шаклланади. Бемалол айтиш мумкинки, *мусаввирнинг ранглар симфониясида Шарқ одамининг мағрур ҳайқириғи баралла янграб туради. Улар айрим рус рассомларининг кулранг тасвирларидан кескин фарқланади. Мусаввир ижодий кредосини ёрқин ранг, нақшинкор шакллар жилваси ва шарқона туйғуга бой мусиқа мутаносиблиги билан боғлиқ концептуал лейтмотив белгилаб беради.* Бинобарин, роман-эсседа рангтасвирчи ижодкор рассом руҳий эволюцияси акс этган.

Роман-эсседа биз реминисценция (*лот. reminiscentia* – хотирлаш, эслаш) ҳодисасига дуч келамиз. Соддароқ қилиб айтганда, адиб асарнинг айрим ўринларида Навоий, Машраб, Фурқат, Муқимий сингари мумтоз ва Ғ.Ғулом, С.Зуннунова, А.Орипов, Э.Воҳидов, Т.Сулаймон, Р.Парфи, Х.Даврон, У.Азим, Ш.Раҳмон каби замондош шоирларнинг машҳур асарларидан ўз хотирасида муҳрланиб қолган парчаларни эслайди ва уларни китобхонга илинади. Кўчирмалар шеърий мисралар ва санъатшунослар илмий-назарий фикрларидан иборат. Фалсафий-эстетик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, адабий-бадиий мазмундаги иқтибосларни эслатиш орқали ёзувчи ўз ботиний кечинмаларига ғоявий-тематик ва эмоционал жиҳатдан яқин мотивларга ишора қилади. Улар ҳақида мулоҳаза юритади, айримларини шарҳлайди. Жумладан, Усмон Азимнинг “Дашт балладаси” шеъри: *“Ватан ҳақидаги буюк, ноёб шеър... Ватаннинг қуп-қуруқ плакатсимон мадҳияси эмас бул асар. Образлар, рамзлар орқали юракка яқин мавзу*

*талқин этилган, эҳтирос ила талқин этилган"*[1], дея шарҳланади.

Рўзи Чориев чизган расмга Абдулла Орипов томонидан ёзилган байт шарҳида бу сурат: *"...икки дунёда Абдулла Орифга ўхшамайдиган бемор қилиб чизилган номаъқул асар"*[2] экани қатъий таъкидланади. Мусаввир Тўра Сулаймон шеърияти ҳақида сўзларкан: *"Шоир шеърларининг илдизлари халқ оғзаки ижоди ва мумтоз шеъриятдан озиқланган. Унинг ижодида она юрт, она табиат мавзуси халқ термалари каби содда ва равон куйланган"*[3], деб ёзади.

Кўринадики, адабиётга мухлислик, кўпинча Усмон Азим, Рауф Парфи, Азим Суюн, Эркин Аъзам, Хуршид Даврон, Шукур Қурбон каби шоиру носир дўстлари даврасида бўлиш, санъатга ошуфталик унинг бадиий асарга эстетик баҳо бериш салоҳиятини юксалтирган. Шунинг учун, у шеърда кечинилган туйғулар рамз, мажоз ва ишоралар тилида ифода этилиши, яъни поэзиянинг метафориклик табиатини нозик илғайди. Тўра Сулаймон лирикаси халқчиллигини таъминловчи адабий-генетик омилларни тўғри белгилайди. Роман-эсседа Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Нодир Норматов, Азиз Абдураззоқ, Ориф Одилхон, Азим Суюн ва бошқа кўплаб шоиру адиблар шахсияти ҳамда ижоди ҳақидаги бундай мисолларни учратиш мумкин.

Роман эссенинг "Шарқ ва Ғарб" деб номланувчи ўттиз биринчи бобида ўзбек санъатининг дунё тамаддунидаги ўрни ва яқин ўтмишда жаҳон санъатига ўтказган таъсири ҳақида қизғин фикр юритилади. Дунёнинг энг катта музейларини кезган академик рассомнинг: *"XIX асрга келиб Ғарб тасвирий санъати эришган ютуқлари, қайсидир маънода поёнига етиб, назарини буюк Шарқ маданияти томон қаратишга мажбур бўлди"*[4], деган фикри ғоят эътиборлидир. Гарчи,

---

[1] Алишер Мирзо. Мусаввир. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.434.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.442.

[3] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.647.

[4] Алишер Мирзо. Мусаввир. – Б.752.

юқоридаги гап тасвирий санъат хусусида бўлса ҳам, ифодавий услубда намоён бўлган дунёга янгича кўз билан қараш, табиатдан пластика қидириш, нафис соддалик бағридаги ҳайратланарли мураккаблик, экзотикага бой манзарали тасвир, шартланганлик, натурага худди нозиктаъб шоирлар каби тасаввур кенгликлари орқали ёндашув, тасвирда ёруғликка, рангдорликка, мусиқийликка урғу бериш, ритмлар уйғунлиги каби белгилар Шарқ бадиий тафаккурига хос жиҳатлардир.

Муҳими шундаки, Алишер Мирзо бу фикрни буюк рассом Анри Матисс, абстракционист В.Кандинский, XX аср Европа рангтасвири романтик оқими вакиллари Делакруа, Жерико, Давид, улуғ голланд рассоми Рембранд, Ван Гог, Поль Гоген; ўтган аср бошлари рус тасвирий санъат усталари, француз импрессионист манзарачилари ижодининг теран таҳлилларидан келтириб чиқаради. Адиб замонавий тасвирий санъат табиатини XIX аср охири ва XX аср бошлари дунё тасвирий санъатида юз берган инқилобий ўзгаришлар билан боғлаб идрок қилади. Европа тасвирий санъати "тақлид" исканжасидан халос бўлиб, тасаввурга эрк бериши – турфа услубларни уйғунлаштириши учун назарий ва амалий асос бўлган қуйидаги факторлар кўрсатилади:

1. Шарқ миниатюралари ва халқ амалий санъат намуналари.

2. Мумтоз шеъриятимиз ифодасига хос нақшинкорлик, ихчамлик, фазовийлик, шартлилик, лўндалик, эркинлик.

3. Беҳзод портретларидаги гўзалликка ташналик, яхлитлик ҳамда инсон руҳи тўкислигига эришиш – композицион мукаммаллик.

Тасвирий санъатдаги услублар синтези шарқона тушунча ва фалсафа билан идрок қилинади. Назаримизда, асарда бу йўсиндаги мубоҳаса-муҳокаманинг энг кульминацион нуқтаси Евродита Тиграновна Гюзалян билан бўлиб ўтган юзма-юз суҳбат чоғида намоён бўлган[1]. *"Анри Матисснинг барча асарларида бизнинг миниатюраларимизда рус ҳамда*

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.485–492.

*ғарб иконаларида мавжуд композиция мукаммаллиги бор"*[1], деб ёзади А.Мирзо.

Дарҳақиқат, Шарқдан келтирилган амалий санъат намуналари ва Камолиддин Беҳзод ижоди бу рассом учун чексиз илҳом манбаи вазифасини ўтаган. Умуман олганда, *Европа тасвирий санъатининг барча турлари икки асрдан ортиқ вақтдан буён Шарқ-мусулмон дунёси санъатининг ёрқин манзаралари, теран фалсафаси негизида ривожланмоқда.* Албатта, А.Матисс ва бошқа рассомлар санъатдаги янги мезон ҳамда тушунчаларни ишлаб чиқишда Марказий Осиё, Эрон, Япония, Ҳиндистон, Хитойнинг гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини ҳам ижодий қайта ишлашган. Яъни ўз қарашларига мослаштиришган. Шарқона композицион мукаммаллик хориждаги чинакам санъат асарлари учун ҳануз ижодий илҳом манбаидир.

Тасвирий санъат асарлари ва мусиқа сингари, бадиий адабиёт, хусусан, чинакам миллий роман ҳам, барча халқларга тушунарли, абадиятга дахлдор бўлмоғи керак. Ҳар бир адиб ўз Шарқона услубини топишга эришмоғи лозим. Алишер Мирзо топиб айтганидек: *"Санъат ўзида инсон руҳига хос абадият тасаввурларини ифода этади... Ўзбек тасвирий санъатининг энг муҳим вазифаларидан бири миллийликка интилиш, миллий пластика, рангдорлик ва ўз мавзуимиз бўлмоғи лозим... Ижодкор ўз атрофидаги санъаткорлардан, анъаналардан фарқли ўлароқ, янги руҳни ифода этиш учун янги шакллар ихтиро этиши керак ва бу ифода шакллари илгари кузатилмаган бўлмоғи лозим"*[2].

Англашиладики, санъатдаги каби замонавий романда янгилик яратиш ҳам: инсон руҳига хос абадиятга дахлдор тасаввурларни ифода этиш, миллийликка интилиш, миллий пластика, рангдорлик ва ўзбекнинг қисматига дахлдор мавзуларни бетакрор шакл ва услубда ифодалашдир. Мавжуд ҳолатни ноанъанавий шакллар, ўзгача ечимларда, вақт тушунчасидан холи тарзда тасвирлашдир. Бу эса, юрт тарихи ва

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.757.
[2] Алишер Мирзо.Ўша жойда. – Б.728.

тақдири, ўтмиш аждодларимиз қалб қўри муҳрланган халқ амалий санъати ҳамда гўзал миниатюра, бой адабий меросимизни ўрганиш, ижодий ўзлаштириш орқали юзага чиқади. Бусиз рангин тасвир меъёрини сақлашга, шоирона ифода ва пластик ечимга эришиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, янгилик – бу миллий руҳни сақлаган ҳолда, шууримизда ўрнашган стериотиплардан қочиш йўлидаги изланиш. Асл бадиият ҳодисаси покиза ният, мустаҳкам эътиқод, тафаккур ва тахайюл кенглиги, мушоҳада теранлиги, мақсад йўлида оғишмай интилиш ва илоҳий қўллов орқали юзага келади. Афсуски, бундай ижодий изланиш машаққатига барчанинг сабр-бардоши, маънавий қурби етмайди. Шу боис, интеллектуал салоҳият соҳиби эришган ютуқлар барчага бирдай маъқул бўлавермайди. Яъни, А.Мирзо таъкидлаганидай, асл санъат асари: *“...нақадар миллий бўлса, шу қадар умуминсоний ҳам”*[1]*. Бу фикр миллий романчилигимизга татбиқ этилса, ўзбек романи бошқа халқлар учун ўз миллий хусусиятларини қанчалик ёрқин ва тиниқ ифодалай олиши билан қизиқарли,* деган хулоса келиб чиқади.

Бизнингча, роман барча сатҳлари учун композицион мукаммаллик ўта зарурлиги жиҳатидан тасвирий санъатга яқин туради. Бу жанрда яратилган асарда ҳам, муаллиф умумий моҳиятни олдиндан тасаввур этиши, унинг бадиий ниятi (концепция) аниқ бўлиши лозим. Албатта, роман ўз-ўзидан яхлит бутунлик (система) бўлиб қолмайди. Бунинг учун шакл компонентлари қандай ғоявий-бадиий юк ташишига мутаносиб равишда конструктив асос ва пластик ечимга жойлаштирилиши, яхлит бутунликка ўз алоқа муносабатлари равшан англашиладиган тарзда бириктирилиши лозим. Муҳими, романда янги руҳ ифодаланиши лозим. Ҳар қандай шаклий янгиланиш айнан шу мақсадга хизмат қилади. Агар, муаллифнинг шакл унсурларини уюштириш принципи аниқ бўлса, бадиий мазмунни шакллантириш ва ифодалаш ҳам осон кечади. Бинобарин, ёзилажак асарни ўқиш жараёнида китобхон ақлан ва руҳан толиқмаслиги, поэтик мазмун зери-

---

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.616.

киш ҳиссидан холи тарзда англашилиши ижодий ниятдаёқ назарда тутилади.

Кўринадики, композиция ижодий жараёнга фаол таъсир қилиб, бадиий асарнинг шаклан ва мазмунан мукаммал ташкилланишини таъминлайди. Ғоявий-эстетик таъсир жараёнини бошқаради. Композиция бадиият ижросини таъминлар экан, ёзувчи поэтик маҳорати яратилажак бадиий воқеликни ифода этувчи шаклий унсурларни оптимал уюштиришда намоён бўлади. Адибнинг иқтидори эса, унинг ҳаёт материалини бадиий асарга айлантира олиш салоҳияти билан белгиланади. Келтирилган барча муҳокама-мушоҳадалар ровий – мусаввир ижтимоий-маиший ҳаёт, адабиёт ва санъат ҳақидаги қарашларини тасдиқлашга хизмат қилади. Масалан:

*“Дўкондор акалар шоирдан ўлгудек қўрқишади. Етимпарвар шоирнинг сўзи, тез-тез босилиб турадиган фельетонлари ва мавқеидан қўрқишади. Бозор пешволари қарийб ҳар сафар эл назаридаги шоирни дефицит моллар билан сийлашади, адибнинг машинасига пакет ва картон қутиларини тўлдириб, чиройли жойлаштиришади”*[1].

Роман-эсседа “Победа” мошинасида келувчи “шоир амаки” ёхуд “шляпали дода”, “етимларнинг, яҳудийларнинг бошини силагани”га алоҳида урғу берилади. “Сен етим эмассан”, “Мен – Яҳудий” шеърларига ишора қилинган юқоридаги лавҳадаги бадиий воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабат боланинг идеалидаги Ғ.Ғулом сиймоси ва содир бўлаётган ҳодиса ўртасидаги кескин номувофиқликка асосланади. Тасдиқ орқали акс этган инкор замирида ним табассумга йўғрилган киноя мужассам.

Бошқа бир жойда *“Менинг ёрим қиз боладур”* тарзида ёшига ярашмаган ария айтаётган Маҳмуджон Ғафуров: *“наъра тортиб, томоқ қирди азамат”* тарзида таърифланади[2]. Бу тасвирда ҳам, миллий мумтоз қўшиқлар руҳида тарбиялан-

---

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, – Б.124–125.

[2] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди. – Б.124.

ган ўспириннинг киноя ва аччиқ кесатиғи акс этган. Адиб роман-эсседа халқ қўшиқларидаги *“Тугмаси йўқ жойларга, қўл узатсанг ёр-ёр, қўш анори диркиллайди, суяги йўқ ёр-ёр!”* сингари бепарда сатрларни Увайсийнинг анор чистони билан қиёслайди. Лапарда келувчи юқоридаги жумлани ирония билан, яъни тескари ўхшатиш асосидаги маъно кўчиши негизида “ўта мазмунли”, деб баҳолайди[1]. Демак, Увайсийнинг дардли мисралари мазмунан теран, унда манзаралантирилган ҳолат тасвири нафис ифода этилангани тасдиқланади.

1966 йилнинг машъум зилзиласи содир бўлган кезда беихтиёр тарзда, Алижон Ҳасанов ижро этган “Дадамларга салом айтинг” қўшиғи эсланади. Унинг мунгли оҳанги сағир болага марҳум отаси ва муштипар онаси, кичкинтой укасини эслатади. Ўша дамдаги руҳий ҳолатини тасвирлар экан: *“Сўзлари ўртади кишини, ўртади”,* деб ёзади адиб[2]. Болакай Муқимий ва Фурқат ғазалларини жон қулоғи билан тинглаpкан, улар ҳақида: *“Тинглаган одамни юраги эзилади. Менга хуш ёқади. Сел бўлиб тинглайман”,* тарзида кўнглини очади[3]. А.Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим”, “Хайр энди...”, “Онажон” каби шеърларидаги кучли эҳтирос ва дардли соғинч, ўз кечинмаларига ҳамоҳанг поэтик сўз қудратини дил-дилдан ҳис этади[4]. Ёт элларда пулсиз қолиб, боши эгилган ва кўнглига яқин ҳамдам излаган кезларида Навоийнинг Юнус Ражабий ижро этган “Ғурбатда ғариб...” қўшиғини хиргойи қилиб, оҳанглар таъсирида вайрон дилидаги ғуборларни ювади[5].

Романнинг “Адабиёт бўстонига сафар” номли йигирма тўртинчи бобига келиб, юқоридаги каби хиргойилар қаламтасвир санъатига кўчиб ўтади. Рассом имкон қадар камроқ

---

[1] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.184.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.283.

[3] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.185.

[4] Алишер Мирзо. Мусаввир. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.24.

[5] Алишер Мирзо. Мусаввир. Роман. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.39.

тасвир воситалари орқали ҳиссиётни кучлироқ ифодалашга эришади. “Ўткан кунлар”ни ўқиш рассомни роман қаҳрамонларини кенг миқёсда идрок этишга ундайди. А.Мирзо чизилажак суратларига пластик ечим топиш учун “Ўткан кунлар” асарини қайта-қайта ўқиган. Роман қаҳрамонлари оёқ излари ўчмаган, ҳали нафасларини сезиш мумкин бўлган осори-атиқаларни синчковлик билан кўздан кечирган. Биноларнинг меъморий кўринишлари, уй жиҳозлари, персонажлар кийган либослар, муаллиф ижоди ва шахсияти билан боғлиқ ҳужжатлар, фотоматериаллар тўплаган. Адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий билан уч йил давомида ижодий мулоқотда бўлган. “Дўрмон”даги қизғин ижодий муҳитда ўз режаларини амалга оширган. Узоқ изланишлардан кейин келинган хулоса шундан иборат бўлганки, рассом роман қаҳрамонларини эталонга айлантиришдан воз кечган. Чунки у романдан ўз Отабеги, Кумуши, Зайнабини топиб, уларда А.Қодирий шахсига хос кўплаб белгиларни кўрган. Шу боис ижодкор шахси ва тақдирини миллат қисмати, давр фожиаси билан узвий боғлиқликда тасвирлаган.

“Хаёл” деб аталувчи суратда ўймакор устунга нозик бармоқлари билан суянган Кумуш ўзининг нафис жисмига ярашган миллий либослар, бежирим тақинчоқлар билан бирга, теран ботиний кечинмалар оғушида, мунгли ҳолатда тасвирланган. Айни ифоданинг расм сатҳига тортилган сарғиш ранг билан уйғунлашуви график асарга жон киритган.

“Инсон ва ёпиқ эшик” суратида эса, машъум хатни ўқигач Мирзакарим қутидор: *“Уятсизга уйимда жой йўқ!”* дея эшикни бекитгани, орага қора кучлар тушганидан бехабар ҳолда, ҳайдалиш изтироблари оғушидаги Отабекнинг мураккаб руҳий кечинмалари чизилган.

“Инсон ва боши берк кўча” суратида чуқур алам ичида Марғилон кўчаларида дайдиб юриб, оти тўхтаб қолганидан сўнг, боши берк кўчага кириб қолганини билган Отабек ҳолати чизилган.

Суратларда А.Қодирий қаҳрамонлари акс этган белгиларга диққат қаратилса, адиб сиймоси ва унинг тўнғич романи

рассом дунёқарашига кучли таъсир этгани англанади. Зотан, суратлар мавзуси ва уларда акс этган ҳолатлар кишини қисмат фожиаси, унсиз фарёдлар билан юзлаштиради. Одам ва олам тақдири ҳақида фикрлашга ундайди. "Ўткан кунлар" романи ва адиб қисмати А.Қодирийни тушуниш ҳамда тасаввур этишда тасвирий санъат усталари учун чексиз илҳом булоғи экани ойдинлашади. Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий асарлари ўзбек санъатининг кўплаб турларига мезон бўладиган даражада маҳобатлидир.

Алишер Мирзо эпик баён тарзи ва ифода услубида А.Қодирий ҳажвий ҳикоялари, Ойбек, Ғ.Ғулом ва Т.Мурод қиссаларига яқинлик кузатилади. Масалан, Тоғай Мурод ифода йўсинига ўхшаш саъжланган*"Чизишни рангдан бошладим, қўрқмасдан бошладим, сув бўёқни оқизиб-оқизиб бошладим"*[1] *Ёки: "Кабоб тотли бўлиши керак, кабоб думбали бўлиши керак, кабоб юмшоқ бўлиши, сели оқиб туриши керак-да"*[2], каби тасвирлар фикримизни тасдиқлайди. Роман-эссе бадиий концепциясида баёнчи "Мен" образи муҳим ўрин тутганини таъкидлаган ҳолда, Алишер Мирзо катта насрда ўз услубини топиш йўлида ҳали анча заҳмат чекиши лозимлигини ҳам айтиш керак.

### *3.3. Роман-эсседа индивидуал услуб ва поэтик маҳорат*

Адабиётшуносликда услуб (ар. *тартиб, усул, йўсин, тарз*) бадиий асар архитектоникасининг қай тарзда қурилганини белгиловчи умумий принцип – поэтиканинг муҳим категорияси экани таъкидланади[3]. Дарҳақиқат, услуб ижодкор шахси ва ижодий индивидуаллигини белгиловчи муҳим тушунча бўлиб, ёзувчи услубий ўзига хослиги романнинг барча сатҳларида (*поэтика ва риторика*) бирдек намоён бўлади.

---

[1] Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман. – Т.: Янги аср авлоди. – Б.49.

[2] Алишер Мирзо. Ўша жойда. – Б.55.

[3] Қуронов Д., Мамажонов С., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б.339.

Бадиий асар, хусусан, романда ижодкорнинг бетакрор услуби унинг поэтик нутқи, ривоя тарзи, бадиий деталлари функционаллиги, сюжет қурилиши ва б.қ. орқали ифода этилади. Ҳар бир шакл унсурининг эстетик бутунлик таркибидаги моҳияти ва функциясини белгилаш, уларни муайян қонуният асосида яхлитликка бириктириш ҳам услуб орқали таъминланади. Шунинг учун, Ж.Беффоннинг "услуб – одам" деган тезиси илмий муомалада фаол қўлланиб келади.

Агар биз услуб категориясини бадиий ижод жараёни ва муайян ижодкор индивидуаллиги билан чекламай, адабий давр услуби, адабий йўналиш услуби каби нисбатан кенгроқ доирада кузатсак, унинг адабий жараён билан чамбарчас боғлиқлиги ойдинлашади. Зотан, услуб ёзувчини воқеликни яхлит бутунлик сифатида идрок этиш, ҳаёт материалини бадиий системага: "диспозицияни композицияга" (Д.Қуронов) айлантиришга йўналтиради. Уни адабий-бадиий анъана билан боғлабгина қолмай, бадииятни янада ривожлантиришга йўналтиради. Шубҳасиз, бу жараёнда ҳар бир ёзувчи жамият тараққиётининг айни босқичидаги бадиий-эстетик талаб-эҳтиёжлари, роман мўлжалланган аудиториянинг поэтик тафаккур даражаси, эстетик дидини инобатга олиб услубий янгиланишларни амалга оширади.

Демак, услуб ёзувчининг диспозицияни композицияга айлантириш принциплари ва бадиий асарнинг кейинги ҳаёти билан узвий боғлиқ ҳодиса экан. Шуларни назарда тутиб, биз мазкур фаслда "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти" номли роман-эсседа[1] Нодир Норматовнинг бадиий воқеликни яратиш тамойиллари, шакл унсурларини яхлитликка бириктириш, ҳар бир унсурнинг бадиий бутунлик таркибидаги моҳияти ва функциясини белгилаш поэтик йўсинларини тадқиқ этишга уриндик.

Адиб ижод жараёнида роман-эссенинг объекти – мусаввир Рўзи Чориев билан ҳамкорликда кўплаб ижодий сафарларда бирга бўлган кезларида ундан эшитганлари ва руҳан туйган

---

[1] Норматов Н. Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти. – Т.: Санъат, 2008. – Б.364.

таассуротларига таяниб иш кўрган. Асарда муаллиф ўзи бевосита гувоҳи бўлган воқеалар тафсилотини акс эттирган. Рассомнинг айрим асарлари яратилиш тарихини баён қилган. Шунингдек, Р.Чориев архивидан топилган кўплаб қўлёзмалар, ёзишмалар, эсдалик ва мактублар, турли даврларда дўстлари билан тушилган суратлар, мусаввир чизган картиналарнинг фотонусхаларини синчковлик билан ўрганган, шарҳлаган. Уларнинг айрим эътиборга молик ва ибратли намуналарини рассом ижоди мухлислари ва тасвирий санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этган. Шунинг учун романда реалистик тамойиллар ёрқин намоён бўлган.

Мазкур роман хусусида адабиётшунос, санъатшунос ва журналистлар муайян фикрлар билдиришган. Жумладан, Феруза Ҳажиеванинг "Романда Рўзи Чориев биографиясининг ифодаланиши"[1] номли мақоласида роман архитектоник жиҳатдан уч қисмга ажратилгани, ҳар бир қисмда ўзига хос баён тарзи ва бадиий ифода усули (реалистик баён, модернистик усул, адабий монтаж шакли; Изоҳ бизники, – Исломжон Ёқубов) танлангани ҳамда рассом бадиий биографияси ноанъанавий усулда яратилганига эътибор қаратилган. Олима "Биографик роман жанри хусусиятлари" номли монографик тадқиқотида АҚШ ёзувчиси И.Стоуннинг "Ҳаёт иштиёқи", "Изтироблар ва қувончлар" асарларини "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти" романи билан типологик қиёслаган[2]. Санъатшунослик фанлари доктори, проф. Акбар Ҳакимов романда ноёб рангтасвирчи ҳаёти ва ижодий фаолиятидаги дахлдор жамики кўринишлар аниқ қамраб олингани таъкидлаган.[3] Радиожурналист ва шоир Берди Раҳмат эса, асар ки-

[1] Ҳажиева Ф. Романда рассом Рўзи Чориев биографияси ифодаланиши / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Т.: San'at журнали нашриёти, 2017. – Б.190–191.

[2] Хажиева Ф.М. Биографик роман жанри хусусиятлари (Ирвинг Стоун ва ўзбек ёзувчилари асарлари мисолида). – Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2012.

[3] Ҳакимов А. Оқшом ёғдуларига йўғрилган портрет / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Т.: San'at журнали нашриёти, 2017. – Б.216.

тобхонда мусаввир мўйқаламига мансуб картиналар яратилиш жараёни, ўзига хос тарихи, дунё рангтасвир санъатидаги ўрни ҳақида катта таассурот уйғотишини қайд этган[1]. Кўринадики, Ф.Ҳажиева бу асарда мусаввир бадиий биографияси яратилган, деб ҳисблаган ва унинг жанрини “биографик роман” тарзида белгилаган. Ваҳоланки, Н.Норматов Р.Чориевнинг қандай қилиб рассом бўлганини бошидан ўтган ҳамда кўнглида кечган воқелик фонида тасвирлаган. Унинг реал воқелик билан узвий алоқада шаклланиш ва юксалиш жараёни, яъни бошидан ўтган ҳамда кўнглида кечган воқеликни ифода этган.

Адиб асар композицион тўқимасига ўзи идрок этган, эшитган ва кузатганлари, тарихий ҳужжат ва мактублар, мусаввир хотира ва хаёллари (улар Н.Норматов тасаввурида жонланади, – Исломжон Ёқубов), рассом ён дафтарларидаги санъат ва адабиётга муносабат ифодаланган назарий қарашлар, амалий тажриба натижалари, русча таржимаи ҳолидаги иқрорномалари, Р.Чориев шахси ва ижодига бағишланган шеър ҳамда мақолаларни киритган. Уларни мунаққид ва санъатшунос сифатида шарҳлаган.

Н.Норматов мусаввирнинг яқин дўсти ва юртдоши эди. У рассомлар ҳаётини профессионал даражада ўрганди. Ўз объектини орқаваротдан эмас, бевосита билгани учун, китобхонни мусаввир ижодининг нозик сирларидан воқиф этди. Ҳикоя, қисса ва романлар битиш жараёнида тўплаган ижодий тажриба Н.Норматов шахсияти ва истеъдод йўсинида роман-эссе яратишга етарли иқтидор ва салоҳият жамулжам эканини кўрсатди. Мусаввир ҳаёт ва ижод йўли ёрқин ранг ва гўзал дамларга бой, ажойиб муваффақиятларга йўғрилган. Айни пайтда, унинг ҳаётий ва ижодий қисмати кескин драматик тус олган воқеалар шўролар даври мураккаб муҳити исканжасида кечди. Ушбу китоб ўқувчига берган эстетик завқ ва экспрессив таъсир Р.Чориев ҳаётлик кезларидаёқ ижодкорликнинг миллий тимсолига айланганига ишонтиради. Чунки, Н.Норматов рассомни мантиқий теран ва юксак

[1] Берди Раҳмат. Ўша жойида. – Б.283.

фикрлари, мураккаб дунёқараши, атроф-муҳит муаммоларию дард-қувончларини нозик ҳис қилувчи санъаткор экани жиҳатидан нозик поэтик идрок этган. Биз бу дардли қисмат эгасини қувноқ ва оқил, саховатли ва олийжаноб инсон сифатида тасаввур этамиз. Унинг нозик туйғулари, беқиёс истеъдоди, ижодга бўлган садоқати ва афсонавий юксак муҳаббатини ҳис қиламиз. Демак, адиб фикран англаган ва руҳан туйганларини ҳаётий мисоллар воситасида кўрсата олган. Рўзи Чориевнинг инсоний фазилатларини аниқ ва ибратли мисолларда ифода этган. Муҳими, асарда ҳар қандай гениал ижодкор сингари Р.Чориев қисмати ҳам одатланилган жўн қолипларга сиғмас феъл-атвори, мусаввир сифатида шаклланиш тарихидан тортиб, мураккаб ҳаёт йўлида содир бўлган ғоят чигал воқеа-ҳодисаларга хос кескин драматизм билан узвий тарзда туташтирилган.

Ёзувчи роман-эссе учун мулоқот шаклини танлайди ва мазмунни шундан келтириб чиқаради. Қизиғи шундаки, бу суҳбат-мулоқот адабий-бадиий матн ботинига латиф бир зийраклик билан гизланган. Шу боисдан, у бирданига кўзга ташланмайди. Аммо биз уни ривоя ва тавсиф асносида, мутафаккирона мунозара, муҳокама-мулоҳаза онларида аниқ илғай оламиз. Роман-эсседа Н.Норматов бадиий миллий санъатимизни адабий-танқидий нигоҳ орқали эстетик талқин этишга интилган. Зотан, китоб бағрига жо бўлган ғоятда нозик ва теран фикрлар бизни, *биринчидан,* яқин ўтмишдан маданий-тарихий хулосалар чиқаришга, *иккинчидан*, бутун умрини миллий санъат ривожига бахшида этган бир инсон тақдирини эстетик қадриятлар негизида баҳолашга, *учинчидан,* маънавий меросни синчковлик билан кузатишга ўргатади.

Дарҳақиқат, асл санъат дурдоналари бизни миллий санъатимиз олтин фонди захирасига қайта-қайта мурожаат қилиш, уларда замондошларимиз қалб кўри, ҳамиша уйғоқ кўнгил манзаралари акс этганини илғашга даъват этади. Бу борада Н.Норматов услубига хос вазмин донишмандлик, холислик, ҳаққоният ва самимият мусаввир Р.Чориев тақди-

рига алоҳида эътибор қаратишга чақиради. Китобхонни мулоқотга чорлайди, қизиқиш уйғотади. Унда яратувчанликка ҳавас, ижодга бахшида умр соҳиби маънавий-руҳий ҳофизаси қошида ҳайрат, афсонавий муҳаббатига хос юксак манзиллар соғинчини уйғотади. Чунки, асарда рассомнинг руҳий ҳолати, ички кечинмалари теран бадиий ифодасини топган. Адиб қаҳрамоннинг болалик хотиралари, она юрт соғинчини тасвирлаш эпизодларида психологик воситалардан баракали фойдаланган.

Дарҳақиқат, саккиз ойлик пайтида онасидан, кўп ўтмай отасидан ҳам ажралган сағир чақалоқ Рўзи тақдири бизни ўтган асрнинг санитария-маиший аҳволи, тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ночор бўлган кунлари сари етаклайди. Роман-эсседа рассом ён дафтаридан олинган шундай парча келтирилади: *“Онамни эслай олмайман. У киши мен саккиз ойлик чақалоқ эканлигимда терламага йўлиқиб, оламдан ўтган. Кўп ўтмай, отам ҳам... Буни менга тўқсон ёшга кириб вафот қилган холам айтиб берган эди. Мен туғилган йилларда замон нотинч, очарчилик бўлган экан”*[1].

Терламадан эти увишиб, иситмалаб ётган, боши ва мушакларидаги қаттиқ оғриқ изтиробидан юзлари кепчиб, кўзлари қизарган, дармони қуриган онаизор алаҳлашлари, етим қолиши эҳтимоли тобора кучайиб бораётган жигаргўшаси тақдирини ўйлаб безовтаҳол инграшлари кўз олдимизда жонланади. Шошма-шошарлик билан амалга оширилган ёппасига коллективлаштириш, оммавий қатағон қилиш сиёсатининг нохуш оқибатлари, хатолик ва адолатсизликлар қурбони бўлган бегуноҳ болалар тақдири ҳақидаги маҳзун ўйлар фикримизни чулғайди, руҳиятимизни асир этади. Танишганимиздай, Р.Чориев ҳам замона зайли туфайли кўчада қолган минглаб етимлардан бири, машъум қисматнинг бегуноҳ қурбони экан.

Нодир Норматов бизни Пана қишлоғидаги зоҳиран кўримсизгина ҳовуз бўйида ўсган чилонжийдалар, ёбон кенгликла-

---

[1] Норматов Н. Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти. – Т.: Санъат, 2008. – Б.5.

рига ёйилган пода, чиллак ўйнаётган болалар, жамалаксоч қизлар сирли гурунглари сари эргаштириб кетади. Сўнгра нигоҳлари олис уфқларга боққан, кўнгли юксакликлар сари талпиниб, поэтик тасаввурлари таваллуд топа бошлаган масъум болакай билан таништиради: *“У эсини таниганидан буён уфқни севар, талпинар, унда қалбини қувончларга тўлдирадиган аллақандай нарсалар борлигини тасаввур қиларди. Наинки уфқни, Рўзи қишлоғини ҳам яхши кўради. Айниқса, унинг атрофидаги баҳайбат тоғларни берилиб томоша қилар эди. Тоғнинг сўнмас чиройи, юксакларга чорловчи чўққилари уни ҳамиша мафтун этар, ҳар сафар боққанида кучга тўлиб-тошар эди. Қуёшнинг кечки қизғиш шуълалари тепаликлар қўлтиғида ўсган тераклар устидан қалтираб-қалтираб кетяпти. Теракзор тагида жилғалар ҳам уйғонган. Каккликлар, баҳор оқшомини кутган қурбақалар атрофни сирли бир овозга тўлдириб турибди”*[1].

Биз асар ифода гўзаллиги ва эпик баёнчи самимиятига эргашиб, тоғлар ҳайбатига хос сўнмас чирой, чўққилар юксаклигига монанд мафтункор манзаралар, тепаликлар қўлтиғида ўсган тераклар учида қалтираб-титраб сўнаётган қуёшнинг кечки қизғиш нурлари, шалдираб оқаётган тиниқ сойлар, какликлар чуғурию қурбақалар мажлисига ошно бўламиз. Сирли-сеҳрли овозларга тўла муаззам борлиқ билан юзлашамиз. Зотан, муаллиф сўз билан муҳташам манзаралар чизади. Тасвирни ўқиган китобхоннинг ўша қишлоққа меҳри товланибгина қолмай, дилини йироқ-йироқлардаги алланечук номаълум хилқатлар чорлаётганини ҳам ҳис этади. Бинобарин, Н.Норматов бу қутлуғ мавзуга бежиз қўл урмаган. Адиб тийнатида рассомона тахайюл, ингичка кузатувчанлик, киндик қони томган юртнинг мўъжаз бўлаги ва саховатли, танти, салоҳиятли одамлари тақдирига бўлган мислсиз меҳр-муҳаббат мужассам. Биринчи галда, ана шу омиллар унга қалам тутқазган.

Рўзи Чорининг олис тоғ ортида Бойсун, Шеробод, Қумқўрғон, Термиз ва бошқа болалар уйларида кечган машаққат-

---

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.5.

ли ҳаёти изсиз кетмади. У Зараутсой ва Кўҳитанг ғорларидаги расмларни кўрди. Бўёқ ҳидини ёқтириб қолди. Машаққатли йиллар шамоли кўнглига ёмғир ва ер ҳидларини нақшлади. Қизил ранг шафақ эса, хаёлини асир этди. Оқшом чоғи хиёбонда кезаркан, гулзорлар минг хил жилода товланувчи ранглар бўлиб қалбига инди. Мўъжаз альбомида Сурхон бўйлари, бозор расталари, шошқин ариқ ва каналлар, зоҳиран қовжироқ кўринган, аммо бағрида сариқ, қирмизи, қаҳрабо ва яна аллақанча тусларни яширган барги хазонлар акс эта бошлади. Кўҳна ва қадимий Шош билан илк танишув уни гўё афсонавий боғзорлар диёрига етаклагандай бўлди. Агар, унинг В.Винокуров билан Тошкент сафарида бўлиш онлари тасвирига диққат қилинса, инсоний меҳрга муҳтож болакай шуурида одаму оламга шафқат назари билан қараш туйғуси теранлашиб бораётгани англашилади.

Рўзи Чори ниҳоятда кузатувчан ва синчков эди. Тотли овқатлардан қорни тузукроқ тўймаган бу болакай ёмғирдан сўнг тушган туманда вагон деразаси кўкимтир ранги янада қуюқлашгани ҳақида хаёл суришини тасаввур этинг. Майин шабадага кўкрак тутиб, Сурхон бўйларида ёқилган гулханда чирсиллаётган юлғун илдизларига термулиш, тун бағрида сувда чайқалаётган юлдузларга шайдолик, олис-олисларда милтиллаётган чироқларга назар ташлаб, қамишзордан эшитилаётган шақилдоғу қурбақаларнинг тун бағрини сеҳрга буркаган нағмаларига жон қулоғини тутиш. Умрида ҳеч кўрмаган Эрмитажни тушларида соғиниш... Ҳеч шубҳасиз, буларнинг бари кўнгилда туғилиб, маънан улғайиб бораётган рассомликнинг ёрқин белгилари эди.

Унинг илк ижодий қадамлари камар тепасида – қоядаги қадимий суратлар ва ов манзараларини қоғозга муҳрлаш тарзида туғилди. Рўзи Чори юртни яхши ўрганмасдан, унинг чиройига мафтун бўлмасдан, чинакам рассом бўлиш маҳоллигидан ибратли сабоқ берган Парфенов каби улуғ устозларига бўлган меҳрини бир умр опичлаб юрганига заррача шубҳа йўқ. Роман-эссенинг уруш даври болаларининг ҳаёти битилган саҳифаларини маҳзун кайфиятга берилмай ўқиш

маҳол. Жумладан, беҳад очиққан етим болакай ноиложлик сабаб дўкондан нон ўғирлашга мажбур бўлгани ва ундан бир бурда ҳам еёлмай, қайтиб келиб, айбига иқрор бўлгани манзараси тасвирида бўлажак улуғ рассом тийнати акс этади:

*"Хола, нонингизни ўғирлаган эдим. Аммо еганим йўқ. Мана, олинг"*, – деди у сотувчи аёлга. Сўнгра ҳолсизгина нонни пештахта устига қўйди. Бу гаплардан аёлнинг кўзларига ёш қалқди. Унинг етимлигини билди, шекилли, дарҳол бир бурда нон узатди: *"Уруш қурсин, уруш", –* деди маҳзунлик билан"[1].

Дарҳақиқат, иккинчи жаҳон уруши йилларида бир бурда нон илинжида ҳаётнинг не-не кўчаларида сарсон-саргардон кезган болаларнинг барчаси ҳам кейинчалик ўз салоҳиятини тўла намоён эта олдимикин? Уларнинг руҳияти синмагани, истеъдоди заҳа емаганига ким кафолат бера олади? Бундай сатрларни ўқиган кезда, новвой холага қўшилиб: *"Уруш қурсин, уруш. Тинчликнинг қадрига етмоқ керак"*, – дегиси келади одамнинг. Кимсасиз одамнинг имконсизликда имкон топа олгани бизни инсон бардоши, қаноати ва сабри; қатъияти ва қадри ҳақида ўйлашга ундайди.

Излаган имкон топади. Фақат одам боласи ўз юртининг мусаффо ҳавоси, бесарҳад уфқлари, тупроқ ҳидидан узоқлашмаслиги, қилаётган амалларидан завқ туя билмоғи лозим. Хуллас, дарбадар болакайга қўшилиб, Сурхону Шерободдан бошланувчи узун сўқмоқ бизни қадимий Шош, сўнгра Санкт-Петрбург, Марокко, Жазоир, Истамбул, Қибриз, Швеция, Белгия, Сибир ва Афғонистондан Арктикагача; Олмониядан Туркиягача элтади.

Мусаввирнинг илк картиналарида манзаралар хаёл ва хотира асосидаги энтикиш билан уйғунлашиб, юрт соғинчи ва кўнгилдаги андуҳлар билан бирлашиб кетади. Шу боис, улар бир қадар дардчил кўринади. Масалан, рассом диплом иши сифатида тақдим этган "Бухоро бозорида" асарида Шарқона тўкин-сочинликни тасвирлайди. Чунки, тўкинлик болалиги етимлик, очлик, дарбадарликда кечган кишининг муқаддас орзуси эди.

---

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.8–9.

Кўринадики, ёш мусаввир импрессионист рассомлар: Ренуар, Матисс, Сезанн, Поль Гоген, Ван Гог ижодига мойиллик, улар ижодидан нусха кўчиришдан секин-аста ўз қалбининг сувратини чизиш, инсоний туғёнларини намоён этишга ўта бошлаган. Ҳаётга яқинлашиш рассомни афсонавий сюжетлар ва қадимги аждодларимиз урф-одатлари асосида Афросиёб, Панжикент, Варахша, Болаликтепа деворларига ишланган нодир суратлар, Камолиддин Беҳзод, Мир Саид Али миниатюраларидаги ёрқин ва илиқ ранглар ва нурлар жилваси сари етаклаган. Маданий мерослар уни мафтун этган. Шунинг учун ҳам бир ўринда: *"Уларга тиз чўкиб, сиғингинг келади"*[1], дейди рассом.

Келажакда қайси халқнинг анъаналарини давом қилдириш кераклиги билан боғлиқ руҳий изтироблар мусаввирнинг "Ўйлар" асарида акс этади. Жумладан, картинада: дастгоҳ ёнида ўйчан ўтирган ёш рассом атрофида Афоросиёб деворий суратлари, Рус иконаси, Беҳзод қилқаламига мансуб "Шайбонийхон" портрети, халқ амалий санъатидан намуналар очиб қўйилган. Суратни томоша қилар эканмиз, фикр-ўйимизда: буларнинг қайси бири мусаввир қалбига яқин, деган савол чарх уради.

Ўзи таҳсил олган Европа мактаби ифода усулларидан бирданига воз кечиб, миллий анъаналар томон юз буриш Р.Чориев учун осон кечмаган. Бизнингча, характерга миллий руҳ бағишлаб турувчи жиҳатлар: қадрдон юртнинг маданий-маънавий қадриятларини улуғлаш, ўзи туғилиб вояга етган диёрни ардоқлаш, унинг табиати, дарёлари, кўллари, тоғлари, мусаффо осмони билан фахрланиш ва қадрдон дўстлар соғинчидир.

"Марсия" картинасининг "Кузатиш" номли бир қисми композициясида сафарга жўнаётган йигитни кузатаётган қиз тасвирланган. У қўлларидаги нон тугилган тугунчакни ийманиш билан йигитга узатиб турибди. Йигит эса таъзимда. Картинада тасвирланган қиз (Раиса) портрети пластик ечимида бу образнинг ҳолат ва кайфияти ёрқин қиёфалашган.

---

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.15.

Зотан, унда мусаввирнинг бир бурда нонга зор бўлган очлик кунлари билан боғлиқ аянчли хотиралар миллий руҳ билан уйғунлашган.

Кўринадики, рассом қалбида она юртга муҳаббат уйғониб, муқаддас заминимизни ижодий қайта кашф этишга интилиш ортган. Янада аниқроқ айтганда, мусаввир қаерда бўлмасин, Пошхурд ҳамиша у билан бирга бўлган, у хаёлан шу заминда яшаган. “Чўпон бола”, “Бу – менинг уйим”, “Дашт навоси”, “Пошхурд. Ёмғир олдидан” каби ўнлаб асарларнинг болалик таассуротлари ва азиз хотиралар асосида чизилгани фикримизни тасдиқлайди. Жумладан, “Чўпон бола” асарида тепалик устида ўтириб, най чалаётган ўсмир тасвирланган. Унинг эгнида ўтган асрнинг эллигинчи йилларига хос либос – ёқасиз оқ яктак, бошида тўлдирма дўппи. Сал нарида майин қизғиш-кўкиш рангларда қишлоқ манзараси ифода этилган.

“Пошхурд. Ёмғир олдидан” картинаси мусаввирнинг ўз туғилиб ўсган кулбаси пойида ота-она соғинчидан ўртанган кездаги руҳий туғёнлари билан яратилган. Қисмат киндик қони томган қишлоғидан узоқларга олиб кетган мусаввир армонлари сўлим боғ устидан олис манзилларни кўзлаб учаётган турналар билан уйғунлашган. “Ўтлоқда оқшом” картинасида ўзбек аёлининг (марҳум умр йўлдошининг азиз хотирасини ардоқлаб яшаётган Бибигул, – Исломжон Ёқубов) эрини садоқат билан кутиши тасвирланган. Бизнингча, шарҳланган картиналарда ранг ва оҳанглар уйғунлигини таъминлаган бош омил – бу миллий заминга маънавий яқинлик туйғусидир.

Дарҳақиқат, юқоридаги асарларда қадрдон юрт одамлари ва уларнинг дилидаги ардоқли туйғулар ифода этилган. Мусаввир дарёю тоғлар, дараю адирлар, гулу чечаклар сеҳрига бўлган меҳридан туғилган ҳайратини яширолмай: *“Қандай чиройли”, “Қандай улуғвор”,* деб завқланиши ишонарли тасвирланган. Шу зоҳирий завқ орқали болалиги ўғирланган, отасининг қабри топилмаган, яратган санъат дурдоналарини ҳамқишлоқлари тушунмаган маҳзун ҳолатлардан дилида туғилган ўйчан кайфиятни қувиш, ижодга яна рағбат туюшга

уринган. Дарҳақиқат, *чин санъат асари ҳамиша ҳам, ҳаммага бирдай тушунарли бўлавермайди.*

Албатта, *роман-эсседа тасвирланган Рўзи Чориев – реал асоси, ўз прототипига эга бўлган характер. Айни пайтда, бу бадиий характер ўз даври ва муҳити кишиларига хос энг муҳим, умумий хусусиятлар ҳамда мутлақо индивидуал ижтимоий-психологик фазилатлари: табиий ҳис-туйғулари, ҳис-ҳаяжони ва кайфият-ҳоллари, тасаввур ва тахайюл дунёсини мужассам этган инсон образи сифатида ҳам намоён бўлади.* Буларнинг барчаси Н.Норматов поэтик образ моҳиятини ҳиссий идрок этгани, ғоявий-ҳиссий жиҳатдан ишонарли баҳолаганидан дарак беради.

1931–2004 йиллар оралиғида кечувчи ушбу бадиий саёҳат бизни оддийликдан бошланувчи улуғворлик, улуғворликдан куч олувчи абадиятнинг ёрқин ва нурафшон йўллари, муаззам кенгликлари сари элтади. Шунда биз баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз баҳри муҳит, мавж урган мовий денгиз, тубсиз осмон улуғворлиги инсон нигоҳларига жойлашиши, қалб кенглиги, юксаклиги, малоҳат-маҳобати барчасидан улуғроқ эканлигини англаб етамиз. Нодир Норматов руҳиятига тўрт йил давомида тинчлик бермай, роман-эссега кўчган соҳир туйғулар инсон бардоши ва талантига қўйилган муҳташам ҳайкал эканини англаймиз.

Роман-эссенинг “Этюд”, “Картина”, “Инсоннинг иккинчи умри”, “Пейзаж” каби фаслларида санъатнинг айрим жанрлари ҳақидаги ибратли амалий тажрибалар, айтиш мумкинки, илмий-назарий қарашлар жамланган. Жумладан, “Этюд” фаслида мусаввир ён дафтаридан келтирилган битикда санъат асарида кашфиётнинг юзага келишини икки босқичли жараён экани таъкидланган: *“Кашфиёт ҳеч қачон бирдан қилинмайди. Менимча, у аввалига кичик, кейин катта-катта сифат ўзгаришларидан ташкил топади. Гап фақат шакл жиҳатдан янгилик киритишда эмас, фикрлаш тарзи ҳам муҳим”*[1].

*Мусаввирнинг фикрича, чинакам кашфиёт яратиш учун*

---

[1] Норматов Н. Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти. Роман-эссе. – Т.: Санъат, 2008. – Б.33.

*биринчи навбатда, ёрқин истеъдод лозим. Чунки катта истеъдод соҳиблари муттасил ўзгаришлар оғушидаги инсон, санъат, адабиёт, маданият, кенг маънода, борлиқда содир бўлаётган янгиликларни нозик ҳиссий идрок эта олишади. Улар кўнгил талпинишларига эргашиб, дил амри билан кашф этган янгилик ижтимоий муҳитда амал қилаётган эстетик қарашлардан ўзиш бўлиб, ўз даври томонидан ҳам эътироф этилса, катта кашфиёт юзага чиқади.*

*Адиб Р.Чориев ижоднинг асл моҳиятини қуйидаги жиҳатларда кўрган:*

*а) истеъдоднинг интеллектуал даражаси ва янгилик ярата олиш қудрати;*

*б) ижодкор ички ҳиссиёти ва ҳаёт кенгликлари уйғунлигида юзага чиқувчи фалсафий фикр;*

*в) поэтик ифоданинг гўзал, оҳорли, нафис ва самимий изҳорига имкон берувчи шакл.*

*Жумладан, мусаввир этюд ҳақида: "Этюд – бўлажак асарнинг, картинанинг қалби, юраги. Унда рангларни аниқлаш, композицияни топиш, олис-яқинларни тўғри танлай билишдан ташқари, инсон қалби ва табиат ўртасидаги уйғунлик акс этиши керак"[1], деб ёзади.*

*Шеробод манзараларини йиллар давомида мунтазам кузатиш ва ҳар гал бошқача ранг ва жилоларни илғаш рассомнинг севимли машғулоти эди. Жумладан, у Чаманкўл атрофидаги дилтортар манзаралар: тоғлар этагида ястаниб ётган кўм-кўк адирлар, сайлгоҳда кураш тушаётган полвонлар, авж пардаларида янграётган миллий қўшиқлар оҳанги ва чодир атрофида чордона қурган одамлар ҳолатини кўрганида, чексиз ҳайрат уммонига шўнғийди ва ўн саккиз йилдан буён ишлаётган картинаси учун композицион ечим топади.*

*Кўринадики, этюд шунчаки чизилмайди ва унда табиатдан жўн нусха кўчирилмайди. Балки, рассом қалбини ҳаяжонга солган табиат лавҳаларидаги ёруғлик ва соя нисбатлари аниқланиб, қайта ишланади. Шу боис унда гоҳ ҳайрат, гоҳ маъюслик, гоҳ шодлик, гоҳ маҳзун ҳислар, аксарият ҳолларда эса,*

---

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.34.

*қоришиқ туйғулар аксланади. Демак, бемалол айтиш мумкинки, этюд ўз ижодкори қалбидаги ҳолат ва туйғуларни ифода этади. Ҳар бир чизги ва ранг ботинига гизланган мусаввир ижодий кредосини баланд дидли томошабингина кўради, уни тушунади. Бу фикрни роман-эссенинг "Картина" фаслида мусаввир ён дафтаридан келтирилган қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди: "Картина, менимча, бу – симфония... Картинада образлар, ранглар, ёруғлик ва соялар ҳар хил, уларни бирор ғоя ушлаб туради. Бу эса рассомнинг мақсадида акс этади"[1].*

Картинадаги барча образлар, ранглар, ёруғлик ва соялар жилоси мусаввир кўзлаган мақсадни рўёбга чиқаришга бўйсундирилади. Яъни макон, жой, кенглик, ҳаво, манзара ва одамлар тасвири муайян адабий сюжетнинг иллюстратив баёнига хизмат қилиши у қадар муҳим эмас. Чунки, *ҳақиқий рангтасвир асарининг қиммати ғояни очиқ баён қилишдан кўра, уни шартли тилда ифодалаш, ижодий ниятни туйғулар ҳарорати билан чизиш маҳорати билан ўлчанади.* Англашиладики, санъат турлари, воқелик ҳамда халқ ҳаётидан хабардор томошабин муайян картинанинг маркази ва унда тасвирланган инсон қиёфасини бехато аниқлай олади. Агар ранглар мусиқасига хос нафис уйғунликни ҳис қила олса, мусаввир эстетик оламига ҳам чуқурроқ кириб боради.

Масалан, Р.Чориевнинг "Қумқўрғон олмалари" картинаси марказида энди пишай деб қолган олмани ушлаган қизил кўйлакли қиз образи туради. У бир қарашдаёқ ярқ этиб кўзга ташланадиган ёрқин рангларда чизилган. Бу образ картинадаги барча нарса: табиат манзараси ва катта-кичик деталлар ҳамда бошқа персонажларни узвий боғлаб турибди. Бинобарин, қизил кўйлакли қиз мазкур картинани ҳис этиш ва тушунишга калит беради. Чиндан ҳам, суратда ғарқ пишиб ётган олма дарахтлари теграсида ярим доира шаклида тизилган ўсмир қизлар тасвирланган. Дарахт мевалари қизил, сариқ нафармон пишганидек, қизларнинг ёши, бўй-бастида ҳам сезилар-сезилмас фарқлар кузатилади. Марказий образ тенгқурларидан ёш ва балоғатга етишига бир баҳя қолган

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.37.

қиз экани орқали рассом табиат ва инсон ўртасидаги уйғун гўзалликка ишора қилган. Яхлит картина эса, томошабинга “Наманганнинг олмаси” деган машҳур қўшиқнинг оҳангларини эслатади.

Роман-эссе муаллифи мусаввир билан мулоқот жараёнида Р.Чориевга она заминнинг олма аталмиш неъмати ҳамда инсон тасвири орқали Одам Ато болалари ва дарахтлар ўртасидаги муштаракликни ифода этганини эътироф қилдиришга эришади. Натижада, роман-эссе композицияси Н.Норматов эстетик талқинлари билан бир қаторда, рассомнинг санъат асари яратиш тажрибалари ва санъат назариясига оид иқрори, хотираю руҳий туғёнлари ҳисобига янада бойийди. Асарнинг концептуаллик даражаси ошади. Мулоқот жараёнида тасаввурдаги ўқувчи ҳам кўзда тутилади. Р.Чориевнинг шахс сифатида шаклланиш йўли ва санъаткор сифатидаги “мен”ини инкишоф этаётган ёзувчи нуқтаи назари биринчи планга чиқиб, бош қаҳрамон даражасига юксала борган.

Н.Норматовнинг табиатига хос камсуқумлик, кузатувчанлик, гўзал манзара, тарихий обидалар, бетакрор ҳолатларни тарихга муҳрлашга ишқибозлик каби истеъдод йўналишини белгиловчи фазилатлар асарнинг роман-эссе шаклига мос тушган. Р.Чориев шахсияти ва уни қуршаган ижтимоий муҳитни яқиндан билган адиб асарда ўз бисотини тўла намоён эта олган. У хронологик изчилликка риоя қилмай, асар сюжетини концентрик ва ретроспектив асосга қурган. Ижодий нияти ифодасига хизмат қилувчи барча воқеа ва ҳаракатларни Р.Чориев образи орқали ягона ўзакка бирлаштирган. Ўтмиш воқелигини эслаган ва ўрни билан уларни эстетик таҳлил ва талқин қилган. Айрим давралар, гап-гаштакларда туғилган фикр-мулоҳазаларини ҳам ҳаққоний ифода этган.

Санъаткор у ёхуд бу асарида ўз ижодий ниятини муайян чизгилар орқали ифода этади. Шу боис, томошабин бирор ишоравий чизгини эътиборсиз қолдирмаслиги керак. Роман-эсседа айни шу масалани ойдинлаштириш мақсадида Р.Чориевнинг “Биринчи кўнгиллилар” деб аталувчи асари хусусида сўз боради. Суҳбат-мулоқот шу тарзда кечадики,

натижада мусаввирнинг ўзи реал ҳаётда шу тахлитда учрамайдиган, аммо рассом бадиий нияти ва эстетик мақсадини англатишда муҳим аҳамият касб этадиган шакл, ранг, чизги каби шартли воситалардан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида ҳикоя қилади:

*“Одатдагидек, бу асарда ҳам марказий образни излайлик. Асар маркази деганда, матонинг қоқ маркази эмас, марказий образ жойлаштирилган жой назарда тутилади. Бу асарда марказий образ – Она образи асарнинг чап қисмида жойлаштирилган. У кўзга ярқ этиб ташланадиган ўткир рангда ишланган. Она қўлида нон ва бир сиқим тупроқни ушлаганча урушга кетаётган биринчи кўнгилли жангчиларни кузатяпти. Кўнгиллилар оқимтир, ёруғ рангларда чизилган. Бу уларнинг юзи ёруғ инсонлар эканлигига, томошабин кўнглида уларнинг руҳи сақланиб қолишига ишора. Уларни кузатаётган хотин-халаж, чолу кампир, энди ақлини таниган болакайлар қорамтир равишда шартли ишланган. Булар ғам-ғуссаларга тўлган, кўнгли вайрон бўлиб, азобларга маҳкум бўлажак одамлар образи. Асар фонида кекса улкан дарахт ҳам, ҳувиллаб қолган уйлар ҳам таҳликали ҳолда, ғамгин кўринишда ишланган. Фақат Она образи руҳан тетик, жиддий ҳолда тасвир этилган. Бу унинг – Онанинг руҳига, абадийлигига ишора. Асарда лойсувоқли том тепасида воқеани тўла англаб етишга ҳали ақли етмайдиган икки гўдак беташвиш, бепарво ўтирганини кўрамиз.*

*Бу ерда мен рангларни шартли равишда ишлатганман. Ҳаётда, айтайлик кузатиб қолаётганлар либоси қорамтир бўлмагандир, дарахтлар букчайиб, ғамгин турмаган бўлиши мумкин. Аммо мен кўнглимдаги туйғуни, уруш йилларида, болалигимда кўрган манзараларни томошабинга етказиш учун шартли ранглар қўлладим.*

*Картина маълум масофадан туриб томоша қилинади. Чунки асардаги мазок – ранг суртмаси баъзи ерда қуюқ суртилса, у маълум масофадангина ўзига хос мазмун касб этади. Буни дидли томошабиннинг ўзи пайқаб олади. Шунинг учун ҳар бир асар ўзига хос томоша қилишни, ўрганишни талаб этади”*[1].

---

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.39–40.

Демак, рангтасвир санъатида рассомнинг, бадиий ижод жараёнида эса ёзувчининг ижодий нияти воқелик билан муносабат жараёнида туғилади. Жумладан, Р.Чориевнинг юқоридаги иқрори мисолида кузатилса, мусаввир ўз бадиий нияти ва эстетик мақсадидан келиб чиқиб, яратилажак асарнинг асосий чизгиларини аниқлаб олгани аён бўлади.

Шубҳасиз, воқеликни қабул қилиш ва идрок этиш жараёнида рассомнинг эстетик идеали, дунёқараши, инсоний саъжияси, маданий-маърифий даражаси, ҳаётий ва ижодий тажрибаси, туғма истеъдод қуввати фаол иштирок этган. Онг-шуурда куртак очган ниятнинг мақсадга айланиши ва амалга кўчиши картина томошабинга қандай эстетик таъсир этишини назарда тутиш негизида содир бўлган. Рассомнинг идеалидаги мақсад асар мазмунига кучли таъсир кўрсатган. Болалик йилларида онгига муҳрланган олис хотиралар ҳануз рассом руҳини безовта қилади. Ана шу ҳолат мусаввирни ижодга ундовчи мотив вазифасини бажаради. Бадиий концепция шартланган бадиий образлар тизими воситасида амалга ошади. Ижодий ниятнинг йиллар давомида сайқалланиб бориши ҳамда амалга ошишида давр ва шароит билан бир қаторда, санъаткор фикр-ўйлари, хотира-кечинмалари, ижодий тажрибаси, эстетик баҳоси ва маҳорати катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир асар индивидуал муносабатни тақозо этади. Чунки, *биринчидан,* юқорида саналганларнинг барчаси турғун тушунчалар эмас. *Иккинчидан,* муваффақиятли битилган ҳар бир картина қаҳрамонлари худди романлардаги каби жонли одамлардир. Биз уларни кўнгил истаклари, орзу-ниятлари, изтироб-армонлари билан ҳиссий идрок этамиз. Поэтик ифода бизнинг руҳиятимиз ва шууримизга эстетик таъсир қилади, хотирамизга муҳрланиб қолади. “Биринчи кўнгиллилар” картинасининг марказий образи бўлган Она тимсоли қўлидаги нон ва бир сиқим тупроқ рамзлари айни шу картина доирасида улкан ишоравий мазмун ташийди. Улар она қалбида яширин истак ва ният: кўнгилли аскарларнинг ризқу насибаси шу отамакон заминдан узилмаслиги, қадами қадрдон тупроқдан буткул йироқлашмаслиги, юртга бўлган меҳр-муҳа-

ббати зинҳор сўнмаслигига ишора қилади. Она образидаги руҳий тетиклик ва жиддиятда ҳам улкан мазмун мужассам. Зотан, унинг кўнглига инган меҳр ва умид ҳам нон ва тупроқдан қувват олиб, қудрат касб этади. Она ногаҳоний тарзда онгига бостириб киришга интилаётган ғам-ғуссаларни сиртига чиқармайди. У эҳтимолликдан ҳақиқатга айланиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳамда изтиробларни енгишга ўзида қурб топа олади. Демак, Она характери ўз фикр тарзи, мағрур қиёфаси билан миллий ва ментал хусусиятлар ташийди. Бу образ тийнатида аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган ҳаётбахш анъаналар, миллий турмуш тарзи ва маданиятимизга хос умуминсоний белгилар уйғунлашган. Шунинг учун, унинг руҳи улуғворлик касб этади. Миллийликдан ҳам юксалиб, умуминсоний характердаги тип даражасига кўтарилади ва абадиятга дахлдор бўла олади.

Н.Норматов рамзлар маъносини рассомнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси контекстида англашга интилган. Зотан, бу рамзлар маъноси иккинчи жаҳон уруши таъмини тотган мусаввир Р.Чориевнинг умрбаёни, орзу-интилишлари, изтироб-армонлари, айни картина чизилган пайтдаги руҳий ҳолатидан хабардор китобхон учун янада кенгаяди. Демак, ёзувчи шартли чизгиларни марказий образнинг ички ва ташқи қиёфасини уйғунлаштирувчи восита сифатида англаган. Рангтасвир орқали бир вақтнинг ўзида ҳам образга, ҳам ўзига, ҳам мусаввирнинг руҳиятига назар солишга интилган. Роман-эссе доирасида поэтик фикрлаш ракурсининг бу тарзда кенгайиши эстетик нигоҳ яхлитлигини юзага чиқарган. Н.Норматов адиб ва санъатшунос сифатида иш тутганки, у Р.Чориев картиналарининг бағридаги симфония оҳангларини кўнгил қулоғи билан тинглай олган. Мусаввир умумлашма образларида миллат қалби муҳрлангани, асарда аниқлик, лўндалик ва ихчамлик уйғунлашганини илғашга муваффақ бўлган.

Ёзувчи оналар ва момолар характери шарҳидагина эмас, мусаввирнинг “Имом бобо”, “Сайроблик қария” портретлари изоҳида ҳам қаҳрамонлар кундалик турмуши ва ички дунёси-

даги узвийликка асосланган. Жумладан, “Имом бобо” портретида тасвирланган чол ўз ташқи қиёфаси: мағрурлиги, шиддати ва андак ўжарлиги билан қон-қонигача – бойсунлик қария. Портрет фонида тасвирланган миллий колорит: дарахт, лойсувоқ уй, қизғишранг тупроқ шу ғояни таъкидлашга хизмат қилади. “Сайроблик қария” картинаси қаҳрамони – ҳаётнинг барча машаққат ва синовларини бошидан кечирган, босиқ, зиёли инсон. Унинг кўзларида фикрий теранлик акс этган. Бинобарин, бу қария ҳам бетакрор типдир. Портретда ҳар хил фон акс этган. Бир томонда ёрқин ранглар, иккинчи томонда эса, кўкиш-кулранг бўёқлар берилиши томошабин хотирасидаги туйғуларни қўзғатиб юборади.

Демак, рассом турфа рангларни ўзаро қўшаркан, тасвир объекти ва томошабин ўртасида ассоциатив алоқадорлик юзага чиқишини кўзлаган. У турли рангларни ўзаро қаршилантириш. чоғиштириш ва қиёслаш орқали кутилмаган тарзда бирлаштирган. Ранглар ортида яширин, ўзи ҳис этган ва тасаввуридаги томошабинга англатмоқчи бўлган тушунчаларни илғаб олишга қодир, ижодий фаол субъект билан гештальтпсихологик[1] алоқага киришган. Кўринадики, *портрет яратишда ижодий ният ва эстетик мақсад аниқлиги шакл миллий колорити ва композиция тарҳини белгилаб беради*.

Ижод жараёни ва ҳаёт ҳодисаларига, шунингдек, муайян жанрга бўлган муносабат индивидуал тарзда кечади. Жумладан, Р.Чориев пейзаж – манзара жанрини нафақат макон ва жой, балки реал дунё ва ўз кўнглида жонланган таассуротлар, ярим мавҳум табиат инъикоси деб тушунади. Бундай ҳолда “макон” ва “жой” характери ҳам объектив, ҳам

[1] Илгари ассоциация (associate – бирлаштириш, қўшиш) назариясига кўра барча ҳолатларда, ҳамма нарсани ўзаро боғлаши мумкин, деб ҳисобланарди. Умумий психологиядаги замонавий талқинларга кўра, бундай қараш инкор этилиб, унинг ўрнини гештальтпсихология алоқалари эгаллади. Яъни, эндиликда билвосита тасаввур, ҳиссиёт, мақсад, аҳамият, фикр жамлиги ва ҳоказо сифатлар муайян вазият талабига кўра, объект ва субъектни ўзаро боғловчи воситалар саналиши мумкин (– Исломжон Ёқубов).

субъектив тарзда англанади. Рассом "фазо"ни тушунишда Леонардо да Винчи, Тициан, Ботичелли, де ла-Франческа, Шишкин анъаналарини ижодий ўзлаштирган. Эҳтимолки, ўзи пайқамаган ҳолда субстанционал (И.Ньютон) ва реляцион (А.Эйнштейн) концепцияларни бирлаштиришга эришган. Мусаввир борлиқни яратилмиш барча нарсалар яшайдиган жой ва ижодкор руҳий дунёсининг манзараси сифатида поэтик идрок этган.

Бизнингча, бу ҳол миллий санъатдаги борлиқ тушунчасининг кўламини янада кенгайтириши билан аҳамиятлидир. Рассом манзара чизиш асносида, ўзининг лаҳзалик таассуротлари негизида нарсаларнинг кўлами, ўзаро жойлашиш тартиби, узлукли ёки узлуксизлигини ифода этди. Шунинг учун, Р.Чориевнинг пейзаж тасвирларидаги манзара жўн безак вазифасини бажармайди. Муқаддас юрт ва унинг табиати тасвирий санъат тили билан куйланади. *"Пейзаж мен учун, биринчи галда, инсонга ҳаёт бахш этувчи она Еримиз – сайёрамизнинг қиёфасини акс эттирувчи жанр сифатида қадрли. Инсон нафақат манзаранинг гўзаллигига, энг аввало, уни ўз нозу неъмати билан таъминлайдиган она-Ерга муҳтож... Киши табиат қўйнида ўзининг куч-қувватга тўлганини, руҳан енгил тортганини сезади. Бу туйғу табиатнинг унга ажойиб туҳфасидир. Табиат шундай – у инсоннинг маънавий оламига беихтиёр кириб боради",* – дейди Р.Чориев[1].

Англашиладики, пейзажда ранг, оҳанг ва миллий колорит, ҳужжатлилик ҳамда руҳий кечинма синтезлашади – уйғунлашади. Дарҳақиқат, манзара тасвирлари ижодкорнинг табиатга бўлган муносабатига ҳиссий-эмоционал таъсири қилади. Улар шу таъсир натижаси ўлароқ юзага чиқади. Пейзаж билан шуғулланадиган мусаввир соҳир табиатнинг рангин куй-қўшиқлари, бир қарашда кўз илғамасдек туюлган, аммо катта ҳаёт нашидаси акс этган атроф-жавонибдан туганмас қудрат, илҳомлантирувчи куч-қувват олади.

Таъкидлаш ўринлики, Р.Чориев ўзининг пейзаж жанридаги асарларини Ўрол Тансиқбоев ижод намуналари билан

---

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.48.

қиёсларкан: *“Мен учун пейзаж азиз нарса бўлса-да, бу жанрда катта асарлар яратганим йўқ. Сабаби – ўзимни топганим йўқ”*[1]*, дея эътироф этади. Бу иқрор мусаввир пейзаж жанри табиатини теран ҳис қилиши, устоз Ў.Тансиқбоевнинг “Сирдарё”, “Овул”, “Ўтовда” каби картиналарида намоён бўлган юксак иқтидорини тўғри ва холис баҳолаши билан қадрли.*

*Дарҳақиқат, Ў.Тансиқбоев ўтган асрнинг 20–30-йилларида яратган асарларида табиат ҳақиқатини кўриш, ҳаёт қўшиқларини ҳис қилиш, уларни бутун маҳобати билан эпик кўламдорликда ифода этиш қобилиятини намоён этган эди. Р.Чориев санъаткор сифатида бу фазилатни ҳақли эътироф этади. Ўзига нисбатан танқидий назар билан қарай олади. Пейзаж жанрида олам манзаралари акс этиши, ўша шуъладор товланишларни мусаввир ўз қалбининг жўшқин, серзавқ ва нозик тебранишлари билан ифодалаши лозимлигини теран англаган. “Болаликдан қолган қадрдон дарахт”, “Пошхурддаги уйчам”, “Қиз боланинг туғилиши” картиналарида сезиларли муваффақиятларга ҳам эришган. Аммо, рассом ижодий меросида манзарадан кўра портрет жанри, инсон шахси ва унга хос улуғворлик тасвири етакчилик қилади.* Ёзувчи Н.Норматов тўғри илғаганидек, мусаввир асарларида монументаллик, улуғворлик сезилиб туради. Рассом маҳорати ранглар нозик жилваси, турланиб, тусланиб туриши – товланиш ва эврилишларини ҳис қилиш, уларни фикр ифодаси ва қўл ҳаракатларига кўчиришда намоён бўлган. Рассом ҳаётнинг пардозланмаган гўзаллигини бор эпик кўламдорлиги билан картинага кўчирган.

Теран фикр-ўй, хаёлий кенгликлар сарҳадидаги учқур тасаввур, кўп йиллик машаққатли изланиш ва айниқса, Рўзи Чориев кўнгил майли маҳсули бўлган: “Амирликнинг емирилиши”, “Биринчилар”, “Анор пишганда”, “Сўзана”, “Сурхондарё мусиқаси”, “Сайроблик чол” каби асарлар ўз ҳаётийлиги жиҳатидан томошабинни ҳамон ҳайратга солади. Зотан, ҳар бир асарнинг табиати турлича бўлса-да, унинг қиммати муаллиф маҳоратининг даражаси билан белгиланади. Бу фикр

[1] Норматов Н. Ўша жойда. – Б.48.

Рўзи Чориевнинг инсон ва мусаввир сифатидаги умрбаёнини давр интилишлари, мусаввирнинг хаёлот олами, фикр қамрови, бадиий ижод психологияси ва реал ҳаёт билан узвийликда идрок этиб, поэтик ифодага кўчирган Нодир Норматовга ҳам тўла дахлдордир. Биз мазкур фаслда Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги Рўзи Чориевнинг ҳаёти, ижодий тақдири ҳақидаги роман-эссега бежиз мурожаат қилмадик. Чунки юқорида билдирилган фикр-қарашлар нафақат тасвирий санъатга, балки адабиёт, хусусан, романга ҳам тўла дахлдордир. Билдирилган фикрларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

*Биринчидан,* ёзувчи мотивировкаси туфайли роман-эссенинг жанрий табиатига хос энг муҳим жиҳат юзага чиққан. Бу фазилат муҳокамага асос берувчи ўзгарувчан (пропозиционал, – Исломжон Ёқубов) ҳукмларни тимсоллар мантиғи асосида синтезлаштириб, янги поэтик ҳукм-хулосалар чиқаришдир.

Реалистик адабиётда одам ва оламни ўзига хос фалсафий қамров ва ёрқин рангларда поэтик идрок этиш, тушунтириш, тасвирланаётган воқеа-ҳодиса, персонажлар хатти-ҳаракати, ҳис-туйғу ва гап-сўзлари, улар тақдиридаги бурилишларни далиллаш “мотивировка” (*фр. motiver*) дейилади[1]. Мотивировка тасвирни ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик жиҳатдан сабаб-натижа алоқалари негизида мантиқий асослаши ва бадиий асарнинг ишончли чиқишини таъминлаши нуқтаи назаридан муҳим. Яхлит асар бутунлигида намоён бўлувчи бу эстетик ҳодисани ҳис қилиш композицион унсурлар, усул ва воситаларни ўзининг бевосита функцияси билан бирга, бадиий далиллашга хизмат қилиши жиҳатидан ҳам синчков кузатишни талаб қилади. Н.Норматов бу мушкул вазифани уддалай олган.

*Иккинчидан,* ҳаётий далилларни мантиқий таҳлил қилиш адибга Р.Чориевнинг дунёқараши шаклланиш тарихи, санъаткор шахс сифатида маънан улғайиш жараёнлари, иродасини қувватлантириш, кўнгил ҳолларига эргашиш, интеллек-

[1] Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б.181.

туал имкониятларини юксалтириш омилларини англаш ва ҳис қилиш имконини берган.

*Учинчидан,* ёзувчи поэтик тафаккури зоҳиран ўзаро алоқасиздай туюлган турфа ҳаётий ҳодиса, ички кечинма ва ҳаракатлар ўртасида муайян тадрижий изчиллик, мантиқий боғланишлар мавжудлигини нозик илғаган. Н.Норматов сезги, идрок, тасаввур ҳамда тахайюл кенгликлари тасвиридан ҳодисанинг ботиний мазмунини кузатиб, изчил фикрий умумлашмалар ҳосил қила билган.

*Тўртинчидан,* ёзувчи ҳодисадан моҳият сари интилиш асносида, эстетик тафаккурнинг рангтасвир санъати, бадиий адабиёт ва адабий танқид каби шаклларини ўзаро чамбарчас боғлаган.

*Бешинчидан,* адиб асаридаги асосий характерларни бадиий тадқиқ этиб, уларни яхлит бадиий концепция атрофига жипслаштира олгани ҳаётни кўламли ва теран бадиий идрок этиш имкониятини юзага чиқарган.

*Олтинчидан,* адиб мусаввирнинг теран кечинмаларини ўз қалби призмасидан ўтказиб тасвирлаган. Р.Чориев ишлаган асарлардаги кўп маънолилик, эмоционал тўйинганлик сабаблари рассом шахсияти ва табиатига боғлиқликда кўрсатиб берилган.

*Еттинчидан,* рассомнинг портрет яратишда турфа ранглар силсиласини аниқ эстетик мақсад йўлида ягона ипга тиза билиш концепциясини ишончли далиллай олган.

*Саккизинчидан,* Р.Чориевнинг табиат жилваларини майин латифлик-ла ифода этиш ва тимсолларни мистик йўсинда намоён этиб, унга илоҳий маъно бағишлаш қудратини кўрсата билган.

*Тўққизинчидан,* Н.Норматов ўзи учун азиз бўлган Р.Чориевнинг мураккаб ҳаёт йўли ва ижодий меросини кенг китобхонлар маънавий мулкига айлантиришга эришган.

Юқоридаги факторлар роман-эссенинг барча сатҳларида ёзувчи услубий индивидуаллиги ёрқин намоён бўлганини кўрсатади.

## IV БОБ.

# МОДЕРН РОМАНДА БАДИИЙЛИК МОДУСЛАРИ

### *4.1. Трагиклик ва сатирик модуслар – эстетик аналогия воситаси*

Канадалик олим Нортроп Фрай муаллифнинг бадиий асар қаҳрамонига муносабати, нуқтаи назарини "модус" тушунчаси остида изоҳлаб, бу атамани адабиётшуносликка тадбиқ қилган эди. Бироқ, у бадиийликнинг умумэстетик кўринишлари ва адабий жанрлар ўртасига муайян чегара қўймаган. Рус олими В.Тюпа эса, айни тушунчага муаллифнинг ғоявий-эмоционал баҳоси, деб қарайди. Ўзбек адабиётшуноси Д.Қуронов модусни ғоявий-ҳиссий муносабат ёхуд муаллиф эмоционаллигидан ташқари, қаҳрамонни типиклаштиришнинг ўзига хос кўриниши, деб изоҳлайди[1]. Бадиийликнинг рўёбга чиқиши субъект–объект–адресат бутунлигида англаниши жиҳатидан сўнгги қараш ҳақиқатга яқиндир. Зотан, муаллифнинг воқелик ва қаҳрамонга муносабати қай тарзда юзага чиқишини белгиламасдан, муайян романга хос хусусиятлар ҳақида ишончли хулоса чиқариш маҳол.

Атоқли инглиз ёзувчиси, драматург ва мунаққид Сомерсет Моэм (1874–1965) носирлар ҳақида тўхталаркан: *"Улар кўпроқ дунё моҳиятининг такомилига аҳамият беришлари даркор"[2], дея таъкидлайди. Шу маънода, адабий жараённи кузатишларимизга асосланиб, бемалол айтиш мумкинки, эндиликда ўзбек носирлари шахснинг ўз-ўзини англаши ва намоён этишини кўрсатишда киноявийлик, трагиклик, сатириклик, драматиклик модусларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.*

---

[1] Қуронов Д., Мамажонов З., Шаралиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б.57.

[2] Сомерсет Моэм. Сарҳисоб // Жаҳон адабиёти, 2017. – №6. – Б.120.

*Дарҳақиқат, глобаллашув даврининг шиддати туфайли ўзбек романи тараққиётида турфа фалсафий, адабий-эстетик қарашларнинг мураккаб синтезлашув жараёни жадаллашиб, синкретик характердаги шаклий-услубий янгиланишлар намоён бўлмоқда. Бундай ҳол ҳар бир ижодкорнинг инсоний табиати, дунёқараши, кўнгил ҳоллари, сезги, мушоҳада ва ифода тарзига мутаносиб тарзда юзага келиши масалага индивидуал ва холис ёндашувни талаб этади. Зотан, ҳар бир адибни ўз ижодий кредосига кўра таниш ва баҳолаш лозим. Бу жараёнда қуйидаги уч жиҳатни назарда тутиш муҳимдир:*

*а) ёзувчи илҳоми асл жавҳарга монандлиги;*

*б) адибнинг Ҳақ ва ҳақиқат ҳақидаги мушоҳадаси қандай қадриятларга асосланиши;*

*в) ижодкор бадиий кашфиёти нималардан иборат экани.*

*Бундай баҳолаш асносида бадиий матн меҳварига яширинган мушоҳада ва кўнгил ҳоли кашф этилади. Шу маънода, ушбу бобда Назар Эшонқулнинг "Гўрўғли"*[1] *романини миллий асослари, жаҳоний аналоглари ҳамда бадиий матн меҳварига яширилган мушоҳада ва кўнгил ҳоли ифодаси нуқтаи назаридан таҳлилга тортилди.*

*Асарнинг сюжет воқеалари бошланмасидан олдин: "...ҳаёт сувин излаб ўтди Гилгамиш"* деган эпиграф келтирилади. Роман "Гўрўғли" деб номлансаю "ҳаёт суви"ни излашда бошқа достонга ишора қилишдан қандай эстетик мақсад кўзланган, деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, юқоридаги пурҳикмат сатр мазмунида адибнинг ғоявий-эмоционал муносабати акс этган. Инсоний қадриятлар поймол этилишию алдов ва ёлғонларга ишониш кўникмага айланиб, маънавий таназзул ёқасига келиб қолган пароканда юрт – эпик маконда абадиятга дахлдор бўлиш имконсизлиги таъкидланган. Шу боис, танланган эпиграф ўз бадиий-эстетик функциясига кўра романга очқич вазифасини ўтайди. Чунки у муаллиф мақсади ҳақида муайян маълумот бериши, асар ёзилишига туртки берган фикр-қарашларни ифода этиши, Н.Эшонқулнинг ижод онларидаги туйғу-кечинмаларини ихчам ифода

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи, 2012. – №2–3.

қилиши жиҳатидан роман воқелиги ҳақида илк тасаввур уйғотади.

Тадқиқотчилар фикрича, "Гилгамиш" ва "Алпомиш" эпослари генетик жиҳатдан ягона илдизга бориб туташади.[1] Унинг тарихий аҳамияти ва бадиий қиммати ҳамиша таниқли олимлар диққат марказида бўлиб келган[2]. Яхлит эпос шакли юзага чиқишида қадимги достончилик анъаналари муҳим роль ўйнаган. Айни пайтда, достон меҳварида нафақат минг йиллик, балки милоддан аввалги юз йилликларда юртимизда кечган жараёнларнинг поэтик ифодалари ҳам мужассам. Шу маънода, Н.Эшонқул романи юзага келишига ҳам "Гилгамиш"га асос бўлган сюжет ва етакчи мотивларнинг мифологик ва тарихий-ҳаётий илдизлари муайян даражада таъсир қилган. Муаллиф достон сюжети таркибидаги турфа қарашлар ва мифологик қатламни имкон қадар кузатишга уринган. Зотан, эпосларда халқнинг ментал белгилари кўринади.

Роман "Гўрўғли" деб номланишини эшитишимиз билан шууримизда бу асарнинг мавзуси Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ халқлари орасида кенг тарқалган халқ оғзаки поэтик ижоди ёдгорлиги – қаҳрамонлик эпоси, "Гўрўғли" достонлар туркумига дахлдор эмасмикин, деган

---

[1] "Алпомиш"нинг қорақалпоқ ("Алпамис"), қозоқ ("Алпамис батир"), олтой ("Алип–Манаш") версиялари достон шаклида, татар (қозон татарларида "Алпамша") ва бошқирд ("Алпамиша ва Барсин ҳилуу") версиялари эса эртак ва ривоят шаклида бизгача етиб келган. Эпоснинг эртак ва ривоятлар шаклидаги тожик вариантлари ўтган аср бошларида ўзбек достончилиги таъсирида юзага келган. Таъкидлаш ўринлики, Ўрта аср ўғуз эпосининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланган "Қўрқут ота китоби" таркибидаги "Бамси Байрак" асари ҳам ўзининг сюжет ва композицион қурилиши жиҳатидан "Алпомиш" достонига яқин туради. – Исломжон Ёқубов

[2] Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный-героический эпос. – М., 1947; Об эпосе "Алпамыш". – Т., 1959; Жирмунский В.М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. – М., 1960; Алпамыс-батыр. – Алма-Ата, 1961; Мирзаев Т. "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари. – Т., 1968; Алпамыс. – Нукус, 1981; Хошниязов Ж. Қорақалпоқ қаҳраманлық дастаны "Алпамыс". – Нукус, 1992.

савол чарх уради. Фольклоршунос Ш.Турдимовнинг “Этнос ва эпос” номли китобида “Алпомиш” ва “Гўрўғли” достонлари асосида эпоснинг этнос тарихи билан боғлиқ маъно қатламлари атрофлича таҳлилга тортилади. Олим этос ва эпос муаммолари кўламида жамиятни олға бошловчи Алп ва унинг ҳамкорлари, шунингдек, унга қарама-қарши қутбда турувчи кучлар ҳаётини тадқиқ этади. Ш.Турдимов фикрича: *“Достон биргина Алпомиш билан мукаммал эмас. Бахши-шоирнинг тингловчи, ўқувчи-ишқибоздан баланд санъаткор эканлиги – коса давронни – “пойга, улоқ, бозор”ни бадиий мушоҳада этганлигида. Бутун достонни ўз кўнглида марказлаштириб, воқеалар мазмуни ва шаклини анъанавий юксакликда тутиб турганида. ... достон Кўкалдош, Тойчихон, Қоражон, Ултонтоз ва бошқалар ҳаётини биргаликда олиб, мушоҳада этиб қаралса, тўла-тўкис англанади”*[1]. Фольклоршунос “Алпомиш” достони мукаммаллигини уч муҳим факторга боғлаб изоҳлайди:

1. Етакчи қаҳрамонларнинг тингловчи (китобхон)лар кўнглига яқинлиги.

2. Алпомиш ва унинг дўст-рақиблари ҳаётини яхлитликда мушоҳада этиш. Яъни достондаги образлар ҳаёт йўлини синчиклаб ўрганиш, бадиий воқелик қатидаги ботиний маъно ва тимсолларни қайта жонлантириш орқали асарнинг даврлар ҳамда авлодлар фикр-мушоҳада, ҳис-туйғуларига ҳамоҳанг келувчи туб моҳиятини ойдинлаштириш.

3. Санъаткор-бахшининг ижтимоий давр воқелиги ва барча қаҳрамонлар ҳаётини тингловчилар кўнглидан ўтказиб, улар кайфиятига монанд йўсинда тасвирлаш ҳамда ижро этиш маҳорати.

Мумтоз эпосда халқ тарихи ҳамда тақдири поэтик тимсоллар воситасида ифодаланиши ҳақидаги бу назарий қарашда нафақат анъанавий эпос, балки санъат асарининг поэтик қиммати ҳам изоҳланган. Чунки, чинакам бадиий яратиқ ҳар бир авлод онгу шуурида янгиланибгина қолмай, ҳар алоҳида кўнгилда ҳам янгича мазмун касб этади.

[1] Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.4–5.

Шартли белги – поэтик тимсолларда кодланган жамиятнинг мавжуд ҳолати билан боғлиқ сирлар мағзини чақиш, тушуниш, ҳис этиш шу қадар мураккаб жараёнки, “калит”лар тизимини англамоқ, руҳан туймоқ учун китобхонда муайян малака – руҳий захира бўлмоғи лозим. Шу маънода, Ш.Турдимов илмий-назарий қарашлари қисман замонавий романларга ҳам дахлдор. Чунки халқимиз турмуш тарзи аждодларимиз тарихан тўплаган маънавий қадриятлар билан чамбарчас туташади.

Хусусан, Н.Эшонқул поэтик тафаккурини ҳам халқ турмуш тарзи, ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва тарихий хотирасидан ажратиб бўлмайди. Айни пайтда, ўша анъаналар адиб мансуб бўлган авлод томонидан қисман янгиланди, мазмунан бойиди. Табиийки, Н.Эшонқул ҳам ўз онги ва руҳига таъсир қилган омиллар таъсирида мавжуд анъанага муайян ўзгаришлар киритишга интилган. Ижтимоий давр воқелиги ҳақидаги фикр-тасаввурлари, тахайюлига таянган. Фольклор намуналари ва мумтоз адабий-тарихий манбалар билан яқиндан танишган.

Албатта, “Гўрўғли” романи қаҳрамони Н. жисмонан фавқулодда бақувват бўлмаганидек, унда донишона топқирликдан кўра, кўпроқ соддалик ва ишонувчанлик сифатлари кузатилади. Шунга қарамасдан, у ўзи тушиб қолган ижтимоий муҳит одамларидан маънавий баландлиги билан ажралиб туради. Н.Эшонқул унинг ўз “мен”ини тасдиқлатиш йўлидаги курашларини тасвирлашга эътибор қаратади. Роман воқеаларининг ҳаётда юз бериш тартиби (фабула) ва ҳикоя қилиниш, жойлаштирилиш тартиби (сюжет)ни саргузашт асосига қуради. У инсон қисматига нисбатан бефарқликни Н.дан бошқа ҳеч ким фожиа сифатида қабул қилмаслиги мисолида шўролар ҳукмронлик қилган даврда азалий қадриятлар поймол этилишини кўрсатади.

“Гўрўғли” халқ достонида ҳам, ижтимоий-маънавий таназзулни илк бор ёш Гўрўғлигина руҳан ҳис қилади. У одамлардан аразлаб, Болли кўлига чиқиб кетаркан, ич-ичида эл оқиллари Райҳон подшога қарши бирлашишини кутади. Афсуски,

Гўрўғлибек тилидан: “беномуслар”, деб баҳоланган элда бундай ҳол содир бўлмайди. Бинобарин, эпосда донишманд халқ мамлакатни ички ва ташқи душмандан халос этувчи янги авлод дарғаси, Л.Н.Гумилев таъбири билан айтганда, “пассионар шахс” – Гўрўғлини ўз қадрини билмаган авлодга қарши қўяди[1].

“Гўрўғли” романининг фабула ва сюжетида мавжуд анъанага эргашиш кузатилади. Адиб роман бош қаҳрамони Н. имони бутлиги, ҳақиқат ва адолатга интилиши, омонсиз курашга отланишида халқ поэтик даҳосидан озиқланган. Романда инсон маънавий камолотига изн бермаган жамият танқид қилинади. Н. ғайриинсоний воқелик олдида ожиз ва бетадбир қолади. Бошқачароқ айтганда, *этнос анъанавий достонлардаги каби ўз холоскорини улғайтирмайди. Машъум шароит уни “ютиб” юборади. Халқда таназзул босқичидан чиқишга интилиш йўқлиги адибни қаттиқ ташвишга солади. Бизнингча, роман шафқатсиз реализми ҳам айнан шу ўринда, яъни бегона этноснинг беҳад хавфли ва қудратли куч эканини кўрсатишда намоён бўлади.*

*Романда ўлик оламдан тирик оламнинг яралиши ҳақидаги мифологик асос жамият ҳодисасига кўчирилар экан, ўз моҳиятини тубдан ўзгартиради. Аниқроқ айтганда, қадимий миф моҳиятида кузатилган табиат ва жамият қонунларига хос уйғунлик йўқолади. Қизиғи шундаки, рамзий тимсол семантикасидаги мазкур эврилиш роман поэтик мазмунини халқ тарихий тақдиридан кескин ажратмайди. Бадиий талқин асносида, воқеликда таназзул содир бўлади. Бироқ, зоҳирий қатламда “тирилиш” кузатилмайди. Аксинча, шўро жамияти элга бек бўлиши мумкин бўлган фуқарони итоаткор қул қилиш билан чекланмай, унинг номини унуттириш даражасида тубанлашади. Бизнингча, бу ўринда “тирилиш” мотиви романдаги поэтик ҳукмнинг ишора қатламига кўчади. Зотан, бир инсон бошига тушган кулфатга бефарқ жамиятнинг таназзули янги этнос пайдо бўлиши муқаррар эканидан ҳам*

[1] Гумилёв Л.Н. Монголы и меркеты в XII в. – Учёные записки Тартусского госуниверситета. 1977. – С.82–83.

*дарак беради.* Китобхон худди “Қултегин битиги”даги каби ўз олдига: *“Қайси хоқонга меҳнатимни, кучимни сарф қиляпман?”*[1] деган ўртагувчи саволни қўяди.

Роман этносни ўз уруғини қиришга шайланган “Табғач хоқон” – тоталитар жамиятга қарши уйғониш – давлатли ва хоқонли халқ бўлиш, ўз табиатини ўзгартиришга ундайди. У лоқайдликни инсон турмуш тарзига бегона, жирканч иллат сифатида кескин қоралайди. Шу маънода, эпиграфда излан-ган ҳаёт суви ҳақидаги ҳикмат гўё мустамлакачиликка қарши кураш ва “халқ бўл!” маъносида жаранглайди. Бинобарин, *ёзувчи адабий-эстетик концепцияси ғайрат-матонатли, ватанпарвар – янги пассионар шахсларгина яратиши мумкин бўлган этник-ижтимоий биомайдон соғинчи жиҳатидан қадимий қаҳрамонлар: Қултегин, Гилгамиш, Гўрўғли, Алпомишларни ижод этган халқ поэтик тафаккури, ўй-кечинмалари, орзу-армонларига уйғун.*

*Бизнингча, мазкур роман эстетик қимматига хос миллийликни унда китобхонни мустамлакачилар осонгина бошқарадиган ва эндиликда, мутлақо эскирган оломонлик психологиясини инкор қилиш руҳи акс этганидан излаш лозим. Чунки Н.нинг ўлими рамзий маънода, таназзулга учраган эпик макон (мустамлака юрт)ни ҳам англатади. Айни пайтда, ёзувчи китобхонни бошига оғир кулфат тушган Н. (кенг маънода, инсон) тақдирига бефарқ қараш мумкин эмаслигидан огоҳ этади. Эътиборсизлик ва бефарқлик иллатлари устидан истеҳзо билан кулади. Бу билан мазлум халқни эргаштирувчи қудратли куч соҳибини соғинади. Романда халқ ҳаётининг муайян босқичига хос кайфият-ҳолат серқатлам рамзийлик асосида бадиий мушоҳада қилинган.*

Шубҳасиз, романдаги воқеликнинг мифик-фантастик ифодаси, асарда қўлланилган тимсоллар, роман услуби, фалсафий моҳияти, ғоявий мазмуни, адиб мушоҳада тарзида эпосларга руҳий яқинлик борлигини тасдиқлайди. Зотан, асар поэтик структурасида қисман асотирий талқинлар ҳам кўзга ташланишидан кўз юмиб бўлмайди. Ёзувчи одам ва жами-

[1] Қадимий ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.25.

ятни англашга интилар экан, инсон шарафланмаган, унинг шаън-шавкати эътибор топмаган ижтимоий муҳитни инкор этади. Ҳақиқат ва адолат излаб сарсон-саргардон бўлган Н. саргузаштлари, ҳаёт синовларини енгишга уриниш йўлида чеккан изтироблари мисолида ворислик тамойили унутилган, такомиллашувдан бегона жамият қонунлари устидан истеҳзоли кулади. Табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг моҳиятини кўрсатади. Бадиий реаллик реал воқеалардан зинҳор кам бўлмаган даражада поэтик вазифа бажаради.

“Гўрўғли” романи қаҳрамонлари муҳташам маҳкама бошлиғи измидаги итоаткор хизматчилар. Чунки, раҳбар ўз ходимлари билан фақат иш ҳақида гаплашади ва бир хилдаги жавоб кутади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, адиб роман қаҳрамонларига: “Н”, “раҳбар”, “ёрдамчи”, “котиба”, “хизматчи”, “ҳисобчи”, “сартарош”, “қоровул”, “жувон” “тепакал”, “новча” “семиз”, “бақалоқ” қабилида шартли исмлар танлашда Франц Кафканинг “Жараён” романига эргашган. Яъни ўз қаҳрамонларига на исм, на фамилия бермаслик ҳолати замирига улкан ижтимоий-эстетик маъно яширган. Эътибор қилинса, Ф.Кафка асарларида кўпинча “К”, Н.Эшонқул романида эса, “Н” ҳарфи бош қаҳрамон исми ўрнида келади. Ф.Кафка асарларидаги мазкур ҳолни изоҳлаган проф. Қ.Йўлдошев:

*“Адиб қаҳрамонлари сиймосида ўз туйғулари ва қисматини кўрган”[1], – деб ёзади. Н.Эшонқул эса: “Франц Кафка инсон қаршисида турган ёвузликни енгиб ўтишига ишонмайди, ўқувчини ҳам бунга ундамайди. Бунга унинг ўзи ҳам ишонмаган”[2], – дея таъкидлайди. Ҳар икки фикрдан келиб чиқадиган хулоса шуки, бош қаҳрамонларга берилган номлар муаллифлар исмининг шунчаки бош ҳарфлари эмас. Уларда адибларнинг туйғу-кечинма, эътиқод-ишончлари ҳам мужассамлашган. Қолаверса, Н.Эшонқул тўғри таъкидлаганидай: “...ўзининг мавжудлиги-*

[1] Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б.394.

[2] Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. – Т.: Академнашр, 2006. – Б.280.

*ни ифода этолмас экан, уларга турли исмларнинг не кераги бор?”*[1] Кўринадики, жамият эрк-ихтиёридан буткул маҳрум қилган кишиларда муайян қиёфа бўлмагач, шартли исмлар ўша қиёфасизликни бўрттириб кўрсатиш имконини беради. Зотан, ўз мавжудлигини ифода эта оладиган кишиларгина битта исмга сиғмайдилар.

Юқоридаги каби ишоравий-киноявий усулнинг қўлланишини Ф.Кафка ёки Н.Эшонқулга боғлаб қўйиш тўғри эмас. Чунки, Одил Ёқубовнинг “Осий банда”[2] романида ҳам қаҳрамонлар ўз мансаб-мартаба, фазилат-қусурларига кўра:*“-халқлар Отаси”, “қаттиққўл мўйлов” “катта Ота”, “сергап катта Ота”, “дудуқ пошшо”, “қаҳри қаттиқ кўзойнак”, “баджаҳл хўжайин”, “Генсек”, “кичик Ота”* сингари номланади. Шўро раҳбарларининг ишончли малайи *“Иван”*деб аталса-да, назаримизда, бу исм ҳам конкретликдан кўра умумлаштирувчи моҳият касб этади. Шунингдек, турли бўғиндаги ижрочи раҳбарлар исми, шарифини келтириш мутлақо шарт ҳисобланмайди. Улар: *“баланд-паст”, “семиз-озғин”*лигига кўра фарқланади. Баъзан *“Наби найнов”, “Парпи пакана”* қабилида ўз исмлари билан қўлланганида ҳам, уларнинг найнов ёхуд пакана эканлигига урғу берилади. О.Ёқубов танлаган ишоравий-киноявий усул эрк-ихтиёрсиз, маслак-эътиқодсиз кимсаларнинг қиёфаси бўлмайди, деган ақидага асосланади. Бинобарин, адиб қаламга олган: *“резинка қўл ҳисобча”, “ёғочоёқ раис”, “бахти қаро келинчак”, “яхши қиз”, “қўзиқорин”* каби қаҳрамонлар ҳам давр типларидир. Китобхон ташқи ва ички белгиларига қараб, уларни дарҳол танийди. Айнан ўша белги-сифатлар орқали давр фожиаларини ҳис қилади.

“Гўрўғли” романида воқеларнинг рамзий тасвирлари орқали инсоннинг нодонлик ва жаҳолат қаршисидаги фожиавий ожизлиги, имконсизлиги ифодаларида ҳам Ф.Кафка таъсири кузатилади. Н.Эшонқул нур ва зулмат, қонун ва инсон тасвирини мавҳумлик ҳолатида ифодалайди. Н. ўзи тушиб қолган мужмал ҳолатдан қутилиш иложини топол-

[1] Назар Эшонқул. Ўша жойда. – Б.20.
[2] Ёқубов Одил. Осий банда. Роман. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

майди. Маҳкамада ҳар қандай ходимга: К, Н ёхуд Т, Ў қабилида мурожаат қилиниши қандайдир чалкашиш эмас, балки инсон шахси ва унинг тақдирига бефарқлик, эътиборсизлик натижасидир. Таассуфки, раҳбарларнинг бундай муносабати туфайли юзага келган "тасодифий" чалкашиш ва адашиш Н. ҳаётини бутунлай ўзгартириб, бошқа оқимга буриб юборади. Англашиладики, биз романда Гўрўғли деб номланувчи кимсани учратмаймиз.

Бош қаҳрамон Н. ўз лавозимига кўра, шифтгача тахланган ҳужжатларни титиб ўтирувчи, у қадар жиддий эътиборда бўлмаган оддий бир ходим. Одатда, ўз ишчилари билан деярли гаплашмайдиган "Раҳбар"нинг тасодифий йўқловидан барча ходимлар типирчилаб қолишади. Кимдир Н.га ҳавас қилса, иккинчи бири ҳасад ўтида ўртанади. Зотан, "катта" ҳамиша ҳам ҳаммани, айниқса, паст лавозимдагиларни шахсан йўқлатавермайди. Ҳеч бир рисолада ёзилмаган қоидага кўра: "раҳбар" олдида ходимлар иш билан боғлиқ муаммолардан сўз очмаслиги, имкон қадар, ўзларини сипо тутиши, мақтов сўзлар қуюнини ёғдириши лозим. Жумладан, унга ходимларнинг барча ишлар режадагидай ва ҳатто яхши кетаётгани, яратилган "шароитлар"дан ғоят мамнун эканликлари хусусида сўзлашлари, мўлжалга тегувчи аниқ жавоблар айтишга юраклари бетламаслиги жуда-жуда хуш ёқади.

Идора ишчилари ўз "раҳнамо"сидан миннатдор бўлиб, ялпи эҳтиромда эканини таъкидлаб туришса, "раҳбар"нинг мавжудлиги ўз тасдиғини топади. Қолаверса, унинг назарига тушиш одамнинг, ҳали кимнингдир диққат-эътиборда эканидан нишона. Ҳали катталар ишончига кириш мумкинлиги муждаси. Бинобарин, нуфузли кишилар эътиборида бўлиш "яхши"лар сафида эканинг эътироф этилишини туйиш ва мансаб пиллапояларидан юксалмоқ умиди. Зотан, жон куйдириб астойдил тер тўксанг-у, сени ҳеч ким назарига илмаса, меҳр-оқибат кўрсатмаса, бундай эътиборсизлик кишига алам қилади.

Англашиладики, корхонадаги бўғиқ муҳит сабаб, бу масканда кечаётган кундалик ва мунтазам давом этувчи воқе-

а-ҳодиса, мулоқот-муносабатлар, аслида, ғирт майнавозчиликдир. Бироқ, аҳвол шу қадар жиддий тус олганки, қайсидир ходим бир хоналик уйда саккиз нафар оила аъзолари билан тиқилиб яшаётгани, кекса ишчига эътибор сустлигидан сўзлаши, дардини дастурхон қилиши мумкин эмас. Тарихий жараённинг объектив қонунларига зид тарзда муайян шахс ролини илоҳийлаштириш ва унга сиғиниш, "юқори"нинг иродасига сўзсиз итоат қилиш нобоп жамиятда қарор топган бошқарув усулларидан бири эди.

Албатта, калаванинг бир учи қадимги Миср фиравнлари, Хитой хонлари, Европа қироллари, Осиё амирларининг (подшоҳ, қирол, император, папа ва коҳинлар ҳокимияти) илоҳийлаштирилишига бориб туташади. Шубҳасиз, улар орасида чиндан ҳам халқ эътибор ва эъзозига муносиб улуғ шахслар анчагина эди. Бироқ, романда К.Маркс, Ф.Энгелс ва В.И.Ленин таълимоти издошларида муттасил тарзда, шахсга сиғиниш, раҳбарнинг шахсини ҳаддан ташқари улуғлаш авжига чиққанига асосий урғу қаратилган. Зотан, айни шу методология жаҳон миқёсида улкан салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Мустақиллик йилларида шахс роли ва ўрни тарихий жараён билан чамбарчас боғлиқ экани, у халқнинг ижодий фаолияти орқали намоён бўлиши теран англаб етилди. 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили", – деб номланишидаёқ бунинг ёрқин исботини кўришимиз мумкин.

Умуман, романда тасвирланган раҳбар ҳар қанча ғолибона чиранишига қарамасдан, бир айланса, ҳамма нарсани ямлаб ютишга қодир муаззам чархпалакнинг бир парраги, холос. Бироқ, бу ҳақиқатни ҳеч ким ошкор этолмайди. Маҳкамадаги барча ишлар алоҳида шахс хоҳиш-иродасига кўра белгиланади, амалга оширилади. Унинг қош-қовоғига қараб турилади. Шахс роли ва ўрни тарихий жараёндан ажратилгани боис, инсон истаклари, инон-ихтиёри – эркин ижодий фаолияти эмас, балки нечоғли итоаткор ва муте экани кўпроқ қадрланади. Инсон эркинлигига дахл қилинган ҳолларда ҳақсизлик, ҳуқуқсизлик бўй кўрсатади. Инсон таҳқирланган жойда жа-

бр-зулм жазоланмайди. Аксинча, шафқатсиз ижрочи кимсалар виждон, имон, инсоф, бурч каби муқаддас тушунчаларни аёвсиз топташади.

Кўринадики, *роман Н.Эшонқул қалбидаги шахс дахлсизлиги, қадр-қиммати, эътиқод ва виждон эркинлигига бўлган соғинч, уни рўёбга чиқаришга интилишдан туғилган. Роман инсон ҳуқуқлари топталган, шахс эркинликлари кафолатланмагани учун таназзулга учраган: зўравонлик ва ноҳақликлар авж олган жамиятга нисбатан чуқур истеҳзо билан битилган. Асар марказига виждонли, имон-эътиқодли, инсоф-диёнатли ва одамийлик бурчларини сидқидилдан бажараётган, айни пайтда, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга тўла ҳақли бўлган инсон образи қўйилган.*

Киноя, истеҳзо, кесатиқ, пичинг, қочириқ каби тушунчалар ҳар қанча пардали ифодаланса ҳам, уларда муаллифнинг қаҳрамонлар ҳаракатланувчи мажозий муҳит – кенг маънода эса, реал воқеликка бўлган ғоявий-ҳиссий муносабати (енгил, аччиқ, захарханда) кулгига асосланади. Шубҳасиз, конкрет мазмун контекстда реаллашади. Айни пайтда, асарда қаламга олинган давр ва муҳит ҳақида ҳам етарли тасаввурга эга бўлиш тақозо этилади. Романда таназзул ёқасида турган жамият зўравонлиги, инсон қадр-қимматига нисбатан бепisandлик фош этилгани учун ҳам. Н.Эшонқул “*...рутубатли, авзои бузуқ, қор учқунлаб турган об-ҳаво, тўзон остида қолган шаҳар ҳаёти – кутилмаган табиий айниш*”дан сўзлайди[1]. Ёзувчи идеал ва реал воқелик ўртасидаги кескин номувофиқликни теран англаб етади. Шу боис, роман композициясини тўлиғича киноявий, трагик ва сатирик нуқтаи назарни ифодалашга мос равишда қуради. Истеҳзонинг мақсади шу қадар жиддийки, адиб кулги ҳосил қилишдан кўра, вазият фожеийлигини таъкидлаш ва англатишни кўзлайди. Унинг мулоҳазалари гоҳ тасдиқ орқали инкорга, гоҳида эса, инкор воситасидаги тасдиқ маъносига асосланади. Объектдаги комик, трагик, сатирик зиддият юзага чиқишида муаллиф муноса-

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи, 2012. – №2. – Б.17.

бати (субъектив ибтидо) етакчилиги кузатилади. Комиклик заҳарханда (сарказм) мақомини касб этганида эса, ўз-ўзидан салбий баҳо кўчим маънолар орқали эмас, матннинг ўзидан тўғридан-тўғри англашилади. Яъни, бундай ўринларда кўчма маънолилик, пардаланганлик хусусияти емирилиб, назарда тутилган объект билан ифоданинг алоқаси бир қадар очиқ тарзда намоён бўлади. "Ниқоб"идан айрилиб қолмаслик орқали бу оламда мавжудлигини намоён этишга интилаётган аксарият қаҳрамонлар ўз индивидуал қиёфасизлигини кўрсатишади. Нафақат сиғиниш, балки жўнгина ҳурмат қилиш ва қадрлашга арзийдиган "мен"ликнинг ўзи мавжуд бўлмаган бундай типларнинг барча хатти-ҳаракати шунчаки ўйналаётган роль – фақат "ниқоб"дан иборат, холос. Уларнинг ўз ижтимоий мавқеини ушлаб туришида шу қиёфани бир маромда сақлаш жуда қўл келади. Муаллиф роман сарказм модусида сохта индивидualликни инкор қилади.

Роман вақти қамраб олган муҳитда зиғирча ҳаяжон, жаҳлга берилиш зинҳор кечирилмайди. Норозилик оҳангидан, ҳатто С. маҳкамаси деворлари ҳам зириллаб кетиши тайин. Бинобарин, Н.нинг ўз ҳамкасбига қарата айтган:

*"Исм – бу одамга ўзини ифода этиш учун берилган. Менинг исмим – бу менинг ўзим, яъни бу мен. Шундай экан, мен ҳеч қачон мени К. Ў. ёки сиз айтгандай, Т. деб чақиришларини истамайман. Мен Н.ман. Н. бўлиб қолишни истайман. Менга ҳам Н. деб мурожаат қилишларини, айни шу Н. исмим орқали мени танишларини талаб қиламан. Раҳбар ҳам мени К. деб эмас, айнан Н. деб чақиришини истайман",*[1] қабилидаги фикрига эътибор берайлик. Унда исён руҳи яққол сезилиб туради. Қаҳрамон меҳваридаги ошкора талаб-истаклар одамларга тинч шаҳарда кўтарилган тўзон янглиғ таъсир этади. Каттаконларни эса довдиратиб қўяди.

Зотан, ёзувчи назарий-поэтик қарашлари кузатилса ҳам, айнан шундай тўхтамга дуч келиш мумкин: *"Фикр – ботиний қиёфа, одамнинг, шахснинг ички қиёфасини кўрсатиб турувчи*

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи, 2012. – №2. – Б.18–19.

*кўзгу. Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди. Фикр одамнинг ўзлигини, ўзига хослигини билдириб, мавжудлигини кўрсатиб, талаб қилиб туради. Фикр, аслида, "мен мавжудман" дегани. Фикр йўқ жойда оломончилик ва жоҳиллик кўпчийди. Менинг фикрим – бу менинг қиёфам".* Англашиладики, роман қаҳрамони муаллиф эстетик концепциясига мувофиқ ўйлайди ва сўзлайди.

Н. – ўз ишига масъулиятли шахс. Ёзган ҳисоботлари асосли, аниқ, мантиқий далилланганлиги жиҳатидан ҳамкасблари битган ҳисоботлардан ажралиб туради. У нозиктаъб, хушмуомала ва бамаъни, ишидан мамнун, тартиб-интизомли ходим. Ўзини ҳурмат-эътиборда, деб билар, ҳатто ўша нуфузли идоранинг улуғроқ мартабасига кўтарилишга ҳам лойиқман, деб ҳисобларди. Бинобарин, у ҳали ҳаётдан безмаган. Шу боис, маъюслик унинг табиатига бегона эди. Гарчанд ёш ва навқирон бўлса ҳам, сўққабош бу кимсани шахсий ҳаётда бахтиёр, дейиш қийин. Бироқ, қаҳрамон ўзгалар бебахтлигини ҳис этиб, уларга шафқат, мурувват ва ҳамдардлик назари билан қарай олади.

Н. жамият ахлоқи талаб қилганидай эмас, балки кўнгил тилаги бўйича яшашга интилади. Шунинг учун, исқирт ва суюқ жувон Ҳавога уйланмоқ илинжида унинг олдида ўзини маликадан имдод кутаётган қаролдек тутади. Бир ўринда Ҳавога қарата: *"Мен сени бу ҳаётдан бутунлай узиб олмоқчиман"*[1], дейди. Мабодо, Н. ёрдамга муҳтож бу жувон қошидан лоқайд ўтса, унинг ҳаёти ўз мазмунини йўқотади. Шунинг учун, Н. Ҳаво тасодиф туфайли тушиб қолган чоҳдан уни халос этиш йўлида жон нисор этмоққа ризо. Таъкидлаш ўринлики, романда ўз исмига эга ягона персонаж ҳам ўша исқирт, суюқоёқ жувондир.

Миллий насримизда Зулфия Қуролбой қизининг "Момо Ҳаво"[2] ҳикоясида ҳам шунга яқин ҳолат кузатилган эди. Адиба ўта моҳирлик билан самимият ниқобини кийган жувон-

---

[1] Назар Эшонқул. Ўша жойда – Б.22.

[2] Зулфия Қуролбой қизи. Қадимий қўшиқ, – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.255–274.

га Нафосат деб исм беради. Киноявийлик модуси шу билан тугамайди. “Ниқобланиш” ҳайратланарли тарзда, товусранг қиёфаларга эврилиш тарзида намоён бўлади:

а) хуш ёқувчи мулойим, беғубор жилмайиш ва самимий табассум;

б) гоҳ майин, гоҳ шикаста, гоҳ қўнғироқдек жарангдор кулги;

в) илтифот, ҳамдардлик, марҳамат ва эҳтиром;

г) беқиёс жисмоний гўзаллик, ишва ва ноз;

д) фидойилик ва халоскорлик.

Беҳад усталик билан ўрин алмашувчи бу “ниқоб”ларнинг қай бири асл қиёфа эканини на Акбар, на унинг “оғзи ботир” қариндошлари пайқашади. Аксинча, туганмас шодлик, умид ва кўпдан-кўп муваффақиятлар тимсоли бўлиб кўринган бу нафис хилқат қиёфасида Акбар ҳаёт нафаси ва ҳатто, суюкли Момо Ҳаво тимсолини тасаввур қилади. Кўринадики, адиба китобхонни гўё ниқоблар кийиб ўтказиладиган театрлаштирилган сайл – карнавалга олиб чиқади. Дарҳақиқат, бадиий воқелик талқини ва муаллиф эстетик муносабати ўзига хос ниқоблар комедиясини эслатади.

Н.Эшонқул ҳам персонажга Момо Ҳаво исмини бераркан, шу номнинг ўзидаёқ муайян ғоявий-ҳиссий муносабатини ифода этади. Чунки адиб бутун асар воқелигида кузатилганидек, бу характерга нисбатан ҳам киноявий муносабатда бўлади. Бу ҳол ибтидодаги идеал Момо Ҳаво билан бадиий реалликдаги персонаж ўртасида кескин номувофиқликни англаш орқали ойдинлашади. Бизнингча, Н.Эшонқул тарихий тараққиёт аёл жинсига мансуб шахс тийнатида кескин ўзгаришларни юзага чиқаргани ўта жиддий ва ҳатто фожеий ҳол эканини таъкидламоқчи бўлади.

Бутун моҳият эмоционал муносабатда мужассамлиги учун, Ҳавонинг ахлоқсизлиги романда маънавиятга зид карталар мавжуд, деган хулосани бермайди. Н.Эшонқул содир бўлаётган жараёнларни юқоридан кузатади. Шунинг учун, Зулфия Куролбой қизидан фарқли ўлароқ, Ҳавони йўлдан адаштирган вазиятнинг маънисиз – абсурд эканига эъти-

боримизни тортади. “Момо Ҳаво” ҳикоясидаги Нафосат кишида ачиниш ва ҳамдардлик туйғуси эмас, балки нафрат ва ижирғаниш ҳиссини уйғотади. Адиба бўш-баёв Акбарнинг қиёфаси ўзгараётган замонга мослашуви, сал хушёрроқ бўлишини тилайди. Н.Эшонқул эса, Ҳаво образи билан танишган ўқувчи ўз-ўзига, кўникилган ахлоқий принципларга четдан бир қур назар ташлашини истайди. Зотан, турмуш “мушти” туфайли айни вазиятга тушиб қолиш эҳтимоли ҳеч кимни четлаб ўтмайди.

Демак, роман ёзилаётган пайтда муаллиф назарда тутган китобхон трагиклик ва сатирик модусларга диққат қаратиши, яъни муаллиф–объект–адресат учлиги (онглар учрашуви) таъминланиши орқали роман бадиияти англашилади. Абсурд вазият-ҳолатни руҳан ҳис қилиш, персонаж тушиб қолган муҳит носозлигини қалбан кечиниш асносида, китобхон ўзининг Ҳаводан жирканиш туйғусидан халос бўлади. Ҳатто, унга нисбатан муайян ҳамдардлик сезади. Бу ҳол *биринчидан,* эмоционал алоқа юзага келгани, *иккинчидан,* бадиий асар мазмуни чинакам тугаллик касб этгани, *учинчидан,* китобхонда аффектлардан тозаланиш – катарсис содир бўлганини англатади.

Шубҳасиз, Н.нинг жувонга қилган таклифи ҳар қанча самимий бўлмасин, мавжуд шароитда тан олинмаган, реалликдан йироқ бундай хаёлий ва ғайриоддий таваккалчилик туфайли у майна бўлади. Бундай кезларда қаҳрамон табиатида Мигель де Сервантес Сааведранинг “Дон Кихот” романидаги замонасига ҳамқадам бўла олмаган, аммо ҳақоратланган ва эзилганларга ҳомийлик қилишга интилиш орқали дунёвий дард-иллатларни бартараф этишга чоғланган ламанчлик идалго – дон Кеханнага хос сифатлар кўзга ташланади. “Гўрўғли” асарининг “Дон Кихот” романига яқинлиги унда хаёлий ва реал воқелик қоришиқлиги, хаёл ва реаллик ўртасидаги кўз илғамас кураш жараёнлари тасвири, инсонпарварлик ғоялари ҳамда инсон кўнглини ҳимоя қилиш анъанасига эргашиш, айниқса, аччиқ ва истеҳзоли кулги оҳангида намоён бўлади. Н.нинг фавқулодда қаҳрамон эмас, балки аниқ бир

табақа вакили – содда, камтарин, камсуқум зиёли ўлароқ, гоҳ муайян давр воқелиги, гоҳ хаёлан, муттасил ўз "мен"лигини излаши, уни тасдиқлатиш ва реал адолат ҳимоясига чоғланиши, ўлими олдидан муҳитга таслим бўлиши каби жиҳатлар фикримизни далиллайди. Ҳар иккала қаҳрамон ҳам юксак ҳис-туйғулар билан реал ҳаёт фактларини уйғунлаштира олмай ўртанишади.

Тўғри, Сервантес Санчо образи орқали Дон Кихотнинг хаёлдан холи бўлган, амалий қиёфасини чизган, шу орқали бир одамнинг икки хил "мен"ини кўрсатишга муваффақ бўлганди. Н.Эшонқул бу йўлдан бормаса-да, хаёл ва ҳаёт контрастини бериш – мавжудлик ғоясининг ижтимоий тўсиқлар қаршисида парчаланишини ифодалашга эришади. Роман қаҳрамони Н. худди Дон Кихот каби руҳан парчаланади. Тоталитар зулм шароитида Н. реал воқелик билан тўқнашиб, барча интилишлари саробга айланиши қаҳрамонни даврнинг типик вакилига айлантиради. Бу ижтимоий ҳаётнинг чириган тартиб-қоидалари: ёлғон ва сохта ахлоқи, қонун ҳамда суд ҳукми ҳақидаги реал манзаралар эди. Романда Н. инсонни тушунмаган, унинг қалбини англашга ярoқсиз дунё билан тўқнашади, уни ўз нигоҳи билан кўради. Романда шу ҳолат аччиқ ва истеҳзоли поэтик талқин этилади. Роман қаҳрамони ижтимоий муҳит ва унинг турли "винт"лари билан юзма-юз, шунингдек, ўз-ўзи билан ички (психологик) конфликтга киришади. Аралаш ҳолда қўлланилган ўша қарама-қаршилик роман сюжетини ҳаракатга келтиради. Н.нинг муҳит билан зиддияти турли маҳкама ходимлари билан мунсабатга киришиб алданиши, "мен"лиги зинҳор тан олинмаслиги фонида ёритилади. Шу муносабатлар қаҳрамон руҳиятидаги мураккаб жараён – фикр-ўйлар курашига импульс беради. Ўз "мен"лигини тасдиқлатишга умидланиш ва иккиланишлар асосида бўлса-да, анча фаол ижтимоий ҳаракатга айланади. Афсуски, ижтимоий мақомини тасдиқлата олмаган, беҳад чарчаган Н. муҳитга ён беришга мажбур бўлади.

*Конфликт шакл унсури сифатида роман сюжетини юргизувчи куч бўлиб, бадиий концепцияни ифодалашда муҳим*

*ўрин тутади. У мазмун унсури бўлган проблематика жавҳарини ташкил этади.* Н.Эшонқул романда Н. фожиали тақдири, руҳиятида кечган зиддиятлар, аламли фиғонларни акс эттиришга интилган. Шунинг учун, Н.нинг инсонга бегона бўлган муҳитдан узоқлашиб, узлатга чекинган, умидсиз ва руҳий тушкун кайфият-ҳолларини ҳам ҳаққоний ифода этган. Қудратли ёвуз куч қаршисида беҳад яккаланиб қолган инсон пировард натижада маҳв этилишига ишонган. Романда зиддиятли ҳолатлар бу йўсинда ҳал қилинишига асосланиб, айтиш мумкинки, конфликт адибнинг ҳиссий муносабати, воқеалар ривожи сифатий кўринишларига таъсир кўрсатиб, бадиий концепция ўзагини ташкил қилади.

"Гўрўғли" романи бош қаҳрамони Н. "Жараён" романидаги Йозеф К. каби ҳибсга олинмайди. Балки, Н. тақдирида бундан даҳшатлироқ фожиа содир бўлади. Яъни, котиба қизнинг зоҳиран арзимасдай туюлган адашиши, "раҳбар" эътиборсизлиги туфайли унинг номи тириклар сафидан ўчириб қўя қолинади. Бошқачароқ айтганда, у тириклайин гўрга тиқилган ва эндиликда "гўр" унинг ягона маскани бўлиши мумкин эди. Реал ҳаётда бундай ҳодиса содир бўлиши ақлга сиғмайди. Лекин *бутун моҳият ижтимоий тартиблар тизими соғлом ақлга мувофиқ эмаслигида очилади. Чунки романдаги улкан маҳкама, кенг маънода, жамиятни тамсил қилади. Унинг хизматчи ходимлари фаолиятида мантиқ мавжуд эмас.* Аксарият персонажлар "юқори"дан бериладиган кўрсатмаларнинг жўн ижрочилари – улкан ижтимоий машинанинг кичик "винт"чалари. Муаллиф шундай муносабатга хос ижтимоий зиддият ва адолатсизликларни кўрсатади. Н. дастлаб ҳақиқат қарор топишига астойдил ишонади. Китобхон ҳам ўзини шунга чоғлайди. У англашилмовчиликка ойдинлик киритишни истаб турли маҳкамаларга бош уради. Н. тимсолида ҳаётнинг адолатсизликлари акс эттирилади.

Н. – инсонга мурувват ва шафқат назари билан боқувчи киши. Тасвир асносида, унинг қаршисига: "юқори"нинг ҳар қандай кўрсатмасига итоаткор, уларга хуш ёқиш ва таъмагирлик илинжида чақимчилик, хушомадгўйликдан ор туй-

майдиган, ҳар нарсага ҳадиксираб қаровчи – журъатсиз, қўрқоқ кимсалар (қуйи олам вакиллари) қўйилади.

Англашиладики, адиб ҳаёт ҳақиқатини инсон қалбининг ўйинлари: мурувват ва ҳасад кураши фонида очади. Оломон қиёфасизлиги шундаки, катта-кичик поғонадаги барча раҳбарлар расман ўлдига чиқарилган Н.нинг кутилмаганда пайдо бўлишидан хурсанд бўлиш ўрнига астойдил малолланишади. Ҳатто довдираб қолишади. Улар ногаҳоний тарзда юз берган бу бахтсиз тасодиф билан боғлиқ англашилмовчиликни дурустроқ суриштиришмайди. Чунки, ҳодиса ҳақида аллақачон газеталарда ёзилган ва вазирликка хабар қилинган. Идора анча чиқимдор бўлиб, дафн маросими учун зарур нарсаларни ҳозирлаган. Демак, бу муҳим тадбирни қолдириш – идора янглишганини эътироф этиш катталар мавқеига соя солиши, маҳкама шаънига доғ бўлиб тушиши муқаррар. Бинобарин, бундай йўл тутиш мумкин эмас. Тўғри, буйруқни шошилинч бажаришга бел боғлаган бу азаматлар ҳаётдан кўз юмган ўша шахси номаълум кимсани ҳужжатига кўра Н. деб қабул қилишган. Аммо, исми-шарифи ҳар қанча чалкашмасин, Н. ҳали тирик. Унда кимни кўмишади? Наҳотки, расмий ҳужжатларда ўликлар рўйхатига киритилиш одамни бирпасда мутлақо йўқ кимсага айлантирса? Ишни бирон соат тўхтатиш шу қадар улкан фожиа эдими? Азбаройи юмушни ўйлаб, шоша-пиша Н.нинг ўрнига янги ходим олинса? Ахир, инсон олий қадрият эмасми? Афсуски, йўқ. Чунки инсонга фақат ишчи кучи деб қараш шуни тақозо этади.

Н.Эшонқул поэтик маҳорати истеҳзони кучайтириш орқали фожиа кўламини теранлаштиришда намоён бўлади. Айни пайтда, танганинг тескари томонига назар ташланса, ўзгачароқ ҳолат ҳам намоён бўлади:

*Биринчидан,* "марҳум" кутилмаганда, ишхонада пайдо бўлиши ҳар кимни ҳам ажаблантирувчи ҳол. Зотан, кўнгилга: "бу арвоҳ эмасмикин?" деган ҳадик оралайди.

*Иккинчидан,* астойдил тайёрланган шунча одамни қабристонга боришдан маҳрум қилиши мумкинлиги истиҳоласида Н.нинг хижолат чекиши ҳам асосли. Зотан, Раҳбар бош

қўшган ушбу дафн маросими вазирлик билан келишилиши, Вазирнинг ўзи қатнашуви кутилаётгани ва ўта жиддий тайёргарликлар, ҳатто, ўлигингга бўлса-да, юксак эътибор белгиси эмасми? Ишхона бўлса, шунчалик эҳтиромли бўлади-да. Шундай экан, Н.нинг ташкилий ишларни қаттиққўллик билан бошқараётган Раҳбарга меҳри товланмаслиги, кўрсатилаётган алоҳида иззат-ҳурмат, ардоқланаётган қадр-қимматидан ғурур туймаслиги мумкинми?

*Учинчидан,* ўзингнинг дафн маросимингда иштирок этаётганингни айтмаганда, аксарият ходимлар такаллуф қилиш орқали меҳр-муҳаббатини изҳор этиши, муайян маънода, инсонга эътибор белгиси.

*Тўртинчидан,* Вазирнинг ўзи сенинг худкушлик қилганингга ишонмаса. Содир бўлган "жиноят"ни бутун идора ва ҳатто, вазирликка нисбат берса. Азбаройи, қабринг хор бўлмаслиги ташвишида унга мармартош ўрнатишга қарор қилинса. Улгуролмаган ишларингни давом эттириш, номингни унутмасликка қасам ичишса. Айниқса, сен ҳақингда: *"ҳаммамиз учун қадрли дўст", "ғоят хушмуомала, одобли, ғайратли ва келажаги порлоқ", "фавқулодда маданиятли йигит эди"*[1], – деб тўлқинланиб гапиришса.

*Бешинчидан,* Раҳбар сени бағоят севса, келажагинг порлоқ эканига ишонса. Ҳатто, мутлақо танимайдиган кимсалар ҳам, бу фожиа юракларини пора-пора қилганини қайта-қайта таъкидлашса. Бунчалар юксак "эътибор"га айримлар ҳасад қилса. Жўн бир ходим, ҳатто тушига кириши маҳол бўлган иззат-ҳурматдан таъсирланмаслиги, кўнгли вайрон бўлмаслиги мумкинми?

Бироқ, чуқурроқ ўйласак, зоҳиран самимийдек туюлган ўша гапларнинг эндиликда Н.га мутлақо дахли йўқлигини англаймиз. Чунки Вазир ҳам, Раҳбар ҳам барча баландпарвоз хитоб-таъкидларини ўз "мен"и эмас, балки "биз" кўпчилик номидан изҳор этишмоқда. Зотан, улар учун айни фожиа алоҳида бир одам бахтсизлиги эмас. Шунинг учун ҳам, уни

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи, 2012. – №2. – Б.28.

дилларига яқин олишмайди. Аксинча, уларни шу кўнгилсизлик сабаб вазирлик ва идора шаънига доғ тушиб қолиши эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Чунки, эл назарида эътиборсиз ва лоқайдликда айбланиш ёхуд иссиққини ўрнини бой беришдан чўчишади. Бинобарин, уларнинг пайтавасига қурт тушган. Н.га ҳаётнинг бирор сўқмоғида суянчиқ бўлмаган кимсаларнинг бирданига "ёр-дўст"га эврилиши бесабаб ва беиллат эмас. Чунки, улар – катталарга ёқиш, улуғлар назарига тушиш илинжида ёлғонни ямламай ютадиган буқаламунлар. О.Мухторнинг "Минг бир қиёфа" романида ҳам маҳкаманинг шу типдаги адашиши ва ходимларнинг турфа эврилишлари кўрсатилган эди.

Умуман, Н.нинг ўлими ва дафн маросими англашилмовчилик ва рўё эмас. Бу икки кунлик улкан саҳна. Саҳнаки, минг бир тусда эврилаётганлар қиёфасизлиги намойиш этилмоқда. Чунки, қабристонда гўрга тиқилган кимсанинг асли билан икки пуллик иши йўқ бу калтабин махлуқлар заррача пинак бузмай, киприк қоқмай, бир инсоннинг покиза номини тириклар сафидан буткул ўчириб, обрў-эътибор, шаън-шукуҳ талашади. Ҳа, чиндан-да, Н.нинг номи энди тириклайин гўрга тиқилган. У на ўликлар, на тириклар сафида йўқ. Демак, ҳамма аллақачон ўлдига чиқариб бўлган, ҳеч ким тириклигини тан олмаётган Н.ни бемалол "гўр ўғли" дейиш ҳам мумкин. Н.Эшонқул Н.нинг пластик образини яратар экан унга ижодкор шахси, яъни ғайриинсоний жамият ҳақидаги эстетик ҳукмларини сингдириб юборган.

Одамдан қоғоз мукаррам бўлган жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисалар олдида ожиз ва бетадбир қолган Н. нима қилсин? Ҳаётида кечган ва уни оғир хаёллар гирдобига ташлаган ҳодисалар мағзини англаш, уларга жўяли ечим топиш мумкинми? Ёки энди бари беҳудамикин?! Умуман, борар манзили, бош урар макони ноаниқ бўлган кезларда кундалик ҳаёт маромини бузишга одатланмаган киши руҳиятида мислсиз тушкунлик бошланмасмикин?! Н. бу "англашилмовчилик"ка аниқлик киритишга куч ва қурб топиб, ўлими ҳақидаги хабар – некролог босилган "Ҳаёт" газетаси таҳририятига

йўл олади. Тандаси арқоғига мос деганларидек, дим ва бадбўй бу масканда ҳам ҳужжат одамдан мўътабар. Мансаб-мартаба талашувчи, саводсиз, ҳасадгўй ва таъмагир кимсалар ин қурган. Шунинг учун ҳам, муаллиф ишоравий оҳангда: *“Улар турли ёшда, турли қиёфада бўлса-да, негадир сочи тўкилган бошлари бир-бирига ўхшаб кетарди”*[1], деб ёзади.

Нима учун масъул эканини англаб етмаган бу мутасаддилар кўникмага айланган турмуш тарзини ўзгартиришни хаёлига ҳам келтиришмайди. Бош муҳаррир измидан ташқари бирор иш қилиш ҳуқуқидан маҳрум ходимларга ойдай кўриниб турган ҳақиқатни англатиш, хусусан, Н.нинг тириклигини исботлаш амри маҳол. Зотан, бу турқи совуқ сурбетлар ҳужжат билан тасдиқланмаган ҳар қандай даъвони ишончли асосга эга бўлмаган бўҳтон мақомида қабул қилишади. Қолаверса, кимнингдир ўлгани ҳақида ёлғон хабар босган газета, энди ўз хабарини рад этиш орқали обрўсига путур етказишни истармиди? Ахир, унда кимдир жазоланмоғи муқаррар эмасми?

Бинобарин, одамийлик туйғусидан бегона, ёлғону ростни ажратиш маҳол бу маскан Н.нинг ўликлар сафида қолишидан манфаатдор. Акс ҳолда, қаршисида турган одамга: *“Сиз расман ўлгансиз”*,[2] дейиш мумкинми? Китобхон романни мутолаа қиларкан, бундай ўлик муҳит – қабристон, унинг барча ходимлари – гўр ўғли эмасмикин, – деган хаёлга боради. Бироқ Н. барча туллаклар ўз хатоларини муқаррар тан олишига ишонади. Шу сабаб, таҳририятдан арзимас ўч оларкан, ўзини ғолиб сезади.

Эътироф этиш жоизки, бу романни ўқиш ва уқиш анча қийин. У бир ўқишдаёқ китобхон шуурига тўла жо бўлмайди. Чунки гап нима ҳақда бораётганини илғашга қийналиб, калаванинг учини йўқотиб, қайта ўқишга эҳтиёж сезилади. Бу ҳол асарнинг жумла тузилиши, гап қурилмаси, фикрни ифода этиш услубида кузатилувчи эзмаликка мойиллик билан изоҳланади. Муаллиф бадиий тафаккуридан бошланиб, поэ-

---

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи, 2012. – №2. – Б.33.

[2] Назар Эшонқул. Ўша жойда. – Б.34.

тик тасвир ва образлар табиатига кўчувчи ўша ғайритабиийлик секин-аста китобхонни ўзига жалб эта бошлайди. Диққат қилинса, романнинг илк саҳифалари тирик одам мавжудлиги тан олинмаслиги ҳақидаги ноанъанавий, ҳатто бир қадар ғайримантиқий тасвир билан бошланади. Бироқ, айнан ўша атайинлик ўқувчини ўзига эргаштиради. Мантиқий хулоса чиқаришга интилиш истаги асарнинг давомини ўқишга ундайди. Содир бўлаётган ишларда тайинли мантиқдан дарак йўқлиги, аксинча бу ғайритабиийлик тобора чуқурлашиши кишини мушоҳадага, истеҳзолар моҳиятини англашга чорлайди. Бу ҳол китобхондан бир қадар билим, малака ва кўникма талаб қилади.

Қизиғи шундаки, Н. қисман англаб етган ҳақиқатлари юзасидан очиқ-ойдин мушоҳада юрита бошлайди. У ўзини аямайди. Кўз ўнгида содир бўлаётган воқеликни инсоф юзасидан таҳлил қилади. Ўзига аза очиб ўтирмай, изтиробли ва қалтис ҳолатларга кириб боради. Тақдирига ўқилган машъум ҳукм қанчалар "адолатли" эканини таҳлил қиларкан, одамларни айбламайди, уларни тушунишга уринади. Айбдорни топиш ва унга адашганини англатишдан умидвор бўлади. Шу тариқа, роман маъно қатламлари чуқурлаша боради. Н. хато ва адашиш оқибатидан асраниш учун, ўз тақдирига ўқилган машъум ҳукмдан унинг раддиясига қараб боради. Етарли аргументлар топиш ва ҳақиқатни ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Бир одамнинг ўлими ҳақидаги тушунча кўпчилик томонидан маъқулланишига қарамасдан, реал эмаслиги ҳақидаги мулоҳазалар уни ўзи кутган якуний хулоса сари ҳаракатга, курашга етаклайди. Бироқ барча умидлар рўёга айлана боради. Н.нинг кузатиш ва тажриба асосида етиб келган индуктив хулосасига кўра, маҳкама котиба ва раҳбарга дахлдор деб ҳисобланган адашиш, жузъий хато бўлмай, бутун жамиятга тегишли нуқсон экан. Кундалик кузатувларни умумлаштиришдек туюлган бу хулоса сабабий алоқадорликка қурилгани, ижтимоий муносабатлар амалиётини унинг назарий негизи билан боғлаши жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

Романнинг адвокатура хизмати, адвокатлар номаи аъмоли, суд жараёни ҳақидаги тасвирлари аччиқ киноя, пичинг-писанда ва истеҳзо оҳанги жиҳатидан Ф.Кафканинг "Жараён" романига жуда яқинлашади. Худди Йозеф К. каби Н. ҳам қонун ҳимоячиларидан бирор рўшнолик чиқмаслигини ёрқинроқ англай боради. "Жараён"да фабрикант ва рассом йигит бажарган вазифа "Гўрўғли"да олим одам зиммасига юклатилган. У дурбинда "катталаштириб" кўрсатган жаҳолат ва нодонлик даҳшати Н.нинг кўзини очади. Дурбин объективи линзаси орқали катталаштирилган ҳаёт Н. учун нисбатан узоқ бўлган моҳиятни яқиндан кузатиш имконини беради. Чунки ёзувчи ўз поэтик тафаккур призмаси орқали масофадан кўриш майдони бурчагини катталаштиради. Шу маънода, бу ўринда "дурбин" детали рамзий моҳият касб этиб, қаҳрамоннинг ҳақиқатни англаш вақтини тезлаштиради. Натижада, Н. ўз кучи билан оқланишига ишонмай қўяди. Бу ёруғ оламда ҳимоясиз ва ёлғиз қолган қаҳрамон учун ўз мавжудлигини тасдиқлатишдан кўра, бир лаҳза бўлса-да тин олиш, азобланган жисми, толиққан руҳига дам бериш хоҳиши тобора сўнгги илинжга айлана боради.

Ечими ноаниқ жумбоқлар гирдобида қолган Н. фикр одами сифатида намоён бўла бошлайди. Бироқ, билишга бўлган интилиш, мулоҳазакорлик – "ақллилик балоси" уни янги балоларга гирифтор қилади. "Жараён" романидаги сингари "Гўрўғли"да ҳам фикр-мулоҳаза кишиси жамият учун хавфли, деган фикр етакчилик қилади. Лекин, адолат истамаслик, ўз мавжудлигингни исботлашга интилмаслик мумкинми? Тайинли асосга эга бўлмай туриб, бир одамни тириклар рўйхатидан буткул ўчириш, севимли машғулоти, ғарибона бошпанасидан мосуво қилиб, сарсонлик оқибатида ҳаётдан бездириш, ҳатто ўз гўрини ўзига қаздиришгача бориш қайси мантиқ, қайси ҳуқуқ ёхуд қадрият меъёрларига сиғади? Одам боласи фактлар ҳақиқатига таяниб ўз мавжудлигини тасдиқлаш, рационал фикрлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрумми? Кўриниdики, муаллиф поэтик таҳлил марказига ҳуқуқ ва адолат, ҳуқуқ ва қонун, ҳуқуқ ва куч-қудрат номутаносиблиги маса-

ласини олиб чиққан. Инсон ҳуқуқининг ижтимоий қадриятлар иерархиясидаги ўрнини аниқлашга интилган. Адолатсиз ижтимоий ҳаёт манзараларини фош қилган.

Дарҳақиқат, романда истеҳзо чорасизликка топилган чора, маънавий исённинг ўзига хос белгисига айланиб, китобхонни огоҳликка даъват этади. Н. ўзи ҳукм қилинган гўрга шунчаки кетмайди. У сўнгги умидлари поймол бўлиб, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ҳолдан тойгунича курашади. Уни гўрга тиққан жамиятнинг асл башарасини кўз-кўз қилишга эришади.

“Гўрўғли” – ҳазми оғир, модерн роман. Шунинг учун китобхонда уни тушунадиган кайфият туғилишини, ҳеч бўлмаганда, роман бадиий вақти қамраб олган давр моҳиятини англаб етгач, бу асар мутолаасига киришишни талаб этади. Чунки, бадиий воқелик яқин ўтмиш ҳаётига дахлдор реаллик эканига ишонилмас экан, роман ўз синоати ва ботиний чиройини очмайди. Ҳаётий жараёндан узилиб қолган бўлса-да, Н. ҳаракат ва фикрдан бирданига тўхтамайди. Бироқ, у бора-бора инсоний рўшноликдан дарак бўлмаган бу диққинафас, туссиз ва файзсиз ҳаётдан безади. Тирик одамни гўрга тиққан жамиятга қасдма-қасд яшашда бирор маъно кўрмайди. Асл истеҳзо ва трагиклик, аслида, ўша маҳдудликка қаратилган. Фикран гўрга тиқилган, ҳис-туйғулари билан ҳеч ким ҳисоблашмай қўйган одам тубан муҳитда жисман яшашида бирор тайинли мантиқ кўринмайди.

Н.Эшонқул худди Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар” романидаги каби ижтимоий давр ҳаётига умумий тавсиф беради. Образли қилиб айтганда, у маънавий инқирозга учраган маҳдуд жамият ва унинг қонун ҳимоячиларини “гўрга тиқади”. Романни ўқиш жараёнида чинакам “гўр ўғли” кимлиги масаласини аниқлаш ҳисси аста-секин китобхон қалб ва шуурига кўчади. Асар номининг моҳияти, романий фалсафаси, унинг тагзаминига яширилган қувват ҳам шу нуқтада намоён бўлади. Ҳақиқатан, чинакам “гўр ўғли” ўз мавжудлигини асослашга, фуқароси тақдирини қонун устуворлиги негизида адолатли ҳал қилишга ноқобил жамиятдир.

Адиб жамият ҳаётида шаклланган муносабатларни тубдан ўзгартириш тарафдори бўлган ўринларда сюрреал қарашларга хос айрим белгилар кўзга ташланади. Айни пайтда, романда ўткир ижтимоий-танқидий пафос устувор. Бу пафос ижтимоий адолатсизлик, шахс эрки топталиши, уни ёлғизлатиб қўйиш каби ижтимоий-маънавий инқирозлар ифодасида намоён бўлади. Ёзувчи китобхонга ўзининг дунёни ўзгартириш ҳақидаги қалб чорловини етказишни кўзлайди. Романда устувор мавқеда турувчи муаллиф “мен”и объектив воқелик ҳақида фикр юритаётгандай тасаввур уйғонади. Асардаги аксарият қаҳрамонлар умумлашма образлар. Улар орқали ҳукмрон ғояга кўр-кўрона итоат ёки аксинча, исёнкорона муносабат акс этади. Ҳатто роман бадиий концепциясини ташувчи Н. ҳам конкрет инсондан кўра, кўпроқ давр одами. Хуллас, энг қуйи поғонадаги хизматчидан тортиб, С маҳкамаси раҳбарию суд раисигача ноинсоний жамият яратган типлардир.

Н.Эшонқул роман бадиий воқелиги марказига Н.нинг бешафқат дунё зиддиятларидан ўртанган қалбини олиб чиқади. Воқелик бадиий реалликка эврилиши асносида пластик деформация содир бўлади. Яъни роман ёруғлик юзини кўрганида ёзувчи яқин ўтмишда гувоҳи бўлган воқелик тугаган эди. Мустақиллик ғалаба қилганига йигирма йилдан ошганди. Шунга қарамасдан, воқеликнинг адиб руҳиятидаги чандиқлари ҳануз битмаганди. Мустақиллик даври ёзувчи қалбидаги ўша ҳароратни поэтик ифодага чиқариш имконини берди. Ижодкор инсоннинг эркинлиги ортиши Н.Эшонқул темпераментини фаоллаштирди, таассуротларига қанот бахш этди. “Гўрўғли” романи туйғу-кечинмаларга бой бўлишини таъминлади.

Асарда экспрессионизмга хос кайфият, унинг усул ва воситаларини ижодий ўзлаштиришга интилиш кузатилади. Н.Эшонқул роман бадиий реаллигида яқин ўтмиш ҳаёти ва қадр топмаган инсон умрини абсурд сифатида талқин қилишга интилган. Содир бўлаётган воқеа-ҳодиса – инсон тақдири ҳақида жамият чиқарган нотўғри ва ясама хулоса ички зид-

диятларга тўла, реал ҳаёт мантиғи, оқилона қарашларга зид эканида абсурд вазият намоён бўлади. Шу боис, воқеалар тартибидаги сабаб-оқибат муносабатлари қисман бузилади. Ижтимоий муносабатларга хос маънисизлик роман ритмида жаранглаб турувчи чорасиз одамнинг талпинишлари, ҳазин нидолари орқали кўрсатилади.

Дарҳақиқат, инсон дардини тинглашни истамайдиган қаттол куч мавжуд экан, Н.нинг маънисиз тақдири ҳар бир кимсада такрорланиш эҳтимоли ҳам йўқолмайди. Н. мушкулини осон қилишга чоғланган одамлар: мухбир, муҳаррирнинг жияни, суд котиби, гўрков унинг жонига оро кирмайди. Чунки уларнинг ҳеч бири бунинг уддасидан чиқишга қодир эмас. Инсон – ўз қисмати олдида беҳад ёлғиз. Н. ўз ҳаёт йўлида кашф этган ҳаётий ақида китобхонни юқоридаги каби аччиқ, лекин ҳаққоний хулоса сари етаклайди. Китобхон онгини чархлаб, ўз қалбига маънавий сафар қилишга чоғлайди. “Мен”лигини топишига кўмаклашади. Мендан “мен”ликка томон солинган сўқмоқдан бошланган бу сафар ўзликни кашф этиш, уни қайта идрок қилиш манзилига элтади.

Ҳар бир инсон, хусусан, адабий қаҳрамон учун ҳам, ўз “мен”идан бошқа гўзалроқ дунё йўқ. Зотан, қаҳрамон дунёни фақат ўз “мен”и орқали кўриб, барча мушкулотларни “мен”лиги манфаатига бўйсундирса, нафақат дунё, балки инсон ҳақидаги тушунча ва билимларини ҳам бойитади. Реал воқеликдан ўз излаганини топмаган Н. мислсиз изтироблар сўнггида бундан улуғроқ, олийроқ воқеилик сари интилади. Шахсияти, шаън-ғурури топталмаслиги, қадри поймол этилмаслиги учун сўнгги имконни қўллашга ҳақли эканини кўрсатмоқчи бўлади.

### *4.2. Мажозий, хаёлий-пародоксал поэтик ифода*

“Гўрўғли” романининг “Гўрков” номли фаслига келиб, бош қаҳрамон Н. ўзини тириклайин кўмиб масхара қилаётган башарий дунёга нисбатан ғоят ҳафсаласиз муносабатда бўла бошлайди. Бу ҳол йилнинг ёз ва куз фаслларида унинг кўча-

га чиқмай, тарки дунё қилган одам сингари ҳамма нарсадан кўнгли совиб қолишида бўй кўрсатади. Бор-йўқлиги бировга билинмай умри ўтаётган Н.нинг ҳафсаласизлигидан уйи бетартиб ва бесаришта маконга айланган. Бу ҳол романда шундай тасвирланади:

*“...ҳеч бир ишга қўли бормас, қўйган идиши ёки буюми жойида қолар, қайтиб йиғиштирмас, хоналар эгаси шошилинч кўчиб кетган уй каби тўзғоқ ва исқирт эди. Н. ўша ёз соқолини бор-йўғи икки марта, унда ҳам юзи кўринмай қолгач ва нафас олишига халақит бераверга**ч**, қайчи билан ҳафсаласиз қиртишлаб қўйди. Кир-чирга беланган кийим-бошининг ранги кўринмай қолган, хона тамаки ҳидига ва қолдиғига тўлганди”*[1].

Оғир ҳаводан нафас бўғилади. Ашёлар тўзғиган, кийим-бошлар рангсиз ва исқирт. Хонадаги бу манзара – параллел тасвир бўлиб, ифодаланаётган ҳолатни далилловчи ўзига хос иллюстрация сифатида Н.нинг хуфтон бўлган юрагини тамсил қилиб келади. Чунки Н.Эшонқул фикр тасдиғи учун мисолни қаҳрамоннинг ўша кезда зулматга бурканган ҳаёт тарзи, хуфтон кайфиятига монанд танлаган. Бундай ифода йўсини миллий романчилигимиз учун тамомила янгилик эмас. Масалан, У. Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи персонажларидан бири Эргашнинг бир хонали *“бадбўй кулба”*си *“моғори чиқиб кетган, ипирисқи”* ўриндиқлари ва *“жулдур”* ҳолати ҳам шу қаҳрамон аччиқ тақдирини тамсил қилиб келган эди. Адиб уй ва ундаги жиҳозларни қалбини ёритиб турган руҳий *“чироғи”* сўнган, ҳаёт қийинчиликлари буткул маҳв этган мискин кимса тақдирига ўхшатади. У.Ҳамдам: *“Юсуф эски диванда, ҳатто кўча кийимини ҳам ечмай, хуррак отиб ётган Эргашга қараб ўтирганча, ўз келажаги ҳақида ичи сидирилиб алам билан ўйларди”*[2], *деб ёзади. Бундай аламли ўйлар Юсуфни Эргаш янглиғ маҳв бўлмаслик,*

---

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи. 2012. – №3. – Б.37.

[2] Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат. Роман. – Т.: Шарқ НМАК, 2007. – Б.108.

*тақдирини кескин ўзгартиришга ундаши айрим мақолаларимизда батафсил ёритилган*[1].

Н.да хона деразасини ланг очиб, уйнинг ҳавосини янгилаш истаги йўқ экан, демак, унинг ички руҳий ҳолатида моддий дунё адолатсизликларига мослаша олмаслик, иккиланиш содир бўлмоқда. Ёзувчи бу эврилишни ўқувчига дарров ошкор этмайди. Аксинча, хўрланган кишининг заволли ҳаёти тамсилий ифодасини янада чуқурлаштиради. Жумладан, Н.нинг ўз ички "мен"и билан юзлашиш жараёни тамсил сифатида қўлланган "итларнинг мунгли нидосини тинглаш" тарзида тасвирланади. Қаҳрамон, даставвал, бу мунгни гўё ташқари – зоҳирдан эшитади:

*"Н. бир кечаси итларнинг увлашини эшитди ва биринчи марта деразадан ташқарига – зим-зиё тунга қаради. Қор ёғарди. Итлар ахлат ундуғи олдида увлашар, уларнинг товуши қандайдир мунгли ва ёввойи эди. Н. ҳар куни итларнинг увлашини деразадан туриб эшитадиган бўлди, баъзи кунлари ўша итлар увлаши эшитилмай қолса, безовта бўларди.*

*Итлар увлар экан, Н. ўзининг ичида ҳам нимадир увлаб юбораётганини сезиб қоларди. Энди у итларнинг увлашини қўмсаб чиқар, ўзи билан итлар орасида қандайдир боғланиш пайдо бўлганини сезарди. Бу боғланиш унинг заволга юз тутган ҳаётига шунчалик жозиба бағишлардики, энди у бир пайтлардаги каби ўз тақдирининг адолатли ҳал қилинишини эмас, итларнинг увлашини кутиб яшарди".*[2]

Кўринадики, ўша ёввойи оҳанг кўнгилга бу қадар яқин экани илғаниши билан хона (кўнгил)га янги ҳаво кириб келади. Бошқача айтганда, кўнгил нигоҳи ботинга йўналиши ҳамон, Н. ҳаётида ҳам ўзгача мазмун ва жозиба пайдо бўлади. Шубҳасиз, Н. ўз ботинида уйғониб, бутун вужудини чулғаб олаётган бу ҳис-туйғу нима эканини дафъатан англаб етолмайди. Бироқ, бу ҳол унинг ҳаёт тарзига айлангач, зимистон

---

[1] Ёқубов И. Мувозанат эҳтиёжи ва изтироби / Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат. Роман. – Т., 2007. – Б.261–271.

[2] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи. 2012. – №3. – Б.37.

қаъридаги вазият тубдан ўзгаради: *"...итлар увлаши билан унинг вужуди қизиб, танаси олов бўлар, юрагида ёввойи бир шавқ уйғонар, ичида ҳамма нарсани тилка-пора қилиш, бадбўй ҳидлардан маст бўлиш истаги уйғонар, баъзи кечалари у бу истак олдида ожиз қолиб танасини тишлаб ташлар, елкаларидан оқаётган қонни кўриб, баттар қутуриб кетар ва бўғзидан хўрлик каби ёввойи бир увлаш отилиб чиқарди. Н. итларга қўшилиб, аста-секин увлашни ўрганди"*[1].

Китобхон зоҳир ва ботиндаги садолар ўзаро қўшилиб кетган сари, персонаж вужудида пайдо бўлаётган енгиллик, бахтиёрлик ва йиртқичона бир шафқатсизликни тушуна олмай қийналади. Чунки мусибатли туйғулар ҳайвоний тилда ифодаланади. Одамнинг ит ёхуд бўрига ўхшаб ув тортиши, аслида, унинг ҳасрат-илтижоси, қаҳр-ғазаби ҳадди аълосига етган алам ва хўрликларининг ботинидан чўзиқ йиғи бўлиб отилиб чиқишидир. Агар ит ва одам муносабатлари уйғунлиги теран ҳамдардлик негизида юзага келишига диққат қилинса, ташқари (эгасиз ит) ва ичкари (топталган кўнгил) ни ижтимоий муносабатларга бўлган бегоналик ҳисси бирлаштириб тургани ойдинлашади.

Демак, жамият ташландиқ ҳолга келтирган Н. мусибатлари аримаган, аксинча, тобора оғирлашиб бормоқда эди. Аслида, Ит ижтимоий хўрликнинг мажозий кўриниши бўлиб, бу эврилиш одам бўлиб яшаш учун ҳеч қандай имконият қолмагани, жамият итдай хор қилгани учун Н.да шу қиёфага киришдан ўзга чора йўқлигини билдиради. Айни пайтда, юқоридаги тасвир беихтиёр тарзда, Ф.Кафканинг "Эврилиш" ҳикоясидаги ҳашорат-одам Григор Замза тақдирини ҳам эсга солади. Хуллас, Н.Эшонқул ижтимоий чиқитнинг хаёлий манзарасини чизгач, ташқаридаги ит тасвирига ортиқ эҳтиёж қолмайди:

*"Н.нинг увлаши бора-бора итникидан фарқ қилмай қўйди, энди ит келмаган кунлари Н.нинг ўзи увлаб чиқар, увлаган сайин ўзини олис ва шафқатсиз аждодларининг шуури қоплаб*

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи. 2012. – №3. – Б.38.

*олар, увлашда илтижо ҳам, ҳасрат ҳам, қаҳр ва ғазаб ҳам мужассам эди"*[1].

Хонада уй назоратчиси излаётган Ит (ҳайвон) мавжуд эмас. Зотан, Ит образи олис аждодларимизнинг инсондан бегоналашган муҳит, банданинг дилидаги умидларни сўндирувчи адолатсиз жамиятга қарши қаҳр-ғазаб ва нафратини тамсил қилиб келади. Шунинг учун ётлик оламини тилка-пора қилишга тайёр турган Итнинг қонталаш кўзларидаги важоҳат ўзгалар дилига қўрқув солади. Жумладан, калондимоғ уй назоратчиси пилдираб қочиб қолса, қилтириқ, ғўддайган ва олифта суд котиби айтар сўзидан адашиб, ғўлдирай бошлайди.

Ижтимоий тартибларда учровчи айрим "нозик" жиҳатлар, хусусан, суд ва ижро тизимида мавжуд турфа найранглардан бехабар Н. ҳукмда "истисно ҳолат" бўлиши мумкинлигига ишониб, қаттиқ адашади. "Англашилмовчилик" туфайли 3-29-рақамли қабрга кўмилган мурдани "чиқариб олиш"га рози бўлади. Жасадни текшириб кўриб, адолат қилиш ҳақидаги кутилмаган хабар ҳаёт синовларига дош беролмай, ғоят тушкун кайфиятда қолган кишида яна умид нишонасини уйғотиши табиий. Н. шум тақдир шаънига ёпиштирган машъум тамғани улоқтириб ташлашни истайди.

Афсуски, унинг энг катта хатоси барча имкониятларини тўла ишга солмагани, ўзгаларга ортиқча ишонганида эмас, балки мавжудлигини исботлашга уринганида эди. Одам ҳар қанча ҳақ бўлмасин, бутун бошли жамият, ундаги қонун ва уни ижро этувчи ўнлаб муассасаларга қарши кураша олмайди. Бу жараёнда ёлғизланиб қолади ва инкор этилади. Майнавоз ҳукмбардорлар ва ялтоқи ижрочиларга алданиб, сўнгги умидларидан ҳам мосуво бўлиш Н. учун беҳад оғир мусибат эди.

*"Кеча эрталаб Жанубий Темир йўлнинг 8-бекатида поезд остида қолган жасад топилди. Жасадга қараб кимлигини аниқлаб бўлмасди. Фақат марҳум чўнтагидан чиққан ҳуж-*

---

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи. 2012. – №3. – Б.38.

*жатгина унинг шахсини аниқлаштирди. Бу одам С. ташкилотининг катта ходими Н. бўлиб чиқди"*, деган мазмундаги бир қарашда чўпчакнамо туюлган газета хабаридан бошланган бадиий воқелик ривожидан сўнг чиқарилган бу залворли хулоса яқин ўтмишнинг кўникилган ҳаёт тарзини ифода этади. Маҳкумга ўз қабрини қаздириб, шу лаҳадга нафақат жисми, балки бутун орзу-умидларини ҳам дафн этиш, алдов, ёлғон ва лафзсизлик одатий ҳаёт тарзига айланган жамиятда ҳақсизликларга чора топиш имконсиз эди.

Шунинг учун адиб роман сўнггида ўзини ҳақоратлашгани, бу дунёда ҳеч қайси иш унинг ихтиёри билан содир бўлмагани, содир бўлмаслигини англаган Н.ни йўловчилар ўртасида, чироғи синиб қолган симёғочга суянган ҳолда жуда ҳорғин, ожиз ва нотавон қиёфада тасвирлайди. Содир бўлган барча нурсиз воқеалар ўртасида сирли ва мавҳум умумийлик борлигига эътиборимизни қаратади. Н. буларнинг барига қарши курашавериб, охири эгасиз ит каби ташландиқ ва кераксиз кимсага айланган бор-йўғи ўттиз уч яшар йигит эди. У ўлгани ҳақидаги янглиш ҳукмни ҳеч нарса билан ўзгартира олмасди. Аксинча, тириклик даъво қилгани сари барча ҳаракатлари зое кетар, уни шунчалик лаҳадга қарата итаришарди. Натижада, Н. ўзининг ҳеч ким эканлигини англаб етади. Дарҳақиқат, Н. ҳеч ким эди ва ҳеч ким бўлиб яшаганди. Сурати ва сийратига бегона бўлган дунё ҳам у билан яраш битими тузмади. Унинг ўлик-тириклиги ҳеч кимни қизиқтирмади. Н. тафаккур кенгликлари бўйлаб саёҳат қилгани сайин ўзининг ҳеч ким эканлигини англаб бораверди. Ҳеч кимлик чўққисига кўтарилгани сари вужудини бесамар чарчоқ қамраб олди. Чунки Н. ўзини енгиб, ўзлигига хиёнат қилиб, вазиятга кўникиб яшолмасди.

Н. ўз кучини беҳуда сарфлагани, бутун қувватини сўриб бўлишганини ҳар қанча тушуниб етмасин, курашавериб ҳолдан тойган, ҳеч нарсага ярамайдиган ҳолга келиб қолганди. Ўзининг мавжудлигини билдириш учун бор кучи, ҳис-ҳаяжони, жисмоний ва маънавий қудрати, умид-орзуларини беҳуда сарфлаб бўлган, қуриган дарахт каби ҳолсиз, мадор-

сиз жасадга айланган, иштиёқи сўнганди. У нафақат яшаш ва ишлаш, балки хаёл қилишга ҳам мадорсиз эди. Фақат ухлашни, узоқ-узоқ ухлашни истарди: *“Мени адои тамом қилишди, – деб ўйлади у, – энди, ҳатто анави бекатгача ҳам юриб боролмайман”*[1].

Ҳақиқатан ҳам, у тун қоронғисида бекатга томон эмаклаб бораркан, мислсиз ҳорғинлик оёқларидан тепага қараб ўрлаб бораверади. Қаерда бўлса ҳам, бироз мизғиб олгиси келаётган қаҳрамоннинг бу ҳолати шундай тасвирланади: *“Бутун кучини тирсакларига жамлаб, титраб-қақшаганча бекатга қараб эмаклаб борар, ҳозирги ҳолати таланган, оёқлари синдирилган итнинг судралишига ўхшашини ўйлаб, бутун танасини заҳарханда кулги қамраб олди ва бутун танасидаги ҳордиқни увлаб ҳайдаб чиқаргиси келди, бироқ ҳатто, увлашга ҳам мадори келмай қолди – бекатга етар-етмас чўзилиб ётиб олди”.* Ўзига нисбатан ҳам аччиқ киноя, пичинг ва истеҳзо билан қарай олгани учун Н. дунёнинг шодлик ва хавотирга тўла барча шовқинлари, оломоннинг бемақсад интилишларига этак силкиб, бошланган барча воқеалар аро изчил тартибни таъминлаш, барини муайян изга солиш ва бу аянчли қисматига хотима ясашга қарор қилади. Ўзига ёзилган ҳукмни ижро этади.

Дарҳақиқат, Н. ўзини поезд тагига ташлаб, қоп-қора бўшлиқ ичра ғойиб бўлади. У ўзининг инсон сифатида мавжуд эканини тан олмаган жирканч ва тубан муҳитнинг ҳукмини тасдиқлайди. Бу билан ёзувчи: *“Яқин ўтмишда биз бошимиздан кечирган маънавий таназзул нособит эътиқод, турланиш – барчаси шахссизлик оқибатидир”*[2]*, деган назарий концепциясига содиқ қолади.*

*Н.нинг бутун айбни ўзидан қидириши ҳалол бир кишининг инсонни хўрловчи жамиятни лаънатлаши тарзида қаралиши мумкин. Муаммонинг қизиқ жиҳати шундаки, роман*

---

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи. 2012. – №3. – Б.43.

[2] Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. – Т.: Академнашр, 2006. – Б.8.

*финалига келиб Н.Эшонқулнинг жамият иллатларини фош қилиш орқали эстетик таъсирчанликни орттириш нияти китобхонни руҳан анча толиқтиради. Бу ҳол бежиз бўлмай, ижодий ўзлаштириш жараёнида Ф.Кафканинг бевафо дунё олдида инсоннинг фожиона ожизлигини поэтик шаклда ифодалаш услубига эргашиш оқибатида келиб чиқади. Жумладан, Ф.Кафканинг "Америка" романида покиза инсоний туйғулар соҳиби бўлган Карл Россман ижтимоий муҳит томонидан янчиб ташланади. Чунки икки ўртада теран бегоналик туйғуси мавжуд эди. "Унинг* (яъни К.Россман, – Исломжон Ёқубов) *алдов, зўрлик, ёвузлик асосига қурилган бу аёвсиз муҳитда тирик қолиши ҳам мумкин эмасди"*[1]*, деб ёзади проф. Қ.Йўлдошев. "Қўрғон" романидаги К. жамият тимсоли сифатида талқин этилган қўрғонга кириб яшаш мақсадига эриша олмайди. Адоқсиз уринишларидан сўнг бундай ҳуқуққа эришганида эса, у беҳад ҳолдан тойиб ўлим тўшагида ётган эди.*

*Ф.Кафканинг фикрича, алоҳида одам жамиятни тушуниши, унинг тартибларини англаши ва муҳитнинг барча шароитларига адаптация қилиб яшайвериши мумкин эмас. Чунки, ҳаёт маъносиз ва инсон умри беқадр. Кенг маънода, бутун инсоният ҳаётида на мантиқ, на тартиб бор. Мавжудлик – инсон эрк-истакларини бўғувчи қаттол куч. Ф.Кафка ижтимоий ҳаётда бирор эзгулик нишонасини кўрмайди. Ҳамиша жамият ва вазият қурбони бўлувчи инсон умрида тайинли маъно бўлишига ишонмайди.*

*Ёзувчи "Жараён" романида Йозеф К.ни ижтимоий муҳитнинг ғаройиб ва тушунарсиз синовлари ичидан олиб ўтади. Уни ҳимоя қилиши лозим бўлган қонун томонидан мислсиз жабр кўрган, қамоқ ва озодликни фарқлай олмаган қаҳрамон тақдири мисолида ижтимоий шафқатсизлик даҳшатларини кўрсатиб беради. Маҳкама хоналаридаги қоронғулик, диққинафаслик тасвирларини ўқиган китобхон мавжуд вазият ва муҳит йўриғига юришга маҳкум, иложсизлик исканжасидаги ходимларга ҳам ачинади. Инсоф, диёнат, виждон амрини унутган, хизмат вазифасини сидқидилдан бажармайдиган*

[1] Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б.393.

*одамдан – бегоналашган ижтимоий қатлам вакилларидан кутилган имдод бир умр жавобсиз қолади. Жамият тартиботидан ҳар қанча нафратланиш мумкин, аммо уни ўзгартириш ва кўнгил истакларини рўёбга чиқариш имконсиз. Бундай вазият инсоннинг ғам-андуҳ даражасини орттириб, унинг эзгулик тантанасига бўлган умид ҳамда ишончини сўндиради.*

*Кўринадики, Ф.Кафка учун воқеаларнинг изчил мантиқий ифодаси эмас, экстремал вазиятга тушиб қолган инсон руҳий изтиробларини туйиш, ўша кечинилган чигал ва мураккаб туйғуларни кўрсатиш муҳим. Шунинг учун, ёзувчи романларида воқелик қаҳрамон ботинига кўчади ва инсон тасвир марказига чиқади. Қонунлар моҳиятан одамга қарши қаратилгани, қонун ҳимоячилари инсонни адоқсиз бахтсизликлар гирдобига ташлаб, ҳаётдан бездиришини ичдан фош этади. Поэтик тасвир чегараларини тахайюл имкониятлари қадар кенгайтиради. Назар Эшонқул таъбири билан айтганда, "Кафка адабиётда инсон руҳидаги қўрқув ва хавотирни типиклаштириш даражасига олиб чиққан биринчи ёзувчи ҳисобланади"*[1]. Ф.Кафка мавжуд воқелик ва инсонни маънан тобе қилишга интилувчи, бегоналашган муҳит қаршисида қўрқув ва хавотирга тушган қаҳрамонларнинг изтироб-кечинмаларини бадиий тасвир воситасига айлантиради. Ёзувчи ўзининг инсоният келажаги ва истиқболидан туғилган қўрқув ва хавотирини мажозларга айлантиради. *"Бу мажозлар ёзувчи кўролган таҳлика ва хавотирнинг, муҳит моҳиятининг моддийлашган кўринишларидир. Асарларда инсонга ётлашган, инсонга душман муҳитнинг хаёлий-парадоксал манзараси чизиб берилади"*[2], деб ёзади Н.Эшонқул.

Дарҳақиқат, ўша манзара-мажозларда инсон идрокини уйғотишга, ўзликка, жамият ва борлиққа тийран нигоҳ билан боқишга ундовчи ҳикмат мужассам. "Гўрўғли" романидаги Н.нинг ҳиссий исёни замирида ҳам инсонни озод кўриш истаги яширинган. Буни теранроқ англаш учун адиб тимсолли

---

[1] Назар Эшонқул. Мендан "мен"гача. – Т.: Академнашр, 2014. – Б.276.

[2] Назар Эшонқул. Ўша жойда. – Б.279.

конструкциядан бунёд этган бадиий қасрга кириш, яъни романни синчиклаб ўқиш лозим.

“Гўрўғли” романида ҳозирги ўзбек романларида кузатилаётган рўё билан реаллик, хаёлот билан ҳаётнинг аралаш тасвирлари фаол қўлланилган. Бироқ асарнинг хотимаси Шарқ китобхонига у қадар ўтиришмайди. Чунки Н. адойи тамом бўлгани, энди муҳитга қарши курашишга мадори етмаётганидан нолийди. Яъни азоб чекиб яшаётганини билади ва ўз ҳаётига нуқта қўяди.

Бизнингча, бу ўринда Сёрен Кьёркегордан бошланиб, Карл Ясперс, Мартин Хайдеггер, Жан Поль Сартр, Габриэль Оноре Марсель ва бошқаларда давом қилдирилган, бир учи Николай Бердяевнинг романтик ва мистик қарашларига бориб туташувчи экзистенциализм фалсафасига хос жиҳатлар бўй кўрсатади. Таъкидлаш ўринлики, мазкур фалсафанинг инсон борлиғини билиш ва шу борлиқ ички моҳиятини тушунишга уриниш йўсини Ф.Кафка, М.Аврелий, Ф.Достоевский ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган. Экзистенциалистлар фалсафасининг асосий камчиликларидан бири – инсоннинг борлиғини табиатдан ажратиб қўйиш, ўзгалардан бегоналаштириш эди. Руҳий мавжудот эканини унутган – бегоналашган инсон борлиқдан ўз ўрнини топа олмайди.

Юқорида билдирилган фикрларга мухтасар хулоса сифатида таъкидлаш ўринлики: *“...аслида бу фалсафадаги маъносизлик – ҳаётнинг маъносизлиги эмас, балки тубан ақлнинг маъносизлигидир. Чунки ақл барча саволларга жавоб топади, лекин борлиқни маъносиз, дейди. Шундай экан, бунда ақлнинг ўзи маъносиз бўлиб қолмайдими? Демак, бу маъносиз вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли инсон ва бутун борлиқни бирлаштирувчи, уни ягона коинот, деб тан олувчи руҳий кучга мурожаат қилиш, бу куч орқали Худонинг инсонга бўлган муҳаббатини топишдир”*[1].

*Англашиладики, “Гўрўғли” романида XX асрнинг фожиали ҳодисалари, асосан, тўғри акс эттирилган. Муаллиф роман қаҳрамони Н. тақдири орқали муҳит туғдирган фожиадан*

---

[1] Ғарб фалсафаси. – Т.: Шарқ НМАК, 2004. – Б.642.

*чиқиб кетиш йўлларини изтироб билан излаган. Афсуски, у роман ниҳоясида охирги таянч нуқтани тополмаган. Яъни инсондаги руҳий куч орқали Худонинг инсонга бўлган улуғ муҳаббатини кўрсатишга эришолмаган. Чунки Шарқнинг қадимий таълимотларига эмас, балки Ғарб фалсафасига эргашган. Бу ҳолни Н. тақдири муайян жиҳатлари билан А.Камюнинг "Бегона" қиссасидаги Мерсони эсга солиши орқали тасдиқлаш мумкин. Зотан, ўлимга ҳукм қилинган Мерсо қисса сўнггида тавба-тазаррудан буткул бош тортади. Ҳар бир тошига уқубат синган қамоқхона деворлари ортидаги маҳбус Мерсо Яратганнинг марҳаматидан умидворлик, унга ишонч туйғусидан бегона. Илоҳий ҳаётни беҳуда хомхаёл деб биладиган, ботин нигоҳи сўқир, реал дунё кишиси бўлмиш Мерсо учун Оллоҳ жамолидан кўра Марининг юзи қадрлироқ. Шунинг учун ҳам эътиқод кишиси бўлмиш кашишга нисбатан: "...унинг ўзига ишониши аёл сочининг биттагина толасига арзимайди"*[1], деган ҳукм чиқаради.

Ижтимоий ахлоқий қадриятлардан юксакда туриб, кўнгил сокинлигини қўлга киритган Мерсо зинҳор ўзини адашган банда санамайди. Чунки унинг кўнглида қадриятларга меҳр эмас, балки асов ва ғалаёнли ғазаб ҳукмрон. Бу жиҳатдан Камю қарашлари Ницшега ниҳоятда яқин туради. Шунинг учун ҳам Мерсо барча одамлар ўлимга маҳкум қилинган ҳаётда яшашда мазмун кўрмайди. Айнан ўша маъносизлик унинг ҳаётий тамойилига айланади.

Кўринадики, Камю одамлараро меҳр-оқибатнинг кўтарилиши уларни бир-биридан бегоналаштириб, ҳар бир инсон ёлғизланиб қолиши жараёни – Ғарб жамияти фожиасини маҳорат билан кўрсата олган. Ф.Кафканинг "Жараён" романида эса, инсоният маънавий оламининг таянч нуқтаси бўлган руҳоний образи мурдорлик илинжида жамият устунларининг тегирмонига сув қуйиб, К.ни адашганига ишонтирмоқчи бўлади. Тўғри, "Гўрўғли"да қамоқхона воқеалари учрамайди. Лекин, ҳатто гўрков ҳам инсонга куч ва руҳ бағишлашга қодир кимса эмас, балки иблис малайи экани Н.ни

[1] Альбер Камю. Бегона. Қисса ва роман. – Т.: Ёзувчи, 1995. – Б.82.

кимдандир руҳ олишдан маҳрум, жон сақлашдан умидсиз, ҳимоясиз қилиб қўяди. Бундай экстрем вазиятга Т.Муроднинг "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романида анча характерли ечим топилган эди. Бир умр сиғинган эътиқоди билан ҳам, шариат аҳкомлари бўйича ҳам ўлиб бўлмаслигини билган Ботир фирқа муштипар ва нотавон кимса сифатида "марҳумлар шаҳри" ҳамда "тириклар шаҳри" ўртасида музтар ҳолатда қолиб унсиз-унсиз йиғлайди. Зинҳор тушкунликка тушмайди. Ўзини ўлдириш фикридан тезда қайтади. Чунки уни Яратган раҳматидан умидворлик, каффорат илинжидаги истиғфор туйғулари етаклаб юради.

"Гўрўғли" романида биз ўзгача ҳолни кузатамиз. Н.Эшонқул Н.нинг яшаш тарзини унинг ички дунёсига хос бетакрор ўзлик сифатида олиб қарайди. Чунки қаҳрамон асосан, ташқи дунёда мавжудлигини исботлаш ва дунёвий эҳтиёжларини қондиришга интилади. Бироқ, у секин-аста ўзини англаб, масъулиятни ҳис қила бошлагач, ижтимоий ахлоқ меъёрларини тафтиш этишга киришади. Яшаш моҳияти ва маъноси азоб чекишдан иборат эканини қабул қилади. Яъни Н. ўлим ва ҳаёт ўртасидаги "чегарадош вазият"дан чиқиш, ўз мавжудлигини тасдиқлатиш сари илгарилаб, эстетик ва ахлоқий экзистенция даражаларига кўтарилади. Аммо, чинакам маънода мавжудликни англашнинг диний босқичига юксала олмайди.

Ёзувчи поэтик талқин асносида Н. руҳиятида кечган психопотологик жараёнлар унинг индивидуаллигини топиш йўлидаги изланишлар эканини ҳар қанча тасдиқлашга уринмасин, Н. шахс сифатида маънан емирилади. У ижтимоий воқеликда ҳукмрон ақлсизликни ақл орқали англашга уринади. Бироқ, ўз "мен"лигини етарлича такомиллаштира олмайди. Ўзгалар томонидан эътироф этилмайди. Инсоний умумийликка яқинлашолмайди. Ҳаракат-интилишлари самарасиз бўлиб чиқади. Чунки, онтология бош асосини инсон борлиғи, деб билган экзистенциал онг одам ва олам моҳиятини мукаммал билишга қодир эмас.

Шу боис Н. фаолиятида одамийликнинг исломий мазмуни

очилмайди. У ўз мавжудлигини исботлашга қурби етмагач, ўлимни "танлашга мажбур" бўлади. "Фаол муносабат" орқали мавжуд нарсадан ҳеч нарсага айланаркан, ички эркинигина сақлаб қолади. Бошқачароқ айтганда, "эркин танлашга маҳкум" эканини исботлайди. Бу ўринда инсон ички олами, борлиғини ташқи оламдан ажратиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишдан иборат Жан Поль Сартр қарашлари таъсири кузатилади. Бизнингча, қаҳрамоннинг экстремал вазиятдаги танлови эътиқодий қарашлар ва Шарқона ахлоқ принципларига зид келмасагина, уни миллий характер санаш мумкин.

Демак, Н.Эшонқул шахс эркинлиги масаласида Н.нинг ўзини рўёбга чиқара олмаслигида бир томондан, ижтимоий ҳаёт, ноинсоний жамиятни айблайди. Иккинчидан, ҳаракатдаги инсон конкрет шароитда иложсиздир, деган хулосага келади. Ўзининг озод, умуминсоний қалбни излаш, рангин изтироб-ғуссаларига муайян исм топишга уринади. Инсоннинг ажралмас бойлиги унинг эмоционал дунёси эканига урғу бериб, экзистенциализм ғояларини тасдиқлайди. Шу тариқа, миллий адабий-эстетик асослардан қисман узоқлашади.

Буни адиб интуиция орқали амалга оширади. Мантиқий далиллар орқали изоҳлай олмаса-да, таянган ақидасидан воз кечмайди. Ушбу асарда муаллиф йўл қўйган чалкашликларни бир қадар изоҳлаш мумкин бўлган бир муҳим жиҳат бор: "Гўрўғли" романи ўтган асрнинг 90-йилларида битилгани ва унинг журнал варианти жуда кечикиб эълон қилинган. Муаллиф сўзлари билан айтганда асарда шу боис: *"...деворларини зах босган, қулаш арафасига келиб қолган, инсоннинг ботиний қувватини сўриш эвазига яшаган тузумнинг бадбўй ҳидлари анқиб турибди"*[1].

Қўлёзма нашр қилинишигача ўтган катта давр оралиғида муаллиф асарни бир неча бор таҳрир қилган. Бироқ бу уринишлар романдаги тасвир йўналишини бошқа ўзанга солиш имконини бермаган. Н.Эшонқул бу ҳолни: *"кучим етмади",*

[1] Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман // Шарқ юлдузи, 2012. – №2. – Б.14.

деб изоҳлаб, асар *"роман сифатида ўзини оқламайди",* деган фикрга келганини қайд этади. Узоқ иккиланишлардан сўнг ёзувчи асар қай тарзда яралган бўлса, ўша ҳолатда қолгани маъқул, деган хулосага келган. Адиб "Гўрўғли" романи моҳияти ва журналхонлар ҳукмига ҳавола этилиш "тарихи"га тўхталиб: *"Ўзининг тириклигини, мавжудлигини исбот қилиб беролмаган, инсоннинг тириклиги ва мавжудлигини тан олмаган, инсонийлик шаън ва ғururини хўрлаш ва ҳақоратлаш эвазига яшаган ўша мустабид тузумдан чиқариладиган кичик бир сабоқ бўлиб қолиши учунгина уни барибир эълон қилишга жазм этдим"*[1], деб ёзади.

Юқоридаги иқрорга таяниб, "Гўрўғли" романи адибнинг XX асрнинг 90-йилларидаги ижодий кайфияти, эстетик қарашларига хос белгиларни ташийди, деган хулосага келиш мумкин. Бинобарин, роман ўзида адиб яхлит эстетик принципларини эмас, ижтимоий дардига ифода ва имкон излаган изланишлар даврига хос муайян босқични акс эттиради.

Роман "Гўрўғли" деб номланишига қарамасдан, мумтоз эпосга бевосита эмас, билвосита дахлдор. Чунки ёзувчи халқимиз тақдирида содир бўлган таназзулнинг "шўролар даври" деб аталувчи муайян босқичи билан боғлиқ ҳалқасини поэтик мушоҳада этиш орқали тарихий хотирани янгилаган. Роман марказида ташқи дунёда ўзи учун белгилаган ижтимоий чегараларга сиғмай, бу ҳаётда мавжуд эканини тасдиқлатишга интилган трагик қаҳрамон туради. Трагиклик асарнинг шу жиҳатида кўринадики, Н.нинг барча ҳаракат-интилишлари, фикр-ўйлари ташқи олам тартиботига зид келади. У "белгиланган чегара"ларни бузмоқчи бўларкан, бу билан "трагик хато"га йўл қўяди. Натижада, мавжуд шароитда ўз ечимига эга бўлмаган трагик конфликт юзага келади. Содир этилган "трагик айб" сабабли инсон ўзлигини тасдиқлатиш мақсадида бошлаган ҳаракатлар йўли уни ўзлигидан воз кечиш манзилига олиб боради. Чунки, инсон ва жамият муносабатларида юзага келган зиддиятни, айни шароитда, зинҳор келиштириб бўлмас эди.

[1] Назар Эшонқул. Ўша жойда. – Б.14.

Демак, роман қаҳрамони ўзининг қисматига ўқилган ижтимоий ҳукмни ижро этади. Бу ижро “мен – оламда” концепцияси асосида ҳаракатланган маҳкумнинг чорасизликка топган энг сўнгги чораси эди. Жаҳон адабиётида ҳам шунга яқин ҳолатларга дуч келамиз. “Яқин” дейишимизга боиси шуки, Ғарб адабиётида чегарадош вазиятга тушган қаҳрамоннинг сўнгги танловини бир қадар ўзгача симптомлар бошқаради. Жумладан, “Шоҳ Эдип” (Софокл) трагедиясидаги Эдипнинг ўзига жазо белгилаши замирида маъбудлар ҳукмини кутмаслик, ўз адолатини ўрнатиш истаги ётади. “Анна Каренина” (Л.Толстой) романидаги Анна дунёвий ҳаётига сўнгги нуқта қўяркан, буни ташқи воқеликка қарши исён тарзида амалга оширади.

Кўринадики, адабий қаҳрамон ўз қисматини ўзи белгилар экан, унинг ботини ва ташқи ҳаракатларида мавжуд тартибларни бузганини очиқ-ошкора намойиш этишга интилиш қабариб кўринади. Демак, бу вазиятда уларни бошқараётган заруриятнинг икки муҳим қирраси мавжуд:

1. Ички зарурият (*ўзини ўзи учун тасдиқлаш*);

2. Ижтимоий зарурият (*ташқи олам ўзи учун белгилаган чегараларни ўзгартириш ёхуд бузиш орқали ўзини ташқи олам учун тасдиқлатиб олиш*).

“Гўрўғли” романини шу нуқтаи назардан кузатсак, Н.нинг зиддиятларга тўла аянчли қисмати унинг ўзигагина тегишли эмаслиги ойдинлашади. Зотан, қаҳрамон юксак ижтимоий қадрият деб билган барча ақидалар бирин-кетин парчаланади. Умуминсоний қадриятлар топталиб, ўзлик қадр топмайди. Бироқ мавжуд шароитни ўзгартириб ҳам бўлмайди. Тасодиф туфайли юзага келган имконсиз вазият-ҳолатга жўяли ечим топишга интилиш шиддат билан бошланган кезда, вазиятнинг ўнгланишига ишонч кучли эди. Аста-секин вазият мураккаблашиб комик, трагик ва ниҳоят сатирик тус олади. Чунки қаҳрамон ишончлари барҳам топа бошлайди. Ботиний зиддият ниҳоясида мавжуд вазиятни ўзгартириш чиндан ҳам имконсиз эканига иқрор бўлинади. Яъни қаҳрамон ботинида трагиклик модуси томон кескин оғиш кузатилади. Бироқ, ва-

зият бошқачароқ ечим топади. Яъни Н.тақдири трагизм асосида тўла ечилмайди. Чунки, у ўзини борича тасдиқлата олмайди. Имконсизликка кўнишга мажбур бўлади. Албатта, бу ўзликни инкор этиш ҳам, ижтимоий адаптация ҳам эмасди.

Жамият ижтимоий-маънавий ҳаётининг моҳиятини тафтиш этишда эса, адиб уни тўла инкор этади. Бу ўринда кулгининг фош қилувчилик хусусияти етакчи мавқега кўтарилади ва сатирик модус юзага чиқади. Зотан, амалдаги тартиблар ва унинг барча ижрочилари ўзлари эгаллаган мавқеъ ва даъво қилаётган мақомларига муносиб эмас. Шу боис, катта-кичик маҳкамаларнинг узун-қисқа, ориқ-семиз ва бақалоқ мутасаддилари моҳиятан ўз-ўзини инкор қилишади. Демак, сатирик модус марказига алоҳида шахс тақдири эмас, балки “ниқоб”ланган ижтимоий типлар қисмати қўйилган. Муаллиф фаол муносабатига кўра, улар кескин инкор этилган. Ёзувчи романда бу типларни қаҳрамон – аксилқаҳрамон тарзида тасвирлаган. Бу ҳол қаҳрамонлик модуси трансформацияга учраб, унинг зидди бўлган аксилқаҳрамон юзага келишида ёрқин кўринади. Англашиладики, “Гўрўғли” романида трагиклик ва сатирик модуслар қоришиқ ҳолда қўлланилган.

* * *

Чинакам қалам соҳиблари ҳамиша ўз индивидуал услубини кашф этиш сари интилишган ва улар ижодий кредосини белгилашда адабий таъсир етакчи фактор бўлолмаган. Шунга қарамасдан, романчиликда адабий таъсир ва алоҳида ижодкорнинг ўз поэтик услубини кашф этиши масаласи ўта долзарб муаммолардан биридир. Буни яхши англаган адабиётшунос олима ва мунаққид Валентина Ивашева кўплаб адиблар ирланд ёзувчиси Жеймс Жойснинг ижтимоий тушкун адабий қарашлари – буржуазия синфи мамлакатни таназзулдан олиб чиқишига ишонмаслик, истиқболга етакловчи йўлларга шубҳа билан қараш, ялпи инкор этиш оҳанглари таъсирига тушиб қолгани хусусида куюниб ёзади. Олима бундай ёзувчилар қаторида “Алвидо қурол!” (1929), “Тўқчилик ва йўқчилик” (1937), “Мотам қўнғироғи” (1940), “Дарё-

нинг нарёғида, дарахтлар соясида" (1950) романлари, "Чол ва денгиз" (1952) қиссаси ва кўплаб ҳикоялари билан танилган Эрнест Хемингуэй (АҚШ) номини ҳам санайди. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 30-йиллари биринчи ярмида Э.Хемингуэй ижодида тушкунлик кўзга ташланган эди.

Бизнингча, адиб "Алвидо қурол!" романини яратганидан сўнг, ўз ижодининг муайян йўналишларини аниқлаш, ҳаёт йўлини теран мулоҳаза қилишга интилган. Зотан, биринчи жаҳон муҳорабасида иштирок этган ёзувчи урушнинг бемисл мантиқсизликларини ўз кўзи билан кўрди. Романда инсоний мардлик, қадр-қиммат ва самимий муҳаббатни улуғлади. Ёвуз кучлар инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркига тажовуз қилишини кескин қоралади. Бу кузатишлар уни таҳлилий, қиёсий мулоҳаза-мушоҳадалар сари етаклади. Адиб оддий кишилар образини ўз асарларига олиб кираркан, жаҳолатга қарши ёлғиз курашиш имконсизлиги ва у инсонни муқаррар ҳалокатга етаклашига эътибор қаратди.

Испан халқининг миллий озодлик курашларида қатнашганидан сўнг Э.Хемингуэй қаҳрамонлари инсоният тақдирига масъул эканликларини қалбан ҳис қиладиган, фашизм вабосига қарши курашувчи, муқаррар хавф-хатардан қутилиш йўлларини изтироб билан изловчи кишилар бўла борди. Ёзувчи иккинчи жаҳон урушидан кейин алоҳида инсон руҳий ҳолатини тадқиқ этиш орқали ижтимоий вазиятни холис кўрсатишга интилди. *Ҳаёт ҳақиқатини ҳаққоний тасвирлашга асосланган ўз услубини кашф этди*.

В.Ивашева фикрича, Уильям Фолкнер (АҚШ) ҳам Ж.Жойс ижодининг кучли таъсири остида қалам тебратган. Маълумки, адиб "Шовқин ва ғазаб" (1929) романидан кейингина илмий-адабий жамоатчилик назарига тушган. "Ўлим тўшагида" (1930) романида қаҳрамонлар руҳий ҳолатини уларнинг ички монологлари орқали ифодалаш маҳоратини эгаллаган. Романни эллик тўққизта ички монолог асосига қурган. "Ибодатхона" (1931) романида ҳимоясиз аёлнинг гангстер – босқинчи томонидан зўрланиши, нажот йўлини тополмай, фоҳишахонадан бошпана топишини тасвирлаган. Бир инсон

эрк ва иффатига қилинган ногаҳоний тажовузни хусусий ҳол эмас, балки ижтимоий эрксизлик сифатида ифода этган эди. Албатта, унинг ижтимоий бошқарувни кескин инкор этишида Ж.Жойс таъсири кузатилади.

Фолкнер шу таъсир доирасида қолиб кетмади. У “Август ёғдуси” (1932) романида зоҳиран сипо бўлиб кўринган кишилар, аслида, ашаддий ирқпараст эканлигини фош этди. “Авессалом, Авессалом” (1936) романида жанубда мулкдор – плантаторлар янги авлодини яратишга қаратилган сиёсий ҳаракатлар оқибатсиз эканини кўрсатди. Бундай ижобий интилишлар унинг жаҳоний эътирофи – Нобель мукофоти совриндори (1949) бўлишига олиб келди.

Демак, Э.Хемингуэй ёхуд У.Фолкнер ижодида кузатилувчи тушкунлик руҳи, *биринчидан,* ижтимоий давр воқеалари таъсири билан боғлиқ бўлиб, у ёзувчилар ижодий такомили муайян босқичида бўй кўрсатган. *Иккинчидан,* Э.Хемингуэй ижоди мисолида кузатганимиздек, бу ҳол адиб шахсияти, ҳаётий кузатишлари, ўз-ўзини тафтиш этишга интилиши натижасида юзага келган. Бинобарин, бу ўринда Ж.Жойс таъсирини *учинчи фактор* санаш мумкин. Таъкидланганидай, Э.Хемингуэй ва У.Фолкнер учун адабий таъсир етакчи фактор бўлолмаган. Улар ўз индивидуал услубини кашф этиш сари тинимсиз интилишган.

Маълумки, Ж.Жойс ўзи абгор ва аянчли деб билган дунё устидан гоҳ ижирғаниб, гоҳ қаҳ-қаҳ уриб кулади ва уни бошдан-оёқ инкор этади. Жумладан, “Улисс” романида дублинлик бефаҳм мулкдорлар, ақидапараст черков ходимлари, фаолиятсиз амалдорлар ва “Фримен” газетаси таҳририяти ходимлари аёвсиз кулги остига олинади. Реал ҳаётни хаос деб қабул қилган адиб субъектив тасаввурига кўра, одамзот жирканч ва разил жонзот. Шунинг учун ёзувчи ўз қаҳрамонларини алам ва ижирғаниш ҳисси билан тасвирлайди. У “санъат–санъат учун” ғоясига таянади. Иллатларни келтириб чиқарган ижтимоий тарихий шарт-шароитларни инобатга олмайди. Романга адибнинг одамови ва хаёлпараст табиати, одаму оламга бўлган тушкун – декадентлик кайфияти кўчади. Буни

роман "онг оқими" – замон ва макон бир қатламдан бошқасига узлуксиз ўтиши асосига қурилгани ҳам тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, асарда вақт бирлиги гоҳ кенгаяди, гоҳ торайяди. Фикр-хаёл кишиси – ўз даври типлари бўлмиш уч персонаж (Леопольд Блум, Мэрион, Стивен Дедалус) атиги бир кунлик қисқа ҳаётида ҳозир ва келажакда ҳаракат қилишади. Ўтмиш ва келажак ҳозирнинг бағрида жонланади. Фалсафий мушоҳадалар шу қадар аралаш-қуралаш ҳолда тасвирланганки, замон ва макон ўртасидаги чегара ўқувчини беҳад қийнаб юборади. Чунки китобхон қаҳрамонлар психик фаолиятида содир бўлаётган нерв жараёнларининг ўзаро туташуви ва бойиши натижасида унинг айрим қисмлари ўртасида алоқа тизими вужудга келишини илғаш, хусусийликдан умумийликка қараб, индуктив мантиқ асосида, муайян хулосалар чиқариш учун анча тер тўкиши лозим.

Ваҳоланки, Ж.Жойс учун индивидуал онг хусусиятларини поэтик тадқиқ қилишнинг ўзи етарли. У эҳтимоллик мантиғига таянгани учун, билиш жараёнлари объектив мазмуни билан белгиланадиган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан бош тортади. Жумладан, Стивен (*биринчи қиёфаси*) маҳдуд қарашларида Ватан ҳисси сезилмайди, Блумда (*Стивеннинг иккинчи қиёфаси*) маданият, жасорат белгиси кузатилмайди. Мэрионда хаё ҳам, иффат ҳам йўқ. Бу нусхаларнинг ҳеч бири ўз "мен"идан юксала олмайди.

Зотан, муаллиф: *бутун одамзот "хом сут эмган банда"га хос ирсият – генотип билан боғлиқ сезгилар оламида яшайди*, – деган ақидага таянади. Шунинг учун, роман қаҳрамонлари ўз кечмишини англашмайди. Айнан шу англамсизлик уларнинг ғайришуурий оламида беҳаловатликни келтириб чиқаради. Образлар жамиятнинг аҳволини шахсийлик даражасида мушоҳада этишади. Кундалик икир-чикирлар беҳад батафсил тасвирида ақл-идрок эмас, шахсий ҳаёт давомида орттирилган мослашув реакциялари тизими устунлик қилади. Айни пайтда, ёзувчи жамиятнинг айни ҳолати муқаррар ижтимоий зилзилаларга олиб келишига ишонади.

Ж.Жойс ўз поэтик нигоҳини шахс ички олами тасвирига

қаратади. Кечинмалар дунёси орқали шахснинг ўзига хос идрок қилиш тарзи – манфаатпарастликка бўйсундирилган воқеликни бадиий ифодага кўчиради. Адиб тасвирлаган шахслар ижтимоий давр типлари экан, уларнинг феъл-атворига дахлдор белги-сифатларни ягона асосга келтириш лозим бўлади. Бунда турғун ҳолда такрорланувчи жузъий ҳоллар биз учун муайян типга мансуб умумийликни англаш учун мантиқий асос вазифасини ўтайди. Зотан, такрорланиб турувчи статик ҳолатларда сабаб ва заруриятни ифодалайдиган умумийлик мужассам.

Демак, Ж.Жойснинг романида ёзувчининг хоҳиш-иродасига зид тарзда, ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий типлар акс этган. Соддароқ қилиб айтганда, роман қаҳрамонлари ҳар қанча бошқаларга ўхшамаса-да, ўзгалардан унчалик фарқ қилмайди. В.В.Ивашеванинг: *"Инглиз тилида яратилган бадиий адабиёт намуналарининг бироргасида ҳали-ҳануз буржуа маданияти "Улисс"дагичалик таҳқиромуз, очиқ-ойдин, истеҳзо билан ҳамда заҳаролуд тилда баён қилинмаганди"*[1], *деган фикри айни ҳақиқатдир.*

*Дарҳақиқат, романда аламангиз истеҳзо ҳеч қандай назокатсиз, ошкора акс этган. Ирланд сага (халқ достон)лари, рицарлик романлари, христиан дини туб асосларидан тортиб, И.В.Гётенинг "Фауст" асаригача нафис ифода услуби ва олижаноб ғоялари жиҳатидан пародия қилинган. Нафс ва шаҳвоний ҳирс қабиҳлигини фош этиш асносида, моддий олам ва инсоният онг-шуурига дахлдор барча қонуниятлар (кенг маънода, башарият маданияти*) буткул рад этилган. Ҳатто, ақл-идрок соҳиби санаш мумкин бўлган Стивен Дедалус ҳам, аслида, хиёнат ва нафрат оралиғидаги аросат ҳолат – индивидуал ва ижтимоий изтироблар оғушида яшашга маҳкум. Стивеннинг айш-ишрат балчиғига ботиши ғоят осон кечади. Чунки маънавий дунёси омонат бўлган бу жўн одам кундалик турмуш ташвишлари билан яшайди. Физиологик қизиқишлар доирасидаги кимса ҳеч қачон ўз руҳини юксалтиришга қодир эмас.

[1] Ивашева В. Жеймс Жойс / Жаҳон адабиёти, 2017, – №5. – Б.147.

Адабий қуроқ – киномонтаж усули орқали ифодаланган образлар мажозий маъно қатламига назар ташласак, қуйидаги ҳолатлар бўй кўрсатади: бутун дунё тартибсизлик – шовқин-сурондан иборат ва уни зулмат қоплаган. Инсон шу зулмат қўйнида сарсон-саргардон кезиш, мавжуд вазият талабига кўра ҳаракат қилишга маҳкум. Шу боис, унинг саргардонлиги жараёнида ҳеч қандай олижаноблик содир бўлмайди. Ёзувчининг жамият ва инсонга бўлган чексиз нафрати бунга изн бермайди.

Таассуфки, Ж.Жойс инсонни фақат жисмонан бадиий тадқиқ қилади. Унинг шуури, онгости туйғуларида яширин ёвузлик ва бадбинликни поэтик ифодага кўчиришга интилади. Шарқ одами эса, ҳеч қачон инсон табиатини бу қадар ёқимсиз ва абгор ҳолда идрок этмайди. Миллий романчилигимизда инсоннинг ҳайвоний нафси инкор этиларкан, унга имкон қадар шафқат назари билан қаралади. Ҳатто, воқелик қаҳрамон ботинига кўчганида ҳам, ижодий услубда унинг англашилмаган руҳий таъсирлар сарҳадидан онгли ҳаёт сари ўтиши тасвири етакчилик қилади. Шунинг учун, *миллий романчиликда онг оқимига хос поэтик ифода шаклларидан фойдаланиш мумкин. Аммо, Ж.Жойс методи ўзбек романчилигида ҳеч қачон ўзини оқламайди. Чунки бизда инсон онг қатламларида пайдо бўлган бетартиблик ҳолати, табиий тарзда, тартиблилик билан алмашади. Инчунин, бундай ҳолларда ҳамма нарсани ижодкорнинг рағбат-майли, дунёқараши ва ментал тафаккури ҳал қилади.*

Танишганимиздай, "Улисс" романида ҳаётсеварлик туйғуси ва бунёдкор ғояларга ишонч руҳи йўқ. Бунинг ўрнини ҳаёт бадбин ва адолатсиз экани ҳақидаги натуралистик тасвир ва ақидапарастлик эгаллайди. Ёзувчи тарихий тараққиёт истиқболдан маҳрум экани ҳақидаги пессимистик таълимотни тарғиб этди. Шунга қарамасдан, мазкур романнинг қуйидаги уч эътиборли жиҳатидан ҳам кўз юмиб бўлмайди: 1. Ҳар эпизодда: илоҳий матнлар, черков китоблари, сагалар, рицарлик романлари, илмий тадқиқот, хат-хабар каби турфа жанрларга хос усуллар – натуралистик, романтик, реалистик услу-

блар ўрин алмашинуви. 2. Персонажлар нутқи уларнинг маданий савиясига монанд тарзда индивидуаллаштирилиши. 3. Онгдаги бир-бирига ўхшамаган турфа фикрлар, ҳис-туйғулар кураши ифодаланиши.

Умуман олганда, жаҳон модерн романчилиги турфа тизимлардан таркиб топган. Афсуски, *бу системаларнинг хоссалари мустақиллик даври ўзбек романларида кузатилувчи поэтик янгиланишларни тўласича изоҳлашга қодир эмас.* Чунки, миллий романчиликда мавжуд янги белги-сифатлар ўзининг айрим хоссаларига кўрагина Ғарб адабиётидаги шу жанр намуналарига мос келади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўзбек (Шарқ) ва хориж (Ғарб) романлари муносабатлар тизимида *қатъий аналогия мавжуд эмас. Чунки, ўзбек романи хориж романларининг жўнгина модели эмас. Улар ўртасидаги зарурий алоқадорлик миллат поэтик тафаккури эҳтиёжига кўра юзага чиқмоқда.* Масалан, Назар Эшонқул ўз шуури билан иррационализм, экзистенциализм, модернизм, постмодернизм моҳиятини англаб етмаганида, унинг поэтик ижодида Ж.Жойс, М.Пруст, Ф.Кафка адабий тажрибаларига хос белги-сифатлар бўй кўрсатмаган бўларди. Бинобарин, *ўхшаш хусусиятлар мавжудлигини шунчаки қайд қилишнинг ўзи етарли эмас. Ҳамма гап унинг ўзбек ёзувчиси ички маънавий эҳтиёжи, амалий тажрибаси орқали қандай ижодий ўзлаштирилганидадир.*

Н.Эшонқул – дунё адабиёти муҳибларидан бири. Бу ҳол адиб ўз ижоди муайян босқичида Ғарб адабиёти поэтик ифода арсенали оҳанрабосига эргашиб, муайян даражада ижтимоий-адабий манипуляция таъсирига тушиб қолиши мумкинлигини ҳам кўрсатади. Адиб ижоди кейинги босқичида кузатилувчи эркин ва озод тафаккурдан ранг олишга бўлган интилишлар онг ости тасвирларига эргашиш жараёнларининг ўткинчи ҳол эканини кўрсатади. Зотан, адабиётнинг умидбахш моҳияти, эзгу мазмун ва гўзал шаклда ифодасини топади. Проф. Д.Қуронов таъкидлаганидай: *“Чинакам санъаткор ҳамиша эзгулик томонида, борлиқни шу мавқедан туриб акс эттиради ва баҳолайди... эркинлик, жумладан, ижод*

*эркинлиги ҳам асло мутлақ бўлолмайди, мутлақ эркинлик ҳалокатлидир. Зеро, мутлақ эркинлик даъвосию адабиётда, аввало, ўзни ифодалаш воситасини кўриш сабаб Ғарбда шайтоний руҳга тўйинган битиклар дунёга келди... ҳақиқий санъат, жумладан, адабиётнинг раҳмоний бўлмоғи шарт... тушкун асарлар асли дилларидаги умидсизликни енгишга чоғланган муаллифларнинг мағлубияти ҳосиласидир"*[1]. Шу маънода, миллий романчилигимиздаги поэтик янгиланишларнинг учта муҳим жиҳатини кўрсатиш ўринлидир:

*Биринчидан,* ҳар бир ўзбек романнависи дунёқараши шаклланишига таъсир этган омиллар, унинг ҳаёт тарзи, инсоний характери, ижодий тажрибаси, бадиий диди, ижодкорлик салоҳияти, поэтик маҳорати билан шартланган индивидуал ҳодисадир.

*Иккинчидан,* бу жараёнларни англашда тадқиқотчи – мунаққиднинг муайян адиб ижод лабораториясига нечоғлик яқинлаша олиш иқтидори, ёзувчи билан бир маънавий орбитада яшаши муҳим аҳамиятга эга.

*Учинчидан,* ўзбек романи ғоят бой мумтоз адабий меросдан ташқарида мавжуд бўла олмайди.

Англашиладики, мустақиллик даври ўзбек романларининг хорижий аналогларидан ташқари яна бир, ўта мустаҳкам ўқ илдизи борки, у миллий заминдан озиқланади. Бу замин халқимиз ментал тафаккури, миллий эътиқоди, бой фольклори, мумтоз адабий мероси, романчиликда қарийб бир аср давомида тўплаган ибратли тажрибасига таянади.

Таъкидлаш ўринлики, миллий романчиликдаги янгиланишларнинг барчаси, истиқлол даври берган имконлар – эркин плюралистик тафаккур асосида синтез қилинмоқда. Зотан, *тафаккурдаги озодлик бу – чинакам мустақилликдир. Адабий-эстетик қарашларнинг тубдан ўзгариши жараёнида доминантлик мақоми миллий романий тафаккурга, ифода имкониятларининг структур янгиланиши эса, қисман хорижий адабиёт тажрибаларига тегишли. Зотан, миллий ро-*

[1] Қуронов Д. Муҳими – китобхонлик даражаси ва маданияти // Шарқ юлдузи, 2015. – №1. – Б.104–106.

*манчиликда янги мавзулар, шакллар ва ифода воситалари кашф этилишини дунё адабиётининг илғор анъаналари руҳидан ажратиш ҳам мумкин эмас.*

Романчилигимизнинг илгариги босқичларида ҳам, Анвар ("Меҳробдан чаён"), Йўлчи ("Қутлуғ қон") романларининг қаҳрамонлари ижтимоий келиб чиқишига кўра халқнинг қуйи қатлами вакиллари орасидан танланган эди. Улар шундай синфий типлар эдики, А.Қодирий ёки Ойбек истибдод зулми остида хўрланган кишиларни бутун орзу-ҳаваслари, қайғу-аламлари, интилиш-курашларига хос ички ғалаёнлари билан ҳаққоний тасвирлаш имконига эга эмасдилар. Шунинг учун, миллий романчиликнинг илгариги босқичларида бундай қаҳрамонлар фақат эпизодик қиёфа сифатида тасвирланар, кескин драматик ҳаётий вазиятлар ичидан олиб ўтилмас, қалб кечинмаларига асосий урғу қаратилмас эди.

Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган постсовет ҳудудларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси ёзувчилари шўролар даврида халқимиз бошидан кечирган азоб-уқубатлар, маънавий-руҳий изтиробларни рўйи-рост кўрсатиб беришни истиқлол йилларидагина асосий мақсад қилиб олишди.

Яккаҳоким мафкуранинг инсонийликка зид ғоялари таъсиридан қутилган адиблар реал ҳаёт картиналарини тасвирлашда оддий инсон образини етакчи планга олиб чиқишди. Бизнингча, *оддий одамлар ҳаёти, турмуш тарзи, кундалик ҳаёт муаммоларини акс эттиришга ўтиш – бу миллий романчилигимиздаги ўзига хос оқим, яъни неореализмнинг бўй кўрсатишидир.*

# ХУЛОСА

1. Мустақиллик даврида миллий қадриятлар ва бой маънавий меросни эъзозлаш, жаҳон адабиёти тажрибаларини ижодий ўзлаштиришга имкон берадиган ижтимоий-адабий муҳит юзага келди. Эркин ва плюралистик тафаккур асосида бадиий ижод қилиш, халқимизнинг тарихи ҳамда бугунги ҳаётини холис акс эттиришга интилиш кучайди.

2. Истиқлол даври ўзбек романнавислари дунёқараши янада юксалиши, поэтик маҳорати ортиши учун қуйидаги имкониятлар эшиги очилди:

а) фольклор ва мумтоз адабиёт, тарихий-маданий мероснинг маънавий, шаклий-услубий, ифодавий тажрибалари билан мустаҳкам робита тикланди;

б) турли фан ва санъат соҳалари ютуқлари билан яқиндан танишиш ҳаракатлари кенгайди;

в) ижодкорлар жадидчилик давридаги уйғониш ва яхлит XX асрда миллат зиёлилари онгида кечган, у ёхуд бу кўринишда намоён бўлган курашчанлик руҳига маънан яқинлашди;

г) шўро даври адабий сиёсати туфайли бадиий матн тагқатламида яширин тарзда ифодаланган изтироб ва армонли туйғулар, латиф орзу-кечинмаларнинг миллий табиати англаб етилди;

д) устоз адиблар маҳорат мактабидан ижтимоий фикрни поэтик ғояга айлантириш ва қаҳрамонлар ҳаракати, фикр-туйғуларига кўчириш тажрибаси ўзлаштирилди;

е) жаҳон назарий-фалсафий, адабий-эстетик тафаккури ютуқлари миллий асосда синтез қилинди. Мустақиллик даврида нашр қилинган икки юздан ортиқ миллий роман шу янгиланган воқелик маҳсулидир.

3. Янги романларни алоҳида шахсият, мустақил дунёқараш, поэтик тафаккур соҳиби бўлган турли авлодга мансуб адиблар ёзишди. Шунинг учун жанр шакллари ҳам турфалашди. Ижодий методлараро синтезлашув юзага чиқиб, ре-

ализм ўзининг янги имкониятларини намоён этди. Муайян адабий оқимга мансублик, дунё романчилиги ижодий мактабларидан ижодий таъсирланиш ва услубий ўзига хослик хилма-хиллашди.

4. Ўзбек романи *жанр кўринишлари жиҳатидан:* дилогия, трилогия, тетралогия, пенталогия, эпопея; *мавзу-муаммолар қамровига кўра*: фалсафий роман, тарихий роман, сиёсий роман, мемуар роман, публицистик роман, биографик роман, маърифий роман, роман-мубоҳаса, роман-истеҳзо, роман-ривоят, роман-миф, мини-роман каби илгариги босқичларда бўлмаган янги шакллар ҳисобига бойиди. Жанрнинг ижтимоий-фалсафий қамрови ва поэтик ифода арсенали кенгайди. Бу ҳодиса унинг сюжет, композиция, конфликт, қаҳрамон, поэтик тасвир тамойиллари, структурал қатламлари, семантикаси ва бадиий ифода йўсинида сезиларли ўзгаришларни вужудга келтирди.

5. Роман – глобал дунё ривожланиш тенденциялари ва замон шиддатини бутун мураккабликлари билан ифода этишга қодир жанр. Шакл-шамойили ва мазмун-мундарижаси доимий ўсиш-ўзгаришда экани сабабли роман қатъий канонларга бўйсунмайди.

6. Романий тафаккур тарзи ва поэтик тасвир усули ёзувчи бадиий оламида шаклланади. Роман жаҳон халқлари бадиий тафаккурида вужудга келган шакллар ва воситаларни ижодий ўзлаштириб, тамомила янги поэтик воқелик яратади. Замонавий ўзбек романларининг синкретиклик хусусияти ортиб бораётгани сабаби шунда.

7. Миллий романлар бадиий тасвирида шахс ботиний оламида кечувчи микродиалогларга (ички ҳаракат) эътибор ортди. Поэтик воқелик моҳиятини жонли мулоқот – диалогга киришиш ташкил эта бошлади. Чунки инсон табиатан доимий мулоқот вазиятида яшайди. У одамлар билан, шунингдек “мен” ва ундан бошқа барча (“ўзга”) сифатидаги ғайриқутб билан мулоқотга киришади. Саноқсиз шаклларда намоён бўладиган бундай коммуникатив мураккабликнинг

поэтик ифодага кўчиши бадиий асарнинг ишончлилик даражасини орттирди, интеллектуал китобхон маънавий-руҳий эҳтиёжини қондирди. Айни пайтда, аксарият романларнинг кенг оммалашувини ҳам сустлаштирди.

8. Миллат вакиллари ўзлигини англаш жараёни чуқурлашиши ижтимоий-эстетик, адабий-бадиий ҳодисаларга ўз таъсирини ўтказди. Нашр қилинган энг сара романларнинг қаҳрамонлари ўзини кашф қилиш ва англашга интилади.. Мустақиллик даври ўзбек романи структур-семантик қатламида муаллиф ва бошқа қаҳрамонлар овозига ўзаро уйғун тарзда жаранглайдиган микродунёлар пайдо бўлди.

9. Мустақиллик даври романлари бадиий-фалсафий мушоҳада майдони вазифасини ўтамоқда. Чунки, ҳозирги романларда инсоннинг шахслик мақоми, миллат ва ватан тақдирига алоқадорлиги ифодаланмоқда. Улар тарихий-миллий, диний-ахлоқий қадриятлар ва ислом фалсафасига таяниб яратилмоқда. Романчилар инсоннинг Оллоҳ, одам, тарих ва бугун олдидаги бурчини бадиий идрок этишга интилишмоқда. Замонавий романларда яратилиш ва яшашдан мақсад, инсонга берилган илоҳий имкондан фойдаланиш мавзуларига эътибор кучайди.

10. Тарихий романларда халқимизнинг ўтмишда кечган ҳаёти, боболарни юксалтирган гўзал маънавий фазилатлар ёритилмоқда. Бундай романларда умумбашарий қадриятлар устувор эстетик мезон бўлмоқда. Романларда жаҳонгирлар ва шайх-валийлар, шоир ҳамда алломалар образлари яратилди. Уларнинг ўзига хос имон-эътиқоди, мақсад-маслаги, фикрлаш тарзи, руҳий-психологик олами эстетик таҳлил объектига айланди.

11. Кейинги йилларда юзага келган романларда воқеа-ҳодисаларни адабий қаҳрамон қалбидан ўтказиб тасвирлашга эътибор ортди. Миллий романчиликда кенг тармоқли сюжетлар ўрнини юксак интеллект ва нозик туйғули шахсларнинг ички дунёсини бадиий тадқиқ этиш эгаллай бошлади.

12. Тарихий романлар марказига ҳам воқеалар эмас, балки реал инсоннинг ҳаёт концепцияси чиқарилмоқда. Тарих орқали миллатнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-маърифий сифатлари бадиий тадқиқ этилмоқда. Бундай романлар ўзбекнинг ўзлигини англаши, ғururини юксалтиришида муҳим ўрин тутмоқда.

13. Мустақиллик даври романларида мистика, романтик идрок, фалсафийлик, психологизм, интеллектуаллик, онг оқими ва онгости ифода унсурларини қўллашга интилиш кучайди. Ўзбек адиблари модернизм, постмодернизм, сюрреализм, экзистенциализм, иррационализмга хос белги-хусусиятларни миллий негизда ўзлаштиришмоқда.

14. Замонавий миллий романчиликда ҳаракатдаги замон – тугалланмаган воқелик тасвири устувор ўрин тутади. Мустақиллик йилларида тарих ва ҳозирги замон ўртасидаги чегаралар нисбати ўзгарди. Бу ҳол миллий романларнинг тил ва услуби кўп қатламли ҳамда серқирра бўлишига олиб келмоқда.

15. Замонавий ўзбек романларида инсоннинг фикр-ўйларини безовта қилаётган муаммолар, эътиқодий қарашлар моҳиятини англаш жараёни тасвирига эътибор кучайди.

16. Ҳозирги ўзбек романчилиги поэтик арсенали жаҳон адабиётида кечаётган ўзгариш ва эврилишлар ҳисобига бойимоқда. Поэтик ифодада муаллиф дунёқараши, образларнинг қалб кечинмалари бутун мураккаблиги акс этмоқда. Бу ҳол миллий романчилик янги бадиий тадқиқ тарзига ўта бошлагани белгисидир.

17. Мустақиллик даври романларида ҳажмнинг ихчамлашиш жараёни кузатилмоқда. Бу воқеаларни тасвирлашдан кўра, унинг образлар руҳиятида қолдирган нуқсини акс эттиришга эътибор кучайгани белгисидир.

18. Айрим романларда илоҳиёт ва ғайбга доир мазмун-моҳият акс этиши кузатилмоқда. Уларда оддий инсонга тегишли жиҳатлар мажоз ва кўчим бағрида тасвирланиб, илоҳий китоблар, агиографик манбаларда ифодаланган сир-

ли ҳолатлар истиқлол даврига уйғун тарзда бадиий талқин қилинмоқда.

19. Замонавий ўзбек романлари баён тарзида муаллиф ва персонаж нутқи, ҳаётий ҳамда хаёлий, хотирада қайта жонланган, тасаввурда юзага келган эврилишлар тасвирининг ёнма-ён келишига эътибор ортди.

20. Истиқлол даври романлари поэтикасида ўзига хос қуйидаги белгилар кўзга ташланади:

а*) реализм ўзининг янги имкониятларини намоён этаётгани;*

*б) жанрлар мутацияси ва гибридлашув содир бўлгани;*

*в) метафорик тафаккур кенгайгани;*

*г) поэтик метаморфозаларга эътибор ортгани;*

*д) ўқувчи тасаввур дунёси муаллиф нигоҳи билан уйғунлашаётгани;*

*е) услуб самимияти ўқувчини ўзига эргаштириб, миллий турмуш саҳналари тасвири, унинг ички оламида пўртаналар ҳосил қилаётгани;*

*ё) сюжет воқеалари ва вазият-ҳолатлар тасвири мозаика бўлаклари сингари берилиб, рамзлар теварагида жипслашиб ривож топаётгани;*

*ж) поэтик ифода инсон хаёлотини янги дунёларга етаклаши;*

*з) гуманистик пафос теранлашаётгани.*

21. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикасида қуйидаги камчилик ва нуқсонлар кузатилади*:*

*– Баёнчилик ва фикр такрорлари. Натуралистик лавҳалар ҳамда. китобхонни зериктирувчи мавҳумлик* (Т.Рустам, Қ.Кенжа);

*– характерлар руҳий оламини уларнинг жонли нутқи орқали очишга эриша олмаслик. Образлар нутқини индивидуаллаштиришда макон-замон аниқлигига етарли эътибор бермаслик* (О.Мухтор, Н.Қобул);

*– поэтик нутқни сарбаст ва верлибр шеър шаклларига хос тарзда мисраларга бўлиб, график ўзига хосликка эришилган ҳолда, эмоционал тўйинтира олмаслик* (О.Мухтор);

– *сюжет ва конфликт ривожида публицистик баёнга берилиш* (А.Иброҳимов, У.Ҳамдам);

– *диалог ва монологларда муаллиф нутқи таъсирининг сезилиши* (Х.Дўстмуҳаммад);.

– *эҳтиросли, пардасиз саҳналарнинг очиқ тасвирланиши* (С.Вафо, Зулфия Қуролбой қизи);

– *ижтимоий муаммолар талқинида кескин конфликт етишмаслиги* (Л.Бўрихон);

– *илмий гипотеза ва башоратларга мойиллик* (Ҳ.Шайхов);

– *тафсилотларга ортиқча берилиш* (А.Дилмурод);

– *А.Камю ва Ф.Кафкага таассуб қилиш* (И.Зоир, Н.Эшонқул);

– *фикрларни мантиқан туташтира олмаслик* (С.Сиёев);

– *бадиий воқеликка аналитик муносабат билдириш* (Ш. Холмирзаев);

– *тарихий материалларнинг ҳиссий тўйинтирилмаслиги* (Б.Аҳмедов, П.Қодиров, П.Шермуҳаммедов, Ғ.Каримий);

– *дидактика ва яланғоч насиҳатбозлик* (Отаули);

– *ижодий ниятни поэтик далиллай олмаслик ва схематизм* (Қ.Муҳаммадризо);

– *бадиий асар жанрини тўғри белгилай олмаслик* (Ш.Холмирзаев, А.Иброҳимов, К.Аваз, У.Ҳамдам, Н.Жалолиддин) ва ҳоказо.

Юқоридаги сингари камчиликларига қарамасдан, мустақиллик даврида яратилган кўплаб асарлар ўзбекона поэтик тафаккур жозибаси, анъаналар қайта идрок этилгани, турфа адабий мактаб ва йўналишларга хос поэтик ифода имкониятлари миллий руҳ асосида синтез қилингани, улар эътиқодий ғоялар билан уйғунлашгани учун замонавий дунё эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


### *1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:*

1.1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 173-б.

1.2. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 39-б.

1.3. "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"-ги Президент Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил, 14 май. №94.

1.4. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 446-б.

1.5. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза // O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 2017 йил, 4 август. №32.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. №258.

### *2. Илмий-назарий адабиётлар:*

2.1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1978. 415-б.

2.2. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1979. 444-б.

2.3. Адабий турлар ва жанрлар. Уч томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1991. 382-б.

2.4. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. 351-б.

2.5. Анастасьев Н.А. Обновление традиции. Реализм XX века в противоборстве с модернизмом. – Москва: Сов. писатель, 1984. – 430 с.

2.6. Афанасьев А.Н. Дерево жизни. – Москва: Современник, 1982. – 464 с.

2.7. Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. – Москва: Советская Россия, 1972. – 318 с.

2.8. Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – Москва: Искусство, 1986. – 444 с.

2.9. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Художественная литература, 1975. – 502 с.

2.10. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари (Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси) – Тошкент: Akademnashr, 2015. 280-б.

2.11. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1955. 509-б.

2.12. Белинский В.Г. Собрание сочинений. Т.3. – Москва: 1978. – 271 с.

2.13. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 560-б.

2.14. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. 104-б.

2.15. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. 1-жилд. (Атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар). – Тошкент: MUMTOZ S0‘Z, 2015. 664-б.

2.16. Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Уч жилдлик. 1-жилд. Қадимги давр. – Тошкент: MUMTOZ S0‘Z, 2013. 400-б.

2.17. Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Уч жилдлик. 2-жилд. Ўрта асрлар. Уйғониш даври (IV–XVI). – Тошкент: MUMTOZ S0‘Z, 2016. 428-б.

2.18. Борев Ю. Теория литературы. Лит. процесс. – Москва, 2001. – 370 с.

